

ЭКОЛОГИЯ




ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

А.А.РАФИҚОВ, Қ.Н.АБИРҚУЛОВ,
А.Н.ҲОЖИМАТОВ

ЭКОЛОГИЯ

Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар
фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаши томонидан
олий ўқув юртларининг иқтисодий таълим йўналишлари
талабалари учун ўқув қўлланма
сифатида тавсия этилган



Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамгармаси нашриёти,
Тошкент 2004.

**THE MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY SPECIAL
EDUCATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

TASHKENT STATE ECONOMIC UNIVERSITY

**RAFIKOV A.A., ABIRKULOV K.N.,
KHOJIMATOV A.N.**

ECOLOGY

This manual is recommended by the group of "regulating the activities of scientific organizations of higher education" of the Ministry of higher and secondary special education, for the structures of higher education establishments majoring in economy

А. А. Рафиқов, Қ. Н. Абирқұлов, А. Н. Ҳожиматов «Экология» - (Үқув құлланма). – Т.: ТДИУ, 2004 – 144 бет.

Құлланмада «Экология» фанининг назарий асослари, турли миқесдаги, хусусан Үзбекистондаги геоэкологик муаммолар-нинг сабаб-оқибатлари, ечиң йүллари, экологик сиёсатнинг мазмун-моҳиятлари батағсил баён этилган. Мазкур құлланмада экология ва иқтисодиётнинг ўзаро таъсирда эканлиги эътиборда туғилиб, экологиянинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатлари кенгроқ ёритилган.

Құлланма олий ўқув юртлари талабаларига мұлжалланған. Шунингдек, иқтисослашған лицей ва колледж ўқувчилари ҳамда ушбу соҳа билан қизиқувчилар фойдаланишлари мумкин.

Масъул мұхаррир: и. ф. д., проф.
Ш. Р. Холмұминов
Тақризчилар: и. ф. д., проф.
А. С. Солиев
и. ф. д., проф.
А. Э. Ишмухаммедов

Rafikov A.A., Abirkulov K.N., Khojimatov A.N. Ecology
(Manual) – T.: TSEU, 2004 – 144 pages

This manual is about theoretical basis “Ecology”, composed of different parts, it partly covers the reasons of the geo-ecological problems, presents the ways of solutions as well as explains ecological policies. Taking into account the interrelation of ecology and economy, the manual broadly explains social-economic issues of ecology.

The manual is designed for the students of higher educational establishments, as well as for students of lyceums and colleges revealing their interest in studying the topic.

Responsible editor: doctor of economic sciences,
prof. Holmuminov Sh.R.

References: doctor of economic sciences,
prof. Soliev A.S.
doctor of economic sciences,
prof. Ishmuhammedov A.E.

КИРИШ

Инсон дунёга келгандан бери табиат билан тўхтосиз ўзаро муносабатда бўлиб, унинг бойликларидан баҳраманд бўлмоқда. Ўзаро муносабат бевосита ва билвосита тарзда содир бўлиб, бу ҳодиса биологик ва кимёвий модда ҳамда энергия алмашуви жараёнида яхши ифодаланади. Модда ва энергия алмашуви инсоннинг табиатта таъсир миқёсига боғлиқ. Маълумки, техника ва технология такомиллашган сари инсоннинг табиатга таъсир доираси кенгай-иб бормоқда. табиий мухитда жиддий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Жумладан, маъданларни очиқ усулда қазиб олиш жараёнида улкан каръерлар, ағдармалар, ишлатиб бўлинган тоғ жинслари- уюмлари таркиб топмоқда. Буларнинг барчаси инсоннинг эндилиқда нақадар катта ўзгартирувчи кучга айланганидан дарак беради.

Хозирда экологик муаммоларни бартараф этиш долзарб масала эканлиги барчага маълум. Атроф мухитни ифлосланишдан саклаш, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш, умуман экологик-иқтисодий барқарор ривожланишга эришиш кўп жиҳатдан аҳолининг экологик саводхонлик даражаси, экологик маданияти ҳамда иқтисодиёт жабҳаларининг қанчалик экологиялаштирилишига боғлиқ. Шу туфайли экологиянинг турли жиҳатларини ўрганишга катта эътибор берилмоқда. Айниқса, уни иқтисодий жиҳатдан ўрганиш жиддий аҳамиятта эга. Чунки, экология билан иқтисодиёт бир-бири билан ўзаро таъсир ва алоқада ривожланади. Бу иқтисодиёт йўналишидаги талаблар, экологик билим ва кўнгилмаларининг юксак даражада шаклланган бўлишини тақозо этади.

Албатта, бунинг учун етарли ўқув адабиёт манбалари мавжуд бўлиши лозим. Бироқ, ҳозир республикада экологиянинг иқтисодий жиҳатларини атрофлича ёритиб бера оладиган ўзбек тилидаги дарслик ва ўқув қўлланмаларни эҳтиёж даражасида, деб бўлмаслиги мазкур ўқув қўлланма яратилишига туртки бўлди.

Қўлланмани нашр этишдаги амалий ёрдамлари учун Ташкент давлат иқтисодиёт университети «Иқтисодиёт ва статистика» факультети декани, иқтисод фанлари доктори, профессор Ш. Р. Холмуминовга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Ушбу ўқув қўлланмани яратиш муаллифлар учун осон бўлмади. Унинг муқобил варианти мавжуд бўлмаганлиги туфайли дастур тузиш ва унинг асосида қўлланмани яратиш қийин кечди. Албатта, камчиликлар мавжуд, бу ҳақиқат. Агар қизиқ-қан мутахассислар унинг илмий мазмунини яхшилаш ва бойитиш мақсадида ўзларининг таклиф ва мулоҳазаларини бизга юборсалар, миннатдор бўлар эдик.

ЭКОЛОГИЯНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ, ТАБИАТ БИЛАН ЖАМИЯТ ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАР

1.1. «Экология» фанининг предмети, тадқиқот объекти ва вазифалари

Экология бўйича турли тушунчалар мавжуд. Экология тирик организмларнинг улар яшаб турган мухит билан ўзаро муносабатлари тўғрисидаги фан сифатида эканлиги тан олинади. »Экология« атамаси (грекча ойкос- уй, яшовчи, макон ва логос- таълимот) ни илмий муомалага биринчи марта немис олими Эрнест Геккел (1866) киритган. У »экология«-бу табиат иқтисодиётини билиш, бир вақтнинг ўзида тирик организмларнинг мухитни органик ва ноорганик компонентлари билан бўлган барча муносабатларни тадқиқот қилишдир», деб тарьиф берган. Кейинги даврда экология тушунчаси кенгайиб борди. Экология қонуниятларининг организмлар мажмуасига турлар, кўп турли туркумлар, ниҳоят тирик организмларнинг барчаси киритилди. Экология барча даражалардаги биологик тизимларни ташкил қилиш ва функционал мавжуд бўлиш тўғрисидаги фан, деган мақомни олди. Кейинги вақтларда экология табиий, техника, қишлоқ хўжалик ва бошқа фанларга кириб бормоқда. Бошқача айтганда, бу ҳодисани экологиялаштириш, деб аталади. Экологиялаштириш жамият эҳтиёжларидан келиб чиқсан ҳолда экологик хавф-хатарнинг олдини олиш мақсадида фан ва амалиётни бирлаштиришга имкон беради.

Эндиликда экология фани биологиядан ажralган ҳолда мустақил равишда жуда кенг миқёсда ривожланиб бораётган макроэкологик фанга айланди. Унинг таркибида бир неча мустақил бўлимлар ёки илмий йўналишлар мавжуд (1-чизма). Булар барчаси экологиянинг бошқа фанлар билан яқиндан алоқада бўлиши, ўз навбатида уларни экологиянинг тадқиқот усулларидан фойдаланиб, мавжуд масалаларни муваффақиятли ҳал қилаётгани билан боғлиқ.

Макроэкологиянинг тузилишида қуйидаги асосий бўлимларни ажратиш мумкин: умумий экология, биоэкология, геоэкология, инсон экологияси, ижтимоий экология, табиатдан фойдаланишининг экологик иқтисодиёти, амалий экология ва бошқалар. Ҳар бир бўлим, ўз навбатида кичик бўлимлардан ташкил топган, улар йўналишлари бўйича бошқа фанлар ва экологиянинг бошқа бўлимлари билан алоқада бўлади.

Умумий экология ягона фундаментал илм асосида турли хил экологик билимларни бирлаштиришга бағищланған. Унинг негизи назарий экология бўлиб, экологик тизимларни мавжуд бўлишининг умумий қонуниятларини аниқлайди. Экологик жараёнларни тажриба йўли билан ўрганиш экологияда кўп қўлланилади. Экспериментал экология ютуқларидан фаннинг бошқа бўлимларида кенг миқёсда фойдаланилади. Шунингдек, баъзи жараёнлар моделлаштириш усулида ўрганилади, масалан, сунъий лаборатория экологик тизим модели, математик модел ва бошқалар. Бу жиҳатдан математик моделланишириш кейинги вақтда амалда кенг қўлланилмоқда ва у назарий экологиянинг асосини ташкил қиласди.

Биологик экология—экологиянинг асоси. Унинг асосий қисми тизимли экология бўлиб турлар (аутэкология), популяция (популяцион экология ёки демэкология), кўп турли туркумлар, биоценозлар (синэкология), экологик тизимлар (биогеоценоология, экотизимлар тўғрисида таълимот) каби қисмларни бирлаштиради. Эволюцион экология — экологик омилларнинг эволюциядаги аҳамияти тўғрисидаги таълимотdir.

Геоэкология—тирик организмларнинг атроф-муҳит билан бўлган муносабатларини географик нуқтаи назардан ўрганиди. Бу муносабат табиий жиҳатдан чегараланган географик мажмуаларда содир бўлиб, барча экологик қонуният ва қонулар мазкур ҳудудларда ўрганилади.

Одам экологияси — фанлар мажмуаси бўлиб, одамнинг индивид (биологик тур сифатида) ва шахс (ижтимоий субъект) сифатида уни ўраб турган атроф муҳит ва ижтимоий муҳит билан бўлган ўзаро муносабатини тадқиқ қиласди. Одам экологиясининг муҳим ҳусусияти ижтимоий-биологик ёндашувнинг-биологик ва ижтимоий аспектларининг тўғри мувозанатда бўлишидир. Ижтимоий экология одам экологиясининг бир қисми сифатида ижтимоий тузилмалар (оила ва бошқа ижтимоий гурухлар) нинг уларни ўраб турган табиий ва ижтимоий муҳит орасидаги алоқаларини ўрганади. Бу тўпламга одам популяция экологияси, аҳолишунослик экологияси — экологик демография, этнослар экологияси ва этногенез экологияси — ирқ ва миллатлар киради. Ижтимоий экологияга тараққиёт (цивилизация) ва эволюцион (тарихий) экология ҳам киради.

Табиатдан фойдаланишнинг экологик иқтисодиёти бир-бирiga жуда яқин тушунчалардир. Иқтисодиёт (экономика-грекча хўжаликни бошқариш)нинг асосий масалаларидан бири ресурслардан тўғри ва оқилона фойдаланишни асослаш бўлганлиги туфайли у табиат муҳофазаси ва экологияга жуда яқин туралади.

ди. Экологик иқтисодиёт экологик тизимда хұжаликни бир мұвозанатда шароитда амалға оширишни тақозо этади. Бу ҳолда ягона турли миқеңдеги ҳудудий экологик-иқтисодий тизим вұжудға келади. Үз навбатида мазкур түшунчага ҳудудий «табиий-экологик тизим»га яқын туради. Ҳудудий экологик-иқтисодий тизимда табиий шароит, ресурслар, ижтимоий ва ишлаб чиқариш түзилмелари ва жараёнлари бир-бирлари билан ұзаро боғлиқ. Ишлаб чиқариш ҳудудининг экологик имкониятлари (мавжуд табиий ресурслар) негизида ривожланади, экологик мөйөр асосида ижтимоий иқтисодий тараққиёт амалға оширилади.

Хозирги экологияның бош вазифаси фан сифатида ягона назарий негизде унинг барча бұлымлари бүйіча ҳақиқиеттік қаралар ҳақидағи материалларни тұплаш, ularни бир тизимге келтириш ва тизимли таҳлил қылаштырып беруді. Бу сайёрамизнинг экологик мұаммосини ўрганиш, янги экологик ғоя ва услубиётни ишлаб чиқыш, экологик билимни тұғри ташкил қылаш, табиатдан фойдаланышда амалий фаолиятни холис амалға ошириш учун зарур.

Умуман ҳозирги замон экологиясынинг вазифалари анча мұраккаб бўлиб, ҳаётнинг вұжудға келиши қонуниятларини ўрганишда инсон таъсирини эътиборда тутиб ўрганиш; биологик ресурслардан тұғри фойдаланышнинг илмий асосларини яратыш; инсоннинг хұжалик фаолияти таъсирида табиатда содир бўладиган ұзгаришларни бағорат қылаш ва инсоннинг яшауш мұхитини саклашдан иборатдир.

Экологияның бош тадқиқот объекті – экологик тизимдир, ёки экотизим. У маълум майдондан иборат бўлиб, унда тирик организмлар ва ularни яшауш мұхитлари мажмуаси мөддий-энергетик ва ахборотларнинг ұзаро таъсири билан бирлашыган. «Экотизим» атамаси илк бор инглиз ботаниги Л. Тенсли (1935) томонидан таклиф қилинген. Экотизим бирор катталықдаги ёки ўлчамдаги ҳудуд билан өзгераланмайды. Шунинг учун ҳам уни организмларнинг қоғылыштары (масалан, сұнъий аквариум, иссиқхона, бұғдай майдони ва бошқ.) ва мұраккаб яшауш табиий мұхитті (күл, ўрман, океан)га нисбатан құллаш мүмкін. Одатта қуруқлик ва сувли (акваториялы) экотизимлар фарқ қиласы. Экотизимларни мисоллар ёрдамида түшүнтирамиз: қора саксовулзорлар тақырли дельта текисликларида кенг тарқалған, дараҳт-бутали тұқайзорлар дарё соҳилларида ривожланған, қамишли қайир құллари ва бошқалар.

Хар бир экотизимда абиотик компонент-биотоп ёки экотоп мавжуд бўлиб, унда ландшафт шароитлари бир хиллиги билан ажралиб туради. Шунингдек, экотизимда биотик компонент-туркүм ёки биоценоз мавжуд бўлиб, унда яшовчи барча

тирик организмлар жамланған. Биотоп ҳамма түркүм аъзоларининг яшовчи макони ҳисобланади. Биоценоз күп турдаги ўсимлик, ҳайвонот олами ва микроорганизмлар вакилларидан иборат бўлган гурухлар маконидир. Ҳар бир тур, турли жинс ва ёшдаги зотлардан иборат экотизимда мавжуд бўлиб, популяция (аҳоли)ни вужудга келтиради. Туркум аъзолари маконда бир-бирлари билан жуда иноқ яшашади ва ўзаро боғлиқдир. Шунинг учун биотоп ва биоценоз бир-биридан ажралмайди ва улар бир ном билан, яъни биогеоценоз, деб аталади. Биогеоценоз-элементар табиий экотизим, у табиий экотизимларнинг асосий яшаш шаклидир. Биогеоценоз учун маълум ўсимлик тури хос. Шунга қараб бир хил биогеоценозларни у ёки бу экологик туркумга оидлиги аниқланади (арчазорлар, тўқайзорлар, саксо-вулзорлар ва бошқ.).

Экотизимда тирик организлар ўртасида мураккаб ўзаро таъсири мавжуд. Аввало яшил баргли ўсимликлар (автотрофлар) фотосинтез жараёнида углерод икки оксидни қабул қилиб кислород ишлаб чиқаради. Экотизимда тайёр органик моддалар ҳисобига кўпчилик ҳайвонлар озиқланадилар (гетеротрофлар), масалан, қуён тайёр ўтни истеъмол қилади. Яна бир ҳодиса, кучли ҳайвон тури ўзидан кучсиз бўлган ҳайвон ҳисобига озиқланади. Чунончи, қуён ҳисобига чия бўри ҳаёт кечиради, ўз навбатида у бошқа кучли ҳайвонга озуқа бўлади ва ҳоказо. Хуллас, шу тариқа озиқ-овқат занжири вужудга келади. Бу ҳодиса экотизимни ўз вақтида ўз-ўзидан табиий йўл билан тозаланиб туришига олиб келади. Шунингдек, экотизимда ўсимлик ва ҳайвонот турларининг (майдон нуқтаи назаридан) бир маҳомда микдорий жиҳатдан тенг бўлиши экологик мувозанатни барқарор бўлишини таъминлайди.

Экотизимда атмосфера ҳавоси, сув, тупроқ, ўсимлик, ҳайвонот олами, ишлаб чиқариш ва бошқа табиий омиллар ҳамда ҳодисалар иштирокида мураккаб биогекимёвий айланма ҳарарат мавжуд. Бунда углерод, азот, кислород, фосфор ва бошқа элементларнинг ёпиқ айланма ҳаракати мунтазам содир бўлади. Бу билан ҳавонинг тозалиги, тупроқ ҳосилдорлиги, ўсимликларнинг маҳсулдорлиги ва бошқа ҳодисаларнинг барқарор мөъёрда функционал юз бериб туришлиги таъминланади.

1.2. Биосфера ва экологик омиллар

Биосфера Ер шаридағи энг йирик экотизмдир. Ернинг тирик организмлар ва биоген чўкинди тоф жинслари тарқалган қисмини рус олими академик В. И. Вернатиский биосфера

(юононча «биос»-ҳаёт, «сфера»-шар), деб номлаган. Биосфера сайёрамиздаги «хаёт қобиги» хисобланиб, тирик организмларнинг ўзаро чамбарчас алоқа, муносабатларидан иборат мураккаб экотизмлар мажмуини ташкил этади.

В.И.Вернадский тушунчасига кўра, биосферага ҳозирги вақтда фақаттина ернинг қобигида тарқалгац тирик организмлар кириб қолмай, балки унинг таркибига қадимги даврларда организмлар иштирокида ҳосил бўлган литосферанинг қисми ҳам киради.

Биосфера тушунчаси биологияга Ж. Ломарк, геологияга эса Э. Зюсс томонидан киритилган бўлсада, унинг моҳияти тўғрисида улар бирор аниқ фикр билдирамаганлар. Шу туфайли биосфера тўғрисидаги таълимотнинг асосчиси В.И.Вернадский ҳисобланади. Сайёрамиз қиёфасининг геологик даврлар мобайнида ўзгариб келганлиги қадимда фақат физик-кимёвий жараёнлар натижаси, деб қараб келинган.

В.И.Вернадский биринчи бўлиб тирик организмларнинг геологик роли тўғрисидаги таълимотни яратди ва ер пўстининг ўзгаришида тирик организмлар фаолияти бош омил эканини кўрсатди.

Биосфера Қўёш энергияси таъсирида узоқ биокимёвий жараёнлар натижасида вужудга келган ернинг ўзига хос қобигидир. Биосфера таркибига; Атмосферанинг қуий қатламлари, яъни 15-20 км баланликкача бўлган тропосфера ва стратасферанинг пастки қисми, Дунё океанинг энг чукур ботиклари 11 км, литосферанинг юқори ер юзасидан 4,5 км гача бўлган чукурлик қисмлари киради. Бу чукурликдаги нефть қатлами сув таркибida ҳамда юқорида озон экранигача бўлган чегаралар оралифида тирик микроорганизмлар учрайди. Инсон ҳам биосферанинг таркибий қисмидир.

Биосфера мавжудлигининг асоси унда модда ва энергия алмашинувиdir. Унда организмлар ва уларнинг ҳаёт мухити ўзаро боғланишда бўлиб, бир бутун органик ҳаракатдаги тизими вужудга келтиради.

Биосферага хос хусусиятлар қуийдагилар; тирик моддаларнинг қатнашиши, суюқ ҳолдаги кўп микдордаги сувнинг мавжудлиги, кучли қуёш энергияси оқими ҳамда моддаларнинг қаттиқ суюқ ва газ ҳолда учрашидир.

Биосфера ривожланиши коинотга бевосита боғлиқ. Чунки, Ерга зарур энергия оқими келади. Ерга келадиган энергиянинг асосий манбаи қуёшdir. Ушбу энергия қуийдагиларга сарфланади:

- атмосфера, гидросфера ва метосферадаги содир бўладиган физик ва кимёвий жараёнларга;
- ҳаво массаларининг аралашувига;

- сувнинг буғланишига;
- газларнинг ажralиши ва сингишига;
- моддаларнинг эришига.

Умуман Ердаги ҳар қандай жараёнларнинг манбаи ва бошланиши қуёш энергияси ҳисобланади.

Энергиянинг айланиши моддаларнинг айланиши билан чамбарчас боғлиқ. Моддалар кичик (биологик) ва катта доира-ларда (геологик) айланади. Биологик қуруқликда тупроқ билан организм ўртасида, гидросферада эса организм билан сув ўртасида содир бўлади. Геологик модда айланиши қуруқлик билан Дунё ўртасидаги жараёндир. Демак, биосфера яхлит, бир бутун ҳосила эканлиги равшан.

Инсон Ер юзасидаги ҳаёт ривожланиши (биогенез) нинг навбатдаги босқичи бўлиб, энг кучли табиий омилдир. У нафақат Ер сайдераси, балки Коинотни ўзгартиришга ҳам қодир. Ҳозирда биосферани ноосфера («фикрловчи қобиқ»)га айланиши кузатилмоқда. В. И. Вернадскийнинг фикрича ноосфера биосфера-нинг қонуний ривожланиши натижаси бўлиб, инсон билан табиатни ўзаро онгли алоқа муносабатларидан иборатdir.

Экологик омиллар. Тирик организмларни ўраб турган физик қуршов ёки теварак атрофдаги ўзаро боғланишлардаги шарт-шароитлар ва таъсирлар мажмуи муҳит, деб аталади. Одатда табиий ва сунъий муҳитлар ажратилади, уларнинг ўзаро боғлиқлигини экологик муҳит тушунчаси ифодалайди. Тирик организмлар асосан тўртга муҳитда: сув, ҳаво, тупроқ, организм (муҳит сифатида) ларда яшашга мослашган. Сув ва ҳаво ўлик, тупроқ оралиқ, организм тирик муҳитлардир. Муҳитнинг тирик организмларга тўғридан тўғри таъсир этувчи таркибий қисмлари экологик омиллар, деб аталади.

Ҳозирда ушбу омилларнинг келиб чиқиш вақти бўйича муҳитга, характеристига, таъсир этиш хусусиятларига қараб абиотик (ўлик табиатнинг таъсири), биотик (тирик организмлар билан боғлиқ таъсир) ва онтрапоген (инсон фаолияти натижасида таъсир) омилларга бўлинади.

1. Абиотик омиллар организмларга муҳитнинг физик ва кимёвий жиҳатлари орқали таъсир кўрсатади. Уларга қўйида-гилар киради:

- а) Йқклим, ёргулик, ҳарорат, ҳаво, намлик ва б. ;
- б) Тупроқнинг физик-кимёвий таркиби, хоссалари ва б. ;
- в) Рельеф шароити-жойнинг баланд-пастлиги ва б.

2. Биотик омиллар организмларнинг турли шаклларидағи ўзаро муносабатлари натижасидаги таъсиридир. Улар қўйида-гича рўй беради:

а) Фитоген-биргаликда яшаётган ўсимликларнинг бевосита ва билвосита таъсирлари;

б) Зооген-ҳайвонларнинг озиқланиши, пайхон қилиниши, чантглатиши, мева ва уруғларини тарқатиши, муҳиттга таъсир этиш каби таъсирлари;

в) Микробиоген ва микоген-микроорганизм ва замбуруғларнинг таъсири орқали. Умуман биотик омиллар қуидаги ҳолларда: 1. Ўсимликларни ўсимликларга; 2. Ҳайвонларни ўсимликларга; 3. Ҳайвонларни ҳайвонларга; 4. Микроорганизмларни ўсимлик ва ҳайвонларга; 5. Ўсимлик, ҳайвон ва микроорганизмларнинг ўзаро бир-бирига таъсирида яққол намоён бўлади.

3. Антропоген омиллар инсоннинг фаолияти натижасида келиб чиқадиган таъсирдир. Бу омил яшаш муҳитининг ўзгаришига, экотизимларнинг таркибий қисмларидаги боғланишларнинг бузилишига, инқизозига ҳатто биоценозларнинг бутунлай йўқолишига сабабчи бўлиши мумкин. Антропоген омил дейилганда инсоннинг атроф-муҳитни ўзгартиришдаги таъсири тушунилади. Унинг тирик организмларга бевосита кўрсатадиган таъсири антропик омил дейилади.

Исон ҳозирги вақтда табиатдаги энг кучли омиллардан бири ҳисобланиб, абиотик ва биотик шароитларни ҳам ўзгартиромокда. Айниқса, унинг салбий таъсирлари асоратлари биосферадаги экологик мувозанатнинг барқарорлигига пугур етказмоқда.

1.3. Экология ва иқтисодиёт: ўзаро боғлиқлик ва таъсир

Табиат билан иқтисодиёт орасида ўзаро боғлиқлик кишилилк жамиятининг илк босқичларидан маълум. Чунки, табиат инсонни озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой ва бошқа зарурий моддий неъматлар билан таъминлайди. Инсон табиатдан эстетик завқ олади, унда ва унинг таъсирида соғлигини тиклайди. Хуллас, ҳаёт учун барча зарурий моддий неъматларни бевосита ва билвосита йўллар билан олади, баҳраманд бўлади. Моддий неъматлардан фойдаланиш жараёнида одамлар аввалига истаганича ва ундан ортиқ микдорда фойдаланган бўлиб, албатта исрофгарчиликка йўл қўйган. Лекин вақт ўтиши ва ишлаб чиқариш қуролларининг такомиллашуви, энг муҳими одамларнинг фикрлаш қобилияти, онгининг ўсиши билан ноз-неъматлардан фойдаланишда эҳтиёткорлик белгилари ҳам шаклланиб борган. Бу ҳодиса уларни ов ишлари бароридан келмаган вақтларда яхши сезилиб турган бўлиши мумкин. Демак, ҳўжалик юритишни одамлар жуда қадимдан эгаллай бошлишган.

Аҳолининг моддий истеъмол эҳтиёжи дунё миқёсида қарал-е чексиз ва қондириб бўлмайдиган даражада. Чунки, аҳоли сони муттасил ортиб бормоқда. Лекин табиий ресурслар, яъни эҳтиёжни қондирадиган воситалар чегараланган ва ноёб. Бино-барин, талаб, эҳтиёж ва моддий неъматлар ўртасида жуда катта фарқ мавжуд. Бу бир томондан, макроиктисодиёт билан макроэкологияни бирлаштиради, яъни хўжаликни ниҳоятда билиб ва оқилона ташкил қилиш зарурлигига ундаиди, иккинчи томондан, бирламчи табиий ресурсларнинг ўрнини боса оладиган (алмаштира оладиган) сунъий материалларни излаш ва амалда қўллаш иштиёқи кучайиб боради. Бу билан табиий ресурсларни тежац, иккиласми бойликлардан кенг миқёсда фойдаланиш, энг муҳими табиий ресурсларнинг ўрнини боса оладиган маҳсулот (материал)ларни ишлаб чиқариш ва амалда қўллашғоясини ҳаётга тобора тезроқ тадбиқ қилиш жадаллашиб боради. Бу муаммонинг қўйилиши, ечими жараёнида ва әмалда тадбиқ қилинишида иқтисодиётнинг аҳамияти бекиёсdir.

Иқтисодиёт тарракқиёти кўп ҳолларда табиий ресурсларга боғлиқ. Турли ресурсларнинг мавжудлиги халқ хўжалиги тармоқларини муттасил ривожлантириб боришга имкон беради. Бу борада экологик табиий ресурсларнинг ҳам ўз ўрни бор. Қишлоқ хўжалиги, хусусан сугорма дехқончилик маҳсулотлари, лалми дехқончилик ва яйлов чорвачилиги етказиб берадиган озиқ-овқат, техник хомашёлар ва бошқалар халқ хўжалигининг ўсишида таъсири етарли даражада юқори. Дунё бўйича ялпи ички маҳсулотнинг жами 32 % ини экологик соҳа ресурслари етказиб бериши маълум. Бизнингча, экологик соҳа ресурсларининг иқтисодиётни тараққий этишидаги роли истиқболда яна ортиб бориши кутилади. Чунки, аҳоли сонининг ортиб бориши чорвачилик ва дехқончилик маҳсулотларини миқдор жиҳатдан кўпайтиришга таъсир этади (дон, чорвачилик маҳсулотларини жон бошлага мельерий кўрсаткичларда етказиб берилишини тақозо этади).

Иқтисодиётнинг табиий ресурслар билан таъминланганлиги кўп вақт мобайнида табиат қонунлари, хусусан экологик қонуниятлар ва қонунларга боғлиқлиги таън олинмади. Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва фан ютуқларини саноат ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳаларида кенг қўлланилиши натижасида табиат бойликларининг жойлашуви, уларнинг потенциал имкониятлари, қайта тиклаш қобилиятлари, ўз-ўзини тозалаш даражалари ягона табиат, шу жумладан, экологик қонунларга боғлиқлиги кейинчалик мутахассислар томонидан асосланади.

Иқтисодиётдаги «энг кам харажат сарфлаб юқори даромадга эришиш» тамойилига асосланган баракасиз (экстинсив)

ривожланиш пировард натижада экологик инқизорзга дуч келди. Унинг салбий оқибатлари ҳаво ва сувнинг ифлосланиши, тупроқларнинг қашшоқланиши ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сифатида, даромадларнинг пасайишида, кишилар саломатлигининг ёмонлашуви, меҳнат унумдорлигининг пасайиши, ҳосилдорликнинг камайиши орқали иқтисодиётда тангликини содир эта бошлади. Аниқланишича, тупроқ унумдорлигининг бир фоизга камайиши натижасида ҳосилдорликнинг ўрнини тўлдириш учун 10% сарф-харажат қилиш зарур экан. Маълум бўлишича, табиий ўрмонни қирқиши туфайли ўрнида вужудга келган иккиласмчи ўрмоннинг маҳсулдорлиги бирламчи ўрмонга мос келмайди, мутахассисларга бу олдиндан маълум бўлган. Атлантика океанида балиқларнинг хўжасизларча тутилиши туфайли бир неча балиқ зотлари йўқолди, натижада балиқ тутиш режалари бажарилмай қолди, сифатсиз балиқ маҳсулотлари бозорда ўтмай қолди. Бунинг учун балиқ турлари зотларининг популяцияси экологияси ўрганилиши зарур бўлди. Европа ва Америкадаги бир неча мамлакатлар ҳамда балиқчилик билан шуғулланадиган компаниялар бундай тадқиқотлар учун катта маблағ ажратдилар. Коррозия натижасида металларнинг бешдан бир қисми ва нефть жиҳозларининг 77% ийқотилиши биокоррозия билан боғлиқ экан, улар микроблар фаолияти билан тушунтирилди. Россияда ҳар йили ўрмонларнинг 20 млн. м³ қисми замбуруғ қасалига дучор бўлади ва ҳашаротларнинг оммавий кўпайиши сабабли қурийди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Фақаттинга ҳар йилги дунё бўйича қишлоқ хўжалик экинларининг юқумли қасалликлар билан хасталаниши ва заарли ҳашаротлар таъсирини камайтириш мақсадида 2,5 трлн. долларлик маблағ сарфланади, бу жаҳоннинг жами бюджетини 10% ини ташкил қилишини айтиб ўтишнинг ўзи экологиянинг иқтисодиётга қанчалик салбий таъсир этишини тушунишга имкон беради. Мутахассисларнинг ҳисоб-китоб қилишича XX асрнинг иккинчи ярмида инсоннинг хўжалик фаолияти таъсирида табиий мухитга етказилган зарар ва у орқали аҳоли саломатлигига етказилган путур жаҳоннинг йиллик бюджетидан зиёд.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ер қаъридан олинган тайёр маҳсулотнинг бир бирлигига бир неча, баъзан 10 ва ундан кўп бирлика чиқиндилар вужудга келади. Таркиб топган чиқиндилар одатда иқтисодиётда баҳого эга эмас. Чунки, улардан хўжаликда фойдаланилмайди, боз устига чиқиндилар атроф-мухитни ифлослайди, яйловлар майдонини эгаллаб туради, инсон ҳаётини ҳавф остида қолдиради. Қанчалик кўп ялпи

миллий маҳсулот ишлаб чиқилса, шунчалик чиқиндиларнинг умумий ҳажми кўп бўлиши маълум. Лекин, давлат ушбу чиқиндиларнинг атроф муҳитни ифлослаши туфайли аҳоли еаломатлиги ёмонлашувининг олдини олиш ва уларнинг соғлигини тиклаш мақсадида қайғуради ва бунинг учун маълум маблағ ажратади. Бу сарф-харажатлар ялпи миллий маҳсулот ҳисобидан амалга оширилади. Бироқ, атроф муҳит ифлосланишинг қиймати ҳисоб-китоб қилинмайди. Янги қурилиб ишга туширилган корхона унинг раҳбарига йилига маълум даромад келтиради, лекин корхона атроф муҳитга турли чиқиндиларни чиқариб ҳаво, сув тупроқни булғайди, қишлоқ хўжалик экинлари ҳамда яйловларга зиён етказади, аҳоли соғлиги ёмонлашади. Корхонанинг тўлаган арзимаган солиғи эътиборга олинмаса, унинг етказган зарари етарли даражада кўп, унинг бир йиллик қиймати ҳисобланса йиллик даромадга етиб қолади, баъзи ҳолларда ундан ҳам зиёд бўлиши мумкин. Гап шундаки, корхонанинг атроф муҳитга етказган зиёни объектив ҳисоб-китоб қилинмайди. Шунинг учун ҳам жойларда экологик вазият мураккаблашиб бормоқда.

Иқтисодиётнинг экологияга таъсири маълум, лекин экологиянинг иқтисодиётта таъсири анча мураккаб кечади. Бу кўпинча табиатнинг жамиятга акс таъсири билан тушунтирилади. Худудларнинг табиий ресурслари хўжасизларча фойдаланганда қашшоқлашади, деградациялашув кучаяди, бойликларнинг миқдор ўзгаришлари сифат ўзгаришларига олиб келади. Бу экологик ва иқтисодий ўзгаришлар худуднинг иқтисодий потенциалини камбағаллаштиради, энг муҳими ижтимоий-иктисодий аҳвол оғирлашади, ресурслар маҳсулдорлигининг кескин пасайиб кетиши суғорма дехқончилик ва яйлов чорвачилигининг издан чиқишига сабаб бўлади, саноат корхоналарининг сифатли хомашёлар билан таъминланиши бузилади.

Қорақалпоғистон Республикасида Орол денгизи сатҳининг 1961 йилдан бошлаб тушиб бориши, Амударё ҳавзасида сув танқислигининг жиддийлашуви ва сифатининг ёмонлашуви, дельта тўқайзорларини сув билан мунтазам таъминлашнинг ишдан чиқиши, тупроқда кўплаб тузлар тўпланиши ва бошқа номаъкул ҳодисалар ўлқада антропоген чўллашиш ривожланишига сабаб бўлмоқда. Чўллашиш одатда чўл шароитида биологик маҳсулдорликнинг кескин камайиб кетиши билан боғлиқ. Ҳақиқатдан ҳам худудда яйлов, суғорма ерлар, сув ҳавзаларининг меъердаги биологик маҳсулдорлиги 60-йиллардан бошлаб кескин пасайиш йўналишига ўтди. Бу ўз навбатида иқтисодий самарадорликнинг энг куйи кўрсаткичларгача тушиб кетишига олиб келмоқда. Боз устига Орол

денигизининг қуриган қисмидан шамол таъсирида туз кукунларининг бетўхтов ёғилиб туриши (ҳар га майдонга 100-1000 кг), Амударё суви орқали тузларнинг далаларга ётқизилиши (ҳар га майдонга 9-24 т гача), сув танқислиги, аҳолининг ичимлик суви билан таъминлаш даражасининг камлиги, турли касалликларнинг кенг тарқалганилиги ва бошқалар табиатнинг жамиятдан «ўч» олаётганини билдиради. Чунки, Орол денигизи ва Орол бўйида минг йиллар давомида барқарор бўлган экологик мувозанат бузилган. Бунинг оқибатида эндиликда табиат мароми ишдан чиққанлиги туфайли унинг ресурслари ҳам деградацияга берилиди, аввалги қулай экологик вазият ҳозирда жиҳдий ва танг жойлар (Мўйноқ тумани) да фалокатли вазиятлар билан алмашди. Бу ноxуш табиий антропоген ҳодиса ўлка иқтисодий потенциалини ҳам камбағалаштириди, ҳар йилги иқтисодий зарар ҳажми бир неча юз миллион сўмни ташкил қўлмоқда. Буни экологик ҳолатнинг ёки табиатнинг жамиятдан олаётган қайта ўчи, деб ҳисоблаш лозим.

Бу худудий ноxуш ҳодисани тұхтатиш ва аввалги бой экологик ресурсларни қайта тиклаш ҳамда қулай ҳаётий вазиятни бунёд этиш анча мураккаб масала. Бу борада амалий ишлар бошланган, лекин уларнинг миқёси ва қўлами талабга тўла жавоб бермайди. Чунки, муаммо кенг қамровли, мажмуали, йирик худудни қамраб олган. Бу эса шунга яраша тизимли таҳлил ёндошувидан фойдаланишни тақозо этади. Бир неча маҳсус босқичлар давомида кўп йилларга (2002-2030) мўлжалланган чет эл сармояси асосида мажмуали аниқ тадбирлар амалига оширилиши лозим. Биринчи, энг устувор вазифа, ўлқада сув муаммоси ижобий ҳал қилинмоғи зарур, сув билан таъминлашнинг кафолятланиши янги экологик мувозанатнинг тикланишига имкон беради. Иккинчи, энг устувор вазифа, сугориладиган миңтақада мелиоратив тадбирлар негизида тупроқларнинг сув-туз балансида барқарор равишда манфий кўрсаткичга эришилса, иқтисодий самарадорлик ҳам кўтарилиш ўналишига эга бўлади. Чунки, экинлар ҳосилдорлиги орта боради, ердан фойдаланиш коэффициенти оптималь кўрсаткичга этади, ал машраб экиши чизмаларини тўла тадбиқ қилиш учун қулай имкониятлар вужудга келади. Бинобарин, иқтисодий потенциал қўлами анча ортади, хўжаликларнинг рентабеллиги сезила бошлайди. Учинчи, энг устувор вазифа, ўлканинг иқдими ўзгараётгани ва сув танқислигини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалик экинларининг шу худудга мос келадиган турларини жойлаштириш чизмаси, чорвачилик ҳамда балиқчilikни тубдан ривожлантириш йўлларини асослаш энг долзарб масала ҳисобланади. Бу борада бошқа ишлар қатори чуқур иқтисодий таҳлил ва ҳисоб-китоб юмушлари бажарилиши мақсадга мувофиқ.

Демак, юқоридагилардан шундай хулоса чиқариш мумкин: экология билан иқтисодиёт ўртасида жуда ҳам яқинлик мавжуд бўлиб, улар бир-бирларини тақозо этадилар. Экология хўжаликни юритиш учун ресурслар ва қулай табиий шароитларни таъминлаб беради, иқтисодиёт ўз навбатида мавжуд бойликлар ва шароитларни эътиборга олган ҳолда иқтисодиётни ривожлантириш йўлларини илмий асосланган ҳолда тараққий қилишини таъминлаши зарур. Бу ўзаро таъсир доирасида иқтисодиётта кўп нарса боғлиқ, яъни энг муҳими табиатдан ресурсларни меъёрга-эҳтиёжга қараб ҳалқ хўжалик муомаласига киритиш, истрофгарчиликка чек қўйиш, атроф -муҳитни чиқиндилар билан булғамаслик, ресурслардан фойдаланганлик учун хақ тўлаш тартибини жорий этиш ва унга амал қилишни таъминлаши мақсадга мувофиқ. Ресурслардан қанчалик оқилона фойдаланилса, атроф-муҳитнинг шунчалик тоза ва озода бўлиши учун имконият яратилади. Бундан иқтисодиёт ва аҳоли саломатлиги катта фойда кўради.


1.4. Табиат билан жамият ўртасидаги ўзаро муносабатлар, унинг кескинлашув сабаблари ва оқибатлари

Инсон Ер шарининг устки қисмида сифат жиҳатдан фарқланувчи (литосфера, атмосфера, гидросфера), аммо бир-бiri билан узвий алоқада ва ўзаро таъсирда бўлган ҳамда ўзида мураккаб табиий географик жараёнлар ва органик ҳаётни мужассамлаштирган географик қобиқ-биосферанинг маҳсулидир.

Табиатнинг ривожланиши унинг компонентлари (тоғ жинслиари, ҳаво, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси) нинг ўзаро таъсири ва алоқадорлиги, улар ўртасидаги модда ва энергия алмашинуви асосида рўй беради. Табиат бир бутун ва яхлит ҳосиладир. Унинг бирон компоненти ўзгарса, бошқа компонентларида ҳам ўзгаришлар содир бўлиши муқаррар.

Барча ижтимоий ҳаёт, ишлаб чиқариш, инсон ва унинг онги табиий борлиқ асосида мавжуд ва табиат қонунларига амал қиласи. Табиат ва жамият бир бутун материянинг ўзаро чамбарчас алоқадаги икки қисми бўлиб, улар ривожланишида умумийлик ва ўзига хос ҳислатлар мавжуд.

Табиат кишиларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондирувчи ягона манбадир. Инсон нафақат жисмонан, балки қалбан ҳам табиатсиз кун кечира олмайди. Жамият эса табиатнинг бир бўлаги ва доимо унинг қуршовида. Табиат билан жамиятнинг ҳаёт муҳити ўртасида чегара ўtkазиш жуда мураккаб.



Сайёрамизда тирик организмларнинг вужудга келиши, яъни жонсиз табиат билан жонли табиат ўртасидаги муносабатларнинг юзага келиши Ер тараққиётида мухим воқеа бўлди. Айниқса, одамзоднинг пайдо бўлиши биосферанинг ривожланишига сезиларли таъсир этиб, янгича муносабатларнинг шаклланишига сабаб бўлди. Натижада, биосферада модда ва энергия амашинувининг табиий ҳолати ўзгарди. Ўшбу ўзаро муносабатлар бора-бора географик қобиқнинг ривожланишида ҳал қилувчи кучга айланади.

Инсон ўз эҳтиёжлари учун зарур барча нарсалар (озиқовқат, кийим-кечак, қурилиш материаллари ва б.) ни табиатдан олади. Инсоннинг турмуш фаолияти учун керакли бўлган ҳар қандай маҳсулотлар табиий ресурслар асосида яратилади.

Инсоният учун яшаёт воситаси бўлиб хизмат қиладиган ва хўжаликда фойдаланиладиган табиат унсурларининг барчаси табиий ресурслар ҳисобланади. Ишлаб чиқарувчи қучларнинг ривожланиши ресурслардан фойдаланиш кўламининг ортишига олиб келиши табиий ҳол. Табиат билан жамият ўртасидаги ўзаро муносабатлар заминида ҳам ана шу табиий ресурслардан фойдаланиш ётади.

Қалин ўрмонларни ўзига макон билган қадимги одам (палеонтроп)лар аста-секин ўрмонсиз ялангликларга чиқиб, нисбатан мўл озуқа манбаларига эга бўла бошлаган. Улар табиий буюмлар: тош ва ёғочдан фойдалангандар, айрим сунъий қуролларни ясагандар, оловдан фойдаланишни билганлар. Асосан ўсимликларнинг илдиз ва меваларини йиғиш, ов ва балиқ тутиш билан шуғулланганлар. Шубҳасиз, улар табиатта сезиларли таъсир кўрсатмагандар. «Экологик таҳлил —, деб ёзади рус олим Б. Ф. Поршнев: палеонтроп ўз атрофидаги ҳайвонот дунёси билан ғоят зўр боғланишда бўлганлигини кўрсатади. . . палеонтроп. . . барча ҳайвон ва қушлар учун мутлақо хатарсиз бўлган, у ҳеч нимани ўлдирмаган» Шунинг учун бўлса керак у айиқ, бўри, тўнгиз билан бемалол «тиллаша» олган, ёввойи-йиртқичларни хонакилаштира бошлаган.

Замонавий одамларга анча яқин бўлган неандертал одамлар бундан 100-300 минг йил аввал асосан Европа, Африка ва Осиёда яшагандар. Улардаги меҳнатга лаёқат инсон эволюциясига катта таъсир кўрсатган. Ибтидоий меҳнат жамоаларининг вужудга келиши меҳнат қуролларини такомиллаштиришни, табиий ресурслардан фойдаланиш (мевалар териш, балиқ тутиш, ов) кўламини ортиришни, чорвачилик ва дехқончиликни ривожлантиришни тақозо этган.

Ўрмонларга ўт қўйиш, ерларни ёппасига ҳайдаш, яйлов-

ларда уй ҳайвонларини тартибсиз боқиши, оқар сувларга түғонлар қуриб оқимни ўзгартириш каби инсонларнинг табиатга таъсири туфайли ўсимлик ва ҳайвон турларининг камайиши, айримларининг йўқолиши тезлаша бошлаган. Натижада инсон фаолияти билан борлик номақбул ўзгаришлар нафақат табиат, балки кишиларнинг ҳаёт фаолияти учун ҳам хатар келтира бошлаб, қадимги одамларни бошқа жойларга кўчишга мажбур эта бошлаган. ^{ФН.}

Одамзод яратган илк маданият намуналари юқори палеолитга мансуб бўлиб, унинг иқтисодий асоси овчиликдир. У ўзидағи такомиллашган қуроллари билан йирик ҳайвонлар (мамонт) ни ҳам ўлдиришга қодир бўлган. Палеолит даврининг охирги юз йилликлари мобайнида ҳайвонлар сони сезиларли даражада камая бошлайди. Плейстоценнинг охирига келиб туғилиш коэффициенти анча паст бўлган йирик ҳайвонлар (хусусан мамонт) бутунлай йўқ бўлиб кетишини бир груп олимлар иқлимдаги ўзгаришлар оқибати десалар, яна бир групҳлари бунинг сабабини ибтидоий овчилик фаолияти натижаси, деб ҳисоблайдилар.

Табиат билан жамият ўртасидаги муносабатларнинг қўполтарзда бузилиши жамиятда синфларнинг вужудга келиши билан бошланди. Синфий жамиятнинг сўнгги поғоналарида ушбу муносабатлар янада чуқурлашиб, мураккаб тусга кирди. Табиат билан жамият ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг кескинлашиши сабаби бойлик кетидан қувиш, «олтин сароби» (восваси), мустамлака тузумининг вужудга келиши билан ҳамнафасдир. Бундай жамиятда инсон ишчи кучи, табиат хомашё манбаига айланиб, табиатга қирғин келтира бошлайди.

Европа бозорлари талабини қондириш мақсадида минглаб фил, шер, йўлбарс, каркидан каби ҳайвонлар аёвсиз қириб юборилади. XIX аср сўнгигача йилига 60-70 минг филлар фақат қимматбаҳо суюклари учун овланган. Қадимги Греция ва Рим давлатларида йирик шаҳарлар, ҳарбий истеҳкомлар ва кемалар қувиш учун ўрмонларни жадал кесилганлигидан Европанинг Ўрта дengiz атрофидаги тоғлари батамом ялангликларга айлантирилган. Оқибатда эрозия кучайди, яйловлар яроқсизланди, катта майдонлар унумдор тупроқ қатламидан бутунлай маҳрум бўлди.

Марказий Американинг Саванна ва тропик ўрмонларидағи Майя ва бошқа Абориген халқларга мансуб шаҳарларнинг харобага айланишида испан истилочиларининг қирғинли юришларидан ташқари катта майдонлардаги ўрмонларнинг кесиб

юборилиши, тупроқ унумдорлигининг пасайиши, чўллашиш жа-раёнлари каби кишилар фаолияти билан боғлиқ ҳодисалар мұ-хим роль ўйнаган.

Археологлар Марказий Осиё чўлларида сугориладиган ерлар умумий майдони қадимда ҳозиргидан анча катта бўлган-лигини таъкидлайдилар. Ҳозирги чўллардаги қадимги бепоён воҳалар ва шаҳарлар нафақат турли урушлар туфайли, балки кишиларнинг чўл табиатига онгизиларча муносабати натижа-сида тупроқларда вужудга келган иккиласми шўрланиш ва қум босиш оқибатидир. Ерниг табиий-мелиоратив хусусиятлари ҳисобга олинмай сугорилиши оқибатида сугориладиган дала-ларда маълум вақт ўтиб (одатда 2-3 йил) шўрланиш ва ботқ-оқлашиш бошланган. Бу ерлар қишлоқ ҳўжалигига яроқсиз ҳолга келиб, ташландик ер сифатида фойдаланишдан чиқиб қолган. Амударёning Оқчадарё, Сариқамишодди дельталарида-ги ҳозирги куруқ ўзанлар: Дарёлик, Довдан, Узбой атрофлари-даги, Бухоро ва Қоракўл воҳалари атрофидаги, Пайкент худу-дидаги катта майдонлардаги шўрхоклар, шўртоб тақирилар ҳамда кўчиб юрувчи қумликлар ўша ҳодисаларнинг жонсиз гувоҳи ҳисобланади.

Тоғ ва тоғ ён бағирларидағи қалин ўрмонзорларнинг ўтин, «писта» кўмир, қурулиш материаллари тайёрлаш мақсадида аёвсиз кесилиши оқибатида тоғлар ялангочланди, курғоқчилик кучайди, пастки минтақаларда ҳам ўсимликлар сийраклашди, ёнбағирларда сув эрозияси кучайди, тупроқ, грунти ювиди, сел ҳо-дисаси ортишидан жарликлар пайдо бўлди. Ёзма маълумот-ларга кўра XIX аср охирларида Зарафшон дарёсида ҳар йили Туркистон ва Зарафшон тоғларидан Самарқандга 26400 та арча ходаси оқизилган. Фақаттина Узбекистон худудидаги қади-мий шаҳарлар (Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Шахрисабз ва бошқ.) қурилишида кўплаб иморатбоп арча дарахтлари ишла-тилгани назарда тутилса, қанча-қанча дарахтларга қирғин кел-ганини тасаввур этиш қийин эмас. Ўша даврлардаёт табиат билан жамият ўртасидаги ўзаро муносабатлар сезиларли дара-жада ўзгара борди.

Саноат революцияси туфайли инсон табиатга таъсирини жуда кучайтириди. Улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар тубдан ўзгарди, табиий ресурслардан фойдаланиш ҳажми кескин ортиб кетди.

XVIII-XIX асрларда техник тараққиёт табиий ресурслар-дан, қазилма бойликлар, ер-сув ресурслари, балиқ захиралари-дан фойдаланиш ва ёввойи ҳайвонларни кўплаб овлашнинг кучайишига имкон яратди. Саноат ишлаб чиқаришда аввал

буғ машиналари, кейинчалик ички ёнув двигателларига ўтилиши, шаҳарлар ва саноат марказларининг ўсиши кўплаб зарарли чиқиндилар миқдорининг ортишига сабаб бўлди. Дарёлардан фойдаланиш, сув ҳавзалари, атмосфера ҳавоси ва тупроқларниң саноат чиқиндилари ва кимёвий моддалар билан ифлосланиши сезила бошлади.

Техник тараққиётда салбий омилларнинг зарарли таъсирларига энг аввало Европанинг гарбидаги саноатлашган ва урбанизация даражаси юқори бўлган мамлакатлар (Англия, Франция, Бельгия, Голландия ва б.) дучор бўлдилар. Бироқ, бу даврда табиатни вайрон қилиш Шимолий Америкада Европадан анча жадал тус олган эди.

Фан-техника тараққиёти, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши, аҳоли сонини тез суръатларда ўсиб бориши инсоннинг табиатта таъсир доирасини кенгайтириб юборди. Айниқса, «инсоннинг табиат устидан қозонган ғалабаси» дан мағурланиб амалга оширилган тадбирлар табиат билан жамият ўртасидаги ўзаро мувозанат «тарозини» бутунлай бузилишга олиб келди. Инсоннинг табиатта таъсирининг салбий оқибатлари, пировард натижада унинг ўзига оғир кулфатлар келтира бошлади.

Саноатнинг кислородга бўлган эҳтиёжи орта бораётган бир пайтда, сайёрамиз ўсимликлари ишлаб чиқараётган кислороднинг чорак қисмига яқини инсон томонидан ёқиб юборилмоқда. Яна йилига атмосфера таркибидан ишлаб чиқариш мақсадлари учун 90 млн. т кислород ва 70 млн. т азот олинмоқда. Олимларнинг хисобларича йилига ёқиб юборилаётган кислороднинг 1% и қайта тикланмай қолаверса, яна VI-VII асрдан сўнг Ер атмосфераси кислород захирасининг 70% га яқини туғаши мумкин экан.

Бунинг устига Ер шарида кислороднинг асосий манбай хисобланган ўрмонлар майдони йил сайин (125 минг км^2 га) қисқармоқда. Инсон сайёрамиз яшил бойлиги – ўрмонларни 50% дан ортиғни кесиб бўлди. Европа мамлакатларида ўрмонларниң 85-95% и кесиб юборилган бўлса, АҚШ да ўрмонлар майдони қадимги 900 млн. га дан 260 млн. га га қисқарди. Ҳозир Хиндистоннинг 18% ҳудуди ўрмон билан қопланган бўлса, XXI асрда бу кўрсаткич атига 9% ни ташкил этади.

Инсон хўжалик фаолияти натижасида атмосферага йилига фақат турли ёқилғилар ёқиши ҳисобига 22 млрд. т карбонад ангидрид, 200 млн. т дан ортиқ углерод оксиди, 160 млн. т сульфат оксиди, 50 млн. т азот оксиди, яна шунча углеводлар, 250 млн. т турли кимёвий заррачалар-аэрозоллар ҳамда 300 минг т қўргошин чиқарилмоқда.

ХХ аср ўрталарида фақат тошкўмир ёқишининг ўзидан ер юзасига ҳар йили 2 млрд.т. шлак чиқарилган. Фақат ёқилғи ёқиши мақсадида эса 15 млрд.т. кислород сарфланмоқда.

Ҳозир инсон қуруқлиқ юзасининг 60% дан ортиқ қисмидан ўз мақсадлари учун фойдаланаётгандан бўлса (30% дан ортиғида қишлоқ хўжаликда, 11% да ерларни ҳайдаб экин экмоқда), 20% дан ортиғини турли қурилишлар туфайли бутунлай ўзгартириб юборган (ХХ асрнинг ўзида бундай ерлар 250 млн.га. га ортди), 100 млн. га ер фақат шаҳарлар қурилиши билан банд, саноатлашган ҳудудларнинг ярмидан ортиғини муҳандислик қурилмалари эгаллаган.

Ўрмонларнинг бетартиб кесиб юборилиши оқибатида кейинги 80-90 йил мобайнида дунё бўйича сугориладиган ерларнинг чорак қисми эрозияга учраб (АҚШда эрозияга учраган ерлар 50% га яқинлашди) қишлоқ хўжаликда фойдаланишга яроқсиз ҳолга келган бўлса, сув эрозияси туфайли йилига $24 \cdot 10^9$ т тупроқларнинг унумдор қисми ювилмоқда.

Эрозиянинг муқаррар ривожланиши эвазига, кейинги аср мобайнида 2: млрд. га ер яроқсизланди, йилига 200-300 минг га ер шўрланиш ва ботқоқлашиш эвазига қишлоқ хўжалик аҳамиятини йўқотмоқда.

1940 йилда 10 млн. т, 1983 йили 124 млн. т минерал ўғитлар ишлаб чиқилган бўлса, ҳозирда йилига 200 минг т пестицидлар ишлаб чиқарилмоқда.

Ишлаб чиқариш ва майший эҳтиёжлар учун йилига сайёрамиз бўйича 4000 км^3 сув талаб этилаётган бир пайтда сув ҳавзаларининг, хусусан дунё океани ифлосланиш даражасининг ҳозирги аҳволи жуда ачинарли ҳолдир.

Ҳозир инсон Ердаги барча кимёвий элементлардан фойдаланишдан ташқари янгиларини ҳам кашф этди (XIX асргача 28 та, XIX асрда эса 50 та, XX аср бошларида 59 та кимёвий элементдан фойдаланган). Йиллик энергияга бўлган эҳтиёж 15 млрд. т шартли ёқилғи ҳисобига қондирилмоқда. Ер қаъридан йилига 5 млрд. т кўмир, 3 млрд.т нефть ва газ конденсати, 700 млн. т темир рудаси, бир неча ўн миллион т.лаб: фосфат ва калий тузлари, боксид, марганец рудаси, миллион тонналаб: мис, калий, қўрошин, азбест, флюорит, мінглаб т.лаб: олтин, торий ва бошқа қазилма бойликлар олинмоқда. Агар минерал ресурслардан фойдаланиш шу тарзда давом этадиган бўлса, мутахассислар ҳисоби бўйича алюмин 550, кўмир 500, темир 250, қалай 23, қўрошин эса 19 йилга етиши мумкин. Умуман 2500 йилга бориб, барча металлар захираси батомом тугайди, деган башпоратлар мавжуд (Ананичев).

Биргина Собиқ Иттифоқ худудида табиий ресурсларга бўлган эҳтиёж 1914 йилда жон бошига 7 т.ни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 1940 йилда 8,6 т, 1960 йилда 17,3т, 1975 йилда 25,6 т ни ташкил этди. Дунё бўйича табиий ресурслар ва сувдан фойдаланиш йилига 5% га, энергия ишлаб чиқариш 8%га ортди.

Кейинги III-IV аср мобайнида инсон томонидан Ер юзасидаги қушларнинг 94 тури, сут эмизувчиларнинг 63 тури бутилай қириб юборилган, 500 тури йўқолиш арафасида.

Шубҳасиз, жамият ривожланиб борган сари унинг табиатга таъсири, табиий ресурслардан фойдаланиш меъёри ва табиатни ўзгартириш имкониятлари ортиб боради. Аммо табиатдан фойдаланиш ва ўзгартиришнинг ҳам меъёри бор, ўша меъёри билмаслик оқибатида энди табиатнинг инсон ҳаётига ва унинг хўжалик фаолиятига тескари таъсири намоён бўла бошлади.

XX асрда амалга оширилган қатор йирик кашфиётлар инсониятнинг табиатга ва унда содир бўлаётган ҳодисаларга муносабатида инқилобий ўзгаришларга сабаб бўлди. Эндиликда инсоният фан-техника тараққиётининг янги босқичига қадам кўйди. Иқтисодиётнинг деярли барча соҳаларида компютер, микроэлектроника, информатика ва биотехнология ютуқларидан кенг фойдаланиш ишлаб чиқариш жараёнларини тезластириши билан бирга табиий ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланишга йўл очаётган бўлсада, фан-техника ютуқларини ҳаётда кенг қўлланилиши туфайли табиатда бир қатор муаммолар ҳам вужудга келди. Бундай нокулай экологик шароитлар ҳаёт мақомининг ўзгаришига, кишиларнинг жисмонан ва руҳан толиқишига, уларда турли сурункали-офир касалликларнинг пайдо бўлиши билан бирга, катта микдорда ижтимоий-иқтисодий зарар ҳам келтира бошлади. Энди табиат билан жамият ўртасидаги ўзаро муносабатлар йўналиши фақат илмий асосда табиатни, умуман биосферани сақлашга қаратилмоғи даркор. «Инсон биосферанинг вазифасини енгиллаштиришга ёрдам бериши лозим —, деб ёзади академик С.С.Шварц — акс ҳолда у вайрон бўлади ва Ерда ҳаёт йўқолади». Инсон асло бунга йўл қўймаслиги керак. Аммо вужудга келган экологик муаммоларни бартараф этиш ўта долзарб, мураккаб, серқирра, жумладан: иқтисодий, ижтимоий, маданий, маънавий ва илмий масаладир. Уни илмий асосини яратишда экология фанининг аҳамияти бекиёсdir.

Қисқача хуросалар

«Экология» фанининг мақсади инсоннинг яшаш мухитини сақлаш ва табиатдан унумли фойдаланишинг илмий-назарий асослари ни ишлаб чиқишидир. Фан бир неча тармоқлардан иборат.

Экологик тизим экологиянинг бош тадқиқот обьекти бўлиб, жонли ва жонсиз табиат элементларидан таркиб топган маълум чегараланган худудий бирликдир.

Биосфера - Ер шарининг ҳаёт тарқалган қобигидир. Унда модда ва энергия алмашинуви содир бўлади. Биосфера мураккаб тузилишга эга бўлиб, ундаги ҳодиса ва жараёнлар бир-бирлари билан узвий боғланган.

Экологик омиллар тирик организмларга тўғридан-тўғри таъсир этадиган табиий мухит элементлариdir. Унинг абиотик, биотик ва антропоген турлари мавжуд.

Иқтисодиёт ва экология ўзаро таъсир ва алоқада бўлиб, бири-нинг издан чиқиши иккинчисини бадном этишга олиб келади.

Табиат билан жамият яхлит ҳосила. Улар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг кескинлашуви турли миқёсдаги экологик ва ижтимоий-иқтисодий муаммоларни келтириб чиқаради.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. «Экология» фани нимани ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди?
2. Экологиянинг қандай бўлим ва тармоқлари мавжуд?
3. Биосфера ва унинг хусусиятлари тўғрисида нималарни биласиз?
4. Экологик мухит ва экологик омиллар дейилганда нимани тушунасиз?
5. Экология билан иқтисодиёт ўртасидаги ўзаро алоқадорлик ва таъсир моҳиятини қандай изоҳлайсиз?
6. Табиат билан жамият ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг кескинлашув сабаблари нималар бўлиши мумкин?
7. Ўзаро муносабатлар кескинлашуви қандай оқибатларга олиб келади?

Асосий адабиётлар

1. Акимова Т. А., Хаскин Б. В. Экология. – М.: ЮНИТИ, 1998.
2. Банников А. Г. и др. Основы экологии и охрана окружающей среды. – М.: Колос, 1999.
3. Демина Т. А. Экология, природопользования, охрана окружающей среды. – М.: Аспект пресс, 1996.
4. Кормилицин В. И. и др. Основы экологии. – М.: «Интерсталь», 1997.
5. Шилов И. А. Экология. – М.: Высшая школа, 1998.

ГЕОЭКОЛОГИК МУАММОЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ, УЛАРНИНГ ОҚИБАТЛАРИ ВА ЕЧИМИ

Атроф мұхиттнинг ифлосланиши табиат ва инсон фаолияти билан боғлиқ тарзда рүй берип мумкин. Табиий ифлослаништнинг асосий манбалари: вулқонлар отилиши, сел, зилзила, күчки, сув тошқини, күчли шамоллар, ёнғынлар каби табиий жараёнлар натижасыда содир бўлади. Бу турдаги ифлосланиши бевосита табиий жараёнлар билан боғлиқ бўлиб, унда инсон иштироки бўлмайди.

Инсон хўжалик фаолияти билан боғлиқ барча ифлосланишларни баъзан антропоген ифлосланиш, деб аталади. Антропоген ифлосланиш табиат компонентлари бўйича: сувнинг ифлосланиши, ҳаво ёки тупроқнинг, яна шунингдек, ландшафтларниң ифлосланиши каби гурухлардан иборат. Антропоген ифлосланиш давомийлигига кўра: вақтингчалик ва доимий; тарқалиш кўламига кўра: сайёравий (глобал), ҳудудий (регионал) ва маҳаллий (локал) гурухларга ажратилади. Ифлосланиш тури ва манбалари жихатидан: физик, кимёвий, биологик, механик ва бошқа турларга бўлинади. Уларниң яна қатор тармоқлари бор. Масалан, физик ифлосланишнинг ўзи иссиқлик, ёруғлик, шовқин, радиактив, электромагнит билан ифлосланишга ажратилади. Антропоген ифлосланиш кучайган сари турли муаммоларни, баъзан инсон ҳаёти учун ўта хавфли экологик муаммоларни келтириб чиқараётганлиги кун сайин равшанлашмоқда. Айниқса, ушбу муаммоларниң таъсир кучи ва кўлами ортиб бораётганлиги жуда ташвишли ҳолдир.

2.1. Сайёравий геоэкологик муаммолар, уларниң оқибатлари ва олдини олиш тадбирлари

Юқорида қайд этилган кескин муаммолардан бири сайёровий геоэкологик муаммолардир. Геоэкологик муаммоларниң айнан, ушбу турининг ўзига хос хусусияти Ер юзидаги барча инсонларга тааллуқли эканлигидир. Инсон томонидан чиқарилган чиқиндиларниң бир қисми атмосферада, бир қисми океанларда тўпланмоқда, яъни чиқиндилар изсиз йўқолмайди. Энди улар умумбащарият ҳаётига хавф түғдирмоқда. Шу туфайли ҳам сайёравий геоэкологик муаммоларниң моҳиятини билиш, уларни бартараф қилиш йўлларини излаш ва зудлик билан амалга ошириш барча мамлакатлар олдидағи ечимини кутаётган бош масала бўлмоғи даркор.

Сайёравий геоэкологик муаммоларга қўйида қисқароқ тарзда бўлса ҳам тўхталамиз.

Дунё «иссиқхонаси самараси». Ер атмосфераси таркибидаги барча газлар ўзига яраша вазифаларини бажаради. Хусусан ис гази (CO_2) Ердаги ҳароратни бир хилда ушлаб туриши туфайли сайёрамизнинг «кўрпаси» ҳисобланади. Ис газининг атмосфера ҳавоси таркибидаги улуши фоиз бўйича 0,03 ни ташкил этса-да, мавсумлар давомида табиий ҳолда ўзгариб туради. Маълумотларга қараганда, ҳозир инсон томонидан йилига ўртacha 22 млрд. т.дан ортиқ ис гази атмосферага чиқарилмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, атмосфера таркибидаги ушбу газ микдори кейинги аср мобайнида 10-15 % га ошган. XXI аср ўрталарига бориб, 40% га ортиши башорат қилинмоқда. Ердаги ҳароратнинг ўртacha кўрсаткичи (15° атрофида) кўтарилиши айнан ушбу газ микдорининг ортиши билан боғлиқ. Ис гази Қуёшдан келаётган қисқа тўлқинли нурларни кўп қайтариб, айни вақтда Ердан қайтган узун тўлқинли нурларни тутиб қолиши - «иссиқлик самараси» жараёнини рӯёбга чиқарувчи асосий манбадир.

Кейинги 100 йил мобайнида Ер шари ўртacha ҳарорати 1° га ортганлиги қайд этилмоқда. Агар шу тарзда давом этаверса, янги аср ўрталарида Ернинг ўртacha ҳарорати $3-5^\circ$ га қадар ошиши кутилмоқда. Ҳароратнинг мунтазам ортиб бориши қандай экологик муаммоларни келтириб чиқариши, унинг ижтимоий-иктисодий оқибатлари нималар билан тугалланишини мутахассислар томонидан илмий-назарий жиҳатдан асосланмоқда.

Географлар сайёра микёсида ҳароратнинг $1-2^\circ$ кўтарилиши Ернинг табиат зоналарини кутбларга томон 150-500 км га суррилишини таъкидламоқдалар. Демак, ўртacha кенгликларда (дашт минтақасида) -ғаллачилик минтақаларида ёғинлар микдори камайди, аксинча тропик минтақада ёғин микдори ортади. Кўплаб аҳоли зич яшайдиган худудларда ҳароратнинг кўтарилиши, кишилар саломатлигига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин. Ҳарорат ва намликтининг жиддий ўзгариши қишлоқ хўжалигига сезиларли таъсир кўрсатиши, хусусан Шимолий Американинг марказий қисми ва ўнгга ўхшаш худудларда буғдој ва макка-жўхори ҳосилдорлиги кескин камайиши кутилмоқда.

Ер сайёрасининг ҳарорати 1° га кўтарилиши кутбий кенгликлардаги музликларнинг эришини тезлатади. Демак, Дунё океани сатҳида кўтарилиш бўлади. Мутахассисларнинг таъкидлашича XXI аср мобайнида Дунё океани сатҳи $1-5$ метрга кўтарилади. Океан сатҳининг бунчалик кўтарилиши қуруқликнинг салмоқли қисмини сув босишига олиб келади. Чунончи,

Малъдив ороллари, Океания, Филиппин, Бангладеш, Индонезия, Фарбий Европанинг денгиз соҳиллари сув остида қолади, Санкт-Петербург, Қоҳира, Шанхай каби кўплаб шаҳарлар тошқиндан катта талофат кўради. Бу соҳил бўйидаги кўплаб аҳолини, қишлоқ ва саноат хўжалик ишлаб чиқаришни материк ичкарисига кўчириш, портларни қайта таъмирлашга олиб келади.

Иқлимдаги ўзгаришлар аста-секин бутун биосферанинг динамик мутаносиблигининг бузилишига сабаб бўлади. Тарихда иқлимда бундай ўзгаришлар бўлганлиги маълум, бироқ улар табиий йўл билан бўлган. Тадқиқотчиларнинг холосаларига қараганда, Дунё «иссиқҳонаси самараси» иқлимининг сайёравий тарзда исишига таъсир этса-да, маҳаллий иқлимни (айниқса кутбий кенгликлар атрофида) совушига олиб келар эмиш.

Ушбу муаммоларни бартараф этишнинг ягона йўли атмосферага чиқарилаётган чиқиндилар миқдорини камайтиришdir. Ҳозир дунё бўйича атмосфера ҳавоси ифлосланишининг 20% и АҚШ ҳиссасига тўғри келмоқда. Шу боисдан, 1997 йили БМТнинг иқлим ўзгаришларига бағишлиланган Конвенциясида атмосферанинг ифлосланишини АҚШда З, Европа Иттифоқи мамлакатларида 8, Японияда 6%га камайтиришга қарор қилинди.

«Озон туйнуги» муаммоси. Атмосфера ҳавосининг Ер юзаси сатҳидан 15-25 км баландлик қисмида озон қатлами мавжуд бўлиб, уни «озон экрани», деб ҳам аталади. Озон қатлами Қўёшдан келадиган ультрабинафша нурларни ютиб, Ердаги тирик организмларни унинг зарарли таъсиридан асрайди. Озон қатламининг асосий емирувчилари фреон, хладон газлари, фторуглерод ва полифторуглеводород суюқликлар ҳисобланниб, улар ўзида озонни емирувчи хлор ва бром атомларини сақлайди. Улар кимёвий жиҳатдан ўта инерт моддалар бўлиб, юқорига - стратосферага томон кўтарилиш қобилиятига эга. Бир дона хлор атоми 100 минг озон молекуласини бемалол йўқ қила олади. Озон қатламининг сийраклашиши Ер бетига етиб келадиган ультрабинафша нурлар миқдорини ортишига олиб келади. Озон қатламига зиён келтирадиган фреон майший кимё, совутгич жиҳозларида, атир-упа саноатида кенг қўлланилади. Шу туфайли уни дунё бўйича ишлаб чиқариш миқдори анча юқори (йилига таҳминан 700 минг т. атрофида).

Бундан ташқари, қишлоқ хўжалигига кенг қўлланиладиган азот ўғитлар ҳам озон емирувчи манбалардан асосийлари бўлиб қолмоқда. Агар дунё бўйича шу минерал ўғитни ишлаб чиқариш 1950 йилда 4,6 млн. т, 1970 йилда 40 млн. т, 1995 йилда 80,7 млн.т га ортганлигини эътиборга олсак, унинг ҳалокатли оқибатини чамалаш қийин эмас.

Озон қатламининг бузилиши илк бор Антарктика осмонида кузатилган, 1987 йили «туйнук» катталиги АҚШ майдонига тенглашди. Бундай «туйнуклар» 1995-1996 йилларда аҳоли зич яшайдиган Шимолий Америка, Осиё ва Европа устида ҳам кузатилди. Унинг оқибатида 1982 йилда Янги Зеландия аҳолиси-нинг 11 мингдан зиёди тери ракига чалинди, 1987 йилда касалликнинг кучайишидан 160 киши ҳаётдан кўз юмди.

Ультрабинафша нурларнинг меъёрдан ортиши киши организмини ташки муҳитга таъсирчанлигини сусайтиради, тери ракини қўзғатади. Ушбу нурлар бошоқли экинлар, картошка ва соянинг маҳсулдорлигини камайтиради, балиқ ва океан жони-ворлари яшаш шароитларини ёмонлаштириди. Озон қатламини муҳофаза қилиш борасида дунё миқёсида бир қатор анжуманлар ва келишувлар ўтказилмоқда. 1989 йилдаги Хельсинки деклорациясига мувофиқ 2000 йилга қадар фреон газларидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар миқдорини камайтиришни босқичма-босқич амалга ошириб бориш тадбирлари кўрсатиб ўтилган эди. Германия бу борада оламишумул ишга қўл урди, мамлакатда фреон ишлаб чиқариш ва улардан совутгичларда фойдаланишга ҳам чек қўйилди.

Чўллашиш муаммоси. Куруқлик юзасининг 40 млн.км² майдони қўрғочил-адир худудлардан иборат. Минтақада суғориладиган ерлар 200 млн.га дан зиёд, лалмикор дехқончилик ва яйлов сифатида фойдаланиладиган майдонлар улуши ҳам салмоқли. Дунё аҳолисининг 15% дан ортиғи (800 млн. киши) айнан шу минтақада истиқомат қиласи. Суғориладиган ерлардаги шўрланиш, дефляция, эрозия натижасида тупроқларнинг унумдорлиги йўқолмоқда. Яйловларда тартибсиз мол боқилиши, дов-дарахтларнинг ўтин ва бошқа мақсадларда аёвсиз кесиб юборилиши яроқсиз ерлар майдонининг узлуксиз кенгайиб боришига имкон яратмоқда. Чўллашиш жараёнини келтириб чиқарувчи сабабларнинг салкам 90% и инсон зиммасига тўғри келмоқда. Эндиликда инсон қўли билан бунёд этилган чўллар майдони 9 млн.км² га етди. Куруқлик юзасида йилига 21 млн. га ер яроқсиз ҳолга келтирилмоқда, 6 млн.га суғориладиган ер чўл тусини олмоқда, суғориладиган ерларнинг 90 млн. га шўрланишга учраган.

Чўллашиш талафотлари Осиё ва Африка мамлакатларининг анчасида, Австралияда борган сари катта-катга майдонларни ўз домига тортмоқда. Айниқса, 1968-1973 йилларда со-дир бўлган Сахрои Кабир фожиаси йилига 20 минг. км² маҳсулдор ерни чўл қаърига тортди. Судан мамлакати жанубидаги чўл чегараси 17 йил мобайнида (1958-1974) йилига ўртacha 5

км дан, жами 80-100 км жанубуга сурилди (Рапп, 1976). Умуман Саҳрои Кабир майдони йилига 1,5 млн. га атрофида кенгаймоқда. Ушбу ноҳуши жараён Марказий Осиё чўлларини ҳам тарк этмасдан ўтольмаяпти. Чўллашиб ерларни яроқсиз ҳолга келтириш билан бирга қурғоқчил ва ярим қурғоқчил экотизимлар маҳсулдорлиги пасайишига сабаб бўлмоқда. Натижада аҳолининг турмуш даражаси ёмонлашмоқда, турли касалликларнинг пайдо бўлиш имкониятлари ортмоқда, уй-жой, озиқ-овқат муаммоси каби ижтимоий-иктисодий муаммолар кўпаймоқда.

Кейинги чорак аср давомида фақат чўллашиб жараёни натижасида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини йўқотилишидан кўрилган заар миқдори 520 млрд. АҚШ долларига етганлиги аниқланган.

Кениянинг Найроби шаҳрида ЮНЕП ташкилоти раҳбарлигига 1977 йилда ҳалқаро анжуман бўлиб, унда «Чўллашиб қарши ҳаракат режаси» ишлаб чиқилган. Бу режага бир неча йилларга мўлжалланган бўлиб, режага мувофиқ 1981 йилда Тошкентда ҳам Ҳалқаро илмий анжуман бўлиб ўтди. Ҳозир дунёнинг турли мамлакатлари қатори Узбекистон Республикасида ҳам чўллашибнинг олдини олиш, сугориладиган ерлар ва яйловлар маҳсулдорлигини ошириш борасида қатор амалий тадбирлар амалга оширилмоқда.

Нам тропик ўрмонлар майдонининг қисқариши. Ушбу ўрмонлар «сайёрамизнинг ўпкаси» ҳисобланганлиги учун ҳам жуда муҳофазага муҳтоҷдир. Ер атмосфера ҳавоси таркибидағи кислород мувозанати айнан мана шу ўрмонлар ёрдамида сақланиб туради. Бироқ, XX асрнинг ўрталаридан то 70-йилларга-ча дунёдаги ўрмонлар майдони тенг икки баробарга (50 млн.км. дан 25 млн.км² гача) қисқарди. Нам тропик ўрмонларнинг 42% дан ортиғи 70-йилларгача кесиб тутатилди. Ҳозирда қуруқлик юзасининг 6% ида нам тропик ўрмонлар сақланган бўлсада, улар майдонининг қисқариши жуда жадаллик ва тезкорлик билан давом этмоқда. Ҳозирда бундай ўрмонлар худуди йилига 16-20 млн.га. дан зиёд ёки ҳар дақиқада 25-50 га майдонга қисқармоқда. Африкадаги нам тропик ўрмонлар майдони XX аср мобайнида 65% га қисқарди. Ўрмонларни кесиш шу алфозда давом этаверса қитъадаги қатор мамлакатлар (Буркина Фасо, -Қотд-Ивуар ва бошқаларда) яқин 10-20 йил ичидаги ўрмонлар бутундай йўқ бўлиб кетиши мумкин.

Ўрмонлар майдонининг қисқариши ўрмон ёнғинлари, қишлоқ хўжалик учун янги ерларнинг очилиши, атмосфера ҳавосининг ифлосланиши ва ўтин сифатида ёқилиши билан боғлиқдир. XXI аср бўсағасида ҳам Лотин Америкаси мамлакатла-

рининг 20%и, Африканинг 60%и ва Осиё мамлакатларининг 10%и энергия эҳтиёжи ўтин ёқиши ҳисобига қондирилмоқда. Шунинг оқибатида факат ривожланаётган мамлакатларнинг ўзида йилига 2 млрд. м³ ўрмон ёғочи ўтинга айланмоқда.

Сайёрамизда сўнгти даврларда рўй берадиган ҳалокатли сув тошқинлари, кучли-талофатли шамоллар ва чанг-тўзонли бўронларнинг кучайганлиги, тупроқ дефляцияси ва эрозиясининг тезлашганлиги, иқлимдаги рўй берадиган ўзгаришлар, нам тропик ўрмонлар майдонининг қисқариши оқибатидир. Энг хатарлиси ҳавонинг мусаффолиги йўқолиб, кислород мувозана-ти ўзгармоқда.

Дунё океанининг ифлосланиши. Дунё океани қуруқлик (литосфера) ва атмосфера билан узвий алоқада бўлган, алоҳида хусусиятга эга муҳитdir. Дунё океанининг ифлосланиши асосан қуруқлик, атмосфера ва сув ҳавзалари (дарёлар)нинг ифлосланиши туфайли рўёбга чиқади.

Дунё океанига ташланаётган нефть маҳсулотлари, саноат-маишӣ чиқиндилар, оқава сувлар, радиактив ва турли заҳарли кимёвий моддалар салмоғи йил сайин ортмоқда. Яқин чорак аср мобайнида океан сувларининг ифлосланиши 1,5-3 мартаға кўпайиши кутилмоқда. Дунё океани сувларига қўшилаётган нефть миқдори йилига тахминан 10 млн. т ни ташкил этмоқда. Унинг ярмига яқинини (44%) дарёлар келтираётган бўлса, қолган катта салмоғи денгиз флоти зиммасига тўғри келмоқда. Денгиз остидан нефть қазиб олиш оқибатида йилига 100-200 минг т нефть қудуклардан чиқиб океан сувларини ифлосламоқда. Ҳозирда дунё денгиз транспорти орқали 3 минг номдаги турли кимёвий моддалар ташилмоқда. Уларнинг аксарият қисми ўта заҳарли бирикмалар бўлиб, турли йўллар билан океан сувларига қўшилмоқда. Дунё океанининг пестицидлар билан ифлосланиши жуда хатарлидир. Улар океанларга қишлоқ хўжалик майдонлари ва атмосфера орқали тушмоқда. Бундан чорак аср муқаддам дунё океанида 450 минг т ДДТ тўпланганлигини мутахассислар ҳисоблаб чиқсанлар. Ҳозирда океанларга факат атмосфера орқали йилига 130 минг т ҳар хил пестицидлар ёғилаётганлиги маълум.

Океан сувларининг оғир металлар билан ифлосланиши ҳам талофатлидир. Дунё бўйича ишлаб чиқарилаётган симобнинг (9-10 минг т.) 35-50% и, қўрғошиннинг 2 млн. т.си океанларга тушаётганлиги сир эмас. Калифорния (АҚШ) технология институти олимлари маълумотлар шуни кўрсатадики, автомобиль газлари таркибидан ажралиб чиқадиган қўрғошиннинг 50 минг т.си атмосфера орқали океанларга тушар экан.

Куруқлиқдаги барча дарёлар эса йил давомида океанларга 2 млн. т құрғошин, 20 минг т кадмий ва 10 минг т симоб ҳадя этади. Булардан ташқари, кемалардан йилига тахминан 7 млн. дона турли металл буюмлар ва 500 минг донадан зиёд шиша идишлар ҳамда 1 млн. дан ортиқ қофоз ва пластмасса қутичалар океанларга майшій чиқынды сифатида ташланмоқда. Дунё океани сувлари ифлосланишининг экологик ҳамда ижтимоий-иктисодий заарлари бекійесdir.

Океан сувларига нефть құшилганда сув юзасини нефть пардаси қоплаши өқибатида океан ва атмосфера ўртасида ис-сиқұлик, газ ва нам алмашинуви жараёни бузилади. Табиатда сувнинг айланма ҳаракати, океан юзасининг радиация хусусиятлари, умуман сувнинг юза қатламида унинг физик хоссалари үзгаради;

Кутб ёни худудларда нефть билан ифлосланиш муз юзасининг алъбедосини 27-35%га камайтириши сабабли, музларнинг эриши тезлашади;

Пестицидлар, айниқса, ДДТ денгиз флорасида фотосинтезга барҳам беради, ҳайвонларнинг тарқалишига халақит беради, денгиз ҳайвонлари ёғ ва жигарида тұтланиб, турли оғир қасаллукларни келтириб чиқаради;

Океан сувларининг оғир металлар билан ифлосланиши денгиз жониворлари ва уларни истеъмол қилиш орқали кишиларда ўта хавфли қасаллукларни келтириб чиқаради; Океан сувларининг ифлосланишидан дунёning турли қисмларидағи машхур соҳилларда чўмилиш фаолияти тұхтатилган, демак, уларнинг мавқеи йўқолди; Океан сувининг бир литрида нефть аралашмасининг 1 мг га ошиши ундаги барча фитопланктонларни, 0,1-0,001 мг га ортиши балиқ икраларининг қирилишига олиб келади;

Дунё океани сувларининг нефть маҳсулотлари билан ифлосланиши, унинг маҳсулдорлигини 10-20%га, балиқ овлашни 15-25 млн.т.га қисқартириб юборади.

Океан сувлари ифлосланишидан фақат балиқларнинг ўзидаң Япония йилига 100 млн. АҚШ доллары миқдорида иктисодий зарар күраёттан бўлса, АҚШда океан сувлари ифлосланишининг барча йўқотишлари 10 млрд. доллардан орттанлиги маълум.

Шу туфайли дунё океани сувларини ифлосланишдан сақлаш учун жаҳон мамлакатлари биргаликда амалий тадбирлар қўллашга киришмоқлари зарур. Акс ҳолда, таниқли француз океанологи Жак Кустонинг умидсиз башоратича, «саноат ва туризм ривожланган йирик давлатлар заҳарлашни тұхтамас

эканлар асримизнинг сўнгига ёк океанларда ҳаёт йўқолади». Ҳа, дарвоқе Тур Хейердал ҳам, - «жонсиз океан-жонсиз сайёра», деб бежиз таъкидламаган бўлса керак.

2.2. Ҳудудий геоэкологик муаммоларнинг вужудга келиши ва уларнинг ечими

Ҳудудий геоэкологик муаммолар сайёрамизнинг айрим ийрик табиий чегараларга эга бўлган нисбатан катта бўлакларига хос бўлса-да, улар сони ҳам тобора ортиб бормокда. Ҳудудий геоэкологик муаммолар жойларнинг ўзига хос табиий шароитлари, мавжуд ресурслардан нотўғри фойдаланиш, саноатчиқинидарининг сув ҳавзаларига ва атмосферага ҳаддан ташқари кўп чиқарилиши, ер-сув ва яйловлардан нотўғри фойдаланиш оқибатида келиб чиқмоқда. Ушбу муаммолар алоҳида ҳудудларгагина тегишли бўлса-да, уларнинг экологик ва ижтимоий-иқтисодий оқибатлари ғоят улкан, уларни ўз вақтида ҳал қиласлик келажакда кенг миқёсдаги кутилмаган оғир экологик кулфатларни келтириб чиқариши мумкин.

Ҳудудий муаммолар таркиб топиши жиҳатидан оддий ва мураккаб тоифадаги геоэкологик ҳодисалардан иборат бўлади. Мураккаб геоэкологик ҳодисаларнинг ечими ҳам мураккаб бўлиб, кўп вақт талаб қиласди. У тобора мураккаблашиши ва янги ҳудудларни эгаллаш йўналишида ривожланади. Оддий ҳудудий геоэкологик муаммолар ҳам маконда ва вақт мобайнида ўта мураккаблашуви оқибатида мураккаб тусга айланиши мумкин. Ҳудудий геоэкологик муаммолар Ўзбекистон, хусусан Марказий Осиё мамлакатлари учун ҳам хос бўлса-да, улар тўғрисида тегишли бобларда алоҳида, батафсилроқ тўхталишини лозим топдик. Қўйида дунёда кенг тарқалган «ишқорли» ёмғирлар ёғиши, турли дengiz ва кўл ҳавзаларида вужудга келган геоэкологик муаммоларнинг айримларига тўхталамиз.

Атмосферага кўплаб турли газларнинг чиқарилиши «ишқорли» ёмғирлар ёғишига сабаб бўлмоқда. Ёгинларнинг ишқорланиши асосан органик ёқилғилар (кўмир, нефть, мазут) ёқиш ва турли корхоналардан чиқариладиган сульфат ангдрид, азот оксид, хлор ва хлорли бирикмалар ҳисобига вужудга келади.

Одатда ёмғир сувларининг ишқорланиш даражаси - pH - ўртача 6,0, ишқорли ёмғирларда эса pH 5,0 дан кичик бўлади. Швеция, Норвегия ва АҚШда ёмғир сувларининг ишқорланиши одатдагидан 10 марта, Шотландияда эса минг марта ортганлиги аниқланган.

«Ишқорли» ёмғирлар ҳозирда АҚШ, Канада, Фарбий Евро-

па, айниқса, Скандинавия мамлакатларига хос бўлиб, каттагина экологик - иқтисодий талофатлар келтирмоқда. Ушбу мамлакатлардаги кўплаб дарё ва кўлларда «ишқорли» ёмғирлар ёғиши туфайли балиқ ва бошқа жониворлар бутунлай қирилиб кетди. АҚШнинг Андродиак тоғидаги (Нью-Йорк штати) 214 та кўлнинг ярмидан ортиқроғида балиқлар деярли йўқолди. Бу ёмғирнинг хатарли оқибатлари Норвегиянинг 10%дан ортиқ худудини ишғол этди, мамлакатдаги 200 мингдан ортиқ кўл фақат «ишқорли» ёмғир туфайли таҳлика остида қолди.

«Ишқорли» ёмғирлар ўсимликларга ёмон таъсир этади. Дараҳт баргларини муддатдан аввал тўкиб, ўрмонларнинг батамом қуришига сабаб бўлади. Ҳозирда Фарбий Европа ўрмонларининг ярмидан кўпи шу ёмғирлардан заҳарланган. Унинг қишлоқ хўжалик экинларига келтираётган офати янада бекиёсdir. «Ишқорли» ёмғирлар ўсимликлар хужайраларида модда алмашинувини ўзгартиради, уларнинг ўсиши ва ривожланишини бузади, ҳосилдорликни камайтириш ҳисобига қишлоқ хўжаликдан келадиган даромадни камайтиради.

«Ишқорли» ёмғирлар туфайли турли иншоотлар катта талофат кўрмоқда. Айниқса, мармар ва оҳактошдан ясалган осмон остидаги очиқ музей шаҳарлар (Греция, Италия ва бошқа), тарихий ёдгорликлар, ҳатто муҳаббат рамзи бўлган Ҳиндистондаги Тож-Маҳал ҳам унга бардош бера олмаяпти.

«Ишқорли» ёмғирлар ичимлик сувларини ифлослайди, тоғ жинслари таркибидан тирик организмлар учун заҳарли симоб, қўрошин, кадимий, рух ва бошқа металларни сиқиб чиқарди, балиқ танасида симоб тўпланишини ортишига таъсир этади. Шу боисдан, инсон саломатлиги учун ҳам хавф түғдирмоқда. Ҳозирда фақатгина Европа худудининг ўзига йилига 30 млн. т сульфат чиқиндилари ташланмоқда. Табиатни ишқорланишдан сақлаш учун атмосферага чиқариладиган сульфат ангидрит ва азот сульфат микдорини кескин камайтириш лозим. Еқилғи энергиясини тежаш, ёқув жараёнларини такомиллаштириш, атмосферага чиқариладиган сульфат оксидни тутиб қолиш, автомобилларда (азот оксид манбаидан бири) этилли бензиндан фойдаланишга барҳам бериш билан «ишқорли» ёмғирларни бартараф этиш мумкин.

Дунёнинг турли қисмларида жойлашганлигига қарамай денгиз, кўл ва дарёларнинг ифлосланиши деярли бир-бираига жуда ухшашибdir. Уларнинг ифлосланишида дунё океани каби асосан нефть, пестицидлар, металл ва турли кимёвий моддалар салмоқли ўринларни эгаллайди. Айниқса, табиий шароити қулай, сув транспорти жадал, соҳилида кўплаб иқтисодий ривожланган

мамлакатлар жойлашган денгиз, күл ва дарёларнинг экологик ҳолати анча ташвишилдири.

Дунёденгиз транспорти чорраҳаси ҳисобланган, атрофида 20 дан ортиқ ривожланган мамлакатларнинг бевосита таъсирига узоқ даврлардан бўён бардош бериб келаётган Ўрта ер денгизига кемаларнинг ўзидан йилига 300 минг т дан ортиқ нефть тўкилади. Биргина Рона дарёсининг ўзи денгизга йилига 50 т. пестицид ва 1250 т детергентлар келтиради. Денгизга бундай дарёлардан 20дан ортиғи қўйилади. Француз олимлари тадқиқот ўтказган денгиздаги балиқларнинг 31 туридан 17 тасида симоб миқдори меъёрдан анча ортиқлиги аниқланди. Денгиз атрофида яшовчи аҳолининг ўнтадан биттаси гепатит вирусини саклайди. 1973 йилда Неаполъда холлеранинг авж олиши оқибатида ўнлаб кишилар ҳётдан кўз юмди. Денгиздаги экологик ҳолат шунчалик оғир аҳволдалигидан ҳозир ундаги кўмли соҳилларда чўмилиш бутунлай тақиқланган.

Шимолий денгизга қўйиладиган Рейн, Везер, Эльба, Темза дарёлари 150 йилдан ортиқ даврдан бери денгизга т.лаб ифлос чиқиндилар келтиради. Денгизда сув кўтарилиши ва қайтиши кучли бўлсада, бироқ ҳозир денгиз сувининг алмашинуви - аралашувига унинг ҳам қурби етмай қолди. Денгиз остидан нефть ва газ қазиб олиш, кимёвий заҳарли моддалар ташувчи кемалар қатновининг жадаллиги ҳамда кимёвий ифлосланиш бўйича дунёда ҳеч бир денгиз Шимолий денгизни ортда қолдира олмайди. Йилига денгизга 50 млн. т кимёвий чиқиндилар ташланади. Бўёқ, тиш ва кир ювиш маҳсулотлари кукунлари тайёрлашда қўлланиладиган белил (титан оксиди) ишлаб чиқаришдан чиқадиган 750 минг т ташландиқлар ҳам денгиз сувига қўшилади. Шимолий денгиз дунёда балиқларга энг бой денгизлардан бири эди. Эндилилика денгизда тутилган балиқларнинг катта қисми (40%га яқини) истеъмолга яроқсиз ҳолга келган. 1956 йилда денгиз тюленлари сони З мингдан ортиқ бўлган, ҳозирда бу жоноворларнинг атиги 400 таси қолган.

Болтиқ денгизи ҳам ифлосланган денгизлар қаторига киради. Бу денгиз атрофидаги 10 дан ортиқ ривожланган мамлакатларнинг бевосита таъсирини ўзида яққол намоён этмоқда. Денгиз сувининг океан суви билан алмашинуви жуда суст эканлиги маълум. Сувнинг юқори қатламида кислород режими анча қулай бўлса-да, кейинги йилларда унинг чуқурроқ қисмларида кислород танқислиги сезилмоқда. Муқаддам денгизда водород сульфид бўлмаган, ҳозир эса айрим ботиқларда ушбу газ борлиги аниқланди. Денгизнинг ҳамма қисмларида: фенол, детергентлар, хлоридли углеводородлар - ДДТ, ПХБ, линдана; симоб, қўр-

гошин, бензипрен ва бошқа заҳарли кимёвий моддалар учрайди. Улар айниқса, соҳил бўйи туманларда кенг тарқалган. Денгизда нефть углеводородлар улуши анча салмоқли. Денгиз суви ифлосланишининг башпоратларига қарагандা, кейинги чорак асрда унга қўшиладиган симоб 3-4 марта камайса-да, қўрғошин миқдори 2 марта ортиши мумкин (автомобиллардан чиқадиган газлар туфайли).

Шимолий Америкадаги Буюк Кўллар сувидан 250 дан ортиқ шаҳарлар кунига ўз эҳтиёжлари учун 15 млрд. литр сув олиб, унинг катта қисмини чиқинди сув сифатида яна кўлларга қайтариб ташлайдилар. Бу кўллар таркибидаги Эри, Онтарио ва Мичиган кўлларининг жанубий қисмлари жуда ифлосланган. Майдони 26 минг км² бўлган Ер шаридаги чучук сувли йирик кўллардан бири Эрига Детройт дарёси сутка давомида 7,5 млн.м³ чиқинди – ташландик сув келтиради. Кўлга йил мобайнида 46 млн. т қаттиқ моддалар, 4 млн. т хлоридлар, 27 минг т фосфатлар, 160 минг т азот маҳсулотлари ташланмоқда. Ҳозирда кўлда кислород танқислиги сезилмоқда. Онтарио кўлига Ниагара ва бошқа дарёлар йилига 4710 т қаттиқ моддалар, 6 млн. т хлоридлар, 12 минг т фосфатлар ва 146 минг т азотли маҳсулотлар келтиради. Бу кўл шунчалик ифлосланганки, олимларнинг таъкидлашларича, унинг аҳволини қониқарли ҳолга келтириш учун жуда кўп йиллар керак бўлар экан.

Табиатнинг ноёб мўъжизаси ҳисобланган Байкал кўли дунёдаги чучук сув захирасининг 20%ини ўзида сақлаган бўлиб, сув ҳажми ва чуқурлиги бўйича Ер юзасида энг олдинги ўринни эгаллади. Унинг сув миқдори Болтиқ денгизи сувидан кўп. У ўзининг бой табиат олами жиҳатидан ҳам (унда 2400 турдан ортиқ органик дунё вакиллари, жумладан 52 тур балиқ яшайди) дунёда тенги йўқдир. Кўл органик дунёсининг 70%дан ортиги эндимик, яъни бошқа ҳеч қаерда учрамайди. Ҳайвонот дунёсининг 35%и жуда қадимиyllиги билан фарқланади. Кўл суви кислородга ҳаддан ташқари бой, атроф манзараси эса бебаҳодир. Бироқ кейинги даврларда инсон хўжалик фаолияти таъсири кўлга таҳлика солмоқда. Унинг атрофида янги ерларнинг ўзлаштирилиши, кўл шимолидан Байкал - Амур, жанубидан Трансибир магистрал темир йўллари ўтиши, кўнда юқ ташишнинг ортиши, Байкальск шаҳрида Байкал целлюлоза - қофоз корхонасининг чиқиндилари бу ажойиб кўл сувини ифлосланишига сабаб бўлмоқда. Байкалга кўплаб дарёларнинг қуилиши унга келадиган ифлос сувлар миқдорини ортдирмоқда. Кўлга яқин бўлган Иркутск - Ангарск -Черемхово металлургия ва кимё саноати, Канска - Ачинскдаги ёқилғи -энергетика мажмуа-

ларидан атмосферага чиқарилаётган заарли газлар таъсиридан ұлкадаги экологик шароит борган сари ёмонлашмоқда.

Худди шундай ва шунга ұхшаш оғир ахвол Қора, Каспий, Орол дегизлари; Балхаш, Иссикқұл кабилар учун ҳам таалуқлидир. Яна күплаб йирик дарё ҳавзаларидаги мұраккаб вазиятларни ҳам ҳудудий геоэкологик муаммолар тоифасига киритиш мүмкін. Ұшбу муаммоларни бартараф этиши учун тезкор чоралар күрилишини давр күрсатмоқда. Чунки, юқоридаги дегиз, құл, дарё соҳилларida ахоли анча зич жойлашган, дунёга машхур соғломлаштириш масканларига бойлиги билан ажраби туриши күпчиликка аён. Шунинг учун улар ұз ҳолиша мусаффо ҳолда сақланиши лозим.

2.3. Маҳаллий геоэкологик муаммоларнинг таркиб топиши ва ечимлари

Геоэкологик муаммоларнинг ұшбу турининг вужудға келиши инсон хұжалик фаолиятига нисбатан жадалроқ бўлган, унинг табиатта таъсири сезиларли даражада ортган, хусусан ландшафтларда янги техноген бунёдкорликлар жорий этилган, қисқаси антропоген ландшафтлар фаолияти билан боғлиқдир. Демак, ер юзасининг турли ҳудудларида ўзига хос геоэкологик муаммолар шаклланганки, буларнинг кўлами ва моҳияти жиҳатидан маҳаллий геоэкологик муаммолар, деб аташ мүмкін. Маҳаллий геоэкологик муаммолар дунё бўйича ёки йирик ҳудудлар бўйича эътироф этилмаса-да, уларни бартараф этишга эътиборсизлик жойларда экологик вазиятни кенг кўламда таркиб топиши ва мұраккаблашишига олиб келиши мүмкін. Бироқ маҳаллий геоэкологик муаммолар ташвиши ўша жойлар табиати ва ахолиси учун экологик, ижтимоий-иктисодий ва маънавий жиҳатдан жиҳдийлиги аён.

Ер юзасининг намгарчилик ҳудудларида ботқоқликларнинг қуритилиши, қурғокчил мінтақаларда сунъий сугориш, сув омборлар барпо этиш, яйлов чорвачилигини ривожлантириш, ишлаб чиқариш корхоналарининг қурилиши каби жараёнлардаги айрим номутаносибликлар ҳамда инсоннинг баъзи пала-партиш фаолияти маҳаллий геоэкологик муаммолар ўтқирлашувининг негизини ташкил этади.

Сув омборлари қурилиши сугориладиган ерлар майдонини кенгайтиришда, арzon электр қуввати ишлаб чиқаришда, ахоли яшаш манзилларини сув билан таъминлашда, сув йўлларидан фойдаланиш имкониятларини ортириш ва яхшилашда ҳамда дам олиш масканлари ташкил этишда мухим аҳамиятга эгадир.

Бироқ сув омборлари катта ҳудуддаги фойдаланиладиган ерларни ҳам ўз қаърига тортади. Тўғондан қуида дарё сув режимининг ўзгариши (камайиши) оқибатида қайирдаги ўтлөқ ўрмонларнинг қуриши, қайир тупроқларда маҳсулдорлик камайиши кузатилади. Шунингдек, юқори кенгликларда қурилган сув омборлари атрофида ерларнинг ботқоқлашиши рўй берса, қурғоқчил минтақаларда эса бу жараён тупроқларнинг шўрланишига сабаб бўлади (буни Узбекистоннинг текислик қисмидаги деярли барча сув омборлари атрофида кузатиш мумкин). Мутахассисларнинг фикрича сув омборларнинг табиий муҳитга таъсири асосан 4 та геотехник тизим босқичида намоён бўлади: гидрометеорологик, тупроқ-биологик, ландшафт ва ижтимоий-иктисодий.

Чорвоқ сув омбори ишга туширилгандан сўнг ўтган дастлабки 10 йил мобайнида атроф ҳудудда 1778 та турли каттапикдаги жарлар пайдо бўлганини, ўнга яқин сурилма ҳаракатлар кузатилганини мутахассислар қайд этадилар. Сув омборидан шимолдаги ёнбағирда жойлашган минтақаларда ер ости сувлари сатҳининг кўтарилиши тупроқнинг ботқоқланишига сабаб бўлмоқда. Сув омбор жанубида, бугланиш кучли майдонларда эса тупроқда иккинчи даражали шўрланиши содир бўлмоқда. Бу иккала ҳолат ҳудуд иқтисодиёти ривожланишига жиҳдий таъсири кўрсатмоқда.

Узбекистонда, хусусан бутун Марказий Осиёда суформа дехқончиликнинг жадал ривожлантирилиши оқибатида 1936-1989 йиллар мобайнида 168 та антропоген кўллар вужудга келган (Нуридинов, 1992), улар 6344550 км^2 майдонни эгаллайди. Демак, ушбу кўлларнинг ҳам атроф-муҳитга таъсири бўлиши табиийдир. Мирзачўлнинг шимоли-ғарбида жойлашган Тузкон чўли қадимда шўрхок ва қумли массивдан иборат бўлиб, ер ости сувлари сатҳи 10-20 м чуқурда бўлган (1970). Кўлнинг пайдо бўлиши билан ер ости сувлари сатҳи 1-3 м га кўтарилиди ва кучли бугланиш туфайли сув ҳавзаси таъсиридаги сугориладиган ерларда тупроқлар шўрланишига учраб қишлоқ хўжаликда фойдаланишига яроқсиз ҳолга келиб қолди. Агар Марказий Осиёдаги шўр кўллардаги туз заҳірасининг 93% ини Сариқамиш, Айдаркўл, Денгизкўл ва Тузконда тўпланганилиги инобатга олинса, бу кўллар сувининг қуриши минтақада туз дефляциясининг янги ўтоқлари пайдо бўлишидан далолатdir.

Туркманистондаги Қоракум канали Амударёдан ҳар йили 10 км^3 атрофида сув олади. Канал ишга тушгандан буён ўтган сал кам 40 йил мобайнида чўл ҳудудлари табиатида кучли ўзгаришлар рўй берди, ҳатто кўплаб бутунлай янги табиий географик

мажмуалар ҳосил бўлишига сабаб бўлди. Агар канал узунлигини 1100 км дан ортиқлиги, ён атрофга таъсири 1-30 км эканлиги юзасидан таҳлил қилинадиган бўлса, каналнинг нафақат ижобий, балки минтаقا учун келтираётган жиддий экологик, ижтимоий-иқтисодий салбий таъсирини ҳам пайқаш мумкин.

Қизилқумнинг айрим худудларида қоракўл қўйларининг тартибсиз боқилиши, буталарнинг кесилиши, геологик қидирув, бурғулаш ва турли қурилишлар туфайли экологик вазият кескинлашмоқда. Чўл қум тупроқларининг зичлиги ва қовушқоқлиги кучсиз бўлганлигидан тезда ҳаракатчан ҳолатга келади. Чорвани боқиш туфайли айниқса, сув манбалари (кудуқлар) атрофидаги ўсимликлар кучли ўзгаришга учрайди, натижада қум кучкиларига сабаб бўлади. Бундай ҳолатни барча чўлларнинг воҳаларга тулаш худудларида кенг майдонларда кузатиш мумкин.

Чирчик, Оҳангарон, Сурхондарё ва Қашқадарёning лёсс билан қопланган юқори террасаларида (III, IV) сугоришида ишлатилган сувларни дала чеккасига чиқариш туфайли жар эрозияси кучаяди (бу жараён эгаллаган майдон Тошкент воҳасининг ўзида 15 минг гектарга етди). Бу худуддаги экотизимларнинг барқарор ривожланишига ўз таъсирини кўрсатади, оқибатда иқтисодиёт ҳам жиддий зарар кўради.

Маҳаллий геоэкологик муаммолар фақат каналлар, сув омборлари ёки сугориладиган ерлар, яйловлар ва улар атрофидагина эмас, балки йирик саноат объектлари-иссиқлик электр станциялари, төғ-металлургия комбинатлари, қазилма конлар, ёқилғи-энергетика мажмуалари ва ҳоказолар туфайли ҳам юзага келиши мумкин. Демак, маҳаллий геоэкологик муаммолар негизи табиат, хусусан ландшафтлар билан техноген тизим (сув омбор, канал, саноат корхонаси ва б.) нинг ўзаро таъсири ва алоқасининг салбий натижасидир. Алоқаларнинг асоси эса сув ёки ҳаво орқали амалга ошади. Ўзаро таъсир ва алоқадаги мувознатнинг бузилиши барча турдаги геоэкологик муаммоларнинг вужудга келишига имкон яратувчи бош омилдир.

Қисқача хуросалар

Геоэкологик муаммоларнинг таркиб топиши табиий географик қонуниятлар асосида содир бўлади. Геоэкологик муаммони экологик, ижтимоий-иқтисодий географик мұаммо, деб қараш лозим. Уларнинг тарқалиш кўламига қараб сайёравий (глобал), минтақавий (худудий) ва маҳаллий турларга ажратилади.

Сайёравий геоэкологик муаммолар умумбашияятга тааллуқли, унинг экологик ва ижтимоий-иқтисодий оқибатлари ҳам анча хатарли.

Худудий геоэкологик муаммолар маълум йирикроқ худудларга тааллуқли.

Маҳаллий геоэкологик муаммоларни Ер юзасининг деярли исталған жойида учратиш мүмкін. Улар дунё бўйича эътироф этилмасада, ўша худудлар учун етарли ташвиш келтиради.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Геоэкологик муаммо нима? Унинг қандай турлари мавжуд?

2. Сайёравий геоэкологик муаммоларнинг моҳияти ва ечими тўғрисида нималар биласиз?

3. Худудий геоэкологик муаммолар ва улар ечими дол зарблигини қандай изоҳлайсиз?

4. Маҳаллий геоэкологик муаммоларни юзага келтирувчи омиллар ва ечимини тушунтириб бера оласизми?

5. Геоэкологик муаммоларнинг юқоридаги турлари қандай экологик ижтимоий - иқтисодий оқибатларни келтириб чиқаради?

Асосий адабиётлар

1. Горелов А. А. Экология. – М.: Центр, 2000.
2. Израэль Ю.А., Ровинский Ф.Я. Берегите биосферу. – М.: Педагогика, 1987.
3. Рафиқов А. А. Геоэкологик муаммолар. – Т.: Ўқитувчи, 1997.
4. Тўхтаев А. С. Экология. – Т.: Ўқитувчи, 1998 .

III боб

ЎЗБЕКИСТОНДА ТАРКИБ ТОПГАН ЭКОЛОГИК ВАЗИЯТ ВА ЭКОЛОГИК ҲАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ АСОСЛАРИ

3.1. Атмосфера ҳавосининг ифлосланиши ва унинг олдини олиш

Атмосфера – Ер куррасининг ташки қобиги, унинг барча табиий жараёнлардаги аҳамияти ниҳоятда катта. У аввало Ер сатҳининг умумий иссиқлиқ режимини бир маромда сақлайди, коинотдан келадиган турли заарли осмон жисмлари таъсиридан асрайди. Атмосфера циркуляцияси маҳаллий иқлим шароитларига таъсир этади ва у орқали дарёларнинг сув режими, тупроқ-ўсимлик шароитларига, шунингдек рельеф ҳосил бўлиш жараёнларига таъсир кўрсатади. Ҳаво-Ерда ҳаётнинг вужудга келишида зарурий омил.

Атмосферанинг газ таркиби қўйидагича (ҳажм бўйича фоиз ҳисобида) азот-78. 09, кислород-20. 95, аргон-0. 93, углерод (II) оксиди- 0,03, неон-0,00018. Атмосферада шунингдек, сув буғлари мавжуд. Атмосферанинг таркибига инсоннинг хўжалик фаолияти борган сари кўпроқ таъсир кўрсатмоқда.

3.1.1. Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбалар

Атмосферани ифлослантирувчи чиқиндилар одатда икки қисмга бўлинади: газсизмон ва қаттиқ моддалар, шундан газли моддалар бутун чиқиндиларнинг 90%, қаттиқ моддалар эса 10% ини ташкил этади. Атмосферани ифлослантирувчи манбаларни табиий ва ишлаб чиқариш-маиший жараёнлар ташкил қиласи. Табиий манбаларга чанг, чанг-тӯзон, вулқонларнинг отилиши, коинот чанглари ва бошқалар ҳос. Табиий манбалардан келадиган ифлослантирувчи моддаларнинг 3/4 фоизи ноорганик генезисга эга. Булар нураш маҳсулотлари, тупроқ доналари, туз, микроорганизмлар ва бошқ. Табиий манбалардан атмосферага қўшилган турли моддалар маълумотларга қараганда, ҳар йили ўртacha 700 млн.т. дан 1,5 млрд.т. гача денгиз тузлари, 700 млн.т. га яқин тупроқ чанги, ўрмонларнинг ёниши натижасида 360 млн.т. гача турли аралашмалар атмосферага қўшилади. Уларнинг жами ўртacha 2,3 млрд.т. аэрозолни (ҳавода муаллақ турувчи қаттиқ ёки суюқ заррачалар) ташкил қиласи.

80 - йилларнинг охирида дунё бўйича йилига тахминан

600×10^9 т саноат-маиший чиқиндилар атмосферага чиқарилган. Эндиликда атмосферанинг сунъий манбалар ҳисобига чиқиндилар билан ифлосланиши борган сари кучайиб бормоқда. Иссиклиқ электростанциялар тутун билан бирга ҳавога олтингугуртли ва карбонат ангирит газлар ва бошқа бирикмаларни, металтургия, айниқса, рангли металтургия корхоналари, газ ҳолда азот оксидлари, водород сульфид, углерод оксид, хлор, фтор, амиак, фосфор бирикмалари, турли металл заррачалари ва бирикмалари, симоб, маргимуш; худди шундай чиқиндиларни кимё корхоналари, цемент ишлаб чиқарувчи ва пахта тозаловчи заvodлар кўплаб чанг чиқаради. Масалан, чўян эритиши ва ундан пўлат тайёрлаш жараёнида 1 т. чўян эритилганда 4,5 кг чанг, 2,7 кг олтингугуртли газ, 0,5-1,1 кг марганец ажралиб чиқади.

Ҳавони ифлослаштиришда автомобиль транспортининг хиссаси жуда ҳам юқори. Ички ёниш двигателлари ташқарига чиқариб ташлаган чиқиндилари таркибида углерод оксида, азот кўши оксида, углеводородлар, алъдегидлар, куя, бен(а)прен ва бошқа кимёвий ашёлар мавжуд бўлади. Олимларнинг таъкидлашича, чиқиндилар таркибида қарийб 200 номдаги компонентлар борлиги аниқланган. Ҳозирги вақтда дунёда 500 млн.дан зиёд автомобиллар мавжуд бўлиб, уларнинг 80 млн.таси юк, таҳминан 1 млн.таси автобуслардан иборат. Янги аср бошларида автомобиллар сони 700-800 млн.га қадар ортиши таҳмин қилинмоқда. Мутахассисларнинг аниқлашича, бир енгил автомобиль йил давомида 4 т дан кўпроқ кислород ютиб, ҳавога 800 кг углерод оксида, 40 кг атрофида азот оксидлари ва деярли 200 кг турли углеводородлар чиқаради (1-жадвал). Эндиликда автомобилларнинг миқдори ортиб бораётганлиги туфайли уларнинг атмосфера ҳавосини ифлослантиришдаги улуши йирик шаҳарларда (АҚШда 75%) 60%, баъзи йирик шаҳарларда эса 70-90% ни ташкил қилмоқда. Автомобиллар асосан ҳавога углерод оксида (АҚШда унинг улуши бутун чиқиндиларга нисбатан 70% га teng), углеводородлар, азот икки оксида ва бошқаларни чиқаради.

3.1.2. Ўзбекистонда атмосфера ҳавоси ифлосланишининг ҳозирги аҳволи

Ўзбекистонда моддий ишлаб чиқаришнинг кенг миқёсларда ривожланиши Чирчик, Оҳангарон, Фарғона водийсида, Қизилқум паст тоғлари этакларида, Сурхондарё, Қашқадарё, Зарафшон воҳаларида бир неча саноат ва транспорт тутунлари, шаҳарларни таркиб топишига олиб келди. Саноат ишлаб чиқаришининг бекиёс даражада тарақкий қилиши атроф мухитни, хусу-

сан атмосфера ҳавоси ифлосланишига таъсир этмоқда. Саноат шаҳарлари кўпроқ төғ водийларида жойлашганлиги туфайли ҳавонинг ўз-ўзини тозалаш хусусияти анча чегараланган, яъни төғ водий шамоллари ифлосланган ҳавони төғ этаклари томон суреб кетади, натижада бу худудларда жойлашган воҳалар ва шаҳарларда ифлосланган ҳавонинг туриб қолиши сезилади. Бу борада Чирчиқ-Тошкент-Янгийўл, Ангрен- Оҳангарон-Олмалиқ-Пискент-Бука шаҳарлари йўналишида ҳаво ифлосланишининг кучайиши кузатилади. Бу борада Сурхондарё водийсида ҳавони Тожикистоннинг Турсунзода шаҳрида қурилган улкан алюминий корхонасининг ҳавога кўтарилиган чиқиндиларни Узун, Сариосиё, Денов туманларидағи аҳоли яшаёт пунктларида атроф мұхиттинг 80-йилларда кучли даражада ифлосланиши төғ-водий шамолларининг ролига жуда ҳам хос мисол бўла олади.

I-жадвал

Органик ёқилги ёқилиши натижасида углероднинг ажралиб чиқиши


Мамлакатлар	Чиқиндиларнинг умумий миқдори, млн.т	Жон бошига тўғри келадиган чиқинди миқдори, т	Миллий маҳсулотни АҚШ долларига нисбатан ошишига тўғри келадиган чиқинди миқдори, млн.долларга т	1990-1994 йилларда чиқиндиларнинг ўсиши, фоиз
АҚШ	1371	5,26	210	4,4
Хитой	835	0,71	330	13,0
Россия	455	3,06	590	-24,1
Япония	299	2,39	110	0,1
Германия	234	2,89	140	-9,9
Хиндистон	222	0,24	-	23,5
Булоқритания	153	2,62	150	-0,3
Украина	125	2,43	600	-43,5
Канада	116	3,97	200	5,3
Италия	104	1,81	110	0,8
Франция	90	1,56	80	-3,2
Польша	89	2,31	460	-4,5
Жанубий Корея	88	1,98	200	43,7
Мексика	88	0,96	140	7,1
Жанубий Африка	85	2,07	680	9,1
Қозогистон	81	4,71	1250	-
Австралия	75	4,19	230	4,2
Шимолий Корея	67	2,9	960	-
Эрон	62	1,09	270	-
Бразилия	60	0,39	70	15,8

ХХ асрнинг 80-йилларида Ўзбекистонда атмосфера ҳавосига чиқарилган чиқиндилирнинг жами миқдори 4,1-4,3 млн. т атрофида, шундан 1,3-1,5 млн. т стационар, 2,6-2,9 млн. т си ҳарақатдаги манбалар ҳиссасига тұғри келган (2-расм). 1990 йилдан эътиборан ҳавога чиқарилаётган чиқиндилир йил сайин камайиши йўналишига ўтди. Бу ҳол асосан ишлаб чиқаришининг камайиши ва ёқилғидан камроқ фойдаланиш (63%), шунингдек, табиятни муҳофаза қилиш тадбиirlарининг тадбиқ қилиниши (37%) билан боғлик. Чет эл фирмалари билан қурилган янги корхоналар лойиҳада атроф мухитни иложи борича камроқ ифлосланишини назарда тутган ҳолда амалга оширилаётганлиги туфайли ҳамда мавжуд саноат корхоналари чет эл мутахассислари иштирокида ва уларнинг тұғридан-тұғри ёрдамлари асосида модернизация қилинаётганлиги сабабли атмосферага борган сари камроқ чиқинди чиқарилаётганлиги кузатилмоқда.

Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи устувор чиқиндилир республикада асосан углерод оксиidi (қарийб 50%), олтингугурт (II) оксиidi (15%), учувчи углеводородлар (15%), азот (II) оксиidi (9%), қаттиқ аралашмалар (7%) ташкил қиласиди. Умуман олганда минтақада асосий ифлослантирувчи чиқиндилир бўйича ўртacha йиллик кўрсаткичлар ҳавфли кўрсаткичлардан пастроқ. Қўйида Тошкент шаҳрида атмосфера ҳавосининг ифлосланиши тадрижий равишда берилган (2-жадвал).

Атмосфера ҳавосининг сифат кўрсаткичлари бўйича республика шаҳарлар, мутахассисларининг фикрича, учта гурухга ажратиш мумкин: атмосфера ҳавосининг ифлосланиши юқори даражада бўлган шаҳарлар, буларда бир қатор заҳарли моддаларнинг энг юқори концентрацияси РЭМдан 2-5 марта кўп бўлади. Буларга Тошкент, саноат шаҳарлари: Олмалиқ (формальдегид бўйича РЭМ 6 марта, мис бўйича РЭМ 5 марта, маргимуш ва фтор бўйича РЭМ 2-4 марта, кўргошин РЭМ бўйича 2 марта кўп), Ангрен (чанг ва азот оксидлари РЭМдан 3 марта-дан кўп), Оҳангарон (азот оксиidi бўйича РЭМдан 11 марта кўп, кўргошин РЭМ бўйича 3 марта кўп), Чирчиқ (заҳарли газлар бўйича 6-10 марта кўп, цемент, чанг РЭМ бўйича 6 марта кўп, вольфрам бирикмаси бўйича РЭМ бўйича 5 марта кўп, кобальт бирикмаси бўйича РЭМ бўйича 3 марта кўп), Бекобод (чанг бўйича РЭМдан 28 марта кўп, бенз(а)пирен бўйича РЭМдан 17 марта кўп, ваннадий 5 оксидлари РЭМдан 5 марта кўп) ва Гулистон (минерал ва органик чанг бўйича РЭМдан 5-20 марта кўп); атмосфера ҳавоси ўртacha ифлосланган шаҳарлар гурухи, уларда заҳарли газларнинг энг кўп миқдори РЭМдан 1-2 марта кўп бўлади, лекин айрим бирикмаларнинг миқдори бу

кўрсаткичдан юқори бўлиши мумкин. Бу гурӯхга Фарғона вилоятидаги саноат шаҳарлари ва тоғлар оралигидаги бошқа шаҳарлар киради; атмосфера ҳавоси кам ифлосланган шаҳарлар гурӯхи, бу гурӯхга кўпроқ айрим аҳоли яшаш пунктлари (Паркент, Бойсун, Дехқонобод) хос.



2-расм. Ўзбекистонда атмосфера ҳавосига чиқарилган жами чиқинидлар (а) ва шундан стационар манбалар улуси (б).

2-жадвал

Тошкент шаҳрида атмосфера ҳавоси ифлосланишининг тадрижий ўзгариши (ўртача суткалик микдорнинг РЭМ улусида)

Ифлослантирувчи чиқинидлар	1991й	1992й	1993й	1994й	1995й	1996й	1997й	1998й	1999й
Чанг	1,3	1,0	1,0	1,3	1,3	1,3	1,3	1,3	1,3
Углерод оксиди	1,0	1,1	0,7	1,0	1,0	1,0	1,0	0,7	0,7
Азот (II) оксиди	2,0	1,5	1,3	1,5	1,2	1,2	1,5	2,0	1,7
Кўрошин	0,6	0,5	0,6	0,1	0,02	0,02	2,02	0,01	0,02
Бенз(а)пирен	0,7	0,4	0,3	0,3	0,3	0,2	0,16	-	0,35
Формальдегид	1,7	5,0	10,5	10,3	8,3	7,3	-	-	-
Озон	0,8	2,0	2,0	2,0	1,3	2,3	1,3	1,2	1,3

(* ЎзР Бош Гидромед хизмати матъумоти бўйича)

Барча оғир металларнинг атроф мухитга ҳаво орқали келиб тушишида кўрошиндан ташқари стационар манбалар хиссасига тўғри келади. Уларнинг улуси барча чанг (84%) ва ол-

тингугурт икки оксиди (87%), углеводородлар (42%), азот оксиidi (39%), автотранспорт барча углерод оксиidi (87%), азот оксиidi (61%), углеводородлар (58%), бошқа чиқиндиilar бўйича 91% ни ташкил қилади. Умуман олганда чиқиндиilarни ҳавога чиқариш бўйича автотранспорт ҳиссасига 62%, қолгани саноат корхоналари ҳиссасига тўғри келади.

Саноат ишлаб чиқаришнинг атмосфера ҳавосини ифлослантиришдаги улуши қуидагича (% ҳисобида): ёқилғи саноати-40, электроэнергетика-28, металлургия-14, қурилиш индустрияси-5, кимё саноати-3 ни ташкил қилади. Ёқилғи саноатининг ҳавони ифлослантиришдаги ҳиссасининг катталиги аввало табиий газ, нефть конларида маълум микдордаги ёқилғи турларининг ёниш учун сарф этилиши (газ конларида машъъалларнинг мавжудлиги), кўмир конларида кўмирнинг бир қисмининг чанг сифатида осмонга кўтарилиши, ёниши, нефть маҳсулотларининг ёниши ва бошқа жараёнлар билан тушунтирилади.

Республикада ҳаракатдаги транспорт турларидан ҳавога кўтарилаётган чиқиндиilarни ҳисобга олиш йўлга кўйилмаган. Маълумотлар ёқилғи сотиладиган пунктларидан олинган ахборотлар асосида ҳисоб-китоб қилиш билан уларда қанча чиқиндиilarнинг ҳавога кўтарилганлиги аниқланади. Бу йўл билан қилинган ҳисоб-китоб тахминан 10% атрофида хатоликка олиб келиши мумкин.

3.1.3. Атмосфера ҳавоси ифлосланишининг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари

Инсоннинг ифлос ҳавода нафас олиши қўпгина қўнгилсиз оқибатларга олиб келади, баъзан бу ҳол ўлим билан тугайди.

Атмосфера ҳавоси таркибида қўроғшин, маргимуш, мис ва бошқа оғир металларнинг қаттиқ бирикмалари, олтингугурт гази, углерод оксиди, фтор бирикмаси, азот оксиди, аммиак, углеводородлар, бошқа газсимон ва суюқ моддалар микдори РЭМ даражасидан ошиб кетса бундай ҳаво тирик организмга катта таъсир кўрсатади. Чунончи, олтингугурт (II) оксиди ва унинг бошқа бирикмалари ҳар m^3 ҳавода 0,85 мг дан зиёд бўлганда кўзнинг шиллиқ пардасини ва нафас олиш йўлини яллиглантиради; олтингугурт гази РЭМ 0,05 мг дан ошганда организмнинг оғир бронхит, гастрит, ларингит билан оғришига олиб келади, нафас олиш йўлида илгаридан мавжуд бўлган касалликларни қўзгайди, бош миянинг баъзи вазифаларини ўзгартиради, гипогликемия ва гиповитаминозлар пайдо бўла бошлайди, болаларнинг ўсишида орқада қолиш юз беради, ўпкада янги элементларнинг вужудга келиши кузатилади.

Углерод оксидининг РЭМ 0,5 мг дан ортиши гемоглобин ҳаракатини кучайтиради, тўқималарда кислороднинг етишмаслигига олиб келади, асаб ва юрак-қон томирлари тизимларининг бетартиб ҳаракатини келтириб чиқаради, атесклерознинг келиб чиқишига сабабчи бўлади. Бош айланиш, бош оғриқ, кучли яллиғланиш, юракнинг кучли уриши, уйқунинг бузилиши кузатилади.

Фтор, фторли водород бирикмалари миқдори РЭМ 0,005 мг дан зиёд бўлса, тери ва кўзнинг шиллиқ пардаси кескин яллиғланиди, бурундан қон келади, тумов, йўтуалиш, атеросклероз кучаяди. Азот икки оксиди миқдори РЭМ 0,06 дан ортса организмда ўпка ва нафас йўлларини кучли яллиғлайди, уларда шамоллашнинг вужудга келишига кўмаклашади, қон босими камаяди.

Кўрошин ва унинг бирикмалари РЭМ 0,0017 мг дан ортганда тўпланиши хусусиятига эга бўлади (организмда заҳарли моддаларнинг йигилиши), қоннинг таркибини ўзгартиради ва мия суягига таъсир кўрсатади, мускулларнинг кучсизланишини оширади, асаб тизимини бузади, бош миянинг шамоллаши, буйрак ва жигарнинг заарланиши кузатилади. Болалар учун ҳавфли, жисмоний ўсиши секинлашади. Табиий кўрошин таъсирида организмда модда алмашуви бузилади, болаларнинг ақлий жиҳатдан орқада қолиши ва миянинг хроник касалланиши содир бўлади. Атмосфера ҳавосининг ифлосланиши нафақат инсон саломатлиги, шунингдек, чорва молларининг касалланишига фаол таъсир этади. Турсунзода шахридаги алюминий корхонасининг 80-йиллар ва 90-йилларнинг бошида Узбекистондаги Сариосиё, Узун туманларининг ҳавосини кучли тарзда ифлослаган даврида кўплаб чорва молларининг, касалланиши, жойларда ўлимига ҳам олиб келди. Шунингдек маданий экинзорларнинг қуриши, дараҳтзорларнинг зарар қўриши содир бўлди. Айниқса, Сариосиё туманидаги боғлар фторидли водород газининг таъсирида жиддий зарар кўрди, довруги достон бўлган Дашибобод анорлари, узум, ўриқ, полиз экинзорлари тутзорлар қуриди ёки мевалар пишса ҳам ўз жойида қорайиб қолаверди.

Тошкент вилоятида 50-йиларда жуда ҳам сифатли ва шираси юқори бўлган хилма-хил қовун-тарвузлар етиширилган, 60-70-йилларда ёқ ularни пишиб етилишига ҳавони ифлосланишининг фаол таъсири туфайли улар бутунлай экилмай қўйилди. Эндиликда бу вилоятда қовун ҳам торвуз ҳам экилмайди. Худди шундай аҳвол Фарғона вилоятида содир бўлмоқда.

Ўзбекситонада атмосфера ҳавосининг ифлосланиши натижасида унинг салбий иқтисодий оқибатлари ҳам етарли даражада юз бермоқда. Олтингугурт икки оксиди маданий ўсимликлар учун заҳарли ҳисобланади. Нам ҳавода сульфат ишқор ҳосил қиласи, ёғингарчиллик вақтида унга қўшилиб «иншқорли

ёмғир» бўлиб тушади. Бу ҳодиса республика худудида унчалик кенг тарқалмаган бўлса ҳам, лекин саноат шаҳарлари атрофида «ишқорли ёмғир» мевали дараҳтларни баҳорда баргларини тешиб юборади, етилиб келаётган меваларнинг сифатини бузади, яъни турли хил бўртмалар вужудга келади. Баъзан мевали дараҳтларнинг барглари умуман қуриб қолади ва бунинг оқибатида дараҳтзорларнинг меъёрида ўсиши учун қулай экологик шароитлар бузилади. Цемент ишлаб чиқарадиган корхоналарнинг атроф муҳитга таъсири ҳам асосан маданий ўсимликларнинг меъёрида ўсишига салбий таъсир этиши туфайли кутилган ҳосилни олишга тўсқинлик қиласи, чунки чангни тұхтосиз ёғилиб туриши сабабли ўсимлик барглари цемент билан қопланиб унинг физиологик ривожланиши учун қулай шароитлар йўқолади.

3.1.4. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тадбирлари мажмуси

Ўзбекистонда бошқа давлатлар қатори атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ишлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қабул қилган «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш түғрисида»ги қонун асосида амалга оширилади, бу қонун ЎзР Олий Мажлиси томонидан 1996 йил 27 декабрда тасдиқланган.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш кўп оминалрга боғлиқ:

1) автотранспортдан чиқадиган заарли чиқиндиларни имкони борича камайтириш; 2) саноатга кам чиқитли ва чиқиндиз технологияни жорий этиш; 3) майший чиқиндиларни ёқишига барҳам бериш; 4) минерал хомашёлар қазиб олинадиган конларда ва карерларда турли газ, чанг ва бошқаларни ҳавога чиқишини минимал миқдоригача камайтириш ва бошқ. (З-чиズма).

Ҳавони энг кўп автотранспорт заҳарлаши туфайли асосий эътиборни саноат билан бирга транспортнинг шу турига қаратиши мақсадга мувофиқ. Аввало ҳар бир автомобильни соғлом тутиш билан бирга унда фойдаланилаётган ёқилғи турига аҳамият бериш даркор. Амалда фойдаланилаётган этили бензин таркибида қўроғиннинг мавжудлиги автомобилларда нейтрализаторлар-заарли моддаларни тутиб қолувчи мосламаларни ўрнатишга имкон бермайди. Агар қўроғин аралаштирилмаган бензин ёқилғисидан фойдаланиши йўлга қўйилса ташқарига чиқарилаётган чиқиндиларнинг катта қисмини тутиб қолиш имкони тугилади. Швецияда тажриба тариқасида автомобилларда ўрнатилган нейтрализатор-каталик фильтрдан фойдаланиш натижасида ҳавога чиқарилаётган углерод оксидини 34 %, углеводородларни 36 %, азот оксидларини 58 % га камайтиришга эришилган.

Ёқилғидан фойдаланишда дизел двигатели билан ҳаракатланувчи автомобиллар ҳам иқтисодий, ҳам экологик тозалик жиҳатдан устуворликка әга. Дизел двигатели билан ҳаракатланувчи автотранспортда ташқарига чиқарилаётган чиқиндилярнинг жами заҳарли даражаси бензин билан юрувчи автомобилларга қараганда З марта кам. Лекин баъзида дизел ёқилғиси билан ҳаракатланувчи автобус ёки юқ автомашиналаридан қуюқ қора тутун чиқаёттани кузатилади. У чала ёнган углерод бўлиб, куядан иборат. Тутун автомобилнинг носоғломлигидан хабар беради. Лекин дизел ёқилғисида қўргонин йўқ, углерол оксиди ва углеводородлар миқдори 50-90 % кам. Гап автотраспортдан ҳар доим соғлом ҳолда фойдаланишга боғлиқ. Атмосфера ҳавосининг ифлосланишини автомобиллар ҳисобига кескин камайтиришнинг йўли уларни газли ёқилғидан фойдаланишга ўтказишдан иборат. Бу билан заҳарли газларни ҳавога деярли 100 марта кам чиқишига эришилади. Шунингдек, нефть маҳсулотларидан фойдаланиш ҳам анча камаяди. Бу ҳол ҳам иқтисодий, ҳам техник жиҳатдан асосланган. Ҳозирда Ўзбекистонда 13 мингдан зиёд автомобиль табиий газ ёқилғиси билан ҳаракат қилимокда. Лекин бу соҳада автомобилларни табиий газ билан таъминлаш даражаси, газ мосламаларнинг техник жиҳатдан юқори самарага етмаганлиги туфайли автомобилларни табиий газ ёқилғисига ўтказиш секин амалга оширилмокда.

Нефть маҳсулотларининг борган сари қимматлашиб бораёттанилиги ва атмосфера ҳавосининг ифлосланишида автотранспортнинг ҳиссаси катталигини эътиборга олган ҳолда автомобилларни электр токи асосида ҳаракатга келтириш бўйича амалий ишлар қилинмоқда. Бу ҳолга 70-йилларнинг бошларидағи нефть кризиси катта турткى бўлди. 80-йилларда ишлаб чиқилган Австралия электромобиллари тезлиги соатига 130 км га тенг, лекин бир марталик электр билан таъминлаш бор-йўғи 200 км масофа га етди. Ҳали бу борада юқори техник самарадорликка эришиш учун кўп ишлар бажарилиши даркор. Ривожланган мамлакатларда электромобилларнинг энг самарали турини яратиш бўйича талай ишлар қилинмоқда, албатта бу машиналар XXI асрнинг асосий автомобили бўлиб қолади. Электромобил шовқинсиз ҳаракатланганлиги, ташқарига зарарли чиқиндилярни чиқармаслиги туфайли энг экологик тоза транспорт тури бўлиб қолади.

Эндиликда Қуёш нурини электр токига айлантириш асосида ҳаракатга келадиган автомобиль турини яратиш соҳасида ҳам конструкторлик ишлари олиб борилмоқда.

Атмосферага чиқарилаётган саноат чиқиндилярини тозалаш катта амалий аҳамиятга әга. Газларни тозалаш деганда улардан фойдали моддаларни ажратиб олиш ёки уларни ҳавф-

сиз ҳолатга келтириш тушунилади. Шу мақсадда корхона дудбүрөнларига газ ва чангларни тутиб қолувчи махсус мосламаларни ўриятиш ҳамда уларнинг барқарор самарали ишлашиний назорат остида бўлишилигига эришиш амалий аҳамият касб этади. Олтингугурт ангидриидан тозалаш мақсадида аммиакли усулни қўллаш билан сульфит ва бисульфат аммоний олиниди, олтингугурт ангидридини нейтраллаш усулини қўллаш билан сульфит ва сульфат, каталик усулни қўллаш билан кучизироқ олтингугурт ишқорини олиш мумкин.

Ишлаб чиқариш жараёнида ҳар қандай мосламаларнинг ўрнатилишига қарамай ҳавонинг ифлосланиши содир бўлиши давом этади. Бу борада чиқиндисиз ва кам чиқиндили ишлаб чиқариш технологиясининг қўлланиши юқори самара беради. Хомашёни мажмуали ишлаш ва мавжуд технологияни такомиллаштириш йўли билан чиқиндисиз ишлаб чиқаришга эришилади. Бунинг натижасида атроф мухитта зарарли моддалар бутунлай чиқмайди.

Чиқиндисиз технологияда ишлаб чиқаришни шундай ташкил қилиш зарурки, бунда «табиий ресурслар-ишлаб чиқаришистеъмол-иккиламчи ресурслар» занжирининг ҳар бир тутунида хомашё мажмуали фойдаланилади, энергия исроф қилинмайди, маҳсулотлар тегишли соҳалар бўйича фойдаланишга йўналтирилади. Бинобарин, бу жараёнлар негизида атмосфера ҳавоси бутунлай зарар кўрмайди. Ниҳоятда самарали чиқиндисиз ва кам чиқиндили технология Муборак газни қайта ишлаш корхонасида, Бухоро нефтьни қайта ишлаш мажмуасида тўлиғи билан қўлланилмоқда, янгитдан қурилаётган Шўртан газ-кимё мажмуасида, Талимаржон ИЭСида бу технология ҳисобга олинган.

Саноат ривожланган ва транспорт қатнови кучли бўлган шаҳарларда санитария-муҳофаза минтақалари вужудга келтириш айни муддао. Сабаби- саноат корхоналари одатда 500-1000 метр, баъзан 5-7 км масофага қадар атроф мухит ҳавосига кучли таъсир кўрсатади. Шуни эътиборга олиб мазкур минтақа яшил дарахтзор, бутазор ва гулзордан ёки ўтлоқдан иборат бўлгани маъқул. Дарахт аввало шовқинни ютади, чанг ва турли кимёвий газли чиқиндиларни тозалайди. 1 га. майдондаги ўрмон йилига 32 кг дан 63 кг гача чангни ютади, углерод икки оксидини ютиб кислород ишлаб чиқаради.

3.2. Сув ресурсларидан фойдаланиш ва уни тубдан яхшилаш

Қуруқ иқлим шароитида сувнинг аҳамияти бекиёс улуғвор, ҳажир бекорга айтилмаганку: «сув бор жойда ҳаёт бор», деб. Дар-

ҳақиқат сув Ер курраси миқёсида улкан аҳамият қасб этади, сув сайёрамизнинг гидросфера қобиғини ташкил қилган ҳолда бошқа қобиқлар билан мустаҳкам ўзаро алоқада, боғлиқлиқда мавжуддир. Гидросферанинг ҳажми ҳозирда $1,5 \text{ млрд. км}^3$, унинг 95% ҳажми ва майдон жиҳатдан Ер куррасининг 72% қисми Дунё океани билан банд, гидросферанинг 60 минг км^3 (4%) қисмини ер ости сувлари ташкил қиласди. Ер кутбларида музликларда 24 млн. м^3 (1,6%) чучук сув мавжуд. Ер устидаги чучук сувлар миқдори 360 минг куб км (0,25%). Дарёлар сувлари ҳажми 45060 км^3 . Гидросферанинг асосий хусусияти ейёра бўйича сувнинг айланма ҳаракатидир, яъни Дунё океани сатҳидан буғланишга сарф бўлган намлик ёғин-сочин сифатида унинг катта қисми яна океан юзасига тушади, қолганлари қуруқликка ёмғир ва қор сифатида тушиб, дарёлар оқими билан яна гидросферага қайтади.

Марказий Осиё ёки Орол денгизи ҳудуди улкан бекиқ (океанга чиқмайдиган) ҳавза бўлиб, тоғли қисмида вужудга келган сув оқими бутунлай ҳалқ ҳўжалиги соҳаларида сарфланади. Сув тақчил бўлган бу ўлкада ишлаб чиқаришни ривожлантириш сув ресурсларига жуда боғлиқ.

3.2.1. Марказий Осиё сув ресурслари ва улардан фойдаланиш

Ўзбекистон сув ресурсларини Орол денгизи ҳавзаси миқёсида ўрганиш жоиз. Чунки, республика ҳудудини икки йирик дарё: Амударё ва Сирдарё кесиб ўтган, уларнинг сув олиш ҳавзалари Тянь-Шань ва Помир-Олой тизими тоғларида жойлашган. Ўзбекистонда энг йирик дарё Амударё ҳисобланади. Унинг тоғ қисмида сув оловчи ҳавзаси 227 минг км^2 , унинг ҳавзасидан ҳар йили ўртacha 79 км^3 сув оқиб ўтади. Шундан республика ҳудудида тахминан 6 км^3 (7,5%) сув оқими вужудга келади. Сирдарёning тоғли қисмидаги сув оловчи ҳавзаси майдони 150 минг км^2 , ушбу ҳавзада ҳар йили ўртacha 38 км^3 сув оқиб ўтади. Шундан тахминан 4 км^3 (қарийб 10%) сув Ўзбекистонда вужудга келади. Қирғизистон ва Жанубий Қозогистондаги берк ботиқларининг сув оқими $10,2 \text{ км}^3$ ни ташкил қиласди. Орол денгизининг ўртacha йиллик сув ҳажми $126,9 \text{ км}^3$.

Ўзбекистон ҳудудида вужудга келадиган ер усти сувларининг ўртacha йиллик оқим ҳажми 10 км^3 , атрофдан қўшимча 89 км^3 сув келади. Дарёлар оқимини тартибга солиш, ирригация ва энергия ишлаб чиқариш мақсадида мамлакатда 53 та каттакичик сув омбори ва 28 та селхона қурилган, сув омборлари-нинг жами сув сифими 16 км^3 дан зиёд.

Марказий Осиёда ер усти сувидан фойдаланиш ҳар бир мамлакат учун белгиланган лимит бўйича амалга оширилади (3-жадвал).

Амударё ва Сирдарё ҳавзаларидағи сув ресурслари ҳар йили йил бошида 1988 йилда ташкил қилинган «Амударё» ва «Сирдарё» ҳавза сув хўжалиги бирлашмалари томонидан Марказий Осиё республикалари орасида қайта тақсимланади.

3-жадвал

Марказий Осиёда сувдан фойдаланиш, сувни чиқариш ва сувдан тўлиқ фойдаланиш, млн.куб м. (Колодин, 1994)

Сувдан фойдаланиш тури	Қозогистон	Кирғизистон	Тожикистон	Туркменистон	Ўзбекистон	Марказий Осиё
Сув ресурслари, Жами:	67500	28500	28300	30400	75100	229800
шундан:						
ер усти сувлари	57300	20800	2250	27100	68300	19600
ер ости сувлари	10200	7700	5800	3300	6800	33800
Сувдан фойдаланиш, Жами	45420	12330	13940	26650	65510	163850
Шундан:						
кишилөк хўжалигига саноат ва энергетикада коммунал хўжаликда	34620	11420	12900	24430	57870	141240
	8100	690	670	1910	5780	17150
	2700	220	370	310	1860	5460
Сувни чиқариш (қайтган сувлар), жами	16400	2260	6810	7060	25710	58240
Шундан:						
окава сувлар	4800	330	850	1330	3850	11160
зовур сувлар	11600	1930	5960	5730	21860	47080
Тулиқ фойдаланишган сувлар	29020	10070	7130	19590	39800	105610

3.2.2. Сувдан фойдаланиш жараёнида вужудга келган экологик ва ижтимоий-иктисодий муаммолар

Орол ҳавзасида аҳоли кўплиги ва улар сонини барқарор ошиб бориши сугориладиган дехқончиликни муттасил ривожлантиришга таъсир этади. Бу ҳол дарёлар сувидан кўплаб обиҳаёт олишга олиб келади (4-жадвал). Жадвалдан кўриниб турибдики, 1960 йилга келиб Марказий Осиёда сал кам 5 млн.га майдонини сугориш учун $40,4 \text{ км}^3$ сув олинган ҳолда, 1986 йил охирида қарийб 7 млн. га майдонни сугориш учун 86 км^3 сув олинган, бу сугориш майдони 2 млн.га. га ортган ҳолда сугориш учун сарф қилинган ҳажм икки баробардан ҳам ортиқ бўл-

ган. Бинобарин, экинларни сув билан таъминлаш учун жуда ҳам кўп сув олинганилиги равшан. Қўйи Амударёда 80-йилларда гўзани сугориш меъёри 20-30 минг, шолини сугориш меъёри эса 40-45 минг куб м га етган эди.

4-жадвал

Орол денгизи ҳавзасида сугориладиган ерлар, сув олиш ва коллектор-зовур оқимининг тадрижий ўсиши

Даврлар (йиллар)	Давр охирига			Ўртача кўп йиллик меъёри, 1га. да минг м ³	Коллектор зовур оқими, км ³
	майдон, минг га	Сув олиш км ³	сувнинг минераллашу- ви, 1 л да г		
1900-1915	3246, шундан 2000 номунтазам	10-15	0,3-0,4	2-6	-
1916-1931	3071	20	0,3-0,5	5,3	-
1932-1940	4337	26,1	0,3-0,5	6,0	-
1941-1950	4545	32,1	0,3-0,6	7,1	1-2
1951-1960	4982	40,4	0,3-0,7	8,2	5-6
1961-1970	5129	50,3	0,5-1,0	9,8	10-12
1971-1980	6127	65,8	0,7-1,0	10,7	29-30
1981-1985	6930	86,0	1-2,5	12,4	32-34

Кўплаб сувни, сугориш ва бошқа мақсадларга сарфланиши ўлкада сув танқислигини кучайтира бошлади. Шу вақтга келиб Марказий Осиёда йирик сув омборлари: Тўхтогул, Андижон, Чорвок, Чордара, Қайроқкум, Нурек, Жанубий Сурхон, Ҳовузхон, Тумўйин ва бошқалар қурилди. Уларда кўплаб сув ғамлаб олина бошланди. Бу ҳол, айниқса, Орол денгизи сув режимида янада яхшироқ сезила бошланиши туфайли унинг гидрологик хусусиятларида ўзгаришлар кучайди. Мутахассисларни маълумотига кўра, 1911-1960 йиллар давомида Орол денгизига ҳар йили ўртача 52 км³ сув қўйилиб келган ва унинг сатҳи мунтазам равишда 53 м мутлақ баландликда бўлган, дengiz майдони 66 минг км², сув ҳажми 1061 км³ га teng эди, сувнинг ўртача шўрлик даражаси ҳар литр сувда 5,5-11 г атрофида бўлган, дengизнинг ўртача чукурлиги 16 м. ни ташкил қилган. Орол сатҳининг 1961 йилдан бошлаб пасайиши турли йилларда турлича содир бўлган. 1961-1970 йиллар мобайнида пасайиш ўртача 21 см., 1971-1980 йилларда 58 см, 1981-1985 йилларда 80 см, 1986-1995 йилларда 46 см / ни ташкил қилди. Айрим йилларда сув сатҳининг пасайиши ҳатто бир метрдан ҳам зиёд эди. 1960-1998 йилларда дengиз сув режимининг ўзгаришиши қуидагича бўлган (5-жадвал).

Орол денгизи сув режимининг ўзгариши

Тавсиф	Йил бошига тегишли бўлган маълумотлар							
Йиллар	1960	1965	1970	1975	1980	1985	1990	1998
Сатҳи, мутлақ баландлиги	53,3	52,5	51,5	49,4	46,3	42,2	37,8	35,0
Хажми, км ³	109,0	104,0	975,61	845,57	675,52	470,45	0,35,0	231,3
Майдони, минг км ²	67,6	64,4	2,4	1	0			28,0

Оролнинг сув меъёри 1911-1960 йиллар мобайнида асосан бир хилда бўлган, яъни кирим-дengизга келган сув билан унинг сув сарфи деярли тенг бўлган. 1961 йилдан бошлаб дengизга қуйилаётган сув камая борган. Бу аҳвол Орол ҳавзасида сув тақчил бўлган, 70-йилларнинг ўрталарида (1972, 1974 йиллар) шунингдек, 1977, 1981, 1982, 1983, 1986, 1989, 1995, 1996, 1997 йилларда кучайди. 70-80 йилларда суғориладиган ерлар майдони Ўзбекистонда йилига 100 минг га кенгайиб борган.

Дengиз сувининг шўрлик даражаси барқарор ортиб бормоқда, ҳозир ҳар литр сувдаги туз миқдори ўртача 48-50 г ни ташкил қиласди. Оролнинг қуриган қисмининг (майдони 3,8 млн. га дан ортиқ) табиий шароити ўзига хос, эски қирғоқ (1961 йил)дан ичкари томон 10-20 км масофада сидирғасига қумли минтаقا мавжуд. Бу ерлар асосан дўнг ва бархан қумлари билан банд. Марзали қумлар таркиб топмоқда. Қумларда сийрак черкез, қора саксовул, юлғун, бир йиллик шўралар ва бошқа ўсимликлар учрайди. Мазкур минтақадан сўнг тақирсимон шўрхоклар катта майдонларни эгаллаган, баъзан қум уюмлари ҳам учрайди. Грунт сувлари сатҳининг 5-7 м дан пастга тушиши туғайли аввалги фаол шўрхоклар эндиликда қолдиқ шўрхокларга айланган. Ушбу минтақанинг майдони дengиз томони йил сайин кенгаймоқда. Чунки, грунт сувлари сатҳи ҳам Орол чекинган сари пасайиб боради.

Сувдан яқинда бўшаган қисм ясси текисликдан иборат бўлганлиги сабабли грунт сувларининг оқими ҳам жуда секин, баъзан жойларда амалда йўқ даражада. Грунт суви асосий қисмининг буғланишга сарф бўлиши натижасида тупроқда катта миқдорда туз тўпланиб бормоқда. Грунт сувлари сатҳининг ер бетига яқинлиги (1-3 м) ва ниҳоятда шўрлиги (ҳар литр сувда

30-60 г) туфайли бир йиллик шўралар кенг тарқалган, дengиз қирғоғига яқинлашган сари ўсимлик сийраклашиб баъзан бутунлай йўқолади. Сабаби тупроқда туз ниҳоятда бисёр.

Оролнинг қуриган қисмидан қум, чанг ва туз заррачалари шамол таъсирида турли томонларга тўзимоқда. Бу борада мутахассислар томонидан кўплаб хисоб-китоблар қилинган, аммо уларнинг деярли барчаси бир-бирларига мутлақо тўғри келмайди. Бинобарин шу йўналишда ягона тадкиқот усули ва дастури асосида илмий текширишларнинг амалга оширилиши зарур бўлмоқда. Узбекистонлик мутахассисларнинг (Р.Раззоқов) таъкидлашича, Мўйноқ атрофида ҳар га майдонга 1242 кг туз ёғилса, Нукус атрофида 100-150 кг ва унда камроқни ташкил қиласди. Аммо бу тузларнинг ҳаммаси Оролнинг қуриган қисмидан келмай, бир қисми атрофдаги шўрҳоклардан ҳам учиб келиши мумкин. Шунинг учун бу борада далада аниқ кузатиш ишларни олиб бориш, қайси жойдан қанча туз келаётганини аниқлаш мухим амалий аҳамиятга молик. Қозогистонлик мутахассислар (О.Ё.Семенов) нинг асослашича, Орол туз манбаидан йилига ўртача 1,17 млн. т тузли моддалар атроф мухитига шамол ёрдамида тўзимоқда. Коинотдан олинган суратларни Орол ҳавзаси қисмидаги ларини таҳлил қилиш натижаларига кўра, Оролдан кўтарилиган тузли чангларнинг тарқалиши ўртача 250-400 км. дан ошмайди.

Коллектор-зовур сувлари (КЗС) Орол дengизи ҳавзасида 60-йиллардан эътиборан орта борди, бу ҳол экинзорларга бериладиган сув меъенининг кўпайиши билан боғлиқ бўлган (4-жадвал). 70- йилларда КЗС ҳажми 60-йилларга нисбатан қарийб уч марта кўп бўлиши Мирзачўл, Қарши чўли, Шеробод, Жиззах, Марказий Фарғона, Ваҳш, Қоракум канали минтақаси ва бошқа массивлар ўзлаштирилиши муносабати билан бир томондан сув манбаларидан кўп микдорда сув олиш ва иккинчи томондан ердан фойдаланиш коэффициентининг (ЕФК) ортиб бориши (авваллари 0,2-0,6 бўлган бўлса, эндиликда 0,8-0,9 га етди) туфайли грунт сувлари сатҳи тезкорлик билан янги воҳаларда кўтарилиб борди. Ер бетига яқин бўлган грунт сувларини четга чиқариш мақсадида зич (чунончи, Мирзачўлда ҳар га майдонда 60-70 м узунликда) зовур тармоқлари бунёд этилди, жойларда (Мирзачўл, Қарши чўли, Шеробод чўли, Марказий Фарғона) тик зовлар қурилди. Бу ҳол тупроқни ёппасига шўрланишдан саклаб қолиш учун амалга оширилди.

КЗС ни бир йиллик оқими бутун Орол ҳавзасида эндиликда ўртача 33 km^3 ни ташкил этади, шундан 17 km^3 Амударё, 13 km^3 Сирдарё, 3 km^3 кичик дарё ҳавзаларида вужудга келади, 20 km^3 зовур суви Амударё ва Сирдарёга қайтадан ташланади, қол-

ган қисми Қорақум ва Қизилқумдаги бекиқ ботикларидағи күлларга юборилади. Тұғри, КЗС ни дарёларга қайтадан ташланиши уларнинг сув ҳажмини оширади, бошқача айтганда сувни тежашга эришилади, күлларга ташланган сув аслида буғланишга сарф бўлади. Бу бир ҳисобдан тұғри.

КЗС сувларининг 60-йиллардан бошлаб дарёларга ташланиши уларни сувини аста-секин ифлосланишига олиб келди. Яқин-яқин вақтларгача дарё сувлари асосий ичимлик манбай бўлиб келган. Эндиликда, Сирдарё сувини Учқўрғондан, Амударё сувини Термиз шаҳридан қўйида ичимлик сифатида фойдаланиб бўлмайди.

Оқава сувлар дарё ва ер ости сувларини булғайди. Уларга саноат корхоналарининг ишлатиб бўлинган сувлари, шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг коммунал-маиший сувлари киради. Узбекистонда йилига ўртача $5,5 \text{ km}^3$ ҳажмда саноат корхоналарининг оқава сувлари вужудга келади, шундан 80% ($4,4 \text{ km}^3$) иссиқлик энергетикаси ҳиссасига тұғри келади. Саноат оқава сувлари ўзига хос чиқиндилар билан ифлосланган, бу ҳол у ёки бу ишлаб чиқариш билан боғлиқ. Буларга оғир металларнинг тузлари, цианит, маргимуш, магний, фтор, формальдегидлар, нефть маҳсулотлари ва бошқалар киради. Тозаланмаган саноат оқава сувлари ҳажми йилига 200-215 млн. m^3 ни ташкил қиласади. 1996 йилда электроэнергетика корхоналари жами бўлиб 100 млн. m^3 дан кўп оқава сувни ташлаган, унинг ярми мутлақо тозаланмаган эди. Кимё саноати корхоналарида айланма сув тизимида $1,1-1,2 \text{ km}^3$ сув ишлатилган ҳолда йилига қарийиб 200 млн. m^3 оқава сувни тозаламасдан дарё сувларига ташлайди. Кимё саноатида сув энг кўп истеъмол қиласиган корхона «Электркимёсаноат» ҳисобланади, унинг таркибида «Капралактам» заводи мавжуд. Ўшбу корхонада 140 млн. m^3 сув ишлатилган ҳолда унинг 135 млн. m^3 қисми очиқ ҳавзага ташланади (Чирчиқ дарёси), шундан 110 т. дан зиёд қисми бутунлай тозаланмайди.

Қора металлургия (Бекобод корхонаси), рангли металлургия (Олмалиқ, Навоий, Чирчиқ) қурилиш мажмуаси (цемент заводлари) ҳам дарё ва сой сувларини, айниқса, ер ости сувларини оқава сувларни тозаламасдан ташлаши туфайли ифлослаб келмоқда.

Коммунал-маиший оқава сувларининг йиллик ҳажми $1,8 \text{ km}^3$, асосий ифлослантирувчи чиқиндилар бўлиб оқизиқ органик моддалар феноллар, азот аммонийси, фосфатлар, хлоридлар, сульфатлар ва бошқалар ҳисобланади. Баъзан тозаланган майший оқава сувларда сульфатларнинг миқдори РЭМдан 5

марта, феноллар бүйича 200 марта, нефть маҳсулотлари 58 марта кўп бўлиши қайд этилган. Қишлоқ хўжалик оқава сувларининг ҳажми йилига 0,5 км³ ни ташкил қилади.

КЗС, саноат ва коммунал-маший оқава сувларнинг дарё ва ер ости сувлари билан аралashiши тоза ичимлик сувнинг танқислигига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам республиканинг талай қисмида очик сув ҳавзалари ичимлик суви сифатида фойдаланишга мутлақо яроқсиз. Бу ҳол аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашни тақозо этмоқда. Республика Президенти И. Каримовнинг 1991 йилда имзолаган фармойишида мамлакат аҳолисининг тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш масаласини тез муддатда ҳал қилиш кўрсатилган эди. Ушбу фармойиш ҳозиргача қадамба-қадам амалга оширилмоқда. 1997 йил бошида республика аҳолисини марказлашган водопровод суви билан таъминлаш 45,3%, шу жумладан, шаҳар жойларда 85% бўлган, қишлоқда эса бу кўрсаткич 64% га етди. Водопроводларнинг умумий қуввати суткасига қарийб 15 млн.м³ ни ташкил қилади. Ичимлик сувининг тахминан 31%и ер усти сувлари, қолгани ер ости сувларидан иборат. Сувдан фойдаланиш ҳар бир кишига шаҳарларда бир кечча кундузда 1990 йилдаги 507 л. дан 1996 йилда 613 л. га, қишлоқ жойларда шунга мос равишда 119 л. дан 270 л. гача ортди.

Лекин шунга қарамасдан қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлашда ҳали талай ишлар бажарилиши лозим. Чунки қишлоқ аҳолисининг қарийиб 35%и ҳалигача қудук ёки ирригация каналлари сувидан истеъмол қилади. Тахминан 5,6 минг қишлоқ аҳоли пунктлари (47%) марказлашган водопровод суви билан таъминланмаган, шундан 1,1 мингида аҳоли сони 1 минг кишидан кўп фойдаланилаётган сувнинг сифати гигиена қоидаларига тўғри келмайди.

Орол бўйида аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасида ҳукумат катта саъй ҳаракатларни амалга оширимоқда. Ҳозирда бу ерда узунлиги 203 км, бир суткалик қуввати 170 минг м³ бўлган Туямўйин-Нукус-Таҳтакўпир водоводи, Туямўйин-Урганч-Хива водоводлари ишга тушурилган. Навоий, Бухоро, Самарқанд вилоятларининг баъзи туманларини сув билан таъминлаш мақсадида бир суткадаги қуввати 260 минг м³ бўлган Дамҳожи водоводи ишлаб турибди ва бошқ.

КЗС нинг 8-10 км³ қисми республика ҳудудида турли катталиктаги ботиқларга марказий коллекторлар орқали юборилади. Бунинг оқибатида кўплаб сунъий кўллар таркиб топди (Арнасой, Айдаркўл, Денгизкўл, Катта Шўр кўл, Оёқоғитма, Аёзкўл, Ахчакўл, Сариқамиш ва б.). Уларда ҳозирги кунда катта ҳажм-

да сув тўпланган. Айдаркўлда жамғарилган сув миқдори 30 км³ дан зиёд. Сариқамишда эса бундан ҳам кўп. Гап шундаки, сувнинг асосий қисми бекорга буғланишга сарф бўлмоқда. Тўгри уларнинг бальзиларида балиқчиликда фойдаланилади, лекин бу ҳол сувдан оқилона фойдаланиш тамойилига мутлақо тўгри келмайди. Иқтисодий жиҳатдан зарари шундаки ботиклар бундан аввал маҳсулдор яйлов сифатида фойдаланилган, эндилика яйловлар майдони қисқарди, боз устига теварак атрофида грунт сув сатҳининг кўтарилиши яйлов маҳсулдорлигининг камайишига таъсир этди. Чунончи, Айдаркўл 1969 йилгача Фориш туманининг асосий яйлов майдони ҳисобланган, ҳозир эса яйлов майдони 600 минг га га қисқарди.

3.2.3. Ўзбекистонда сувдан фойдаланиш муаммосини ҳал қилиш йўллари

Орол ҳавзасида 60-70 йилларда бошланган сув тақчиллиги бундан бўён ҳам давом этиши, балки кучайиши ҳам мумкинлигига ҳеч ким эътиroz билдира олмайди. Чунки, худудда аҳоли сонининг муттасил ортиб бораётганлиги, ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш учун қулай имкониятлар мавжудлиги, хусусан сугориладиган ерларнинг кўплиги (жойларда, масалан, Афғонистонда Амударё ёқасида бу ишга тўлиғи билан кенг миқёсда киришилмаганлиги) сувдан кўплаб фойдаланишни тақозо этади. Бу аҳволда сувдан нечоғли тежаб-тергаб фойдаланиш барча соҳаларда ўта зарур бўлиб бормоқда.

Сувдан фойдаланишда икки хусусиятга алоҳида аҳамият бериш даркор: 1) омилкорлик, яъни илмий ассосланган; 2) сифати бузилишига йўл кўймаслик. Омилкорлик билан сувдан фойдаланиш аввало тежамкорликка ундали, сув нечоғли оқилона фойдаланилса унинг фойдаланиш миқёси шунча кенгаяди. Чунки, ортган об-ҳаёт эвазига кўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш имкони туғилади. Лекин тежамкорлик у ёки бу соҳада турлича бўлиши мумкин. Хусусан сугориладиган дехқончиликда у мажмуали характерга эга, чунончи, аввало сугориш меъёри, фильтрация (ерга нам сингиши), буғланиш, сугориш техникасини такомиллаштириш каби элементларни ўз ичитга олади. Суформа дехқончиликда сугориш меъёрини мунтазам тартибга солиб бориш натижасида талай сувни тежаб қолишга эришилади. 70-йилларда Кўйи Амударёда ғўзани сугориш меъёри ҳар га майдонда 18-21 минг м³ ни ташкил қилган, ҳозирда бу рақам 13-14 минг м³ гача қисқарди, республика бўйича ўртacha 12,3 минг м³ ни (1996 й.) ташкил қилади, 2000 йил арафасида сугориш меъёри 11,5 минг м³ гача камайиши кутилмоқда.

Сувнинг бир қисми заминга сингиши туфайли сув манбаларидан олинаётган намликнинг фойдали коэффициенти камлигича қолиб кетмоқда. Гап шундаки, сугориш тизимларида ва сугориш майдонларида сувнинг катта микдордаги қисми грунтга сизилади. Ўзбекистонда магистрал ва хўжаликларро сугориш тармоқларининг фойдали таъсир коэффициенти 0,81, хўжаликлар ичидаги тармоқларники эса 0,74, сугориш тармоқлариники 0,59, жами ўртча 0,64 га teng. Бинобарин, 36% сув амалда фойдаланилмайди. Чунки, уларнинг асосий қисми ерга шимилиб ўтади. Агар хўжаликлар ичидаги сугориш тармоқларининг ўзанларини сув ўтказмайдиган материал билан иложи борича кўпроқ қисмини қоплашга эришилса уларнинг фойдали таъсир коэффициентини 0,85 гача етказиш мумкин бўлади. Бу анча сувни тежашга имкон беради.

Этагт оралаб сугориш мамлакатда эскидан фойдаланиб келинади. Бу сугориш усулининг бир қатор афзалликлари билан бирга, камчиликлари ҳам мавжуд. Аввало, сугориладиган сувнинг ўртча 25-36% (жойларда 60% гача) қисми ерга сингади, ернинг текислиги талабга ниҳоятда жавоб бериши зарур, маълум қиялик сақланиши эътиборга олинади. Шу жихатдан қараганда этагт оралаб сугоришни жойнинг табиий-мелиоратив шароитларини ҳисобга олиб ёмғирлатиб, тупроқ остидан, томчилатиб сугориш усулларини қўллаш катта амалий аҳамият касб этади. Бу усулларни қўллаш натижасида экинзорларни бир йўла катта ҳудудларда сугоришга эришилади. Шунингдек, сугориш меъёри камида 50-60 % га қисқаради, ҳосилдорлик ошади, бегона ўтларнинг ўсиши жуда ҳам камаяди, грунт сувларининг сатҳи кўтарилимайди ва бошқ. Ўзбекистонда томчилатиб сугориш (ҳозирда бу усулда 4,5 минг га майдонда), ёмғирлатиб ва тупроқ остидан сугориш усуллари қўлланилмоқда, лекин ҳали улар кенг миқёсда амалга оширилмаяпти. Сабаби уларни қўллаш учун катта микдорда жамғарма ва турли маҳсус ускуналар зарур, бу усуллар секин-асталик билан амалга ошириб борилади.

Сувни тежашнинг яна бир йўли эскидан сугориб келинаНётган воҳаларда мавжуд сугориш ва КЗТларни янги мухандислик лойиҳалари асосида қайта қуришdir. Республикада 1940 минг га майдонда мавжуд гидромелиоратив тармоқларни, 480 минг га майдонда КЗТ қайта қуриш ва янгиларини ишга тушириш, 960 минг га майдонда капитал текислашишларини амалга ошириш зарур. Тежалган сув эвазига ҳозирги сугорилаётган майдоннинг 4,92 млн.га етказиш имконияти вужудга келади.

Сугориш меъёри ва сувнинг заминга сингиши ҳажми камайиши билан грунт сувларининг сатҳи ҳам тушиб боради. Чунки, уларни тўйиниши манбаи асосан ушбу сув тоифаларига боғлиқ. Грунт

сувлар сатхининг пасайиши КЗТ оқимининг ҳам камайишига таъсир этади. Бинобарин, дарёлар ва ботиқларга ташланадиган сувлар микдори ҳам борган сари камайиб боради. Дарвоқе, сувдан омилкорлик билан фойдаланиш тамойили устуворликка эга бўлади. Табиий сув ҳавзалари ва сув омборлари, ирригация тармоқларига зоур, окава, майший сув оқимларини ташлашни иложи борича камайтириб бориш энг долзарб масала. Бунинг учун сугориладиган ерларда вужудга келаётган КЗС ҳажмини камайтириш устида амалий ишларни бошлиш даркор. Гап сугориш меъёрини қадамба-қадам камайтириш устида бормоқда, ҳар бир жойнинг (сугориш картаси) мелиоратив хусусиятларини эътиборга олган ҳолда сугориш меъёрини белгилаш ва сугориш техникасини такомиллаштириш айни муддао, шунингдек, ирригация шохобчаларини (айникса, хўжалик-лар ичидағи тармоқларини) сув ўтказмайдиган материаллар билан қоплаш кечиктириб бўлмайдиган вазифа ҳисобланади.

3.3. Ер ресурсларидан фойдаланиш ва уни такомиллаштириш

Ер инсоннинг бебаҳо бойлиги, ер ўсимликлар дунёси билан биргаликда инсонни озиқ-овқат билан таъминлайди, кийинтиради, қурилиш материаллари ва тиббий ашёлар билан таъминлайди ва б. Шунинг учун она-ерни муҳофаза қилиш ҳар бир кишининг муқаддас бурчидир. Ер куррасининг қуруқлик майдони (музликларни ҳам қўшиб ҳисоблагандан) 15 млрд. га га тенг, шундан музликлар майдони 1,7 млрд. га, яйловлар майдони 3 млрд. га, ҳайдалган ерлар майдони 1,5 млрд. га тенг, қарийб 400 млн.га ер сугориладиган дехқончилик билан банд. Лекин ер ресурслари турли сабабларга кўра муомаладан (ҳар йили қарийб 15 млн. га.) чиқиб боради, чунончи, саноат обьектлари ва шаҳарлар қурилиши учун тахминан 8 млн. га, эрозия натижасида 3 млн. га, инсон томонидан заҳарланиши натижасида 2 млн.га ер, сув бошиши, шўрланиш туфайли эса 2 млн. га атрофида ерлар ишлаб чиқариш муомаласидан чиқиб бормоқда. Бутун цивилизация даврида инсоният турли сабабларга кўра (эрзия, шўрланиш, шаҳарлар остида йўллар қурилиши, сув омборлари ва бошқалар) жами тахминан 2,5-3 млрд. га ер майдонидан ажралди.

3.3.1. Ўзбекистоннинг ер ресурслари ва улардан фойдаланиш

Ўзбекистон Республикасининг майдони $447,4$ минг км². Шундан қишлоқ хўжалигига фойдаланадиган ерлар 28081 минг га, сугориладиган ерлар майдони $4,2$ млн.га дан зиёд, яйловлар ва пичанзорлар- $22965,0$ минг га, лалми ҳайдаладиган ерлар 765 минг

га, ўрмонлар майдони 1,3 млн.га, фойдаланимайдиган давлат захирасидаги ерлар майдони 15309,9 минг га. ни ташкил қиласади.

Қуруқ иқлим шароитида сугориладиган ерлар бекітес аҳамиятта эга. Обикор ерлар Республикада ер майдонининг 10% қисмини эгаллаган ҳолда ўсимликшунослик бүйича етиштирилладиган барча маҳсулотнинг 95%ини етказиб беради. Дарвөде, сугорма ерларнинг ҳар бир қаричидан самарали фойдаланиш бениҳоя улғовор аҳамият касб этади. Уларнинг маҳсулдорлигини барқарор ошириб бориши, бирор га майдоннинг ҳам муомаладан чиқиб кетишга йўл қўймаслик асосий вазифа бўлиб қолиши айни муддао.

Аввалари Республикада пахта якка ҳокимлиги хўқум сурган даврларда асосий майдон (қарийб 2 млн. га ер) ғўза билан банд бўлган. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг сугориладиган ерлардан фойдаланиш тузилиши жиддий ўзгарди (6-жадвал).

6-жадвал

Ўзбекистонда сугориладиган ерлардан фойдаланиш (умумий ерга нисбатан фоиз ҳисобида)

Экинларнинг тuri	1990 й.	1998 й.
Бошоқли ва бошоқли-дуккакли	12,7	40,0
Шу жумладан: бошоқли	5,5	33,4
Маккажӯҳори	2,7	1,1
Шоли	4,3	5,1
Техник экинлар	55,9	41,5
Шу жумладан, ғўза	54,8	40,8
Сабзавот, картошка, иолиз	5,0	5,9
Ем-хашак	26,4	12,6
Шу жумладан макка силос учун	4,9	3,0
Беда	18,5	6,4

Бошоқли экинлар майдонининг 1 млн.га. га қадар кенгайтирилганлиги фалла мустақиллигига эришиш нияти билан боялиқ. Албатта, фалла ҳам ем-хашак ҳам мамлакат учун зарур. Лекин беда экиладиган майдоннинг 673 минг га дан 232 минг га қадар камайтирилиши сугорма ерларнинг маҳсулдорлигига салбий таъсири сезилмоқда, шунингдек, чорва учун ҳам озуқа камайиб бормоқда. Пахта ҳосилдорлиги ҳар гектар майдондаги 26 ц. дан 22,4 ц. га. ча камайди, ем-хашакли экинларники эса 1,5 марта пасайди. Тўғри тан олиш керакки, сугорма ерларнинг экинлар экиш тузулмаси ҳалигача такомиллашмаган. Бизнингча, тупроқ унумдорлигига зиён етказмаган ҳолда унинг маҳсулдорлигини борган сари ошириб бориши асосий мақсад бўлиши лозим.

Турли сабабларга кўра, ҳар йили кўплаб далаларга экин экилмай қолиб кетиши холлари ҳам бўлмоқ. Ўртacha 130-140 минг га сугорма ерлардан фойдаланилмайди. Чунончи, 1997

йилда Қоракалпогистон Республикасида 47,6, Қашқадарёда 32,9, Сирдарё вилоятида 22,4 минг га ердан фойдаланилмаган.


Лалми ерлар Республика төг олди ва паст тоғларда мавжуд бўлиб, уларнинг жами майдони қарийб 500 минг гектарга яқин. Олинадиган галла ҳосили ўртача (атмосфера ёғинларининг микдорига қараб) 8-12 ц. гача боради. 1998 йил серёгин сочин бўлганлиги туфайли адирлар ва тоғлардаги лалмикор ерларда буғдой ҳосилдорлиги 14-18 ц. га етди.

3.3.2. Сугориладиган ва лалмикор ерлардан фойдаланиш жараёнида вужудга келган муаммолар

Воҳаларнинг табиий-мелиоратив шароитлари уларнинг жойлашган ҳудудларига кўра турлича: дарёларнинг юқори террасаларида گрунт сувларнинг ётиқ оқими тўла таъминланганлиги туфайли уларнинг чуқурлиги 8-10 м. пастда жойлашган, бинобарин тупроқда туз тўпланиши юз бермайди, фақат қияроқ (2-3°) текисликларда юзаки ёки чуқурлама эрозия ҳодисаси юз бериши мумкин. Чирчик, Оҳангарон, Қашқадарё, Зарафшон, Сурхондарёнинг III ва IV террасалари қалин лёсс ва лёссимон жинслардан, уларнинг остида дагал жинслар мавжудлиги туфали گрунт сувлари ётиқ оқими ниҳоятда тез, лекин лёсс ётқизиқлари тўлқинсимон рельеф вужудга келтирсанлиги сабабли ёнбағирларда эрозия содир бўлади, айниқса жар эрозияси энг хавфли.

Дарёларнинг қуий қисмлари-делъталари, сойларнинг конус ёйилмаларининг ўрта ва этакларидаги ҳудудлар механик таркиби асосан оғир бўлган қумоқ ва қумлоқ, гил, гоҳо қумли ётқизиқлардан тузилган. Ер бетига яқин жойлашган лёссимон ётқизиқларнинг сув ўтказувчанлик қобилияти ниҳоятда кам бўлганлиги (K_f суткасига-0,01-0,005 м) ва дельта текисликларининг нишаблиги жуда ҳам ётиқлиги (қиялик тангенс бўйича 0,001-0,0002) туфайли گрунт сувларининг ҳаракати ниҳоятда суст. Оқим деярли сезилмайди, фақат тик ҳаракат ниҳоятда кучли юз беради. Гап шундаки, گрунт сувларининг оқиб келиши сезиларли, лекин оқиб кетиши йўқ даражада. Демак, тик ҳаракатнинг кучлилиги сабабли вегетация даврида گрунт сувларнинг ер бетига яқинлиги кучаяди, уларнинг чуқурлиги бу ҳолда 1-3 м, баъзан 3-5 м ташкил қиласи. Буғланиш натижасида گрунт сувларининг минераллашув даражаси ортиб боради, буғланишга сарф бўлган намликтарни тузлари тупроқда тўплана боради. Шунинг учун ҳам ғўза, маккажӯхори эгатларида ёзниң иккинчи ярмида оппоқ туз қоплами вужудга келади. Дарёларнинг қуий террасалари (I-II) да ҳам ушбу ҳодиса юз беради, лекин бу ҳудудларда туз тўпланиш даражаси унчалик кучли тарзда рўй бермайди (З-чизма).

Атмосфера ҳавоси ҳолатини ихтилални



Тупроқларда туз түпланиш ҳодисаси Мирзачўл, Жиззах, Қарши, Шеробод чўллари, Марказий Фарғона, Ҳоразм, Қорақалпоғистон, Бухоро, Қоракўл воҳаларида кучли юз беради. Грунт сувлари сатҳини пасайтириш мақсадида аввалдан зовур тармоқлари вужудга келтириш асосида сугорма дехқончилик билан шуғулланиб келинади. Самарали ишлайдиган зовур тармоқлари қишида ерни ювиш билан бир мажмууда яхши натижা беради, туз түпланишини олдини олишга эришилади. Фақат грунт сувлари сатҳининг 2,5-3 м дан пастда сақлаш билан кучли тарзда туз түпланишининг олди олинади. Бунда грунт сувларининг минераллашув даражаси ҳар литрда 5 г дан ортганда шунча чуқурда, агарда у 3-5 г бўлган тақдирда 2-2,5 м да сақлаш ҳам яхши натижা беради.

Вилоятлар бўйича сугориладиган ерларнинг шўрланиш даражаси турлича (7-жадвал).

7-жадвал

Ўзбекистонда сугориладиган ерларнинг шўрланиши, минг га.
(Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумоти бўйича) 1995 й

Вилоятлар	Сугориладиган ерлар майдони	Сугориладиган ерларнинг шўрланиши даражаси бўйича тақсимланиши			
		шўрланмаган	Кучсиз	Ўртача	кучли ва жуда кучли
Андижон	275,1	245,2	14,9	14,9	-
Бухоро, Навоиј	271,8	15,4	160,1	62,5	33,8
Жиззах	290,6	51,7	161,1	73,3	4,1
Қашқадарё	497,4	275,1	162,3	45,9	13,7
Наманган	270,3	233,6	33,1	2,7	0,9
Самарқанд	370,3	351,2	12,9	5,3	0,9
Сурхондарё	326,2	196,8	75,4	50,2	3,8
Сирдарё	296,5	12,9	220,9	48,7	13,9
Тошкент	377,1	366,9	7,8	2,1	0,3
Фарғона	351,6	140,8	173,1	32,0	5,7
Ҳоразм	270,8	-	162,3	77,5	31,0
Қорақалпоғистон					
Республикаси	500,9	35,9	230,1	181,9	53,0
Ўзбекистон					
Республикаси	4220,2	1942,9	1483,9	628,0	165,6

Кейинги вактларда КЗС ни дарёларга ташланиши туфайли суфориладиган сувларнинг минераллашуви уларнинг ўрта ва куйи оқимларида 0,3-0,6 г дан 0,8-1,6, (жойларда ундан кўп) г. гача ортди, бу ҳол улардан суфоришда фойдаланилганда тупроқда ортиқча тузлар түпланишига олиб келмоқда. Мутахасисларнинг ҳисоб-китобича ҳар га. майдонга Куйи Амударёда 9-27 т туз дарё суви орқали ётқизилмоқда. Бу ҳол мавжуд зовур тизимларини нихоятда самарали ишлаши ҳамда уларнинг зичлигини янада кўпайтиришга таъсир этмоқда. Тўғри, суфориладиган ерлардан катта миқдорда тузлар зовур сувлари билан биргаликда чиқарилмоқда, лекин воҳалар барча жойларда юқори самара билан ишлайдиган зовур тармоқлари билан тўла таъминланмаган. Бунинг ҳисобига жойларда мусбат туз баланси мавжуд. Масалан, Хоразм воҳасида 1970 йилда кучли ва ўртacha шўрланган ерлар майдони 22,4 % дан 1995 йилга келиб 42,1 %га ошиди. Ҳудди шундай аҳвол Қорақалпоғистонда кузатилмоқда. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкин, яъни дарё сувларнинг шўрлигини аввалги табиий (1961 гача бўлган) ҳолдағи кўрсаткичларгача камайтириш даркор.

Президенти И. Каримов 1996 йил 25 октябрда Жizzах, 28 октябрда Сирдарё вилоятлари халқ депутатлари кенгаашла-рида, 1997 йил 17 июлда Қорақалпоғистон Республикаси Жў-қорғи Кенгесида сўзлаган нутқларида ушбу вилоятларда суфориладиган ерларнинг мелиоратив аҳволининг бузилиш сабабларини чукур таҳлил қилиб берди. Жizzах вилоятида кейинги 4 йил ичида пахта ҳосилдорлиги 29 ц. дан 17,6 ц. га тушиб кетди. Бунинг сабаблари: 1) кузги ва қишки дала ишлари ўз вақтида бажарилмайди, 1995 йилги ҳосилга тайёргарлик кўришда пахта майдонини 80%и баҳорда шудгор қилинди, 2) суфориладиган ерларнинг асосий қисми шўрланган, шўр ювийи ишлари 60% ни ташкил қилмоқда, очиқ зовурларнинг яроқсиз ҳолга келган қисми 27% га етган, Арнасой ва Зарбдор туманларида бу кўрсаткич 34-35% га кўтарилиган, ёпиқ зовурларнинг 20% и ишдан чиқсан ва б. Натижада ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашиб кетган.

Суфориладиган ерларнинг маҳсулдорлиги дефляция (шамол эрозияси) натижасида ҳам камаяди. Шамол тупроқнинг устки унумдор қисмини учириб кетиши туфайли унинг гумусли (чириндили) қатлами камайиб боради, механик таркиби енгиллашади, фойдали элементлар ва чириндининг учиб кетиши каби ҳолатларнинг содир бўлиши тупроқнинг қашшоқланишига олиб келади. Масалан, Марказий Фарғона (Кўқон гурӯҳи туманлари), Қарши, Шеробод, Мирзачўл чўлларида тупроқ шамолдан

жиддий зарар кўрган. Ҳозир Республикаиздаги сугориладиган ерларнинг атиги 1,2 млн. га қисми шамол эрозиясидан ҳимоя қилинган. Барча ерларнинг эрозиядан сақлаш учун мавжуд бўлган 40 минг га иҳотазорлар майдонини 112 минг гектарга етказиш лозим.

Қўйи Амударёнинг сугорилмайдиган шимолий худудларида антропоген чўллашишни 60 - йиллардан бошлаб кучайиши туфайли шамол фаолияти, айниқса кучайиб бормоқда. Мавжуд тўқай тупроқлари, яъни ўтлоқ-тақири, қуриган ўтлоқ ва ботқоқ тупроқларнинг чириндига бойлиги (1-5% ва ундан зиёд) билан ажralиб туради. Грунт сувлар сатҳининг кескин тушиб кетиши натижасида бу тупроқларнинг юқори қатламлари жуда ҳам қуриб кетди, аввалари зич ҳолда ўсган тўқай ўсимликлари ҳам намликнинг етишмаслиги оқибатида анча сийраклаши, натижада шамол эрозияси таъсири анча жиддий тус олди. Эндилиқда дефляция чириндига бой тўқай тупроқларнинг қатламларини учириб кетиши туфайли улар қашшоқланиб бормоқда. Текширишлар натижаларига кўра, уларнинг жойларда юқори 0-5 см. ли қатлами барча жойларда зарар кўрган, баъзан шамол ўйган чуқурликлар 5-15 см. дан 0,5 м. гача боради. Юқ автомобили изларида шамолнинг ўйувчанлиги натижасида вужудга келган чуқурликлар дефляция учун энг ёрқин мисол. Автомобиль дала шароитида юрганда ўсимлик қопламини эзib, синдириб тупроқларни зичлаб ўтади. Агар шу йўлдан юқ автомобили иккинчи марта ўтса, ўсимлик қоплами бутунлай ҳалок бўлади, тупроқ усти эса 3-5 см. дан 10-15 см. гача чўкиши қайд этилган. Шамол автомобиль қолдирган изни ўйиб уни чуқурлигини янада орттиради (0,5-1 м. гача). Юриш учун жуда ноқулай ҳолга келган бу йўлдан юқ автомобили ўтмай, унинг ёнидан янги йўл солади. Шу тариқа шамол эрозиясига учраган худуд майдони кенгайиб боради. Ҳисоб-китобларга қараганда, агар шамол таъсирида эрозияга учраган минтақани кенглиги 4 м., деб олинса, у ҳолда ҳар 2,5 км, масофада I. га майдондаги тупроқ яроқсиз ҳолга келганлиги аён бўлади.

Орол дengизининг қуриган қисмида (айниқса, унинг эски қирғоқдан бошлаб 10-15 км. ичкари томонида) дефляциянинг фаолияти жуда тезкор, бу минтақада шамол таъсирида типик барханли, дўнгли ва ботиқли қум рельеф шакллари таркиб топган: қум, туз, тузли чанг шамол ёрдамида Амударё дельтаси томон мунтазам учиб ўтмоқда. Мўйноқ шахри худудида ва унинг атрофида вужудга келган қум уюмлари 80-90-йилларда вужудга келди. Бинобарин, шамол таъсири катта куч, уни хўжалик юритишда, албатта, ҳисобга олиш даркор.

Суформа эрозия лёсс ва лёссымон ётқизиқларда рельеф қиялиги 2°C дан ортиши билан бошланади ва $3,5^{\circ}\text{C}$ да анча тезлашди. Х. М. Мақсадов (1989) олиб борган тажриба ишларида аниқланишича рельеф қиялиги $3,5^{\circ}$ бўлган гўза парваришиланаётган далада бир марта суфорилганда гектарига 1-12 т, вегетация даврида эса 14-40 дан 54 т гача тупроқ ювилган. М. А. Панков (1965) нинг маълумотига кўра, $3-5^{\circ}$ қияликка эга бўлган даладан сув билан ювилиб тушган маҳсулот таркибида 94% майда тупроқ ва фақат 6% қум бўлган, шунингдек, унда 2% гумус ва кўп миқдорда азот аниқланган. Шунинг учун ҳам эрозияга дучор бўлган ерларда экинзорлардан олинадиган ҳосил чўғи эрозияга учрамаган меъёрдаги ерларга нисбатан икки марта кам бўлиши аниқланган.

Ирригация эрозияси дарёларнинг IV-V террасаларида, ко-нус ёйилмаларининг юқори қисмларида кенг тарқалган. Ай-ниқса, Тошкент вилоятининг Янгийўл, Чиноз, Пискент, Оҳангарон, Жizzах вилоятининг Фаллаорол, Сурхондарё вилоятининг Бойсун, Қашқадарё вилоятининг Қамаши, Чироқчи, Яккабоф, Китоб, Шаҳрисабз, Самарқанд вилоятининг Каттакўрғон, Ургут ва бошқа туманларида ривожланган. Лалмикор ерларда эрозия янада кенг миқёсда рўй беради. Х. М. Мақсадовнинг ҳисоб-китобича бу майдон 700 минг га. дан зиёд (8-жадвал).

Тупроқ эрозиясида содир бўладиган юзаки чукурлама (ариқчали) эрозия турлари маълум қуладай шароитларда жар эрозияси га ўтиб боради. Жар эрозияси жараёнида худуд бутунлай ишдан чиқади. Чунки, 5-10 м чукурлик ва 20-30 м ли жарлик вужудга келиши натижасида ўйдим-чукурлик таркиб топади ва у рельеф жиҳатидан хўжаликда фойдаланишдан чиқиб кетади.

3.3.3. Суфориладиган ва лалмикор ерларнинг маҳсулдорлигини янада яхшилаш чоралари

Ўзбекистонда суфориладиган ерлар майдони чегараланган. Чунки, янги ерларни ўзлаштириш учун сув ресурслари тақчил. Республикада жами бўлиб суфорилиш учун 18,7 млн.га. ер яроқли бўлиб унинг фақат 4,2 млн.га. қисми қишлоқ хўжалик муомаласига киритилган, биз мавжуд ва дастлабки иқтисод қилинган сув ресурслари ҳисобига тахминан 0,7 млн. га янги ер ўзлаштириш имконига эгамиз, шунда барча суформа ерлар майдони 4,9 млн.га. дан зиёдроқ бўлади. Тўғри, мавжуд эгат оралаб суфориш усулини замонавий суфориш технологияси билан қадамба-қадам алмаштириб бориш билан талай сув ресурсларини иқтисод қилиш мумкин, лекин бу жараён катта сармоя, сарф-харажатларини талаб қиласди.

Ўзбекистонда эрозияга берилган тупроқлар майдони
(Х. М. Мақсудов, 1989)

Эрозия турлари	Майдон		Хратача ва кучли юнилган, ёки дефляцияга учраган
	минг га	%	
1. Тупроқ эрозияси, шу жумладан:			
а) тоғ яйловларда ва пичанзорларда	5644,9	12,7	3700,0
б) ҳайдаладиган ерларда	1422,3	3,1	705,6
далми ерларда жали эрозияси	700,4	1,5	416,5
сугориладиган ерларда	721,9	1,6	289,1
2. Дефляция, шу жумладан:	21873,4	48,7	-
чўл яйловларда	20031,9	44,6	-
сугориладиган ерларда	1841,5	4,1	-
3. Тупроқ эрозияси ва дефляциянинг биргаликда рўй бериши	1929,4	4,3	775,9
4. Эрозия ва дефляцияга берилмаган ерлар	14024,4	31,2	-
Жами	44884,4	100	-

Мутахассисларнинг (Р.Хусанов, 1996) ҳисоб-китоб қилиши-ча пахта майдонини ҳозирги катталикда (1,5 млн.га) сақлаб қолган ҳолда ҳосилдорликни гектарига 33,5 ц. га кўтаришга эришилса, пахта ҳосили 5 млн.т, агар ҳосилдорликни 40 ц. га кўтаришга эришилса, у ҳолда жами пахта ҳосили 6 млн. тоннага етган бўларди. Лекин ернинг маҳсулдорлигини шунча миқдордана ҳосил олиш учун яхшилаш осон иш эмас. Бунда аввал тупроқнинг барча майдонларда мелиоратив ҳолати энг юқори даражада бўлишига эришилиши ло-зим, яъни шўрланиш, эрозия, дефляцияга барҳам бериб, чиринди миқдорининг аввалги табиий кўрсаткичи қайтадан тикланиши керак.

Сугориладиган ерларнинг зовур тармоқларига бўлган эҳтиёж қисми 3,3 млн.га. ни ташкил қиласди, амалда уларнинг 85%и зовур тармоқлари билан таъминланган. Шундан 2,4 млн.га. да ётиқ ва 0,4 млн.га. да тик зовурлар билан таъминланган. Ёпиқ, ётиқ зовурлар 581 минг га. да мавжуд. Бозор иқтисодиёти шароитида сугорма ерларнинг ирригация ва мелиорация тизимларини бошқариш анча мурракаб бўлмоқда. Чунки, уларни ҳар йили таъмирлаш, тозалаш, бузилган ёки ишдан чиққан қисмларни янгилаши билан алмаштириш керак, техника воситаси, электроэнергия, нефть маҳсулотлари зарур. Шунинг учун ҳам очиқ ва ёпиқ, ётиқ зовурлар бир неча йиллардан бери тозаланмайди, тик зовурларнинг (уларнинг сони 5 мингта тенг) 50%и мутлақо ишламайди. Эҳтиёт қисмлар етишмайди, электрэнергия қиммат ва б.

Зовур тармоқларининг мунтазам тозалаб ва таъмирлаб турйилмаслиги натижасида уларнинг аксарияти ярмигача тўлиб қолган (ишчи зовур чуқурлиги меъёрида 2,6-3,6 м бўлиши лозим). Бунинг натижасида зовур атрофидаги грунт сувларини тортиб ололмайди. Бинобарин, уларнинг сатҳи ер бетига яқин туради ва шўрланиш манбаига айланади. Агар зовур тармоқларини ҳеч бўлмаганда ҳар уч йилда бир марта сифатли тозаланса ва таъмирланса, унинг самарадорлиги анча ортади. Бу борада ёпиқ зовурларнинг ишчи ҳолати энг юқори бўлиши лозим. Чунки, уларда сопол қувурларни лойқа босиши туфайли ўз самарадорлигини тезда пасайтиради. Тик зовурларнинг техник ахволи мунтазам ҳолда ишга яроқли бўлиши мақсадга мувофиқ. Чунки, грунт сувларининг сатҳини қулай меъёрда сақлаб туриш учун уларнинг иш қобилияти кучли. Тик зовурлар мунтазам ишлаб турган ҳудудларда тупроқда туз тўпланиши қайд этилмайди.

Кўйи Амударёда сугориладиган ерларнинг мелиоратив ахволи жуда оғир, боз устига Қорақалпоғистоннинг айрим ҳудудлари зовур тармоқларига эга эмас, мавжуд зовурларнинг самарадорлиги ниҳоятда паст, улар шўр зовур сувларини базур четта чиқарип ташламоқда. Бу ўлкада мелиорация бўйича маҳсус дастур асосида катта ишларни амалга ошириш зарур. Гап шундаки, 0,5 млн. га сурорма ерларнинг ҳар га майдонида катта самара билан ишлайдиган (ҳозирда ўргача 32-35 м) узунлиги 50-60 м (пахта майдонларида) бўлган ётиқ зовур тармоқлари қурилиши замон талабига айланди. Ерларни капитал ва жорий текислаш, кузги ва қишики шўр ювиш ишларини ўз вақтида сифатли ўтказиш даркор.

Мирзачўл, Жиззах ҷўли, Бухоро воҳаси, Шеробод ҷўлидаги сугориладиган ерларда етарли даражада (гектарига 35-40, жойларда 50-60 м) зич зовур тармоқлари вужудга келтирилган, аммо уларнинг асосий қисми лойқа билан тўлиб қолган, қамиш, қўға босиб ётибди, агар уларни мунтазам тозалашга эришилса ва шўр ювиш ишларини сифатли амалга ошириб борилса, тупроқдаги туздан ҳоли бўлиши тезлашади. Бу борада ташкилий ишларни тўғри ва режали олиб бориш, ишни пайсалга солмасдан ўз вақтида бажаришга эришишини таъминлаш лозим.

Сугориладиган ерлар маҳсуздорлигининг пасайиши кўп ҳолларда эрозия билан боғлиқ. Тупроқда ўсимлик илдизи ривожланадиган қисмининг шамол таъсирида бузилиши (чиринди миқдори камайиши, механик таркиби дагаллашуви, фойдали микроэлементларни йўқолиши ва б.) унинг вегетация шароитларини нокулай аҳволга олиб келади. Шуни эътиборга олиб тупроқ ювилиши олдини олиш зарур, чора-тадбирлар тизимини татбиқ қилиш амалий аҳамият касб этади.

Аввало, қия ёнбағирларни ҳайдашга алоҳида аҳамият бериш зарур, ерларни күндалангига чуқур ҳайдаш ёмғир сувлари-ни тупроқ қатламларига чуқур кириб боришига имкон беради. Бинобарин, тупроқнинг зичланиб кетмаслиги боис намлик тезда сингиб кетади, бунда оқим вужудга келмайди. Ирригация эрозияси бошланмаслиги учун эгатларга сув тараалаётганда су-фориш меъёридан ортиб кетмаслигига эришиш керак, сув күн-далангига олинган ариқлар бўйича қанчалик кам миқдорда та-ратилса тупроқни шунчалик ювмайди. Шунингдек, ариқларнинг қисқалигига ҳам аҳамият бериш мақсадга мувофиқ. Эрозия жиҳатдан хавфли бўлган тўлқинсимон ёнбағирлар маълум ма-софаларда дарахтли ихотазорлар билан банд бўлса тупроқ юви-лиши анча камаяди. Эрозияга учраган тупроқларнинг маҳсул-дорлигини ошириш мақсадида минерал ва органик ўғитлардан оқилона фойдаланиш даркор, шунингдек, кимёвий препаратларни («К» типидаги полимерлар, полимерларни сувли аралашма-лари ёки оли- гомерлари) ишлатилиши тупроқ тузилишини ях-шилайди, тупроқнинг ювлишга берилишини камайтиради.

Жар эрозиясига мойил бўлган жуда қия ($8-10^{\circ}$ ва ундан катта) ёнбағирларни ҳайдашда кўпгина омилларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ, аввало барча ерларни ҳайдамасдан, фақат айrim ареаллар бўйича экин майдонларини тайёрлаш кучли эрозиянинг олдини олади, мавжуд дарахтли ва бутали ўсимлик-ларни сақлаб, яна қўшимча дарахтлар экиш зарур. Бу шароитда лалми ер яйлов билан алмашиб келгани маъқул.

Дефляциянинг олдини олиш туб асоси билан ихотазор-ларни вужудга келтириш, мавжудларини сақлаб қолишга боғ-лиқ. Суфориладиган ва лалми ерларда маълум масофаларда (200 м. дан 350 м. гача ва ундан кўп) икки ёки тўрт қаторли дарахтзор миңтақаларини вужудга келтириш шамол кучини анча қирқади. Ўсимликларни кулис усулида жойлаштиришга аҳа-мият бериш керак.

Суфориладиган ерларнинг қашшоқланишини тўхтатиш ва уларнинг маҳсулдорлигини ошириш учун беда ва дуккакли экин-ларни маълум режа асосида алмашлаб экишга эришмоқ лозим. Тупроқларни бонитетлаш, ер кадастрини ишлаб чиқиш ва улар-га риоя қилиш мўл ҳосил олишга асос бўлади.

3.4. Биологик ресурслардан оқилона фойдаланиш

Табиий ресурслар орасида биологик бойликлар алоҳида аҳамиятга эга. Чунки, улар тугалланмайдиган ресурслар бўлиб маҳсулотларни чексиз муддатда беради. Ўсимлик ва ҳайвонот

олами бир-бирлари билан ўзаро боғлиқ. Агар ўсимликнинг бир тури йўқолса ҳашаротларнинг 10 дан то 30 туригача қирилиши мумкинлиги аникланган, ёки баъзи ҳайвонлар шу жойни тарк этиши мумкин. Шу жиҳатдан қараганда ўсимлик ва ҳайвонот дунёси барча жойларда сақланиши зарур. Ер куррасида қарийб 1-1,5 млн. ҳайвон турлари яшайди. Бу мидор ўсимлик турлардан уч марта кўп. ЮНЕСКО маълумотига кўра, кейинги юз йил мобайнида инсоннинг хўжалик фаолияти 25 минг турдаги олий ўсимликлар ва 1 минг турдаги умуртқали ҳайвонларнинг қирилиб кетиш ҳавфини келтириб чиқаради.

Ўсимликларнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти ниҳоятда катта. Улар атмосферада кислород балансини тартибга солиб турди, даволовчи ва санитария-гигиеник хусусиятларга эга. Ўрмонлар ҳаводан ис газини истъемол қилиб тирик организм учун нақадар зарур бўлган кислородни фотосинтез йўли билан етказиб беради. Аникланишича, 1 га майдондаги яхши ҳолдаги дарахтзор бир йилда 4,6-6,5 т. ис газини ютиб 3,5-5,0 т кислород ишлаб чиқаради. Шунингдек, қуруқлиқдаги фитомасса ис газини кўл, денгиз ва океанлардаги фитопланктонга нисбатан икки марта кўп истъемол қилас экан. Сайёравий миқёсда кислород балансини барқарорлаштиришда шимолий ярим шардаги игна баргли ва тропик ҳамда субтропикларнинг абадий ям-яшил баргли ўрмондари энг кўп аҳамиятга эга.

Ўсимлик қоплами ёғин-сочиннинг асосий қисмини ўз таналарида тутиб қолганлиги туфайли юзаки эрозиянинг олдини олади, дарахтзорлар зич ўсан дарё ва сой водийларида сурилма, сел ва чуқурлама эрозия каби ҳодисаларнинг содир бўлиши камдан-кам бўлади. Ўсимлик олами, айниқса, тоғ ёнбағирларида қор қопламининг эришини секин-аста кечишига таъсир этади. Текисликларда ўрмон ва ихотазорлар шамол эрозиясининг олдини олади, ёзниг жазирама кунларида соя-салқинли ўзига хос микроклимат вужудга келтиради.

3.4.1. Ўзбекистоннинг биологик ресурслари ва улардан фойдаланиш

Республика табиий шароитларининг турли-туманлиги, унинг биологик бойликларининг ҳам ҳар хил бўлишига таъсир этади. Ҳозирда ўсимликларнинг 4168 тури мавжуд бўлиб, уларнинг 577 тури доривор ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг ўрмон фонди 10 млн.га, шундан қарийб 2 млн. га майдон ўрмон билан қопланган. Ўрмонли ерлар текисликда, қумли ҳудудда 3 млн.га, тоғ ёнбағирларида 0,5 млн.га. дан

зиёд, қайирлардаги ўрмонлар майдони 31 минг га, тоғ водийлари-даги түқай ўрмонлар майдони 23 минг га. Республикамиз ўрмонларга анча камбағал, мамлакат ҳудудининг 5 %ини ташкил қила-ди. Авваллари, ҳаттоки, XIX асрнинг ўрталарига қадар тоғ ёнбағирларининг 700-800 м баландлигигача кенг баргли ва майда баргли ўрмонлар тушуб келган. Адирлар ва паст тоғлар писта ва бодомзорлар билан қопланган эди, Зарафшон, Сурхондарё, Қашқадарё, Зомин, Сух, Сангзар ва бошқа дарёлар орқали кесилиб боғланган ҳолда (сол қилиб) ўрмон ёғочлари оқизилган. «Туркис-танские ведомости» газетасида босилган (В. Лим, 1996) хабари-га қараганда XIX аср охирларида Самарқандга ҳар йили Панжи-кент ва Қоратепадан кенг баргли ўрмон ёғочларини ёқиш нати-жасида тайёрланган 13440 пуд (1пуд-16кг), арчаларни кесиб тайёрлаган 21120 пуд кўмир келтирилган, яъни йилига 16800 кенг баргли ва 17 минг дона арча дараҳтлари кесилган. Тоғлар-даги арчазорлар, бодомзорлар, олмазорлар, олчазорлар текислик ва тоғ этакларидаги шаҳарларда яшовчи аҳоли томонидан қури-лиш материали, «писта» кўмир тайёрлаш учун тўхтовсиз қирқи-либ турган, тоғлардаги дарё ва сой водийларида топилган мис, темир рудаларидан металл олишда кўплаб дараҳтлар кесиб ёқил-ган, шунинг учун ҳам тоғ ёнбағирлари ва дарёлар бўйларидағи түқайзорлар ўрмонларга жуда ҳам камбағал. Арчазорлар сийрак, баъзан катта майдонларда арча учрамайди, уларни асосан 1800-2000 м баландликдан бошлаб ўсиши кузатилади.

Текисликларда ҳам қора ва оқ саксовул, черкез, қандим, шувоқ, түқайзорлардаги турангил, жийда, тол асосан ёқилғи си-фатида қирқилиб турганлиги туфайли улар эндиликда сийрак учрайди. Қашқадарё, Зарафшон, Амударё, Сурхондарё, Чирчик-нинг түқайзорлари XX асрга қадар асосан қирқиб бўлинган эди, фақат онда-сонда кичик майдонларда дов-дараҳтлар сақланиб қолган. Түқайзорлар кейинги йилларда беармон йўқ қилинди. Бинобарин, инсоннинг хўжалик фаолияти ўрта асрлар, хусусан XVIII-XIX асрларда ўсимлик қопламини анча сийраклашувига жиддий таъсир этган, XX асрда дов-дараҳтларни қирқиши, янги ерлар очиш мақсадида түқайзорларни йўқ қилиш давом этди.

Ўзбекистонда ўрмонлар географик жойлашувига мувофиқ уч тоифага бўлинади: 1)тоғ, 2)чўл ва 3)түқай ўрмонлари. Тоғли ҳудуд мамлакатда 6634 минг га. га тенг. Ўзбекистон Республикаси Ўрмон қўмитаси (1995) маълумотига кўра, шу майдоннинг 601,1 минг га қисмида ўрмон ўсиши мумкин, ҳозирги кунда эса атига 105 минг га. дан зиёдроқ ҳудуд ўрмон билан банд. Тоғ ёнбағирларининг ўрмон билан қопланганлик даражаси 2,5 %. Тоғ ўрмонларига унинг сийраклиги, якка ҳолда ўсуви да-

рахтларнинг кўплиги, дараҳтзорлар орасида яланг бўш жойларнинг бисёrlиги хос. Тоғ ўрмонлари асосини арчазорлар, пистазорлар ва ёнғоқ, мевали дараҳтзорлар ташкил қилади.

Арча ўрмонзорлари уч турдаги, яъни яримшарсимон, Зарафшон ва Туркестон арча турларидан иборат. Зарафшон арчаси (қора арча) кенг тарқалган ва 1500-2300 м баландликда учрайди. Яримшарсимон (совур) арча 2000-2700 м баландликда тарқалган. Туркестон арчаси асосан Туркестон тизма тоғларида 2200-3100 баландлиқда учрайди.

Тоғ ўрмонлари орасида пистазорлар майдон жиҳатидан иккинчи ўринни эгаллайди. Писта-куроқчиликка чидамли ва қиммат мевали дараҳт. Пистазорлар соғ ҳолда қуроқчилигидан тоғ этаклари ва паст тоғлар ёнбағирларида тарқалган. Пистазорларнинг асосий қисми Боботоғ тизмасида (Сурхондарё, майдони 50 минг га), қисман Самарқанд атрофида ва бошқа тоғли худудларда учрайди. Арчазорлар билан пистазорлар оралиғида бодомзор, ёнғоқ, тоғолча, олма, ўриқ, дўлана, наъматак, қора қанд ва бошқа дараҳтлар ҳамда бутали ўрмонзорлар жойлашган. Улар кўплаб мева бериши билан бирга, ёнбағирларни сурилма ва эрозиядан муҳофаза қилади.

Тоғ ўрмонларининг аҳамияти бекиёс катта, лекин аҳоли ёқилги ва қурилиш материаллари билан барча жойларда етарли таъминланмаганлиги туфайли ўрмонларни қирқиши ҳоллари учраб туради. Бозор иқтисодиёти шароитида, айниқса қурилиш материалларининг қимматлиги аҳолини ёнбағирлардаги дараҳтларни қирқишига ундаиди. Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида ҳар бир оила бир йилда ёқилги сифатида ўртача $15\text{-}20 \text{ м}^3$ ўтин тўплайди. Қуриган дараҳт ва буталар билан бирга ўсиб турган дараҳтлар ҳам қирқилади. Умуман Уғом, Чотқол минтақасида ҳар йили камиде 21 минг м^3 дараҳт ва буталар қирқилади. Агар бу миқдорни бошқа тоғли вилоятларни ҳам қўшиб ҳисобласак катта ҳажмда ўтин тайёрланиши аён бўлади.

Чўл минтақасида ўрмонларнинг аҳамияти ниҳоятда улуғвор. Қумли чўлда қумларнинг кўчиб юришини тўхтатса, суғорма ерларда тупроқни учиб кетишига тўғаноқ бўлади, яйловларда бута ва дараҳтларнинг мавжуд бўлиши қоракўл қўйлари искеъмол қиласидиган турли хил ўт-ўланларнинг ўсишига имкон беради. Оқ ва қорасаксовул, черкез, чоғон, қандим ўрмон ҳосил қилувчи дараҳт ва буталар ҳисобланади. Улар зич ўсан жойларда яйловлар маҳсулдорлиги гектарига 2 ц. дан кам бўлмайди, баъзан 4-5 ц. гача кўтарилади.

Аммо Республиканинг чўл қисмида геологик-қидирув ишларининг фаоллашуви, автотранспорт ҳаракатининг кучайиши, турли маъданларни қазиб олишнинг кенг миқёсда амалга

оширилаётганлиги, шаҳарчалар қурилаётганлиги яйловлар майдонини қисқаришига сабаб бўлмоқда, мавжуд ўрмонлар қирқилмоқда. Ҳисоб-китобларга қараганда 1 км масофада магистрал қувурлар ётқазилиши камидаги яйловларнинг бузилишига таъсир этади.

Чўл минтақасида ҳозирга келиб 1 млн. га майдонда ҳаракатдаги қумлар вужудга келган, уларда хеч қандай ўсимлик ўсмайди ва яйлов сифатида фойдаланилмайди. Шунингдек, 5 млн. га майдонда маҳсулдорлиги жуда хам кам бўлган (гектарига 0,5 ц.) яйлов вужудга келган, бу худудда ҳаракатчан қум масивлари устуворликка эга. Улар мавжуд яйловлардан тўғри фойдаланмаслик оқибатида таркиб топган. Воҳалар (Бухоро, Қарши, Қоракўл, Қорақалпогистон, хусусан Тўртқўл, Эллиққалъя) билан қумли чўлларни бир-бирлари билан тулашган минтақалирида 200 минг га майдонда ҳаракатдаги (барханли) қум шакллари мавжуд. Бу ҳол ёқилги сифатида саксовуллар, черкез, чоғонни қирқини натижасида вужудга келган.

Тўқайзорлар йилдан йилга камайиб бормоқда. 1978 йилда уларнинг майдони 78 минг га., 1983 йилда-34 минг га, 1992 йилда-31 минг гектаргача ча камайди. Амударё делътасида дарахтили-бутили тўқайларнинг майдони чўллашиб муносабати билан, айниқса, жуда тез қисқармоқда. 60-йилларга қадар худудда тўқайзорлар майдони 270 минг га бўлган ҳолда уларнинг майдони ҳозирда 10-15 марта камайди. 70-80-йилларда пахта майдонларини кенгайтириш баҳонасида дарёлар ўзанларига қадар янги ерлар очилди, шунинг учун ҳам кўп тўқайзорлар айни щу даврда бутунлай йўқолди.

Ўзбекистонда ҳайвонот дунёсининг 600 га яқин тури яшайди, сут эмизувчиларнинг 97 тури, қушларнинг 379 тури, судралиб юрувчиларнинг 58 тури мавжуд. Республика табиати мухофаза қилиш давлат қўмитасининг маълумотига кўра, Узбекистонда ов қилинадиган ва балиқ тутиладиган жойларнинг майдони 38 млн.га дан иборат, шундан 0,5 млн. га сув ҳавзаларига тўғри келади. Ҳар йили ўртacha 60 минг тача сувда сузуви қушлар, тахминан 2 минг тустовуқ, 13 минг каклик, 500 бош ёввойи тўнғиз, бир неча мингта сайғоқ, 50 мингдан 100 мингтагача тошбақа, 10000-100000 тагача қурбақа ва бошқа ҳайвонлар ов қилинади. Албатта, булар расмий маълумотлар, аслида ов қилинадиган ҳайвонлар, айниқса, қушлар сони бундан кўп, броконъерлар тутган ва отган ҳайвонлар миқдорини хеч ким ҳисоб-китоб қилмайди. Шунинг учун ҳам республикада назорат ўрнатилишига қарамасдан ов қилинадиган ҳайвонларнинг сони борган сари камайиб бормоқда.

3.4.2. Биологик ресурслардан фойдаланиші жараёнида вужудға келган муаммолар

Ўсимликларнинг тупроқни эрозия ва дефляцияга қарши барқарорлигини оширишда бош омил, деб баҳо берилса муболаға бўлмаса керак. Чунки, ўсимлик мавжуд бўлган жойда сув ёки шамол ўз кучини кўрсата олмайди. Ўсимлик қоплами тупроққа чуқур кириб борган сари уни ювилиш, сурилиш ва ўйилиш жараёнларидан сақлайди. Барглари, новдалари ва поялари, хуллас барча танаси билан ёғин-сочиннинг асосий қисмини қабул қиласди ва тупроққа нам кам тушади, шамол вақтида эса унинг йўналишига рўпара бўлиб, унинг кучини анча қирқади. Агар ўсимлик сийрак ёки бутунлай мавжуд бўлмаган шароитда эрозия, дефляция, сурилма, сел, гармсел каби нохуш ҳодисалар табиий комплексларга жиддий зарар етказади (4-чизма). Энг даҳшатлиси тупроқ усти ювилиши ва у қулай шароитларда жар эрозиясига ўтиб кетиши табиатда кўп кузатилади. Қия тоғ ёнбағирларида лёссимон ётқизиқлар ёки лёсс қоплами ёғин-сочин вақтида намга бўкиши натижасида оғирлик массаси бир неча баробар ортиб кетади ва мазкур ётқизиқлар остида сув ўтказмайдиган, қумтош ёки намга чидамли бошқа жинслар, қиялик устида бир неча 10 ёки 100 м. га сурилиб тушади. Бу ҳодиса катта ҳудудларда секин-аста, батъан бир зумда рўй бериши мумкин. Сурилган ҳудудда ёки унинг олдида қишлок, чорва фермаси, автомобиль йўли, бирор корхона ва бошқа хўжалик объектлари жойлашган бўлиши мумкин. Бунинг оқибатида сурилган грунт массиви чуқур ва кенг ёриқларга ажралиб кетади ва ўз йўлида учраган барча иншоотларни яксон қиласди. Тўсатдан бўлган бундай нохуш ҳодисаларнинг иқтисодий зарари ва оқибатлари бир неча юз минглаб сўм билан ҳисобланади.

3.4.3. Биологик ресурслардан фойдаланишни яхшилап тадбирлари

Ўрмоннинг амалий аҳамияти фоятда улуғворлиги ва республикада уларнинг майдони ниҳоятда камлигини ҳисобга олиб янги ўрмонзорлар бунёд этиш ишлари муттасил олиб борилмоқда. Чўлларда қум рељеф шакллари ҳаракатларининг олдини олиш учун ихотазорлар вужудға келтирилган, тоғ ёнбағирларида эрозия, сурилма ва сел ҳодисаларини ривожланишини тўхтатиб қолиш борасида жойларда тоғ ўрмонзорлари яратилди. Сугориладиган ерлардаги ихотазорлар тупроқни эрозия ва дефляциядан сақлашда хизматлари бениҳоя юқори. Лекин шунга

қарамасдан мамлакатда ўрмонлар майдонини кенгайтириш ишларини күнгилдагидек, деб бўлмайди. 80-йилларда йилига ўртача 40-50 минг га, 1990, 1992 йилларда 40 минг, 1994-1995 йилларда-30 минг, 1996 йилда 34 минг га майдонда янги ўрмонлар бунёд қилинди ва тикланди.

Сабаблар:

Ҳаддан ташқари мол боқини
Чала мол боқини
Ўсимликнинг туёқ остида эзилиши
Дараҳт ва буталарни киркин
Пичанни нотўғри ёрип
Ҷайловларга дам бермаслик
Техноген таъсир
Қум босиш
Ут тушни
Сув босиш
Грунт сувлари сатҳи тушиб кетиши
Тупроқда туз тұлпаниш
Сув билан таъминлашни тұхташи
Шұр сув билап суториш
«Ишқорли» ёғинлар таъсирі
Оқава сувлар таъсирі
Атмосфера ҳавосининг ифлослапиш таъсирі
Ўсимлик холати мониторинги йўқлиги
Курғоқчилик

Оқибатлар:

Ҷайловлар маҳсулдорлигининг камайиши
Ҷайловларнинг бегона ўтлар билан бойини
Ем-хашак бол ўтлар йўқолини
Ҷайловлар майдони кисқариши
Биомасса ўзгариши
Дараҳт ва буталар касалланиши
Қуриши
Тупроқ устини моҳ жоплаши
Дараҳтларнинг учлари курниши
Ҷайловларнинг зичтиги камайиши
Ўсимликларнинг антропоген сукцессияси кучайиши
Дараҳтли туқай ўрнида бутазорлар кенгайиши
Дефляцияның кучайиши, турли қум рельеф шаклларининг вужудга келиши
Енбағирларда суримла, эрозия, сел ва бошқа ходисалар ривожланиши
Дарё, канал ва сув омборлари кирғоқларининг ювилиши, ўтирилиши
Экиизорларни қум босиши, мевали дараҳтларнинг синиши, ёш ниҳолларни пайхон бўлиши
Чўлланиши

Ўсимлик қолтами

4-чизма. Ўзбекистонда ўсимлик деградациясининг сабаб ва оқибатлари

Бизнингча, янги ўрмонларни камида йилига 100-120 минг га майдонда бунёд этиш кўзланган мақсадга эришишга имкон берада. Бу борада вохалар билан қумли чўл туташган минтақада оралиқ ихотазорлар вужудга келтириш мақсадга мувофиқ. Чунки, бир неча маҳсус қаторларда (оралиқ масофа 100-200 м.) ихотазорлар чўлдан эсадиган иссиқ ва қуруқ чангли шамолларни тутиб қолади, ҳаракатдаги қумларнинг мустаҳкамланишини таъминлайди. Чўл шароитида автомобиль йўлларининг икки чеккасида йўл ихотазорлари (черкез, қандим, оқсанковул ва б.) вужудга келтирилиши аввало йўлни кум босишдан сақласа, бошқа томондан, йўловчилар эстетик завқ оладилар, йўл чеккаларида ўзига хос микроиқлим вужудга келади. Қумли чўлларда бир томондан, яйловлар маҳсулорлигининг камлиги, иққинчи томондан, ҳаракатдаги қумларнинг мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда ихотазорларни вужудга келтириш лойиҳаланилади. Бунда аҳоли пунктлари (кудуқлар, шаҳарчалар), турли иншиоотлар, сув, нефть, газ кувурлари чеккалари ҳам ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқ.

Тоғ ёнбағирларда ўрмонларни бунёд этишда бир қатор омилларни эътиборга олиш даркор. Энг аввало сурилма ва эрозияга мойил ёнбағирларни, сел келиши хавфи бўлган сой ёнбағирлари ва ўзанлар чеккалари, қор кўчкилари ривожланиши мумкин бўлган ҳудудлар ўрмон билан қопланишига эришиш зарур. Қишлоқлар ва турли хўжалик иншиоотлари, бинолар, автомобиль ва темир йўллар, рекреация обьектлари атрофлари ва уларнинг ҳудудлари зич дараҳтзорлар билан қопланиши юқорида кўрсатиб ўтилган табиий оғат келтирувчи ҳодисаларни вужудга келишига имкон бермайди. Янгитдан вужудга келаётган жарликлар, сурилиши эҳтимол қилинаётган ёнбағирлар айниқса, тез муддатларда дараҳтзорлар билан мустаҳкамланиши яхши самара беради. Бундай жойларда мол боқишини таъқиқлаш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1994 йил 8 февралда тасдиқлаган қарорида 1994-2003 йиллар мобайнида ҳар йили камида 10 минг га майдонда терак ва бошқа тез ўсувчи иморатбоп дараҳтлар экиш таъкидланган. Россиядан келтирилаётган ёғоч ва тахта республикага жуда ҳам қимматга тушмоқда. Терак ва бошқа тез ўсувчи дараҳтлар экиш билан 8-10 йил мобайнида кўп миқдорда иморатбоп ёғоч тайёрлаш мумкин. Проф. А. Хоназаровнинг ҳисоб-китобига кўра I га теракзордан 10 йилда камида 500m^3 , 10 минг га майдондаги теракзордан эса 5 млн. m^3 ёғоч олиниши мумкин. Калифорния тераги эса тез 5-6 йилда вояга етади, бироқ у мўртроқ ва тез синади. Бу жиҳатдан кўк терак билан миrzатерак ёғочи анча қаттиқ ва зичлиги билан ажралиб туради.

Теракларни барча сугориш тармоқларининг чеккасида, шаҳарлар, аҳоли пунктлари, воҳаларнинг экин экилмайдиган ва нотекис жойларида ўстириш имкони бор, ундан иҳота ўрмони сифатида ҳам фойдаланиш мумкин. Теракдан нафақат ёроч, тахта, шунингдек, ундан аъло сифатли қоғоз тайёрланади. Теракларни республикада мавжуд бўлган қарийб 200 минг км масофага ҷўзилган сугориш шохобчаларининг чеккаларида вужудга келтириш мумкин. Чунки, уларнинг атиги 7 минг км. даги қисмида дарахтзорлар мавжуд, холос. Терак ва мевали дарахтларни темир-бетонли новлар бўйлаб экилса, аввало сув бўйида ўзига хос микроиқлим таркиб топар эди, кейин эса турли мевалар етиширилган бўларди. Бу борада айрим туманларда (Мирзачўл, Қарши чўли, Хоразм) намунали ишлар қилинмоқда. Сув омборлари ва селхоналар атрофлари дарахтзорларни вужудга келтириш объекти бўлиши лозим, республикадаги деярли барча сув ҳавзалари чеккалари ўрмонзорлар билан банд эмас.

Иирик саноат тутунлари ва корхоналари худудларида ва атрофларида маҳсус иҳотазор бунёд этиш ҳар жиҳатдан ҳам зарур. Чунки, дарахтлар заарли моддаларни, айниқса чангларни ютиб, ҳавони тозалайди, ҳаво намлиги ва ҳароратни ростлаб туради. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 31 декабрдаги қарорига мувофиқ Қоравулбозор нефть саноати корхоналари атрофидаги 18 минг га майдонда ўрмонзорлар вужудга келтириш ишлари қизғин олиб борилмоқда. Худди шундай хайрли ишни Муборак, Шўртанг газ-кимё саноати, Навоий кимё («Азот» бирлашмаси) корхоналари ва бошқа саноат объектлари атрофларида вужудга келтириш айни муддао.

Орол бўйида рўй берадиган чўллашиб ҳодисаси бошқа табиат компонентлари қатори ўсимлик оламиининг жиддий зарар кўришига кенг миқёсда таъсир этмоқда. Ўсимликлар табиатда бўлаётган барча ноҳуш ўзгаришларнинг энг ишончли индикаторидир. Уларнинг бир турдан иккинчи бошқа бир тур(-лар) билан алмашиши маконда рельеф, грунт сувлари режими, тупроқ ва бошқа компонентларида ўзгаришлар содир бўлаётганлиги натижасида юз беради. Амударё ва Сирдарёning ҳозирги дельталарида (сугориладиган минтақада) аввалги дарахтли тўқайзорлар сувсизлик ва шўр мухит таъсирида қаттиқ зарар кўрди, уларнинг қуриши туфайли шамол таъсирида қўчма қумлар ҳаракати фаоллашмоқда. Орол денгизининг қуриган қисмида қум ва тузларни миграцияси кучаймоқда.

Ушбу тадрижий табиий шароитда заминни мустаҳкамлаш ғоятда мухим аҳамият касб этади. Бу борада энг ишончли, арzon, тез муддатларда самара берадиган тадбир маълум лойиҳалар асо-

сида ихотазорлар вужудга келтириш ҳаммадан ҳам қулай ва иқти-
садий жиҳатдан арzon ҳамда зарурий чора ҳисобланади. Фитоме-
лиорация (ўсимликларни экиш ва ўстириш билан мелиорация
қилиши) йўли билан тупроқни эрозия ва дефляциядан сақлаб қолиш
Амударё дельтаси ва Оролнинг қуриган қисмида 80-йилларнинг
2-ярмида бошланган. Оролнинг қумли худудларида (Ўзбекистон
қисмида) 1989 йилдан эътиборан ҳар йили камида 10 минг га
майдонда қора саксовул, чиркез, қандим, чоғон ва бошқа қуруқ
севар ва шўрни хуш кўрувчи ўсимликларнинг уруги ва қаламчаси-
ни экиш билан фитомелиорация амалга оширилмоқда. Кейинги
вақтларда (90-йиллардан бошлиб) иш майдони ортиб бормоқда.
1998 йилнинг бошларида жами фитомелиорация қилинган май-
дон жами 150 минг га. дан ортди. Албатта, бу рақам унчалик кўп
эмас, агар барча қуриган қисм 3,8 млн. га, деб ҳисобланса, унинг
қарийб 2 млн.га. қисми республикамизга тегиши. Ҳозирга ке-
либ ўсимлик экиш мумкин бўлган майдон тахминан 400-500 минг
га ни ташкил қиласди. Бинобарин, эндиғина унинг учдан бир қис-
минигина ўсимлик билан мустаҳкамлашга эришилди, холос. Биз-
нингча фитомелиорация ишлари суръати ва қамраб олинаётган
майдон ҳажми камида 2 марта оширилиши айни муддао. Чунки
денгиз чекинган сари унинг қуриган қисмида фитомелиорация
қилинадиган майдон миқёси ҳам ортиб бормоқда, демак, шамол-
нинг ўювчаник ва ҳаракат майдони тобора ортиб бормоқда.

Амударё дельтасида ҳам ихотазорлар вужудга келтириш бо-
расида анча ишлар қилинмоқда. Чимбой, Мўйнок, Бўзатов, Кўнғирот,
Қораўзак туманлари ўрмон хўжаликлари ўзанлар бўйларида тўқай-
зорларни қайтадан тиклаш борасида ва қумли худудларда фитоме-
лиорация ишлари амалга оширилмоқда. Энг қизиги шундаки, дель-
танинг ботиқлар оралиғидаги баландроқ қисмларида ўтлоқ-тақир
тупроқларнинг тақирсимон тупроқларга ривожланиб ўтишлари ту-
файли жойларда (Кўнғирот-Мўйнок автомобиль йўлиниң икки
чеккаси ва унинг ичқари худудлари) табиий йўл билан қора саксо-
вул кенг тарқалмоқда. Гап ана шу табиий йўл билан кенгайиб бора-
ётган қора саксовулнинг аҳоли томонидан кесиб кетилмаслигида.
Агар уларни вегетацияси учун инсон томонидан тўсқинлик қилин-
маса, у табиий йўл билан заминни мустаҳкамлаб боради.

3.5. Фойдали қазилмалардан фойдаланиши оптималлаштириш

Ишлаб чиқариш кучларининг тезкорлик билан тараққий
қилаёттанилиги саноатни кўплаб минерал хомашё билан узлук-
сиз таъминлашни тақозо этади. Бу эса ўз навбатида ер қаъри-

дан кўплаб фойдали қазилма бойликларни қазиб олишга ундайди. Қаттиқ фойдали қазилмалар конларда турли чуқурликда жойлашганлиги туфайли уларни қазиб олиш жарёнида кўплаб бўш тоғ жинсларини ер бетига чиқариш лозим. Бунинг устига рудаларда керакли фойдали маъдан жуда оз қисмни ташкил қилиши мумкин (ўртача 0,1% дан 10% гача). Бинобарин, кўплаб бўш тоғ жинслари конлар атрофида тўпланиб боради. 90-йилларда дунё бўйича йилига қарийб 150 млрд. т тоғ жинслари қазиб олинган, шундан 20 млрд. тоннаси фойдали қазилма бўлган. Бу рақам ХХI бошларига келиб 4-6 марта кўпайиши тахмин қилинмоқда.

Шу муносабат билан фойдали қазилмалардан оқилона фойдаланиш муаммоси Ер куррасида тобора жиддий тус олмоқда, бу борада қазиб олиш ва уларни қайта ишлаш технологиясига катта аҳамият берилиб иқтисодий жиҳатдан камроқ чиқим-харажатлар сарфлаш устида кенг миқёсда тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобича ер қатламларидан олинаётган маъданларнинг бор йўғи-1-5% ишлаб чиқариш учун маҳсулот бўлиб, қолганлари чиқинди ҳисобланади.

3.5.1. Ўзбекистон ҳудудидаги фойдали қазилмалар ва улардан фойдаланиш

Ўзбекистон замини турли табиий минерал бойликларга эга. Бу ҳол ҳудуднинг геологик жиҳатдан узоқ ўтмишларда мураккаб ривожланиш жараёнларни бошдан кечирганлиги, илк бор тоғ ҳосил бўлиш ҳодисаларини, денгиз ҳавзаларининг вақт-вақти билан қуруқликка бостириб кирганлиги, қобиқ нурашининг кучли тарзда рўй берганлиги, вулқон ҳаракатлари, ер ости магматик жинсларни турли қатламларга кириб, қотиб қолиши ва бошқа геологик ҳодисалар натижалари билан боғлиқ.

Ҳозирги кунга келиб Ўзбекистонда 2700 дан зиёд қазилма бойлик конлари ва истиқболда очилиши мумкин бўлган янги конлар аниқланган. Ушбу конларда ер юзига яқин жойлашган хилма-хил минерал хомашёлар мавжуд. Уларнинг 60 хилидан иқтисодиётда фойдаланилмоқда. Ўзбекистоннинг умумий минерал хомашё салоҳияти 3,3 трл. АҚШ долларида баҳоланмоқда. Ҳар йили конлардан умумий қиймати 5,5 млрд. АҚШ долларига тенг бўлган турли қазилма бойликлар қазиб олинади.

Бир қатор муҳим фойдали қазилмалар, чунончи, олтин, уран, мис, табиий газ, калий тузлари, фосфоридлар, каолин бўйича Ўзбекистон захираларининг кўплиги ва истиқболда фойдаланиш

бўйича нафақат МДҲ мамлакатлари балки, жаҳонда олдинги ўринларни эгаллайди. Масалан, олтин захиралари бўйича дунёда 4- ўринни, қазиб олиш бўйича эса 7- ўринни эгаллайди, мис бўйича 10-Г- ўринни, уран бўйича эса 7-8- ўринни эгаллайди (Каримов, 1997). Табиий газнинг умумий захираси қарийб 2 трлн. м³, кўмирники 2 млрд.т. дан зиёдроқ. Мутахассисларнинг дастлабки баҳолаш натижаларига кўра мамлакат худудининг тахминан 60% қисми нефть ва газ захиралари билан банд.

Ўзбекистон худудида Фарғона, Сурхондарё, Жануби-Фарбий Хисор, Бухоро-Хива ва Устюрт нефть ва газли минтақалардир. Ҳозирги вақтда энг кўп нефть ва табиий газ Бухоро-Хива нефть-газ районида-Ургабулоқ, Кўкдумалоқ, Шўртан, Тошли, Шўртепа, Зевар ва бошқа уларга яқин бўлган конлардан қазиб олинмоқда. Биргина Қашқадарёдаги газ конлари бутун республикада қазиб олинаётган табиий газнинг 90%ини етказиб бермоқда. Кейинги вақтларда Устюрт платоси ва Орол денгизининг сувдан бўшаб қолган қисмида нефть ва газ конларини қидириш ишлар жадаллик билан олиб борилмоқда. Бу худудларда табиий газ ва нефть конлари очилиши мумкинлигига мутахассислар катта ишонч билан қарамоқдалар (ҳозиргача Шоҳпахта, Урга, Бердақ, Шибинли, Қизилқайир, Оқшулоқ, Қорашибулоқ каби жойлардаги конлар истиқболга эга), дастлабки газ конлари ишга туширилган (ҳозирги кунда Ўрга газ конидан қунига 1,2 млн.м³ газ олинмоқда, шунингдек, ҳар куни 25 т газ конденсати қазиб олинмоқда).

Ўзбекистонда 20 дан ортиқ кўмир конлари ва кўмирли ҳавзалар аниқланган. Кўмирнинг саноат захиралари Ангрен, Шарғун ва Бойсун конларида жойлашган. Бойсун (жами захираси тахминан 150 млн. т) конида очиқ усулда тош кўмир қазиб олиш бошланган. Гузор-Кумқўрғон темир йўлини ишга туширилиши билан бу кондан кўплаб кўмир олиш мумкин бўлади.

Ўзбекистон ноёб ва нодир металлар-олтин, кумуш, уран ва бошқалар қазиб олиш бўйича олдинги ўринларни эгаллайди. Олтиннинг умумий захираси 4 минг т. дан кўп, республикада таржибида олтин ва кумуш мавжуд бўлган 30 дан ортиқ руда конлари топилган. Йирик олтин конлари Мурунтов, Маржонбулоқ, Қурама ва Чотқол тизма тоғларида топилган. Кумуш Қизилнурга тармоқларида, Қизилқумда катта захираларга эга. Одатда олтин бошқа элементлар билан бирга учрайди.

Рангли ва нодир металлар—мис, қалайи, қўрошин, вольфрам, литий, алюминий ҳомашёси (алунитлар, каолинлар) ва бошқалардан иборат. Мис рудаси Қурама тоғларида Қалмоққир, Саричека, Қизота конларида, вольфрам, молибден, қалайи, висмут, симоб, суръма Жанубий ва Ўрта Тянь-Шандаги Қоратепа,

Лангар, Қўйтош, Ингичка, Яхшон, Саргардон ва бошқа жойларда мавжуд, 20 та молибден кони аниқланган. Висмут рудаси, мишъяк-висмут, мис-висмут конлари Чотқол-Қурама тоғларида (Бурчмулла, Уртасарой) бор. Жанубий Фарғонада 100 дан ортиқ симоб ва 10 дан зиёд сурма конлари мавжуд.

Қора металлар (темир, титан, марганец ва хром) нинг бир неча юз конлари мавжуд. Улкан титан марганеци кон Султон Увайс тоғларида (Тепабулоқ, захираси 4 млрд.т), Нурота тоғларида, марганеци ҷўкинди конлари Зарафшон-Зирафбулоқ, Қоратепа, Лолабулоқ ва бошқа жойларда топилган.

Тоғ-кимё саноати хомашёси бўлган фосфоритлар (Қизилкум), ош тузи ва бошқа тузларнинг катта захиралари Борсакелмас, Ҳўжаикон, Бойбичакон ва бошқа жойларда аниқланган. Қурилиш материалларнинг 370 дан ортиқ кони борлиги ҳисобга олинган. Оқ, қора, қизғиши, мармар конлари ишга тушган. Геология қидириув ишлари кенг миқёсда жадаллик билан давом эттирилмоқда, истиқболда янги конларнинг топилиши эҳтимоли катта.

3.5.2. Фойдали қазилмаларнинг исроф бўлиши

Қазилма бойликлар конларини ишга тушириш, улардан маъданларни қазиб олиш, транспортда қайта ишлаш фабрикаларига ташиш, рудаларни бойитиш ва улардан керак бўлган маҳсулотларни ажратиб олиш жараёнлари мураккаб технологик тизимлардан иборат. Мазкур бир-бирлари билан боғлиқ бўлган жараёнларда маъданлар миқдор жиҳатидан камаяди, баъзан эса сифатини ҳам йўқотади.

Ўзбекистонда йилига 200 млн. т. дан зиёд тоғ жинслари қазиб олинади, чиқинди сифатида ташланган жинсларнинг ҳажми 150 млн. м³ дан мўлроқ. Кон ва шахталар атрофига чиқариб ташланаётган қоплама жинслар фақат Олмалиқ ва Навоий тоғ-кон саноати мажмууда 20 минг га майдонни эгалайди.

Чиқиндиларни тўпланиши аввало катта майдонда тупроқ ва яйловлардан фойдаланишини чеклайди, ҳамда ер ости сувларини ифлослайди, чиқариб ташланаётган қоплама жинсларнинг аксарияти заҳарли ҳусусиятга эгалиги эътиборга олинса, у ҳолда маҳаллий аҳолига ҳам зарар етказиши мумкин.

Маъданларни қазиб олиш жараёнида уларни очиқ каръер усулида ер юзасига олиб чиқиши нисбатан камроқ исрофгарчиликка олиб келади. Ўртacha исрофгарчилик 3-8%, мураккаб конларда эса 10-12% ни ташкил қиласи. Шу жиҳатдан қараганда очиқ усулдаги конлардан кўпроқ фойдаланиш мақсаддага мувофиқлиги ва иқтисодий жиҳатдан рентабеллиги ўз-ӯзидан равшандир.

Ёпиқ усулда маъданларни қазиб олиш жараёнида исрофгарчилик анча юқори, бу ҳол нафақат тоғ-геологик шароитларини мураккаблиги, шунингдек, қазилма бойликнинг тури ва муҳимлиги билан боғлиқ. Кўмир конларида исрофгарчилик кўрсаткичи ўртача 20-40% ни, қора ва рангли металл рудалари шахталарида 15-25%, тоғ-кимё хомашёларида эса 20-60%ни ташкил қиласди. Конларни ишлатишда яна бошқа омилларни ҳам эътиборга олиш лозим бўлади. Масалан, тоғ жинслари ва маъданларни қазиц, транспортга ортиш ва тушириш, конни техник жиҳатдан бузилишининг олдини олувчи қурилмаларни қуриш ва б.

Донбассдаги шахта усулида қазиб олинаётган кўмир конларида пастга томон чўкурлашган сари кўмирнинг таркибида кул миқдори ортиб боради. Кўмир қазицда ишлатилаётган комбайн кўмир билан бирга сланец қатламларини ҳам қўшиб чиқаради. Шу туфайли бўлса керак кўмирнинг куллик даражаси 31,5% ни ташкил қиласди. Бинобарин, дон ҳавзасидаги кўмирларни бойитиш долзарб муаммо ҳисобланади.

Конларни ишлатишда маъданларнинг рудадаги салмоғига алоҳида эътибор берилади. Агар рудада маъданларнинг салмоғи етарли дәражада кўп бўлса уларни фойдаланишга топшириш мақсадга мувоғиқ, кам бўлган тақдирда бунга рухсат этилмайди. Масалан, мисни рудадаги миқдори XIX асрнинг бошларида 10% бўлган тақдирда қазиб олишга рухсат этилган, бу миқдор XX аср бошига келиб 3,8% га, ҳозирда эса бу кўрсаткич 1% дан ҳам камроққа пасайди. Шу нуқтаи назардан ишлатиб бўлинган конларда ва салмоғи кам бўлган руда шахталарида ёки каръеларида ҳозирги нуқтаи назардан уларни қайтадан ишга солиш иқтисодий жиҳатдан қулади ва зарурдир. Шу жиҳатдан Қизилқумдаги олтин конларида ташкил этилган Ўзбекистон-АҚШ ҳамкорлигидаги «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонаси аввал ишлатиб бўлинган тоғ жинслари таркибидан яна олтин ажратиб олиш учун хизмат қилмоқда.

Маъданларни ташишда ҳам уларнинг бир қисми исроф бўлиши аниқланган. Текшириш натижаларига кўра, кўмир очиқ вагонларда ташилганда қарши шамол ҳаракати туфайли унинг майда зарралари учеб кетади. Масалан, Новокузнецкдан Магнитогорск шахригача очиқ ярим вагонларда кўмир ташилганда ҳар бир вагонда кўмир миқдори 1,2 т. гача камайган. Бундай йўқотишни камайтириш учун вагонлардаги кўмир устига сув сепиб намлаш ёки нефть маҳсулотлари билан қоплаш анча наф беради.

3.5.3. Фойдали қазилмалардан мажмуали фойдаланиш

Деярли барча қаттиқ маъданли конларда кўп ҳолларда асосий бойликдан ташқари бир-неча бошқа, унга йўлдош бўлган бошқа минерал маъданлар ҳам учрайди. Гап ана шу қўшимча минерал бойликларни ҳам ажратиб олишда. Чунки, уларни ажратиб олиш иқтисодий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади. Конлардан ёки маъданлардан мажмуали фойдаланиш деганда деярли барча фойдали маъданларни ишлаб чиқариш технологиясида уларни бирма-бир ажратиб олиш тушунилади. Лениногорсдаги корхонада қўроғшин-рух рудасидан 13 элементдан 11 таси, Балхашда мис эритиши корхонасида эса 14 элементдан 12 таси, Тоғли Осетиядаги Садон қўроғшин-рух корхонасида 23 элементдан 15 таси ажратиб олинмоқда.

Ўзбекистон рангли металларга, яъни мис, қўроғшин, рух, вольфрам, ва бошқаларга жуда бой. Улар билан бирга 15 турдан мўлроқ бошқа рангли металлар ҳам бирга учрайди. Масалан, олтин, кумуш, кадмий, индий, телтур, селен, рений, кобальт, никель, осмий ва ҳоказо. Қалмоқир кони ноёб бўлиб, мис-молибден рудаси ва улар билан бирга юқорида номлари қўрсатилиб ўтилган рангли металларнинг қўпчилиги бирга учрайди. Уларнинг асосий қисми Олмалиқ тоғ-кон металлургия корхонасида ажратиб олинмоқда. Унга яқин бўлган Дальное конининг ишга туширилиши ва янги тоғ-металлургия мажмуасини қуриб битказилгандан сўнг рангли металларни мажмуали ишлаб чиқариш янада қўпаяди. Худди шундай конлар Жиззах вилоятидаги Учқулоч, Сурхондарёдаги Хондиза конларида ҳам мавжуд.

Оҳангарон кўмир конида кўмирни қоплаб турувчи каолиндан тўлиқ фойдаланмайди. Тўғрироғи бу конни кўмир-каолин кони, деб аталса тўғри бўларди. Каолин захираси 400 млн. т. Лекин қазиб олинган 6-8 млн. т каолиннинг хомашё сифатида атиги 5% и олиниб, қолган қисми ағдармада тўпланиб борилмоқда. Ҳозир унинг йигилган қисми 60 млн.т. га етиб қолди. Каолин (гилмоя)-қимматбахо хомашё, ундан қоғоз, доришунослик, атир-упа ва бошқа саноат тармоқларида фойдаланилиши мумкин, унинг таркибида кўп миқдорда алюминий мавжуд, бинобарин, у алюминий ишлаб чиқаришда асқотади.

1998 йилда Германиянинг «Крупп» фирмаси Оҳангарон кўмир ҳиссадорлик жамияти билан биргаликда каолин қўшима корхонасини бунёд этишга киришди. Биринчи навбатда йилига 200 минг т каолинни бойитиш қувватига эга бўлган фабрика-ни қуришга кирилишди. Бунга «Крупп» фирмаси 250 млн. немис маркаси ажратди. Худди шундай кўмир конидан мажму-

али фойдаланиш Шарғун тошқұмیر конида амалга оширилмокда. Конда құмирдан ташқары фосфорит, гипс ва оxaқ қазиб олинади. Гипс қурилишдан ташқары тибиётда құлланилади. Оxaқ қимматбаҳо қурилиш материалы ҳисобланади.

3.5.4. Минерал ресурсларни қазиб олиш жараёнида уларнинг атроф-мухитта таъсири

Очиқ усулда қазиб олинадиган маъдан конлари атроф-мухитни күпроқ ифлослайди. Қазилма бойликнинг юзини очища күпинча портлашлар қилиниб, юзадаги төг жинслари маълум қалинликда юмшатиласиди. Портлаш натижасида жинслар турли томонга сочилиши ва улар қўпориб ташланиши туфайли ҳавога кўп микдорда чанг кўтарилади. Мутахассисларнинг маълумотига кўра, руда очиқ конларда бир йўла ўртача зичликдаги грунтлар порглатилганда осмонга 100-200 т. гача чанг кўтарилиши қайд этилган. Грунтларни транспортга ортиш ва текислаш ишларида ҳам 10 т. гача чанг ҳавога чиқиши мумкин. Юк ташувчи бир автомашинадан бир суткада 10 кг чанг ҳавога чиқади. Чанг, шунингдек, ағдарма юк автомашиналари, ағдарма ярим вагонлар ва конвейрларда төг жинсларини ташиша, уларни майдаловчи қурилмаларда майдаланиши, бульдозерлар ҳаракатида ҳам катта ҳажмда чиқади. Қурилиш материаллари конларида тош кесиш машиналари ишлаганда ҳавонинг чанг билан түйиниши 1m^3 да 1500 мг. га етади. Иирик юк машиналари, масалан, КРАЗ-256 автомашина секундига 202,2 мг углерод оксиди, 175,9 мг азот оксиди, 138,6 мг акролеин, БелАЗ-548 автомашинаси эса секундига 1156 мг углерод оксиди, 130,0 мг азот оксиди ва 6,0 мг акролеин чиқаради. Бу ҳол очиқ конлар ҳавосини заҳарлаш билан бирга инсон организмининг турли касалликларга чидамлилигини камайтиради.

Ер қаърида яшириниб ётган маъданларни қидириб топиш ва аниқлаш анча мушкул. Бунинг учун геологик сеёмка, қиди-рүв, текшириши ишлари амалга оширилиб, бу ишда автомашиналар, бурғулаш қурилмалари, тракторлар ва бошқа техника жиҳозлари иштирок этади. Йўл йўқлиги туфайли техника яйловда ўзига маъқул бўлган жойдан йўл солиб, белгиланган йўналиш бўйича ҳаракат қиласиди. Бунинг оқибатида фидирик остидаги ўт-ўлан эзилади, синади, охири йўқолади, вужудга келган из шамол таъсирига берилиб, турли чукурлик ва ботиқлар ҳосил бўлади. Хуллас, ҳисоб-китобларга қарагандা, ҳар 1 км масофада 4 гача майдондаги яйлов йўқолади, 0,3-0,4 га майдонда тўзима қумликлар вужудга келади. Бурғулаш қурилмасини тракторлар

ёрдамида бир жойдан иккинчи жойга күчиришда эса ўсимлик олами катта майдонда заар құради. Агар бургулаш қурилмаси 15 км масофага күчирилса, у ҳолда камида 100 га майдондаги яйлов нобуд бұлади, янги барханлар таркиб топади.

3.5.5. Бузилган ерларда рекультивация тадбирлари

Маъданлар қазиб олинган каръерлар, чиқинди жинслар тұп-ламалари терриконлар, ағдармалар, бургулаш майдонлари, кон қазиб олиш билан боғлиқ бұлған бошқа худудларда табиий му-хит бузилади. Бундай жойлар одатда «бузилган ерлар», деб ата-лади. Бузилган ерлар рельефи ўйдим-чукур, қир-тепалик бўлиб кетади ва ўсимлик олами умуман йўқолади. Конлар қазиб олиб бўлингандан кейин улар ўрнида таркиб топган бундай бузилган ерлардан фойдаланиш қийин бўлиб қолади. Шунинг учун улар қайта тузатилиши, яъни рекультивация қилиниши лозим бўлади.

Бузилган ерларнинг маҳсулдорлигини қайта тиклаш ва уларнинг хўжалик самарадорлигини яна күтариш мақсадида рекультивация ишлари амалга оширилади. Рекультивация икки босқичда, яъни техник ва биологик босқичларда кечади. Тех-ник босқичда ерлар текисланади, рельефнинг нотекислиги фой-даланиш мақсадига мос slab ўзgartирилади, туб тоғ жинслари устига тупроқ ётқизилади. Терриконлар, ағдармалар усти текисланади, ёнбағирлари зарур қиялика келтирилади. Шундан сўнг биологик рекультивация босқичида тупроқларнинг унум-дорлигини ошириш бўйича тадбирлар амалга оширилади, деф-ляция ва шўрланиш ҳодисаларининг олдини олиш бўйича иш-лар бажарилади.

Каръерлар, шахталар, бургулаш ишлари олиб борилган жойларда одатда ерлар турли даражада бузилади. Маъдан қазиб олиш ишлари тутагандан сўнг ерлар хўжаликда фойдаланиш учун топширилиши лозим. Чунки ерлар бузилган ҳолда қолди-рилиб кетилса, уларда турли нохуш табиий жараёнларнинг ри-вожланиши, ерларнинг обдон ишдан чиқишига олиб келади. Терриконлар, ағдармалар агарда улар радиоактив жиҳатидан хавфсиз бўлса, усти текисланиши, ортиқча грунтлар атрофидаги пастқамликларга ташланиши, ён бағирлари жуда ҳам кичик 0,5-2 даражада қиялика текисланиши зарур бўлади. Катта қиялик (2-3 дан кўп) эрозия, сурилма, ўпқон ҳодисаларининг вужудга келишига сабабчи бўлиши мумкин. Ағдармалар ва терриконлар юзалари дағал тоғ жинсларидан иборат бўлса, уларни майда жинслар, тупроқ солиниши, табиий ўсимликлар ўсишига яроқли қилиниши керак. Биологик рекультивация босқичида аввалига

тез ўсувчи табиий ўсимликларни экиш мақсадга мувофиқ. Кейинчалик тупроқ шароитлари яхшиланиши ва сугориш имкониятлари ҳал қилиниши билан маданий экинларни экиш учун қулай экологик шароит таркиб топади.

Курилиш материаллари (шағал, қум, тош, гил, лёсс, лёсси-мон жинслар ва б.) олинган каръерлар кўпинча жуда чукур ва катта майдонни эгалаган бўлади. Тошкент атрофидаги (Ялонгоч) фишт заводларининг каръерлари ниҳоятда катта, бу ерда рельеф жуда ҳам ўзгариб кетган. Кўпинча каръерлар шундайлигича ташлааб кетилади. У кераксиз ташландиқ ер бўлиб ётади. Лекин қаровсиз қолдирилган каръерлар рекультивация босқичларидан ўtkазилиб, хўжаликда фойдаланилса иқтисодий жиҳатдан катта фойда беради. Дарё қайирларида шағал, тош ва қум каръерлари фойдаланиб бўлингандан сўнг, одатда табиий ҳолда кўлга айланади ёки ахлатхона сифатида фойдаланиш бошланади. Чунки, турли корхоналар ўзларида фойдаланилмаган турли чиқиндиларни уларга олиб келиб ташлайдилар. Бинобарин, каръерларнинг турли чиқиндилар билан тўлиши дарё сувининг ҳам ифлосланишига олиб келади. Чунки, қайир ва паст террасаларда گрунт сувларининг сатҳи ер бетига жуда яқин туради.

Бизнингча, дарё қайирлари ва қуи террасалардаги чукур каръерларни қўлбола кўлларга айлантириш мақсадга мувофиқ. Кўл атрофида одамларнинг хордик чиқариши учун дарахтзорлар бунёд этиш, овқатланиш, спорт, маданий—майний хизмат кўрсатиш корхоналари каби инфратузилма объектларини вужудга келтириш мумкин. Бундай кўлда ёзда чўмилиш, балиқ тутиш, сув спорти ўйинларини ўtkазиш учун чиройли манзарали сўлим гўша таркиб топади.

Бузилган ерларни рекультивация қилиш умуман олганда жуда ҳам кичик майдонларда амалга оширилмоқда. Расмий маълумотларга қараганда Ўзбекистонда 1987 йилда атиги 2,3 минг, 1988 йилда 1,6, 1989 йилда 1,9, 1990 йилда 3,3, 1991 йилда 0,52, 1992 йилда 1,7 минг га бузилган ерлар тузатиб фойдаланиш учун топширилган. Бу иш Устюорт платосида бундан ҳам суст. Шарқий чинкка яқин жойда ўtkазилган икки қатор магистрал газ қувурларини жойлаштириш 60-йиларда амалга оширилган эди. Лекин шу вақтга қадар ҳам бузилган яйлов ўзининг аввалги табиий ҳолига қайтгани йўқ. Чунки, қувурлар қўйилган хандақ, шошма-шошарлик билан пала-партиш бекитилган, энг устки тупроқ қатлами устида қаттиқ оҳактош жинслар парчалари мавжуд, майда тупроқ умуман солинмаган, натижада ҳар бир йўналиш бўйича эни 3-4 м. ли ялонгоч мин-

тақа сақланиб қолган, бирор гиёх топилмайды. Бинобарин, катта майдондаги яйловлар бутунлай ишдан чиққан. Агар қазилған хандақлар кейин сифатли қилиб бекитилиб, усти майда тупроқ билан қопланғанда, ҳозирга қадар яйловларнинг бузилған-лиги ҳатто сезилмас эди.

Ҳозирги күнда рекультивация ишларини кенг миқёсда Олмалиқ, Навоий, Мурунтов, Учқудук төг-металлургия корхона-ларининг терриконлари ва ағдармаларида, Қизилқұм фосфорит конининг ағдармаларида амалға оширилиши ўта зарур. Чunksи, катта миқдорда бүш төг жинслари ва ишлатиб бўлинган шлак-лар йиғилиб қолган. Уларнинг бир қисми заҳарли ҳисобланади.

3.6. Рекреация ресурсларидан фойдаланиш ва уни такомиллаштириш

Рекреация (инсоннинг соғлиғини ва мөхнатга қобилиятыни дам объектларида қайта тиклаши, сайёхлик йўли билан табиатнинг турли масканларига бориши, архитектура ва тарихий ёдгорликларни бориб кўриш ва ҳоказо) дунё бўйича ривожланган ва айрим давлатларда (Испания, Италия, Греция, АҚШ, Франция, Буюк Британия, Югославия, Туркия, Япония ва бошқ.) катта даромад манбаига айланган иқтисодиёт соҳаси ҳисобланади. Реакреация соҳалари ниҳоятда кўп: курорт, санатория, касалхона ва бошқа саломатлик объектларида соғлиқни қайта тиклаш, сайёхлик йўли билан турли географик жойларда (дарё, кўл, сув омбори, селхона, денгиз, музлик, төғ, адир, ўрмон ва б.) табиат ёдгорликлари (гор, шаршара, рельеф шакллари) да бўлиш, сув ҳавзаларида чўмилиш, қармоқ билан балиқ тутиш, сув спорти билан шуғуланиш, қайиқда сайд қилиш ва ҳоказо, сайёхлик йўли билан турли шаҳарларга бориб тарихий ва архитектура ёдгорликларини кўриш, турли ўлка, мамлакатлар, шаҳарларга бориши ва уларнинг дикқатга сазовор жойларини ва ижтимоий-иқтисодий объектларини кўриш ва б.

Реакреация ресурслари – табиий ва маданий, иқтисодий, тарихий ресурсларнинг бир қисмларидан иборат бўлиб, улар инсоннинг дам олиши ва соғлиғини қайта тиклаши учун ва мөхнат қобилиятыни яхшилиш учун зарур бўлади. Бошқача айтганда табиий ресурслар ва дам олиш ҳамда соғлиқни қайта тиклаш учун зарур бўладиган барча ижтимоий инфратузилмалар мажмуасидан иборат бўлади. Стационар ҳолдаги объектларга (курорт, дам олиш уйларига) ҳордиқ чиқариш учун келган ҳар қандай кишини табиий шароит (тоза ҳаво, меъёрдаги даволовчи ичимлик суви, ажойиб табиат манзараси) ва аъло даражада

хизмат кўрсатиш қизиқтиради, табиат қўйнида дам олиш учун чиққанларни эса ажойиб табиат манзараси, тоза ҳаво, жозибали сув объектлари (дарё, сув омбори, кўл ва ҳоказо) қизиқтиради. Бинобарин, дам олишнинг ҳам ўзига яраша мезонлари мавжудки уларни тўлиқ ҳисобга олиш рекреация ресурсларидан омилкорлик билан фойдаланишни кучайтиради.

3.6.1. Ўзбекистонинг рекреация имкониятлари ва улардан фойдаланиш

Рекреация соҳасининг халқ ҳўжалиги тузилмасида тутган ўрни бениҳоя катта. Ўзбекистон рекреация ресурслари, унинг турлари бўйича қўплигиги жиҳатидан олдинги ўринлардан бирини эгаллайди. Нафақат дам олиш, сайдоҳлик, соғлиқни тиклаш, шунингдек чет эл сайдоҳларини қабул қилиш учун кенг имкониятлар мавжуд. Қулай табиий шароитлар ва ресурслар, тароватли табиат гўшалари, нафосатли бетакрор табиий тоғ пейзажлари, сув омборлари, кўллар, дарё ва каналлар ҳар қандай кишини лол қолдиради. Оромгоҳларда мунтазам дам олиш, гўзал табиат қўйнида спорт билан шуғулланишни ҳамма орзу қиласди.

Ўзбекистонда нафақат йилнинг иссиқ вақтлари, шунингдек қишилган ва кузда ҳам фаол дам олиш имкониятлари мавжуд. Чимёндаги қишикки спорт-дам олиш мажмуаси бунинг ёрқин далилидир. Бу оромгоҳда 1800-2000 м баланлиқда куздан кеч баҳоргача қор билан боғлиқ бўлган барча спорт турлари ва ўйинлари билан шуғулланиш имкониятлари мавжуд. Худди шундай спорт оромгоҳларини Қашқадарё, Сурхондарё ҳавзалирида ҳам ташкил қилиш учун барча табиий шароитлар бор.

Ўзбекистон табиати бой ва ранг-барангдир, Мамлакатнинг турли ҳудудларида 200 дан ортиқ шифобахш ер ости минерал суви ва балчиқ манбалари аниқланган. Ушбу ер ости сувлари кимёвий таркиби, тиббий-биологик ва бошқа хусусиятларига кўра турли-тумандир. Ушбу манбалар асосида физиотерапевтик шифохоналар, санаторий-курортлар ва бошқа соғломлаштириш муассасалари ташкил этилган. Улардан - Чимён, Чорток, Шоҳимардон ва бошқалар дунё аҳамиятига эга. Умуман олганда, республикада 8000 дан зиёд кишига мўлжалланган маҳсус санаторий, профилакторий, дам олиш уйлари ишлаб турибди.

Улкада кўшимча санаторий, курорт, профилакторий, дам олиш уйлари ташкил этиш учун қулай рекреацион шароитлари бисёр, улар айни тоғ олди ва тоғ минтақаларида оромбахш ва иқлимий жиҳатдан мос бўлган тоғ водийларида вужудга келтирилиши мақсадга мувофиқ. Қашқадарё, Сурхондарё, Зарафшон,

Сангзор, Оҳангарон дарёларига оқиб тушувчи бир неча тоғ сойлари водийларида рекреация ресурслари жуда ҳам бой. Агар мазкур худудларда ҳам янги оромгоҳлар ташкил этилса, нафасат мамлакат аҳолиси шунингдек, Марказий Осиё, балки хорижий фуқароларининг ҳам дам олишлари учун янги жойлар вужудга келган бўлар эди.

Ўзбекистон дунёга машҳур ўрта аср архитектура ёдгорликлари (Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Кўқон, Тошкент ва бошқ.), Ислом динининг кўзга кўринган номоёндалари (Имом Ал-Бухорий, Имом Ат-Термизий, Нақшбандий ва бошқ.), фан ва адабиёт, санъат намоёндалари (Ал-Фаробий, Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улугбек, Алишер Навоий, Захиридин Бобур, Беҳзод ва бошқ.), давлат арбоблари (Амир Темур ва бошқ.) яшаб ижод этган ва улардан ёрқин из қолган юртдир. Дунё халқлари, хусусан Шарқ ва Европа халқлари улар билан жуда ҳам кизиқади. Бунинг учун тегишли шарт-шароитлар бунёд этилса, уларниң оқими Ўзбекистонга ғоятда тез кўпаяди. Масалан, Имом ал-Бухорий мақбараси чет эл сайёхлари келиб кўрадиган, зиёрат киладиган замонавий рекреация обьектига айланди.

Ўзбекистонга бир йил мобайнида ўртacha 500 минг чет эл сайёхлари келиб кетади, бу рақам бошламасига яхши, лекин бошқа хорижий давлатларга келаётган чет эллик сайёхлар миқдорига нисбатан жуда ҳам кам, бу рақам камида биринчи навбатда 2 млн.кейинчалик 3-4 млн бўлиши лозим. Чунки, мамлакатимизда хорижий меҳмонларга кўрсатадиган обьектлар сероб, улар Ўзбекистонга келиб ҳеч вақт афсусланмайдилар, фақат улар учун рекреация инфратузилмасини дунё андо-заларига мос ҳолда вужудга келтириш лозим.

3.6.2. Ўзбекистонда рекреацияни ривожлантиришнинг экологик-иктисодий асослари

Ҳар қандай дам олиш тури маълум худудда амалга оширилади, лекин мазкур худуд маълум муддатга хордиқ чиқариш учун келганларни экологик жиҳатдан ўзига сифдира оладими ёки йўқми бу масала унинг экологик сифими билан аниқланади. Экологик сифим шундай ўртacha меъёрки унда рекреантлар миқдори экологик майдонга тўғри келиб, ундан ошмаслиги лозим, акс ҳолда табиий мувозанат бузилади. Бу борада маълум андозалар, меъёрий кўрсаткичлар ишлаб чиқилган. Масалан, ёзда сув ҳавзаларида чўмилайтганлар учун денгиз пляжи ҳар бир чўмилувчи учун камида 5 m^2 , ички сув ҳавзаларида 8 m^2 , болаларга эса 4 m^2 , дарёларда ҳар бир чўмилувчи учун камида $5-10\text{ m}^2$, оқмас ҳав-

заларда 10-15 м² акватория бўлиши лозим. Агарда чўмилувчилар миқдори кўрсатилган миқдордан ортиб кетса, у ҳолда сувнинг ифлосланиши тезлашади, бинобарин гидроэкологик мувозанат бузилади, унинг оқибатлари барчага аён.

Тоғ ёнбаирлари, қирлар, адирларда баҳорда (лола сайили, ялпиз йифиш, оддий ҳордиқ чиқариш) дам олувчиilar сони кескин ортади, бунда маълум кичик ҳудудда рекреантларнинг сони мўлжалдагидан кўп бўлади. Натижада ўсимлик ва тупроқ топталади, турли гиёҳларнинг миқдори кескин камаяди, дам олувчиilar ўзлари билан олиб келган бъязи нарсаларни шу жойда қолдирадилар (озиқ-овқат қутилари, қоғозлар, ичимлик идишлиари, сигарет қолдиқлари ва б.), бинобарин атроф-муҳит ифлосланади. Ҳисоб-китобларга кўра бундай шароитда дам олувчиilarни ўртача миқдори ҳар гектар майдонга бир кунда 18-20 кишини ташкил қилиши мумкин.

Табиатда рекреация имкониятларидан фойдаланиш бўйича ҳозиргача кўп соҳаларда экологик сифим, ўлчам, миқдорий кўрсаткичлар, рухсат этилган меъёр (РЭМ) андозалари ишлаб чиқилган ва улар амалда тадбиқ этилган. Уларга риоя қилиш ва бажариш албаттга шарт. Аксинча эса, табиатда турли ноxуш ҳодисалар таркиб топа бошлайди.

Рекреацияни ривожлантиришнинг иқтисодий асослари-гўзал табиат имкониятлари воситасида инсоннинг дам олиши учун қулай шарт-шароитларни вужудга келтиришга боғлиқ. Дам олиш мумкин бўлган табиат кучогида тегишли инфратузилма ташкил этилмаса, рекреантларга кўнгилдагидек ҳордиқ чиқариш имкони бўлмайди. Рекреация инфратузилмаси—дам олиш объектлари (санатория, курорт, пансионат ва б.) га транспорт коммуникациялари, электр ва табиий газ тармоқлари туташтирилган бўлиши лозим. Дам олиш объектида мумкин бўлган спорт майдонлари ва жиҳозлари, сув ҳавзалари (чўмилаш учун, сайдр учун, қайиқ, катамаран ва бошк.), соҳил бўйи манзаралари дараҳтзорлар билан банд бўлиши, емакхона, автотранспорт учун маҳсус жойлар, телефон ва ҳордиқ чиқариш учун бошқа зарурий имкониятлар бўлиши лозим. Дам олувчиilarни табиат пейзажи, таровати, хушманзаралиги лол қолдириши керак, тоза ҳаво, сув, сархил мевалар, шифобахш балчик, минерал сувлар энг зарурий омилларки, уларнинг бисёрлиги инсонни кўнгилдагидек ҳордиқ чиқариши учун асос бўлади.

Рекреация инфратузилмаси қанчалик такомиллашган бўлса ҳордиқ чиқарувчиларнинг ҳам соғлиқларини тиклаши шунчалик даражада юқори бўлишига эришилади. Бу ўз навбатида дам олиш масканларининг малакали мутахассислар билан таъминланишга ҳам боғлиқ.

Ўзбекистонда рекреация обьектлари кўп бўлсада улар барча рекреантлар талабини қондира олмайди. Чунки, аҳоли сони ортиб бормоқда, шунингдек, хорижий давлат фуқароларини ҳам қабул қилиш лозим, Сурхондарё, Қашқадарё, Зарафшон, Чирчик-Оҳангарон, Фарғона водийларида ҳали жуда ҳам кўплаб санатория, курорт, пансионат, болалар шифохоналарини бунёд этиш учун имкониятлар катта. Агар уларда тегишли рекреация инфратузилмалари ташкил этилса мамлакатимиз аҳолисининг соғлигини тиклашга катта ҳисса қўшган бўлади.

3.7. Иккиламчи ресурслардан фойдаланишни тубдан яхшилаш

Саноат ишлаб чиқариши кўп миқдорда чиқиндиларнинг вужудга келиши билан боғлиқ. Булар қаттиқ, суюқ, газсимон чиқиндилар бўлиб, уларнинг бир қисми заҳарли ҳисобланади. Заарарли чиқиндиларнинг вужудга келиши кўп ҳолларда ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнларини тўлиқроқ такомиллашмаганлиги билан боғлиқ. Инсон турмушидаги вужудга келадиган маиший чиқиндилар борган сари миқдор жиҳатидан ортиб бормоқда. Бинобарин, чиқиндиларнинг вужудга келиши бўйича уларни икки гурухга ажратиш айни мудда ва уларни шу йўналишда ўрганиш маъқул.

Чиқиндилар-иккиламчи ресурс сифатида дунё бўйича борган сари глобал муаммога айланмоқда, шу билан бирга у миллӣ давлат чегарасида ундан ҳам каттароқ ҳудудий муаммога, айрим шаҳарларда эса жиддий маҳаллий муаммога айланди. Дунё миқёсида атом электр станцияларида ёқилган уран ёқилғисининг куллари (шлак)ни кўмиш бош муаммо бўлиб, бъязи давлатлар Африка, Осиёдаги мамлакатлар билан келишган ҳолда уларнинг ҳудудларида кўмишга розилик олмоқдалар. Тоғ-кон саноати, кимё, иссиқлик электр станциялари, маъданларни қазиб олиш каръерлари ва шахталарида таркиб топаётган чиқиндилар миқдор ва хавфлилик жиҳатидан устуворлик қиласи. Маиший чиқиндилар ҳам йирик шаҳарларда асосий муаммога айланниб бормоқда, гап уларни шаҳардан четга ташиб бориш ва утилизация қилишида. Бунинг учун маҳсус транспорт ва корхоналар мавжуд бўлиши тақозо этилади.

3.7.1. Иккиламчи ресурслардан фойдаланишнинг экологик асослари

Ҳар бир давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида жиддий муаммолардан бири чиқинди муаммоси ҳисобланади. Ўзбекистонда ҳам бу муаммо борган сари муракқаблашмоқда.

Қазилма бойликларни қазиб олиш, рудадан соф хомашёни ажратиши жараёнларида жуда ҳам күплаб қоплама жинслар, рудадан бүшаган жинслар вужудга қелади. Улар қайта ишланаётган массанинг 90-95% ини ташкил қиласы. Кондардан олинаётган рудаларда фойдалы маъдан микдори 1-5% (рангли металларда) ни ташкил қилиши мумкин, қолган бүш(пуч) жинслар чиқинди сифатида терриконлар- (уюм) да йигилади.

Ўзбекистонда кейинги йилларда жами бўлиб 1,25 млрд. м³ қоплама жинслар, чиқинди омборларида 1,3 млрд. т рудаларни бойитишида вужудга келган чиқиндилар тўплланган. Улар 30 минг га майдонни эгаллаган. Вужудга келган бўш тоғ жинсларига ҳар йили ўртacha 25 млн. м³ қоплама жинслар, 42 млн. т рудаларни бойитишида вужудга келган чиқиндилар, 300 минг т металлургия корхоналарининг шлаклари қўшилиб боради. Чиқиндиларнинг бу тезликда кўпайиб бориши яйловлар майдонининг қисқаришига, атроф-муҳитнинг ифлосланишига жиддий таъсир этади.

Кимё ва нефть кимёси саноатида чиқиндиларни асосан мис ва рух эритмалари оқаваси, аммиакли оқава сув, марганец шлами (кукунсимон модда), фосфоргипс, лигнин, нефть қуйқаси ва бошқалар ташкил этади. Шунингдек, машинасозлик, иссиқлик энергетикаси, енгил ва озиқ-овқат саноатлари ишлаб чиқариш жарәёнида кўп ҳажмда иккиласи чиқиндилар вужудга келади. Уларнинг бир қисми заҳарли бўлиб, ер усти сувлари, ҳавони ифлослаши мумкин.

Вужудга келган саноат чиқиндиларининг тўпланиб бориши экологик ва иқтисодий жиҳатдан бутунлай заарли, уларни минералогик ва кимёвий таркибларига кўра турли соҳаларда фойдаланишини амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Қаттиқ тоғ жинсларини радиоактивлик хусусияти бўлмаса майдалаб қурилиш материали сифатида фойдаланиш айни муддао. Улардан сифатли шағал, қум, гил, қиррали ғўла тош ва бошқа фойдалы қурилишбоп материалларни тайёрлаш имкони бор. Тоғ жинслари жарлик, пастқамлик ва ботиқларни тўлдиришда аскотади. Баъзан қаттиқ жинслар оҳактош, ангидрилар, гипс, лёсс, гил, каолин бўр ва бошқа фойдалы элементлардан иборат бўлиши мумкин, бу ҳолда уларни турли соҳаларда ишлатишга имкон булади. Ангрен қўнғир кўмир каръерида кўмиррга қадар қоплама жинс сифатида каолин қатлами мавжуд бўлиб, ҳозирга қадар мазкур қатлам деярли фойдаланилмай пастқамликлар тўлдириб борилди. Каолин қофоз, атир-упа, доришунослик, ҳунармандчилик (турли идиш-товоқлар ясаш) саноатларида кенг қўлланилади. Ҳозирда ушбу бойлик асосида Германия билан биргалик-

да қўшма корхона ташкил қилинган, яқин вақтдан бошлаб бир неча маҳсулотларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Кимё ва нефть кимёси саноати чиқиндилирдан турли фойдали (мис, рух, қўрошин ва б.) хомашибаларни ажратиб олиш мақсадга мувофиқ, баъзиларидан ўғит (лигнин) сифатида, иссиқлик электр станцияларида кўмир ёқиши натижасида вужудга келган кулдан шлака-блок: тайёрлашни йўлга қўйиш, ўғит сифатида фойдаланиши яхши натижада беради.

Эндиликда майший чиқиндилирнинг микдор жиҳатидан борган сари кўпайиб бораётганлиги инсониятни жиддий ташвишга солмоқда. 80-йилларда Нью-Йорк аҳолиси жон бошига кунига 2 кг, Сингапур-0,87, Гонконг, Гамбург-0,85, Рим-0,69 кг дан майший чиқинди тўғри келган. Нью-Йоркда кўплаб майший чиқиндилирни вужудга келиши бу шаҳарга узоқ масофадан озиқ-овқат маҳсулотларни уларни бузилиб қолмаслиги ва идишларни синишини эҳтиёт қилиш мақсадида қофоз картон ва бошқа материаллар билан ўраб келиниши билан боғлиқ.

Кейинги вақтларда ярим тайёр, музлатилган ва консерва қилинган маҳсулотларни кўплаб ишлаб чиқарилиши муносабати билан уларни маҳсус яшик, кутича, маҳсус идиш, қофоз ва цеплофан халтачаларда ўралиб сотувга чиқарилмоқда. Саноати ривожланган мамлакатларда ўрам материаллар майший чиқиндини 30% ини, оғирлик жиҳатдан ва ҳажми бўйича 50% ни ташкил қиласи, қолгани озиқ-овқат ва уй ахлатларига тўғри келади. Ураш таркибини аввало қофоз, ойна, металл, цеплофан, пластмасса ташкил қиласи. Қизиги шундаки, улардан иккинчи марта фойдаланиб бўлмайди, яъни қайта қўйиш (эртиш) зарур.

Узбекистонда майший чиқиндилар ҳар йили 30 млн. м³ ҳажмда вужудга келади, улар 230 дан ортиқ майдончаларда йиғилиб бормоқда. Ахлат йиғиладиган майдончалар шаҳарлардан ташқарида кўпроқ пасткамлик, жарлик, каръерлардан иборат. Расмий маълумотларга кўра ҳар бир млн. т майший чиқиндига нисбатан 360 минг т. озиқ-овқат чиқиндилири, 160 минг т қофоз ва картон, 55 минг т латта-путта, 45 минг т гача пластмасса ва бошқалар тўғри келади. Унинг таркибида шунингдек, металл (айниқса рангли металлар), ойна, ёғоч, резина каби материаллар ҳам кўп микдорда мавжуд бўлади.

Республика мустақилликка эришгандан сўнг чет эллардан кўплаб спиртли, алкоголизм ичимликлар, сигаретлар, озиқ-овқатлар келтира бошланди. Йирик шаҳарларда «Кока-кола», «Фанта», «Спрайт» ишлаб чиқарила бошланди. Ичимликлардан бўшаган шиша ва пластмасса идишлар андозага тўғри келмаслиги боис уларни қайта топширишнинг иложи йўқлиги сабабли

күчаларда түпдана бошлади. Германиядан келтирилган пиво идишлари алюминийдан ишланганлиги ва қайта фойдаланишинг имкони йўқлиги сабабли ахлатхона, кўча, ариқларда йифилиб бормоқда. Буларнинг барчаси майший чиқиндилар ҳажми ни бир неча баробар кўпайтирди. Кўча, хиёбон, майдон, баланд қаватли бинолар яқинидаги майший чиқиндиларнинг йифилиб бориши аҳоли орасида турли юқумли касалликларни тезда тарқалишига сабаб бўлмоқда. Пашиша, чивин каби майда ҳашаротлар микроб, вирус, бактерияларнинг кўпайишига кучли таъсир этади. Қузда дараҳт баргларининг кўплаб ёқилиши эса шаҳар ҳавосини оғирлаштиради, ҳавода СО₂ миқдорини кўпайтиради.

Аслида шаҳарларда майший чиқиндилардан қутулишнинг икки йўли мавжуд: 1) уларни шаҳарнинг четидаги пастқамликларга элтиб кўмиш, 2) ахлат ёқиш корхоналарини вужудга келтириб, улarda чиқиндиларни ёқиш. Биринчи йўл қулай, лекин ахлат грунт сувларига аралашиб кетиши мумкин, бу ҳол уларни ифлосланишига олиб келади. Иккинчи йўл кўплаб катта қувватга эга бўлган ахлат ёқиш корхоналарини қуришни талаб этади. Ривожланган мамлакатларда ахлатнинг катта қисми (50-80%) корхоналарда ёқилади, бунинг натижасида арzon энергия ёки сув буғи ишлаб чиқилмоқда. Японияда 1850 ахлат ёқиш корхоналари мавжуд бўлиб, улarda бутун майший чиқиндининг 80%дан зиёд қисми ёқилади.

Ўзбекистонда бундай корхоналар мавжуд эмас, аммо йирик шаҳарлар яқинида уларнинг қурилиши мақсадга мувофиқ. Тошкентда бундай корхонани (лойиҳа қуввати йилига 400 минг м³) тўнгичи 1977 йилда қурилган эди, лекин у маълум сабабларга кура фаолият кўрсатмаяпти, уни бирор чет эл фирмаси билан биргаликда қўшма корхона ташкил қилиш билан такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириб, ишга тушириш вақти келди.

Республика шаҳарларида кузда дараҳтлар барги тўкилиши бошланиши билан кўча фаррошларининг иши бир неча баробар ортади. Бу муаммодан осон қутилиш учун уларни тўплаб ёқадилар. Бу ўта кетган экологик заводсизлик. Энг қулайи уларни йифиб, маҳсус автотранспортда шаҳар четига чиқариб маҳсус ўраларда бир йил чиритилса қўлбола гўнг вужудга келади, уни иссиқхона, боғларда тупроққа ўғит сифатида солиши юқори самара беради.

Қисқаси чиқиндилар иккиласми ресурс, фақат улардан оқилона фойдаланиш йўлларини билиш, бекорга исроф қилмаслик, атроф мухитга бўлган таъсирини борган сари камайтириб бориши устида изланишларни такомиллаштириш мухим аҳамият касоб этади.

3.7.2 Иккиламчи ресурслардан фойдаланишнинг иқтисодий асослари

Чиқиндиарнинг таркиби хилма-хил. Зотан, улардан фойдаланиш йўналишлари, соҳалари, гуруҳлари, иқтисодий самара-дорлиги, экологик тозалиги ҳам турли туман. Чиқиндиарни умумий ҳолда иқтисодий аҳамиятини баҳолаш мушкул, шунинг учун ҳам унинг таркиби аниқлангандан сўнг самарадорлик тўғрисида фикр билдириш мантиқа тўғри келади. Масалан, чиқинди таркибида алюминий, шиша идишлар, пўлат, қофоз, пластмасса, синган ойна кабиларнинг бўлиши улардан иккинчи марта фойдаланиш самарадорлигини оширади.

Алюминий жуда ҳам кўп энергия талаб қилувчи металл, у халқ хўжалигида кенг фойдаланилади. Баъзан алюминий хомашёсини сотиб олишга сарф этилган харажат миқдори энергия қийматидан арzon туради. Металлаломдан қўйилган алюминий бокситдан олинган металлга нисбатан жами бўлиб 5% харажат талаб этади. Иккиламчи металлаломдан қўйилган 1 т алюминий 4 т боксит, 700 кг нефть маҳсулотини тежайди, шунингдек атмосфера ҳавосига чиқадиган 35 кг алюминийли фторли чиқинди бирикма камаяди.

Қофоз макулатураси муаммоси жаҳон миқёсида борган сари жиддийлашмоқда. Аниқланишича, макулатурани қайта ишлаш йўли билан қофоз маҳсулотларини тайёрлаш катта майдонларда ўрмонларни қирқицдан сақлаб қолишга ва энергияни тежашга, атроф-муҳитнинг ифлосланиши олдини олишга имкон беради. Макулатурани қайта ишлайдиган корхона цепполоза-қофоз корхонасини қуришга нисбатан 50-80% арzon тушади. АҚШда 200 дан ортиқ макултурани қайта ишлайдиган корхоналар фаолият кўрсатмоқда, фақаттина «Нью-Йорк Таймс» газетасининг якшанба сонини қайта ишлаб, ундан қофоз тайёрлаш 75 минг туп дарахтни қирқицдан сақлаб қолиши мумкин. Ривожланган йирик мамлакатларда (Канада, Италия, Мексика, Жанубий Корея, Германия) чет эллардан макултура харид қилиб, тайёр қофоз ишлаб чиқармоқда. Бу иқтисодий жиҳатдан жуда ҳам самарали ҳисобланиши исботланган.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг маълумотича дунё бўйича фойдаланилаётган қофознинг 50%ини қайта ишланиши унга бўлган талабни 75%ини қондиради, бу эса 8 млн. га майдондаги ўрмонни кесилишдан сақлайди.

Иккиламчи ресурслар табиий бойликлар каби барча сифат кўрсаткичларига эга, иқтисодий жиҳатдан юқори баҳоланади. Шунинг учун ҳам ривожланган мамлакатларда рангли металл, пўлат, синган ойна, қофоз, пластмасса, целофан ва бошқа матери-

аллар қайта ишланиб яна фойдаланишга юборилади. Иккиламчи чиқиндилардан фойдаланиш күплаб хомашёни ва энергияни тежайди, атроф-муҳитнинг ифлосланишини камайтиради. Гап уларни сифатли қилиб қайта ишлаб чиқаришда, дарвоҷе, бунинг учун кичик ва ўрта корхоналар самарали ҳисобланади.

Салқин ичимликлар, ёғдан бўшаган пластмасса идишлари тўғридан тўғри иккинчи марта ишлатилишга ярамайди, уларни қайта куйиш зарур. Ўзбекистонда кейинги вақтда улардан кенг миқёсда фойдаланилаётганлиги туфайли бўшаган идишлар турли жойларда уюм-уюм бўлиб тўпланиб, кўчаларнинг гигиеник ахволини бузмоқда. Ахир, уларнинг ҳар бирини ишлаб чиқариш учун қанча маблаг сарфланган-ку, нима учун уларни яна қайта йиғиб эритиш мумкин эмас? Чиқиндини қайта ишлаш ва ундан тайёр маҳсулот чиқариш хомашёдан тайёр маҳсулот тайёрлашга нисбатан иқтисодий жиҳатдан анча арzon тушиши барчага аён. Бунинг учун ушбу пластмасса идишларни ишлаб чиқараётган чет эл корхоналарининг республикада кўшма кичик корхоналарини ташкил этиш айни муддао. Агар ушбу бўшаб қолган идишларни яна қайтадан топшириш имкони топилса, нафақат иқтисодий самара, шунингдек, кўчалар ҳам илгариги тозалик хусусиятини қайта тиклаган бўлур эди.

Қофоз муаммоси мамлакатда эмас, балки дунё миқёсида катта қийинчиликларга сабаб бўлмоқда. Ўзбекистонда қофоз, яъни макулатура қайта ишлаш комбинатлари мавжуд, уларнинг энг иириги Тошкент қофоз комбинати, бироқ унинг ишлаб чиқариш қуввати анча кам (25-30 минг т макулатурацииг ишлай олади), хомашё ҳажми эса бир неча баробар кўп. Уқувчилар, талабалар ҳар йили дарслар бўйича тўлдирган дафтарларининг фақат 5-10% и макулатурага топширилиши мумкин. Агар улар мактаб, лицей, гимназия, коллеж, институт, университетларда йиғиб олинниб марказлашган ҳолда қабул пунктларига топширилса республика бўйича камида 150-200 минг т қофоз макулатураси йиғилади. Улардан қайтатдан дафтар тайёрлаш технологик жиҳатдан арzon, иқтисодий жиҳатдан самарали бўлади.

Республикада макулатура миқдорини кўпайтириш манбалари анча, бунинг учун ҳар бир шундай манбалар (корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва б.) га йил давомида топшириши зарур бўлган макулатура ҳажмини аниқ белгилаб унинг топширилиши қаттиқ назорат қилиниши лозим.

Ишлаб чиқариш асосан иқтисодий самараదорлик барқарор бўлган тақдирдагина ривожлана олади, шундай экан саноат, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ва турмуш, маиший хизмат доирасида вужудга келган чиқиндилар негизида тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқиши иқтисодий жиҳатдан энг самаралидир. Бекобод метал-

лургия корхонаси фақат металлалом асосида сифатли қора металл, прокат ва пӯлат тайёрлайди. Унга бутун республика ҳудудидаги турли корхона, жамоа хўжалиги ва бошқа ташқилотлардан мажбурий равишда металлалом етказилиб берилади, бу жараён Республика Вазирлар Маҳкамаси томонидан маҳсус назорат қилинади. Шу боис корхона хомашё билан йил бўйи таъминланади.

Чет элда ҳам эндиликда кичик ва ўрта корхоналарда металл лом асосида пӯлат қўйиш, прокат ясаш, қора металл тайёрлаш устувор бўлиб бормоқда. Тўла цикли улкан металтургия корхоналари хомашё танқислиги ёки йўқлиги сабабли инқизроға учрамоқда.

Иккиласми ресурсларнинг соҳалар бўйича бир босқичда камида 60%, кейинги босқичларда 75-80% ининг қайта ишланиши ва тайёр маҳсулот чиқаришни ташкил этиш ҳам экологик ҳам иқтисодий жиҳатдан асослидир. Бунинг учун шундай улкан, лекин жуда ҳам хайрли ишни босқичма-босқич амалга ошириш жамиятни барқарор ривожлантиришга катта ижобий таъсир этади. Буни қўйидан (қўшма корхона, фирма) бошлаб катта (давлат-хиссадорлик) қўшма корхоналаргача бир маромда амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Иккиласми ресурслар бекиёс катта иқтисодий бойлик, улардан омилкорлик билан фойдаланиш бозор шароитида алоҳида аҳамиятта эга

3.8 Ўзбекистондаги экологик вазиятлар ва экологик хавфсизликни таъминлаш

3.8. 1 Экологик аҳвол ва экологик вазият тўғрисида тушунча

Республика ҳудудида ишлаб чиқаришнинг кенг миқёсда таракқий этиши табиат билан инсон ўртасидаги муносабатларни кескинлаштирум оқда. Бу кескинлашув одатда атроф мухитнинг ифлюслиниши, тупроқ ва ўсимлик қопламларининг бузилиши, камбағаллашуви ва бошқа кўринишларда ифодаланади. Ҳар бир табиий комплекс бу жиҳатдан маълум экологик аҳволга эга бўлиб, улар бир-бirlаридан ушбу аҳволнинг оғир-енгиллиги, мураккаблиги, мажмуалиги билан фарқ қиласди. Экологик аҳвол умумий тушунча ва ҳудуд учун нисбатан барқарор хусусиятларга эга. Шунинг учун ҳам узоқ муддат давомида деярли ўзгармаслиги, яъни бирдек давом этиши мумкин. Лекин экологик аҳвол баъзан оғирлашуви, баъзан енгиллашуви ҳам мумкин, бу ҳол ишлаб чиқариш маромига боғлиқ, уни атроф-муҳитта таъсири тезлашса аҳвол оғирлашади ва аксинча. Экологик аҳволни турли даражада содир бўлиши ҳудудда ҳар хил вазиятларни шаклланади.

тиради. Экологик вазият экологик ахволни маълум бир вақт мобайнидаги ҳолати, бинобарин, у бекарор бўлиб маконда вақт мобайнида бир вазиятдан иккинчи вазиятга тез орада ўзгариши мумкин. Демак, экологик вазият маконда маълум бир вақт мобайнида содир бўлади ҳамда ахволни аниқ ва равшан акс эттиради.

Ўзбекистонда экологик вазиятлар жойларда табиий ресурслардан фойдаланиш даражаси, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, атроф муҳит ифлосланишинг олдини олиш тадбирлари қўланилиши кўламига қараб турли миқёсларда щаклланмоқда. Тадқиқотлар натижасига кўра эковазият мажмуали, айрим гуруҳли ва маълум бир омил (ёки табиий компонент) билан боғлиқ ҳолда таркиб топиши мумкин экан. Мажмуали эковазият деярли барча табиий компонентларнинг ўзгариши оқибатида таркиб топади. Масалан, Оролбўйидаги вазиятни ҳақиқатан ҳам мажмуали, деб хисоблаш жоиз, чунки, у ҳудудда барча табиий компонентлар чўллашиш жараёнида тубдан ўзгаришга учраб, аввалги гидроморф вазият эндиликда ксероморф, гидрогаломорф ва автоморф вазият билан бутунлай алмашмоқда.

Табиий компонентларнинг айрим гурухлари билан боғлиқ бўлган эковазият, кўпинча тупроқ, ўсимлик ёки атмосфера ҳавоси билан сувнинг деградацияси ёхуд ифлосланиши билан боғлиқ бўлади. Масалан, Сурхондарё вилоятининг Сариосиё, Узун туманларидаги эковазият қўшни Тожикистон Республикасидаги Гурсунзода шаҳрида жойлашган алюминий корхонасининг чиқиндилари эвазига пайдо бўлган. Сурхондарёнинг бу туманларида эковазият фторидли водород гази таъсирида бўлиб, натижада аҳоли бош оғриғи ва бўғин касалликларидан азият чекмоқда. Чорва молларининг тишлари тўқилиб кетиши, ўлими содир бўлиб, экинзорлар қуриди, тупроқда оғир металлар ва заҳарли моддалар тўпланиши қайд этилган. Демак, эковазият бир неча табиий омилларнинг заарланиши, шунингдек, инсон ва чорва молларининг касалланиши билан боғлиқ. Бундай эковазиятни гуруҳли вазият, деб қараш мумкин.

Эковазият баъзан бир омил ёки компонент билан боғлиқ ҳолда юзага келади. Ўзбекистонда аксарият катта ҳудудларда вазият сув ресурсларининг ифлосланиши туфайли хатарлидир. Дарё сувларининг ичимлик суви сифатида ишлатиб бўлмаслиги, улардан сугоришида фойдаланганда тупроқда шўрланиш ҳодисасининг ривожланиши, шунингдек, тупроқнинг турли чиқиндилар билан ифлосланиши вазиятни жиiddийлаштируммоқда. Да-рёнинг сифатсиз сувини аҳоли томонидан истеъмол қилиниши Кўйи Амударё, Кўйи Сирдарё, Кўйи Зарафшон, Кўйи Қашқадарё ва бошқа ҳудудларда улар орасида турли касалликларнинг тарқалишига таъсир этмоқда. Айниқса, І ёшгача бўлган гўдак, ёш

болалар, аёлларда оғир асорат қолдирмокда, аҳоли орасида ўлим баъзи туман ва вилоятларда нисбатан кўп.

Тадқиқот натижаларига кўра республикада сув ресурслари билан боғлиқ бўлган эковазият устувор бўлиб, атмосфера ҳавосининг ифлосланиши ва бошқа сабаблар билан боғлиқ вазиятлар кейинги үринларни эгаллайди.

3.8.2. Экологик вазиятлар ва уларнинг географик жойлашуви

Ўзбекистонда қаноатланарли, ўртача, кескин, танг ва фалокатли экологик вазиятлар мавжуд. Қаноатланарли эковазият тизма тоғларнинг сувайригич, баланд ва ўрта баландликдаги тоғларнинг ёнбағирларига хос. Бу ҳудудларда табиий шароит деярли ўзгармаган, фақат айрим ўсимлик ва ҳайвонларнинг микдорий камайиши кузатилади (9-жадвал).

Уртача эковазият ўртача баландликдаги ва паст тоғлар, Қизилқум ва Ўстюрт платосининг айрим ҳудудларига хос бўлиб, уларда тупроқ ва ўсимлик қопламишининг бузилиш белгилари кузатилади.

Кескин эковазият адир, баъзан паст тоғлар ёнбағирлари, пролювиал шлейфлар, Қарши чўли ва Қизилқумнинг маъданлар қазиб олинаётган ҳудудлари, Бухоро, Қорақўл воҳаларини эгаллайди. Бу эковазиятда табиатнинг айрим компонентларининг бузилиши кузатилади.

Танг эковазият Кўйи Амударё, Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистоннинг катта қисмини эгаллайди. Бу вазиятда бузилган геотизимлар тикланмайдиган хусусиятларга эга бўлади.

Фалокатли эковазият Оролбўйида Қорақалпоғистоннинг Мўйноқ тумани ва бутун Орол денгизи акваториясига мансуб. Бунда геотизимларнинг бузилиши ва тикланмайдиган табиий ва экологик жараёнлар кучаяди.

Саноат корхоналари ва тугунлари (мажмуалари) табиий мухитга таъсир этиб турли даражадаги маҳаллий эковазиятларнинг таркиб топиши ва шаклланишига шароит яратади. Бунда саноат корхонаси (мажмуи) атрофида халқасимон бир неча эковазият минтақалари таркиб топади. Аниқланишича, рангли металлургия корхоналарининг атроф мухитга таъсир радиуси («шамол гули» бўйича) 60 км масофа-тча сезилиши кузатилади. Демак, улар атрофида танг, кескин ва ўртача эковазият даражаларига эга бўлган минтақаларни ажратиш мумкин. Бундай даражаларни Фарғона, Олмалиқ, Кувасой, Навоий, Чирчиқ ва бошқа шаҳарлардаги саноат корхоналари атрофида ажратиш жоиз. Пекин бу микроминтақаларни майда масштабли хариталарда ажратиш иложи бўлмаганligини ўтиборга олиб, ушбу саноат шаҳарларини маҳсус шартли белгилар асосида тасвирлаш мақсадга мувоғиқ («Ўзбекистон Республикасининг экологик харитаси», 1992 й.)

Ўзбекистонда экологик вазиятлар даражасини аниқловчи мезонлар

Мезонлар		Геотизимларниң экологик вазиятлари				
1. Геотизимлар ҳолати	Фалокатли	Таңг	Кескин	Үртача	Каноатланарли	
	Геотизимлар бузилиши ва тикланмайдиган жараёллар кучайини	Бузилган геотизимлар тикланмайдиган хусусиятларга эга бўлади	Табиетнинг айrim компонентлари-ниң бузилиши кузатилади	Тупрок ва ўсимликнинг бузилиши белгилари кузатилади	Айrim ўсимлик ва ҳайвонларни мидорни камайини кузатилади	
2. Табиат компонентларининг ҳолати 2.1 Атмосферанинг потенциал ифлосланиши (АПИ)	3,3 дан юқори (АПИ янг юқори бўлган зона)	3,0-3,3 (АПИ юқори бўлган зона)	2,7-3,0 (АПИ юқорироқ бўлган зона)	2,4-2,7 (АПИ ўртача бўлган зона)	2,4 гача (АПИ паст бўлган зона)	
2. 2 Ер усти сувларининг спроти (сувларининг ифлосланиши индекси, СИИ)	6-10 ва ундан кўп (жуда ифлос ва ҳаддан ташқари ифлос)	4-6 (ифлос)	2-4 (ифлосланган)	1-2 (ўртача ифлосланган)	1 гача (тоза)	
2. 3 Ер усти сувларининг минераллашуви (хар. л. г.)	Жуда баланд (3-5)	Баланд (2-3)	Ўртача (1-2)	Рухсат этилган (1 гача)	Метъёра (0,3-0,5)	
2. 4 Ичимлик сувининг давлат андозасига мос келаслиги, %	75-90	50-75	35-50	20-35	10-20	
2. 5 Воҳа тупроқтарининг пестицидлар билан ифлосланини (хар. га, кг)	10 дан ортиқ	5-10	3-5	1,3-3,0	1,3 дан кам	
2. 6 Тупрок шўрманиши	Шўрхок	Кучли	Ўртача	Кучсиз	Шўрланмаган	
2. 7 Тупроқларининг эрозияга берилганини	Жуда кучли (жар эрозиони)	Кучли	Ўртача	Кучсиз	Эрозияга берилмаган	
2. 8 Ерларининг дефляцияга берилганини	Жуда кучли (бархалии рельеф)	Кучли (ҳаракатдаги кумлар вужудга келади)	Ўртача (ботиклар 25-50% майдонда таркиб топади)	Кучсиз (ботиклар 25% гача майдонда таркиб топади)	Дефляция юз бермайди (ботиклар 10% гача майдонда таркиб топади)	
2. 9 Ўсимлик қонламиининг аҳволи (маҳсулдорлик даражаси %)	15 дан кам	15-30	30-60	60-90	90 дан юқори	

* Республика ўртача кўрсаткичидан шунча марта катта

** Республика ўртача кўрсаткичига мос келади

*** Республика ўртача кўрсаткичидан шунча марта кам

Ўзбекистон худудининг талай қисмida асосан ўртача эковази-
ят хукм суради, фақат муайян кичик ареалларда кўпроқ кескин ва
тант, фалокатли даражада эса хусусан Оролбўй ва денгизга хос.

3.8.3. Экологик вазиятларнинг ривожланиш йўналишлари

Экологик вазиятларнинг тадрижий (динамик) ўзгариши-
ни ўрганиш натижаларига кўра, республика худудида уларнинг
бир неча устувор йўналишлари ажратилади: 1) майдони жи-
ҳатдан мунтазам кенгайиб борувчи, 2) қуий (оддий) вазиятдан
юқори (мураккаб) вазиятга барқарор ўтиб борувчи, 3) барқа-
рор ўзгармас, 4) мураккаб вазиятдан оддий вазиятга қараб ўз-
гарувчи, 5) мажмуали тадрижий.

Экологик вазиятларнинг аксарияти майдони жиҳатдан
кенгайиб, мунтазам равишда ривожланиб боради. Бу ҳол вази-
ятни кучайтирувчи омилларнинг тадрижий ўзгарувчанлиги би-
лан боғлиқ. Антропоген омилнинг бетўхтов кенг миқёсдаги таъ-
сири вазиятни маконда кенгайиб боришини таъминлайди. Янги
нефть ва табиий газ конларини очиш мақсадида бургулаш иш-
ларининг Қарши даштида мунтазам ривожлантирилиши ўртача
эковазиятни кескин вазият билан алмашиши ва унинг худудда
прогрессив равишда кенгайиб боришига таъсир этмоқда.

Қуий қулай эковазиятни юқори даражадаги мураккаб вази-
ятлар билан алмашиши айрим арелларда содир бўлади. Қуий Амударёда 1961 йилдан эътиборан гидроэкологик вазиятнинг
тобора мураккаблашуви туфайли табиий мухит энг қулай вази-
ятдан (1961 й.) фалокат даражага қадар (1976-1990 йиллар)
ўзгарди. Ўзгариш бир йўналишда давом этиб, барча вазиятлар
даражалари бир-бирларини бирин-кетин алмаштириб борган.
Барқарор ўзгариш Амударёда сув сарфининг камайиши ва ми-
нераллашув даражаси ошиб бориши билан боғлиқ бўлган. Фа-
локат даражанинг энг даҳшатлиси Орол денгизида юз берди.
Қисқа вақт мобайнида (1961-2000 йиллар) унинг сатҳи 20 м
пасайди, яъни ҳар йили 0,5 м дан тушиб борган. Берк ҳавзалар
учун бу катта кўрсаткич.

Барқарор эковазият фақат айрим кичик экотизимлар учун
хос. Бу экотизимларда табиий ва антропоген омиллар вазият
ўзгаришига деярли таъсир қўлмайди ёки уларнинг барқарорли-
ги кучли бўлади. Баланд тизма тоғларнинг сув айирғич қисмла-
ри (гляциалнивал минтақа)да инсоннинг хўжалик фаолияти ни-
ҳоятда чегараланган, фақат айрим альпинистлар ва музшунос-
лар маълум жойлардагина иш олиб борадилар. Уларнинг фао-
лияти табиий мухит ўзгаришига олиб келмайди.

Мураккаб эковазиятнинг оддий вазиятга қараб ўзгариши инсонни табиий мұхитни мақсадға мувофиқ ийналишда қайта ўзгаришиш ва ландшафт жараёнларини барқарор бошқариши билан боғлиқ. Кейинги вақтларда саноат оқава сувларининг катта қисмини тозалашга эришилганлиги туфайли Чирчик ва Оҳангарон дарёлари сувларини муайян даражада тозалашига эришилди. Шунингдек, атмосфера ҳавосига чиқарилаётган саноат чиқиндиларининг миқдорини республика миқёсида камайиб бораётганлиги ва бошқа ижобий ўзгаришлар атроф мұхит тоғаланиши ва инсоннинг яшаш шароитлари қулайлигининг ортиб боришида сезилмоқда.

Мажмуали тадрижий эковазият саноат, транспорт, қурилиш ва қишлоқ хұжалиги ривожланган ҳудудда таркиб топади, шаклланади ва ривожланади. Ҳудудда халқ хұжалигининг турили тармоқлари мавжуд бұлғанлиги туфайли атроф мұхитта таъсири ҳам турили даражада содир бўлади. Натижада маълум ҳудудда бир неча даражали эковазиятлар юзага келади ва шакллана бошлайди. Таъсир даражаси, мунтазамлиги, чиқиндиларни турига қараб ва айниқса чора-тадбирларнинг самарадорлигига боғлиқ ҳолда вазиятларнинг ривожланиш босқичлари турлича бўлади. Тоғ-металлургия (Олмалиқ, Навоий, Учқудук ва бошқа) корхоналари, энергетика, кимё, нефтни қайта ишлаш ва бошқа саноат мажмуулари таъсир доирасида эковазият танг қолган саноат корхоналари атрофида эса ҳар хил бўлиши кузатилади.

3.8.4. Ўзбекистонда экологик хавфсизликни таъминлаш

Экологик хавфсизликни таъминлаш эндиликда биринчи даражали ва кечиктириб бўлмайдиган вазифага айланди. Чунки, ичимлик сувларининг ифлосланганлиги, жойларда атмосфера ҳавосини чиқиндилар билан жиддий түйинганлиги, бунинг натижасида аҳоли орасида турили касалликлар тарқалганлиги, супорма ерларни шўрланиб, яйловларнинг маҳсулдорлигини пасайиб бораётганлиги қишлоқ хұжалик ишлаб чиқаришига салбий таъсир этаётганлиги мамлакат миқёсида туб ўзгаришларни амалга ошириш зарурлигини уқтиради.

Экологик хавфсизликни таъминлаш борасида бир қатор бир-бирлари билан боғлиқ бўлган түгунли масалаларни ҳал қилиш лозим бўлади. Биринчи галда экологик (биоэкологик, геосистемали, биосферали) мониторингни амалга ошириш устувор аҳамиятга эга. Ўзбекистонда бу турдаги мониторинг ҳозирда турили муассасалар ва ташкилотлар томонидан амалга ошириб келинмоқда, лекин уларнинг кўлами ва эгаллаган ҳудуди ҳозирги та-

лабга мутлақо жавоб бермайди. Чунончи, тупроқнинг саноат ва кимёвий ашёлар билан ифлосланиши (Республика БашГидроремет хизматига юклатилган) фақат айrim қишлоқ жамоалиари худуди бўйича назорат қилинади. Бунда барча вилоятларнинг сугориладиган ерлари назарда тутилмаган, ҳеч бўлмагандан ҳар бир вилоят бўйича танлаб олинган тестли жамоа хўжаликларини маълум участкалари назарда тутилганда мақсадга мувофиқ бўлар эди. Фақат шундагина республика худуди бўйича суформа ерларни техноген ифлосланиши бўйича тегишли хулоса чиқариш мумкин бўлади. Худди шундай ахвол сув ҳавзалирининг ифлосланиши, атмосфера ҳавосининг чиқиндилар билан тўйиниши ва бошқа соҳаларда ҳам мавжуд, уларнинг белгиланган меъёрда бўлиши табиий мухит бўйича зарур бўлган мониторинг ахборотларини олиш ва мавжуд экологик вазият тўғрисида аниқ хулоса чиқаришга имкон беради.

Экологик экспертиза янги қуриладиган саноат корхоналари учун хос. Лекин мантиқан қараганда ишлаб турган барча саноат корхоналари, гидротехник иншоотлар ва бошқа муҳандислик обьектлар учун мунтазам экспертиза ўтказиш зарур. Атроф-муҳитни аслида эскидан ишлаб келаётган саноат корхоналари ифлослаб келмоқда. Бинобарин, экологик экспертиза барча корхоналарни назоратга олиши шарт. Шундагина табиий мухитда тозаланиши бошланиши мумкин.

Экологик вазиятни бошқариш ва тегишли тадбирлар мажмусини қўллаш учун негиз сифатида турли масштабларда экологик ва табиатни муҳофаза қилиш хариталарини яратиш жоиз. Бу хариталар республика худудида мавжуд экологик вазиятларни назорат қилиш, уларнинг тадрижий ўзгаришларини ўрганиш, тегишли чоратадбирларни режалаштириш имконини беради. Мавжуд хариталар мувакқат бўлиб, уларнинг ҳар йили янги маълумотлар билан янгилаш турилиши амалий аҳамият касб этади. Ҳар бир вилоят маълум масштабда экологик ва табиатни муҳофаза қилиш хариталарига эга бўлиши ва дискетларга туширилиб компютерлар орқали мутахассислар ҳамда раҳбарият (шаҳар, вилоят ҳокимлари, Республика Вазирлар Маҳкамаси)га фойдаланиши учун топширилиши даркор. Компютерлар орқали алоқа барча вилоятлардан олинган тасвирлар ёрдамида Тошкентда республика бўйича жамланма мониторингли ахборот олиниш имкони бўлади.

Табиатни муҳофаза қилиш бўйича чиқарилган барча Олий Мажлис қонунлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, кўрсатмалари ва бошқа меъёрий хужжатлари ўз вақтида бажарилиши ва уларга амал қилиниши лозим. Қонунга ҳурмат табиатга ҳам ҳурматни билдиради.

Экологик хавфсизликни таъминлаш шунингдек, меъёрий кўрсаткичлар, РЭМ ва бошқа қабул қилинган маълум андозаларга риоя қилишга ҳам боғлиқдир. Саноат, автотранспорт чиқиндилиари энг кам хавфсиз кўрсаткичларга қадар камайган бўлиши, иккиласми ресурслар тўлиқ қайта ишланиб улардан фойдали элементлар ажратиб олиниши зарур. Энг муҳими, исрофгарчиликка чек қўйилиб, табиатдан эҳтиёжга яраша бойликларни ажратиб олиб, чиқиндилиарни чиқармаслик тамойилида иш тутишга ўтишдан иборат. Табиатдан бойликларни олишда «ким ошди» тамойилидан воз кечиб уни бойитиш, ресурсларни қайта тиклаш, камайиб бораётганларидан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш, бу борада муқобил вариантлар, яъни ўринини босадиган бошқа ресурслардан фойдаланишга ўтиш каби тамойилларни барча жойларда, ҳамма ишлаб чиқариш корхоналарида қўллашга ўтиш табиатни асраш, уни эъзозлаш ўз навбатида экологик хавфсизликни таъминлашни кафолатлади.

3.8.5. Экологик хавфнинг манбалари ва оқибатлари

Инсон ҳаётини турли экологик хавфлардан асраш кейинги вақтларда энг муҳим масалалардан бўлиб қолди. Экологик хавфхатарнинг сабабларига технологик ва экологик кризисларни кириши мумкин. Экологик хавф иқтисодиётнинг назоратсиз ривожланиши, технология ва техниканинг орқада қолиши, табиий ва антропоген авария ва фалокатларнинг юз бериши натижасида инсон, ўсимлик ҳамда ҳайвонот олами яшайдиган муҳитнинг бузилиш эҳтимоллиги, бунинг оқибатида тирик организмларнинг мавжуд бўлиши шароитларига мослашиши бузилади.

Экологик хавф-хатарнинг энг кучли объёктлари АЭС, кимёсаноати, нефтни қайта ишлайдиган корхоналар, трубопроводлар транспорт ҳисобланади. Албатта, булардан ташқари бизга сезиымайдиган технологик чиқиндиilar ҳаво, сув, тупроқ, ўсимлик ва бошқа организмларни секин-аста заҳарлаб келмоқда, булар маълум вақтдан сўнг тўсатдан катта худудга кучли таъсири қилиши ҳам мумкин. Инсон саломатлигига техноген чиқиндилиарнинг фаол таъсири тўғрисида 70–йилларда бир қатор олимлар огоҳлантирган эдилар. Масалан, яшаш муҳитида радиация, кимёвий бирикмаларнинг таъсири каби мутаген омилларнинг кескин кўпайиши кузатилса, у ҳолда одамнинг генетик ахбороти бузилиши мумкин. Бу ҳодиса инсоннинг генетик асосининг бузилиши хавфидан дарак беради. Бунинг тасдифи сифатида кейинги 30 йил мобайнида ривожланган мамлакатларда нуқсон билан туғилган болалар миқдори кескин кўпайганлигини

күрсатиши мумкин. Россиянинг Перм шаҳрида йодорганик ва фторорганик синтез ишлаб чиқариладиган миңтақада 12-17 ёшдаги ўғил болаларнинг 57%, қиз болаларнинг 82%и қалқон безининг гиперплази (тўқималарда структурали элементлар сонининг ортиши), буйрак юқорисининг бузилиши (дисфункция) ва бошқа касалликлар билан хасталанган. Уфа, Екатеринбург, Самарада З ёшгача бўлган ёш болалар баданининг меъёрдан кичиклиги характерли ва б.

Кўрғонин ва симоб чиқиндилиари ниҳоятда тахликали. Уларнинг озгина миқдори ҳам болаларнинг бош мияси ўсишига жидий таъсир кўрсатади. Саратон касалини ўрганувчи ҳалқаро агентликнинг хабарига кўра ҳозирги вақтда ишлаб чиқариш жараёнида тахминан 50 турдаги модда кишини рак касали билан оғришига таъсир этиши мумкин, эпидемиология тадқиқотларининг кўрсатишича, тахминан 100 турдаги модда канцерогенли хусусиятга эга экан. Буларнинг барчаси кучли экологик хавф тұғрисида хабар беради. Бизнингча, энг аввало саноат корхоналарида чиқиндилярнинг энг кам миқдорда ташқарига чиқишини таъминлашга эришиш ўта долзарбdir.

Республика Президенти И. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» (1997 й.) асарида экологик ва хавфсизлик муаммоси чуқур таҳлил қилинган. Муаллиф республика ҳудуди учун бир қатор энг хавфли манбаларни кўрсатиб ўтади. Чунончи, Мойлисув (Қирғизистон) дарёсининг қирғоқлари ёқасида 1944 йилдан то 1964 йилгача уран рудасини қайта ишлаш чиқиндилиари кўмилган. Ҳозирги вақтда қолдиқлар сақланадиган 23 та жой мавжуд. Бу ерларда селни тўсадиган тўғонларни маҳкамлаш ва қўчки хавфи бўлган жойлардаги қияликларни мустаҳкамлигини таъминлаш лозим. Навоий вилоятидаги уран қолдиқлари сақланадиган жой ҳам экологик жиҳатдан хавфли ифлослантириш ўчори ҳисобланади. Бу ердаги радиоактив қумни шамол учирishi хавфи бор (512 бет).

Ислом Каримов ўз китобида шунингдек, экологик хавфсизлик нуқтаи назардан сув захираларининг тақчиллиги ҳамда ифлосланганлиги катта ташвиш түғдираётганлигини уқтиради. Дарё сувларининг ифлосланиши экология-гигиена ва санитария эпидемиологик вазиятни, айниқса, дарёларнинг қўйи оқимларида ёмонлаштираётганлигини катта ташвиш билан ёзган. Ҳақиқатдан ҳам Қўйи Амударё, Қўйи Зарафшон ва бошқа худудларда сув тақчиллиги ва сувнинг ифлосланганлиги аҳоли орасида турли касалликларнинг тарқалиши нуқтаи назардан катта экологик хавф ҳисобланади.

Орол денгизининг тезкорлик билан қуриб бораётганлиги хусусан Узбекистон худуди учун жиддий хавф, ахир денгиз бутунлай қуриса унинг ўрида майдони 6,6 млн. га дан зиёд қум ва туздан иборат улкан Орол чўли таркиб топади, бунинг экологик ва ижтимоий-иқтисодий оқибатлари ҳозирдан маълум. Қорақалпогистон, Хоразм, Тошховуз воҳаларида табиат-хўжалик-аҳоли тизимида жиддий ўзгаришлар бўлиши мумкин.

Қизилқум, Қарши чўли, Устюрт платосида кейинги вақтларда маъданларни қидириш, нефть ва табиий газ қазиб олиш ва бошқа мақсадларда кенг миқёсда технологик жараёнлар амалга оширилмоқда. Бунинг оқибатида катта майдонларда яйловлар ишдан чиқмоқда, яъни ҳаракатдаги қумлар майдони кенгайиши туфайли қорак ўл қўйлари бокиладиган табиий яйловларда деградация кучайиш тенденцияси юз бермоқда. Бу ҳодиса воҳалар билан чўл туташган минтақада ҳам барқарорлашмоқда. Бархан қумлари майдонининг кенгайиши жиддий экологик хавф, унинг оқибатлари барчага аён.

Демак, республикада экологик хавфсизлик масаласи етарли даражада таҳликали, уни маълум мажмуали дастурлар асосида босқичма-босқич ижобий ҳал қилиш амалий аҳамият қасб этади. Бу борада узоққа мўлжалланган экологиялаштирилган иқтисодий стратегия зарур.

Қисқача хуросалар

Ўзбекистон табиий ресурсларга бой ва хилма-хилдир. Табиий ресурслардан ҳозирда фойдаланиш ҳолати юқори даражада, деб бўлмайди. Улардан фойдаланиш жараёнида кўплаб муаммолар келиб чиққан. Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш экологик ҳамда ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан фойдалидир.

Ўзбекистонда ўзига хос экологик вазиятлар таркиб топган. Улар маълум ривожланиш йўналишига эга.

Республикада маълум экологик хавф манбалар ҳам мавжуд. Экологик хавфсизликни таъминлаш учун қатор тадбирлар ишлаб чиқилган ва амалга оширилмоқда.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Атмосфера ҳавосининг ифлосланиши, унинг оқибатлари ва муҳофаза қилиш бўйича нималарни айти оласиз?
2. Сувдан фойдаланиш жараёнида Республикада қандай муаммолар келиб чиқди?
3. Сувдан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш муаммосини қандай ҳал қилиш мумкин?
4. Ерларнинг маҳсулдорлигини ошириш учун қандай чоралар қўллаш лозим?
5. Биологик ресурсларнинг инсон ҳаётидаги ва экологик аҳамиятини ёритиб бера оласизми?
6. Фойдали қазилмалардан фойдаланишини оптималластирииш учун нималар қилмоқ керак?
7. Ўзбекистонда рекреацияни ривожлантиришнинг экологик-иқтисодий жиҳатларига оид нималар биласиз?
8. Иккиласми ресурслардан фойдаланиш қандай экологик ва иқтисодий самара беради?
9. Ўзбекистондаги экологик вазиятларни жойлашуви ва йўналишини айтиб бера оласизми?
10. Экологик ҳавфсизликни таъминлаш қандай омилларга боғлиқ?

Асосий адабиётлар

1. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида, хавфсизликка таҳдид; барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997.
2. Алимов Т. А., Рафиқов А. А. Экологик хатолик сабоқлари. – Т.: Ўзбекистон, 1991.
3. Охрана окружающей природной среды и использование природных ресурсов Республики Узбекистан. Доклад. – Т., 1998.
4. Рафиқов А. А. Геоэкологик муаммолар. – Т.: Ўқитувчи, 1997.
5. Турсунов Х. Экология асослари ва табиатни муҳофаза қилиш. – Т.: Ўзбекистон, 1997.

ЭКОЛОГИЯНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТІСОДИЙ СОҲАЛАРИ

4. 1. Аҳоли сонининг ўсиши: озиқ-овқат маҳсулотлари муаммоси ва атроф мухит

Одамзод пайдо бўлган илк даврларда унинг табиий кўпайиши нисбатан жуда секин бўлган. Янги эра бошларида Ер юза сида тахминан 250-300 млн.киши яшаган бўлиб, шунинг 100-140 млн. атрофидағиси Хинди斯顿, 70 млн. га яқини Хитой, 10 млн.дан ошиғи Осиё ва Шимолий Америкада яшаганлиги фанга маълум. Ўша даврларда Собиқ Иттифоқ ҳудудида 5-10 млн.киши яшаган, Марказий Осиё ва Кавказ орти минтақасида аҳоли анча зич бўлган.

Дунё аҳолиси сони XVII аср ўрталарига келибгина 0,5 млрд. га етган, XIX аср ўрталарида, қарийб 200 йилдан сўнг 1 млрд. ни ташкил этди. Умуман дунё аҳолиси сони 1 млрд. бўлишига 1000000 йил мuddат лозим бўлган бўлса, 2 млрд. учун 80 йил, 3 млрд. га 30 йил, 4 млрд. га 15 йил, 5 ва 6 млрд. бўлишига 13-12 йил кифоя қилди (10-жадвал).

Ю-жадвал

Дунё аҳолиси сонининг ўсиши

Йиллар	Аҳоли сони	Йиллар	Аҳоли сони
1000	288	1950	2508
1500	436	1960	3010
1650	545	1970	3632
1750	728	1980	4430
1800	911	1987	5000
1900	1617	1999	6000
1940	2252	2000	6100

Хозир дунё аҳолисининг ўилига ўртacha 80 млн.кишига ортиб бораётганлиги эътиборга олинса, 2025 йилда сайёрамизда 8 млрд. 206 млн., 2050 йилда 9-10 млрд. аҳоли яшами башорат қилинмоқда (БМТ башорати).

Дунё аҳолисининг тез суръатларда кўпайиши XX асрнинг ўрталарида ўзининг энг юқори даражаларида кўтарилди. Бу жараён айниқса, Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларида «демографик портлаш»га сабаб бўлди. 1950-1987 йиллар мобайнисида ушбу мамлакатлар аҳолиси қарийб 2,26 марта-га кўпайди. Дунё аҳолисининг 80% дан зиёди айнан ўша мамлакатларда яшамоқда.

XXI аср бұсағасига келиб аҳолиси сони 10 млн. кишидан орттан мамлакатлар сони 71 тага етди. Шулардан 11 тасида аҳоли сони 100 млн. дан ортади. Аҳолиси сони 10 млн. дан орттан мамлакатларнинг 50 дан ортиги ҳам Осиё, Африка ва Лотин Америкаси ҳиссасига түғри келади. Үмуман ушбу мамлакатларда дунё аҳолисининг салқам 95% истиқомат қилмоқда. Хитой, Ҳиндистон, АҚШ, Индонезия, Бразилия ва Россияда Ер шари аҳолисининг деярли ярми яшамоқда.

Дунё аҳолисининг 80% қисми асосан баландлиги деңгиз сатхидан 500 м гача бұлган ҳудудларда (қуруқлик юзасининг 28% да) яшайды. Африка ва Жанубий Америка аҳолисининг салмоқли қисми 500-1500 м. баландлықтарда истиқомат қилали (34,6; 27,5%). Боливияда 88%, Перу, Мексика, Афғонистон, Нигерияда аҳолининг 66% қисми деңгиз сатхидан 1000 м дан баландда, Голландияда эса аҳолининг 40% деңгиз сатхидан паст ҳудудларда яшайды. Дунё аҳолисининг 52,7% деңгиз соҳиларидан унчалик узоқ бұлмаган ҳудудларда (200 км гача), 47,3% эса қуруқликнинг ички қисмларида ҳаёт кечиради.

Дунё аҳолисининг 70%и қуруқликнинг 7%ида мужассамлашгани ҳолда, қуруқликнинг 50%ида аҳолининг ўртача зичлиги ҳар квадрат километрга 1-2 кишидан ортмайди. Ер юзасининг 15% қисмida аҳоли деярли яшамайды. Аҳоли зичлиги 1920 йилда 13 кишидан, 1950 йилда – 18, ҳозирда 40 кишига етди. Дунё аҳолисининг зичлиги ҳам унинг турли ҳудудларида турли-чадир (11-жадвал).

11-жадвал

Дунёning айрим ҳудудларида аҳоли зичлиги (ҳар км² ҳисобида)

Ҳудудлар, мамлакатлар	Аҳоли зичлиги
Дунё бүйінча	40
Европа	100
Осиё	100
Африка	17
Шимолий Америка	13
Лотин Америкаси	15
Австралия ва Океания	3
Бангладеш	800
Сингапур	4500
Монако	15500
Собиқ Иттифоқ	12
Ўзбекистон Республикаси	54

Дунё аҳолиси сонининг тез суръатларда ўсиши күп slab мұммолоси келиб чиқишига сабаб булаёттандылығы әндилікда сир-

эмас. Айниқса, озиқ-овқат муаммоси ва атроф-мухитдаги экологик танг ҳолат ечимини кутаётган жумбокларнинг энг ташвишлisisи эканлигини давр кўрсатмоқда. Демак, ё туғилишни камайтириш ёки озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш лозим. Аҳоли сонининг тез ўсиши асосий озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабни ҳар 30 йилда икки мартаға оширмоқда. Хуллас, Томас Роберт Малътуснинг (1798 й.) «тез ўсиб бораётган аҳолини озиқ-овқат билан ҳеч қачон тўлиқ таъминлаб бўлмаслиги тўғрисидаги назарияси» куруқ сафсата эмас, балки янгича таҳлил ва янгича қарашиб асосида ўрганишни тақозо этаётганга ўхшайди. Чунки, Малътус назариясини асоссиз эканлигини ўша даврларда ёк қатор олимлар назарий жиҳатдан исботлаган бўлсаларда, бироқ амалда уни рӯёбга чиқиши жуда мураккаб тарзда кечмоқда.

ФТТ юксак даражаларга кўтарилиган, «коинот асли», «компьютер асли», деб аталаётган бир вақтда дунёning турли худудларида инсоннинг бир бурда нонга зорлиги, одамларнинг очликдан ўлаётганлиги таажжубланарлидир. БМТ маълумотига кўра дунё бўйича кунига 35 минг киши очликдан нобуд бўлмоқда, ҳозир сайёрамизда 0,5 млрд. оч-ялангоч, 1,5 млрд. тиранчи мавжуд.

Аҳоли сонининг жадал суръатлар билан кўпайиши озиқ-овқат етишмаслиги муаммоларини келтириб чиқариши, атроф мухит ҳолатини ёмонлашувига салбий таъсир этиши ўзаро алоқада эканлигини кўпчилик таъкидлаб ўтганлиги бежиз эмас.

П.Г.Олдак фикрига кўра: «2000-2010 йилларда Ер шаридаги яшайдиган барча аҳолини озиқ-овқат билан таъминламоқ учун, донли экинлар етиштиришни тахминан икки марта кўпайтириш лозим».¹

БМТ маълумотича, ерларга ҳозирги усулда ишлов бериш асосида ҳосилдорликни 2 ҳисса кўпайтириш учун минерал ўғитлар харажатини 6,5 марта, зааркунандаларга қарши кўраш чораларини 6 марта ошириш лозим.

Дж. Форрестор (АҚШ, 1961) дунё статистика маълумотлари таҳлили асосида дунё аҳолиси сони 2020 йилда, табии мухит ифлосланиши 2050 йилда ўзининг максимумига етишини таъкидлайди.² Шундай қилиб, у саноат, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва аҳоли сони атроф-мухит таназзулуга қадар ўсишини баён қиласди. Форрестор фикрича, тахминан 2030 йиллар атрофида экологик инқироз бошланади ва шундан сўнг аҳоли сони ҳам сезиларли даражада камаяди.

Г.Кан ўзининг «Кейинги 200 йил» китобида шундай башорат қиласди:

¹ Олдак П.Г. Современное производство и окружающая среда. Новосибирск, 1979, 42-б.

² Форрестор Дж. Мировая динамика. Пер. с англ. М., 1978.

2076 йилга бориб энергиянинг асосий қисмини атом ва термоядро станциялари беради, қазилма ёқилғилар эса кимё хомашёси сифатида ишлатилиди. Қуёш энергиясидан фойдаланиш даражаси юксалади. Шуларга боғлиқ тарзда 2100 йилда сунъий оқсил олиш усуслари ўзлаштирилади, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 11 марта ортади. Бундан ташқари фаровонликни ортиши аҳоли туғилиши ва кўпайишини камайтиради.

1977 йили АҚШнинг ўша пайтдаги Президенти Ж. Картер давлат ва илмий муассасаларга Ер шари аҳолиси сони, табиий ресурслар миқдори ва атроф мухит ҳолатини 2000 йилга ча башоратини яратиш борасида кўрсатма беради. Тайёрланган «Дунё 2000 йилда» (1980 й.) номли маърузада қайд қилинишича, дунё аҳолиси сони 2000 йилда 6,35 млрд. кишини ташкил этади, даромад жон бошига 15%га ортади. Озиқ-овқат маҳсулотлари миқдори фақат ҳосилдорликни орттириш эвазига содир бўлиши мумкин. 2000 йилда жами 1,3 млрд. киши очночор ҳолда бўлади. Дунё аҳолисининг ярмисида сувга бўлган талаб 2 хисса ортади, ўрмонлар майдони эса тенг яримга қисқаради. Нефть етишмовчилиги ва баҳосини ортиши натижасида саноати ривожланган мамлакатларда кўмирдан ва ядро энергиясидан фойдаланиш ортади.

Кўмир истеъмолининг ортиши атмосфера таркибида чанг ва CO₂ чиқиндилари миқдорини орттиради. Умуман ифлословчи моддаларнинг ҳаво таркибида кўпайиши «ишқорли» ёмғирлар ёғадиган минтақалар кенгайишига сабаб бўлади.

Кейинги чорак асрда дунё бўйича ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотлари миқдори 2,5%га кўпайди. Бироқ, бу миқдор дунёning турли ҳудуд ва мамлакатларида бир хил эмас. Айниқса, ривожланаётган мамлакатларнинг айримларида ушбу кўрсаткич жуда паст даражада. Озиқ-овқат муаммосининг келиб чиқиши, қисман, ҳудудлардаги табиий ресурсларнинг камайиши, демографик вазият, техника ва технология имкониятлари каби омиллар билан боғлиқ бўлсада, бироқ дунё бўйича аҳоли жон бошига ишлаб чиқариладиган озиқ-овқат миқдори илмий асосланган энг паст даражадан анча юқоридир. Муаммонинг асосий сабаби, турли ҳудуд ва мамлакатларда истеъмолдаги номутаносиблиkdir. Кўпгина ривожланаётган мамлакатларда истеъмолдаги озуқанинг қуввати ривожланган мамлакатларнидан деярли 3 марта пастлиги маълум. Ушбу муаммонинг ижобий ечими: мамлакатларнинг тўлиқ мустақил ривожланиши, фан-техника тараққиёти, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши, меҳнат унумдорлиги, ишлаб чиқариш маданиятини юксалиши, аҳолининг илм савиясини ортиши билан ҳал

қилиниши мумкин. Дарвоқе, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни янада кўпайтиришнинг қатор имкониятлари, яъни: экин майдонларини кенгайтириш, экинлар ҳосилдорлигини ортириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи янги усулларни жорий этиш, денгиз-okean биоресурсларидан кенг фойдаланиш, синтетик-сунъий озиқ-овқатлар ишлаб чиқариш кабилар мавжуд.

Хозирда Ер шарининг 4,5 млрд. гектаридан қишлоқ хўжаликда: обикор дехқончилик 1,5 млрд. га. ва яйлов сифатида 2,6 млрд. га фойдаланилади. Олимлар қишлоқ хўжаликдаги ер майдонлари кўламини кенгайтирмай туриб янги нав ва ҳайвон зотлари яратиш, дехқончилик маданиятини ортириш хисобига маҳсулдорликни 90%га кўпайтиришни исботладилар. Хозир тажриба далаларида гектарига 140 ц. буғдой ва шоли, 240 ц. маккажӯхори дони берадиган навлар яратилган. Аммо, амалиётда ушбу экинлардан олинаётган ҳосилдорлик жуда паст (23, 39 ва 58 ц.). Айниқса, ривожланаётган мамлакатларда асосий дон экинлари – буғдой, шоли ва маккажӯхоридан олинадиган ҳосилдорлик миқдори ачинарли аҳволда – 14, 21 ва 13 ц. (Африкада бошоқли экинлар умумий ҳосилдорлиги – 9,4 ц.). Фақатгина агротехникани такомиллаштириш ҳисобига ҳосилдорликни бир неча марта ортириш мумкинлигини мутахассислар кўп таъкидламоқдалар.

Экин далаларида белгиланган меъёрда солинадиган ўғитлар ерлардан олинадиган ялпи ҳосилдорликни, тупроқ унумдорлигини ортириши барчага матъум. Ҳар гектар буғдойзорни 80 кг турли ўғитлар билан озиқлантирилиши, ҳосилдорликни – 20 ц, 110 кг билан ишлов берилиши – 35-40 ц, 300-350 кг эса 50 ц га етказиши амалиётда исботланган. Меъердаги ўғит ҳосилдорликни ортиришидан ташқари, экинларни турли ташқи таъсирларга (куртоқчилик, гармсел ва ҳ. к.) чидамлилигини ҳам ортиради.

Бунинг устига йилига дунё бўйича қишлоқ хўжалик экинларининг турли касалликларга чалиниши оқибатида 10-20%, бегона ўтлар ва зааркунандалар туфайли 5-20, ҳосилни йиғиши, ташиши, қайта ишлаш ва сақлаш жараёнида 5-25 фоизи нобуд бўлмоқда. Ушбу кўрсаткичлар жами йилига 20-70%ни ташкил этмоқда.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва ҳосилдорликни кўпайтириш қатор мажмуали тадбирларни амалга оширишни тақозо этади:

– ўсимлик ва ҳайвонларни турли касаллик ва зааркунандалардан асраш;

- чорвачиликда құшимча кимёвий озуқа ва витаминларни құллаш;
- мелиорация ва ирригация тармоқларини яхшилаш, супориши замонавий технология асосида такомиллаштириш, иссиқхоналарни кенгайтириш;
- тайёр маҳсулоттарни сақлаш муддатини узайтириш;
- қишлоқ хұжалик әқинларини дүл, сел, совуқ уриши ва башқа табиий оғатлардан сақлаш;
- қишлоқ хұжалик техникасини такомиллаштириш ва бошқалар.

Дунё океани биоресурслари жуда бисёр. Инсоният үз әхти-әжлари учун үндан оқылона фойдаланышы жуда самаралидір. Бирок, ҳозир умумий озиқ-овқат салохиятида Дунё океанининг ҳиссаси бор-йұғи 1%ни тащкил этади (истеъмолдаги оқсилнинг 6%и). Океанлардаги фақат йирик денгиз ҳайвонларининг (балиқ, сут әмизувчилар, бешөөкіл моллюскалар, құсқычбақалар) умумий қийматы 1 млрд. т баҳоланиб, шунинг ярми балиқларга тұғри келади. Унинг үйлілік маҳсулдорлігі 360 млн. т Океан биоресурсларидағы ёғнинг үзи дунё чорвачилиги берадиган миқдордан 2 марта күп. Инсон үз танасидаги оқсилға бўлган талабни асосан ҳайвонлар гүшти хисобига қондиради. Энди бу талабни кимёвий оқсил қондира олади. XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб саноат асосида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш жадал ўсмоқда. 1990 йилда АҚШда 10 млн.т. озиқ-овқат маҳсулотларининг саноат тури ишлаб чиқарылған бўлса, ҳозирда дунёning турли мамлакатларида (айниқса, Лотин Америкаси ва Фарбий Европада) бундай маҳсулотлар тури ва қўлами ортиб бормоқда.

Аҳоли сонининг муназам орта бориши атроф-мухиттга жуда кучли таъсир эта бориши оқибатида қатор экологик тангликларни келтириб чиқарди. Профессор А. М. Рябчиков маълумоттика, ҳозир инсон Ер юзаси табиий манзарасини 60%ини бутунлай ўзгартиб юборган, қуруқликнинг 20%ида кучли ўзгаришлар (турар жой, шаҳар ва қишлоқлар, инженерлик қурилмалари, ерларни супориш ва ҳ. к.) содир этган. Ҳар йили ер юзида 4000 км³ тоғ жинси (грунт) ва тупроқ бир жойдан башқа жойга күчирилади. Ўтган даврлар мобайнида 20 млн. км² ерлар яроксиз ҳолга келтирилди (5 млн. км² ҳайдаладиган ерлар) (В. А. Ковда, 1981).

Дунё бўйича қурилган йирик сув омборлар сони 1980 йилга келиб 2257 тага етгани ҳолда, уларнинг 90% дан ортиги 1950 йиллардан кейин қурилди. Демак, кўплаб дарёларда гидрографик режим табиий ҳолатини йўқотди. Сув омборлар атрофига ландшафт сезиларли даражада ўзгарди.

Атроф мұхит ифлосланиши электрэнергетика, саноат ва қишлоқ хұжалик маңсулотлари ишлаб чықариш, транспортнинг ривожланиши билан ҳамоханғидир. Эндилікда, ичимлик суви, атмосфера ҳавосининг ифлосланиши каби муаммолар инсоният олдига экологик вазиятни зудлық билан барқарорлаштиришни қўндаланг қўймоқда. Содир бўлган экологик муаммолар ечими, нафақат айрим биогеоценозлар (дашт, ўтлоқ, дала, ўрмон ва ҳ. к.), балки бутун биосфера миқёсида намоён бўлмоқда.

Инсоннинг табиатга таъсири билан боғлиқ фаолиятлари зарур ва муқаррардир. Чунки, инсон ушбу фаолиятларсиз, ўзининг моддий әхтиёжларини қондира олмайди. Шунинг учун ҳам табиатда маълум ўзгаришлар бўлиши аниқ. Лекин табиатни ўзгартиришда унинг ривожланиши қонуниятларини билмаслик, кейинчалик инсон учун анча қимматга тушиши мумкин. Ҳозирда инсон фаолияти билан боғлиқ табиатдаги ўзгаришлар қўлами геологик жараёнлар қувватидан ҳам тез ва кучлироқ тарзда рўй бермоқда. Натижада табиатни ўзини ўзи тиклаш ва тозалаш хусусиятига путур етмоқда, бу эса инсон ҳаётига хатар солмоқда.

4.2. Урбанизация ва унинг экологик вазиятга таъсири

Ҳозир ва келажакда табиий мұхиттага урбанизация жараёнинг таъсири кучли даражада бўлишига шубҳа йўқ. Чунки, шаҳар аҳолисининг саломги йилдан йилга ортиб бормоқда (12-жадвал).

12-жадвал

Дунёning йирик худудларида шаҳар аҳолиси саломининг ўсиши (фоиз ҳисобида)

Худудлар	1950 й.	1970 й.	1990 й.	2000 й.
Дунё бўйича	29	37	43	47,5
Африка	15	23	31,8	37,3
Шимолий Америка	64	74	75,4	77,4
Лотин Америкаси	41	57	71,4	76,6
Осиё	17	23,4	32	37,7
Европа	53	64,4	73	74,1
Австралия ва Океания	61	71	70,6	70,2
Хитой	12	17,4	26,2	34,5
Россия	44,7	62,5	74	77,9
Ўзбекистон	30	37	41	37,9

Ҳозир дунё мамлакатларининг 120 тасида урбанизация даражаси ўртача дунё кўрсатқичидан юқори, 90 та мамлакатда шаҳар аҳолиси улуши қишлоқ аҳолисидан қўпчиликни ташкил этади.

Урбанизациянинг авж олиши, айниқса Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларида кузатилмоқда. Урбанизация туфайли йирик шаҳарлар сони ортиб бормоқда. 1900 йилда аҳолиси сони 100 мингдан ортиқ шаҳарлар 300 тага яқин бўлган, 1950 йилда – 950, 1980 йилда – 2370 тага етди. Ҳозир дунё аҳолисининг 1/4 қисми йирик шаҳарларда яшамоқда. «Миллионер шаҳарлар» сони ушбу йилларда 10 тадан 250 тага ортди (1950 й. – 81, 1960 й. – 120, 1980 й. – 209). Дунё аҳолисининг 15% га яқин қисми «миллионер шаҳарлар»да мужассамлашган.

Урбанизациянинг ўзига хос кўриниши шаҳар агломерациялари ва мегалополисларнинг ривожланишида намоён бўлмоқда. АҚШдаги Босваш (Бостон-Вашингтон), Чикпитс (Чикаго-Питтсбург), Сансан (Сан-Франциско – Сан-Диего) мегалополисларида яқин келажакда 150 млн.дан ортиқ аҳоли (АҚШ аҳолисининг 50%дан ортиги) яшаши тахмин қилинимоқда. Москва агломерацияси ўз марказидан 100 км радиусда 130 та аҳоли яшаш жойларини (шаҳарларни) бирлаштирган.

Агломерация жараёни ҳам ривожланаётган мамлакатлар учун характерли тус олмоқда. Лотин Америкасидаги: Буэнос-Айрес, Сан-Паулу, Рио-де-Жанейро, Мехико, Каракас, Богота, Сантьяго; Осиёдаги: Калькутта, Бомбей, Сингапур, Гонконг, Жакарта, Истамбул; Африкадаги: Қоҳира, Касабланка агломерациялари тез ўсмоқда. Айниқса, кейинги даврда аҳолиси сони 10 млн. дан ортган «баҳайбат (гигант) шаҳарлар» салмоғи анча ортди. Яқин келажакда Мехикода 31 млн., Сан-Паулуда – 26, Токиода – 24, Нью-Йорқда – 23, Калькуттада – 20, Бомбей, Қоҳира ва Жакартада 15 миллиондан аҳоли яшаши эътироф этилмоқда.

Шаҳарларнинг жойлашиши ҳам дунё бўйича бир текис эмас. Аҳолиси 5 млн.дан ортган дунёдаги 26 шаҳарнинг 5 таси (Мехико, Париж, Москва, Чикаго, Дехли) денгиз қирғозларидан анча узокда, қолган барча йирик шаҳарларнинг 40%и денгиз соҳилидан 50 км. гача бўлган ҳудудларда жойлашган.

Урбанизациянинг жадал ривожланиши Ер юзасида экологик вазиятнинг мураккаблашишига таъсир кўрсатмоқда. Урбанизация жараёни табиат компонентларининг барчасида кучли ўзгаришлар содир этиши аён. Шаҳарларда грунт, рельеф, тупроқ, гидрографик тармоқлар, ер ости сувлари, атмосфера ҳавоси, ўсимлик қоплами, ҳайвонот дунёси, ҳатто иқлим ўзгаради. Шаҳарларда нафақат ҳарорат, нисбий намлиқ, қуёш радиацияси балки, Ернинг иссиқлиқ, гравитация, электр ҳамда магнит майдонлари хусусияти ҳам сезиларли даражада ўзгаради. Ша-

ҳарларнинг катталашиши унинг атроф табиатига таъсир радиусини ҳам орттиради, натижада шаҳар ҳудуди билан бирга унинг атрофида экологик вазиятдаги мутаносиблик йўқолади.

Шаҳарлар атрофидаги табиий ҳудудий мажмуалар (ТХМ)га 3-30 км. масофада таъсир кўрсатади. Саноат корхоналарининг турли чиқиндилар (захарли газ, ифлос сув ва ҳ. к.) чиқариши оқибатида шаҳарлар атрофидаги экин далалари, ўтлоқ, яйлов, сув ҳавзалари ва ўрмонлар зарар кўрмоқда. Канадалик олимларнинг кузатишларича, мис-нишкл корхоналари чиқиндилари 3,5 км. радиусдаги ўсимлик ва ҳайвонларни бутунлай йўқилини, 13 км. даги дараҳтларга кучли шикаст етказиши, тупроқ унумдорлигини йўқотишини кўрсатди. Тоғ-металлургия корхоналари таъсири ҳам юқоридағидан кам эмас.

Кўпгина шаҳарларда ер ости сувларидан истеъмолга олиниши оқибатида шаҳар заминининг чўкиши рўй бермоқда. Тоқио ва Осакада замин йилига 18-20 см., Колифорнияда – 30-35 см., Мехиконинг айрим ҳудудларида 40 см. га пасаймоқда. Шаҳар заминининг чўкиши, инсоннинг бошқа фаолиятлари билан ҳам боғлиқдир. Масалан: Москва шаҳри остидаги сув қувурлари узунлиги, шаҳар кўчалари умумий узунлигидан икки марта кўп экан. Демак, бу шаҳарнинг турли ҳудудларида ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди.

Янги шаҳарларнинг барпо этилиши, эскиларининг кенгайиши, аввало ернинг қишлоқ хўжаликдан чегирилишига сабаб бўлади. МДҲ да собиқ шўролар даврида 1200 та янги шаҳарлар барпо этилган. Ҳозирда йилига 500 минг га ер (АҚШ да 1 млн. акр., 1 акр. тенг 0,4 га) шаҳарлар ҳудудига қўшилмоқда. Фақатгина МДҲ да 10 млн. га. дан ортиқ ерни шаҳарлар ҳудуди эгаллаган.

Москва шаҳар агломерацияси 2600 км^2 ни, Санкт-Петербург – 1300 км^2 , Париж – 1870, Лондон – 5400, Нью-Йорк агломерацияси эса 7272 км^2 майдонни банд қилган.

Шаҳар рельефининг текисланганлигидан гидрографик тармоқлардаги оқим қийинлашади. Пастқамликларда ортиқча сув тўпланишидан рельефда ўқон, сурималар вужудга келади. Имаратларнинг ертўлалари захлигидан турли касалликларни тарқатувчи микроорганизм ва ҳашаротлар учун маконга айланади.

Йирик шаҳарларда ҳавонинг ифлосланганлиги туфайли қўёш нурини 15% (қиша ультрабинафша нурларни 30%) кам олиши аниқланган. Бундан ташқари шаҳарларда ёғингарчилик ва булутли кунлар 10%, туманликни ёзда 30%, қишида 100% ортиқ бўлиши маълум. Масалан: Москва шаҳри қиш ойларида 24%

қүёш нурларини йўқотади. Санкт-Петербургда эса қүёш нур сочиб турувчи вақт теварак – атрофга нисбатан йилига 120-160 соатга камлиги аниқланган. Йирик шаҳарларда марказ ва чекка худудларда ҳарорат тафовути $4\text{--}5^{\circ}$ га етиши мумкин (Париж – $0,8^{\circ}$, Санкт-Петербург – 1° , Москва – $1,4^{\circ}$). Натижада, шаҳар марказида «иссиқлик ороли» вужудга келади, атмосфера циркуляцияси ҳолати ўзгарамади. Турли қурилмалар, иссиқлик манбаларининг кўплиги, ҳавонинг ифлослиги туфайли шаҳарларда ўзига хос «оғир микроиклим» шаклланган. Шаҳарлардаги баланд иморатлар ҳавонинг алмашинувини, айниқса, ёзда кечқурунлари шаҳарга салқин ҳаво киришини қийинлаштиради.

Саноат ва транспорт шаҳарлар атмосфераси таркибида хилма-хил, кучли заарали газ ва металлар миқдорининг ортишига сабаб бўлмоқда. АҚШ, Япония, Англия, Канада, Франция ва бошқа мамлакатлардаги йирик шаҳарлар ҳавосининг 1 m^3 да 1-2 дан 8-10 микрограммгача қўрошин бирикмаси борлиги аниқланди. Кадмий, симоб, мис, никел, рух, хром, ванадий – шаҳар ҳавосининг доимий бирикмаларига айланмоқда. Металлургия, баъзан нефть-кимё корхоналарига эга бўлган шаҳарлар ҳавоси таркибида одатда сульфат II оксид аралашмалари юқори даражада бўлади. Э. Ю. Безуглая (1980) шаҳар ҳавоси ифлосланиши борасида муҳим қонуниятни аниқлаган. Аҳолиси сони 250-500 минг киши бўлган шаҳарларда ҳавонинг сульфат II оксид билан ифлосланиш даражаси 100 минг кишилик шаҳарга нисбатан 60-80%, йирик шаҳарларда эса ушбу қўрсаткич 100% дан ҳам ортиши кузатилади. Шунингдек, Б. Б. Прохоров (1997) нинг ушбу соҳадаги тадқиқотлари ҳам амалий аҳамиятга лойиқdir (13-жадвал).

90-йиллар бошида МДХ да атмосферага йилига 200 минг т. дан ортиқ заарали моддалар чиқарувчи 70 дан ортиқ шаҳар қайд этилган (Норильск – 2368 минг т (1), Кривой Рог – 1328 минг т (2), Москва – 1113 минг т. (3), . . . Тошкент – 454 минг т (19), . . . Фарғона – 234 минг т. (53). . .). Бироқ, ҳозирга келиб айрим шаҳарларда (хусусан, Тошкент, Фарғона ва б.) ушбу қўрсаткич жуда сезиларли даражада камайган. Бироқ, шаҳар ҳавосининг нисбатан ифлосланганлиги, умуман урбанизация жараёни экологик вазиятга кучли таъсир этмоқда. Аҳоли ўртасида турли юқумли-оғир касалликларнинг келиб чиқиши ва тарқалиши, шаҳарларда ўлим қўрсаткичларининг юқорилиги бевосита урбанизациянинг экологик вазиятга салбий таъсири натижасидир.

Аҳолиси сони 1 млн. киши бўлган шаҳарларда йил давомида истеъмол қилинадиган ва чиқариладиган маҳсулотларнинг тахминий баланси.

Маҳсулотлар	Ўлч. бирл.	Микдори	Маҳсулотлар	Ўлч. бирл.	Микдори
К И Р И М			Ч И Қ И М		
A. Сув ва ҳаво			A. Атмосферага чиқарила-диган чиқиндилар		
Сув	млн. т	470			
Ҳаво	-"	50	Сув (сув буги ва аэрозол)	млн. т	11
			Карбонат ангдрит	-"	1,2
B. Бошқа моддалар			Сульфат ангдрит	минг т.	240
Жами;	-"	29			
Шу жумладан:			Углерод II оксида (ис гази)	-"	240
қурилиш хомашёси	-"	10	Чанг	-"	180
күмир	-"	1,6	Углеводородлар	-"	108
нефть хомашёси	-"	1,6	Чегараланган моддалар		
табий газ	-"	1,7	(феноллар, спирт, ишкор-лар, ёғ кислота)	-"	8
суюқ ёқилиги	-"	1,6	Водород сульфид	-"	5
кора металлургия	-"	3,5			
хомашёси			золлари билан	-"	5
рангли					
металлургия	-"	1,0			
хомашёси			Углерод сульфид	-"	1
тог-кимё хомашёси	-"	1,5			
техник ўсимлик	-"	1,0	Шта захарли моддалар	т.	юзлаб ва
хомашёси			(қўроғин, симоб, мишъяқ, кадлит, бенз(а)пирен		бир неча
энергетика-кимё	-"	0,21	1,0		минг т.
хомашёси					
озиқ-овқат	-"	1,0			
маҳсулотлари,					
чиқиндилари					
билаи бирга					
			Шу жумладан:		
			Муаллақ моддалар:	минг т	16
			Фосфатлар	- + -	24
			Азот	- + -	5
			нефть маҳсулотлари	- + -	2,5
			Синтетик	- + -	0,6
			Биологик фаол кимёвий		
			моддалар:		
			Фтор	- + -	0,4-1,0
			Мис	- + -	0,025
			Мишъяқ	- + -	0,025
			В. қаттиқ ва йигилган		
			чиқиндилар		
			Жами;	млн. т.	3,5
			Шу жумладан,	- + -	
			Электростанциялар ва	- + -	0,6
			иситиш қозонлари қурум ва		
			шлаклари		
			Саноат чиқиндилари	- + -	2,5
			Маший чиқиндилар	- + -	0,5

4.3. Урбанизация ва аҳоли саломатлиги

Инсон умрининг салмоқли қисми табиат қучогида бўлиши уни соғлом, бақувват ва баркамол ўсиши гаровидир. Кейинги вақтларда йирик шаҳарларнинг барпо бўлиши, аҳолининг физиологик ва ижтимоий ҳаётида қатор ноқулайликларни келтириб чиқармоқда, шу туфайли АҚШ, Фарбий Европа ва Осиёнинг қатор мамлакатларидаги йирик шаҳарларда (хусусан, Токиода) шахар аҳолиси сони тобора камайиб бормоқда. Бунга, йирик шаҳарларда атроф мухитнинг ифлосланганлиги, кишиларнинг табиатдан анча йироқлашиб кетганлиги, инсон умрининг кўп вақтини турли қурилмалар қўршовида ўтиши, ёруғлик (қуёш нури) ҳамда кислород танқислиги сабаб бўлмоқда.

Шаҳарларда атмосфера ҳавосининг ҳаддан ташқари ифлосланганлиги туфайли қуёш нурларининг қайтиши кўпаяди. Айниқса, улътрабинафша нурларининг етишмаслиги кишилар ҳаётига катта таъсир қўрсатади. Бу нурлар теридаги зарарли микроорганизмларни йўқотади, танада минерал моддалар алмашувини таъминлайди, организмни турли қасалликларга нисбатан бардошлилигини ортиради.

Тадқиқотлар улътра бинафша нурларни меъёрида олган болалар, уни етарлича олмаган болаларга нисбатан шамоллашга 10 марта кам чалинишини исботлайди. Шаҳар аҳолиси саломатлигига, айниқса, атмосфера ҳавоси ва унинг ҳолати кучли таъсир этади. Буюқ алломамиз Абу Али Ибн Сино: «Агар ҳавода чанг ва губор бўлмаса, инсон минг йил яшарди», дея ёзганида катта ҳикмат бор. Йирик шаҳарлардаги ўзига хос микроиқлим: ҳарорат ва намликнинг ўзариши кишилар организмida иссиқлик ҳамда модда алмашинувига таъсир этиб, нафас олиш, юрак фаолияти, қон айланиши ва тери ҳолатини белгилайди.

Саноатлашган мамлакатларда аҳолининг кўпчилигига қон айланиш жараёнининг бузилганлиги аниқланган бўлиб, 50% ўлим ҳам айнан ушбу қасаллик билан боғлиқлиги аён. Умуман қуёш нури, кислород етишмаслиги, ҳарорат ва намликнинг ўзгарганлиги инсоннинг меҳнат қобилияти пасайишига, кайфияти бузилишига, уйқусизликка сабаб бўлади. Йирик саноат шаҳарлари ҳавосида инсон учун зарарли бўлган аэрозол заррачалар миқдори 10-20 марта кўп бўлиб, қасаллик тарқатувчи бактериялар ҳам 5-10 марта ортиқ бўлиши аниқланган. АҚШ (Лос-Анжелос, Донора, Питтсбург...) ва Фарбий Европанинг йирик саноатлашган шаҳарларида (Лондон, Афина, Ницца, Милан...) ҳамда Мехико, Токио, Иокогамада заҳарли газ ва чанглар аралашмасидан вужудга келган аччиқ туманлик-смог (унинг таркибида

намнинг кўп – 70% бўлиши фотокимёвий смог, деб аталади) мунтазам кузатилади. Токионинг саноатлашган худудларидағи тиббий кўрикдан ўтказилган аҳолининг 35%и, Американинг Донора шаҳрида 65 ёшдан ошган аҳолининг 60%и смог туфайли ўпка қасаллигига чалингандиги аниқланган. Ана шундай смог туфайли 1952 йил декабрда Лондонда мудҳиши ҳодиса рўй берди. Смогдан заҳарланишдан 4 кечакундузда 4000 киши нобуд бўлди, ўн минг киши қасалликка чалинди. 1962 йилда яна ушбу ҳодисадан 1000 га яқин киши ҳалок бўлди.

Ифлос ҳаводан нафас олиш анча қийин бўлади, ўпкага ҳаво тўлиқ етиб бормайди, чанг-губорларни ўпкада йиғилиши нафақат ўпкани, балки тананинг бошқа аъзолари ва тўқималарини ишдан чиқаради. Астма, эмфизема, юқори нафас йўллари катари қасалликлари манбаи ҳам ифлос ҳаводир.

Урбанизациянинг инсон саломатлиги ёмонлашувига ўта таъсирли омилларидан бири шовқин-сурондир. Унинг асосий манбаи – транспорт (автомобиль, темир йўл, ҳаво транспорти) саноат ва маишӣ корхоналар ҳамда қурилиш техникасидир. Инсон умуман шовқинсиз муҳитда яшаши мумкин эмас. Аммо шовқин кучи ортиши киши саломатлигига салбий таъсир этади. Шовқин кучи децибел (дб)да ўлчанади. Унинг 0-50 дб бўлиши инсонга ёқимли овоз сифатида таъсир этади (дараҳт баргларининг шитирлаши, майин мусиқа овози), 60-90 дб шовқин ёқимсиз (бақириб гапириш, ёзув машинкалари хонасидағи товуш), 100-120 дб кучдаги шовқин зарарли (юқ машинаси, жаз мусиқаси), шовқин кучининг 130-200 дб бўлиши ҳавфли ҳисобланади (реактив самолёт, артиллериянинг тўп отиш вақтидаги товушлар). Шовқин кучининг рухсат этилган меъёри (РЭМ) 80 дб, энг юқори чегараси 110 дб. Ҳозирда шовқин кучи йирик шаҳарларда меъёрдан 10-20 дб га ортиб бораётганлиги кузатилмоқда. Йирик шаҳарлар аҳолисининг 60% дан ортиғи шовқиндан шикоят қиласидар. Германия аҳолиси ўртасида ўтказилган сўровлар натижасида аҳолининг 69%и транспорт, 21% қўни-қўшнилар ва болалар шовқинидан, 8%и иш жойларидаги, 2%и бошқа турдаги шовқин манбаларидан шикоятланиши маълум бўлди. Кишилар қадимдан шовкинга қарши курашиб келганлар. Юлий Цезаръ шаҳарларда кечқурун барча турдаги транспорт ҳаракатларини таъқиқлаган. Англия қироличаси Елизавета I шаҳарда кечқурун соат 22⁰⁰ дан сўнг турли жанжалларга барҳам беришни буорган. Қадимги Римликларда шаҳар ҳудудида товуш чиқарувчи ҳунармандчилик ишларини бажаришга рухсат этилмаган. Хатто, шаҳарда (Рим) хўроз боқиши қатъиян ман этилган. Ҳозирда Рио-де-Жанейро, Рим

ҳамда Қохира ва Яқин Шарқдаги йирик шаҳарлар энг сершовқин шаҳарлар ҳисобланади. Улардаги серқатнов кўчаларда шовқин кучи 110 дб дан ҳам ортади. Бундай кучли шовқин инсоннинг эшитиш қобилиятини бутунлай ишдан чиқаради, марказий асаб тизими фаолияти ўзгариши, қон босими кўтарилиши, модда алмашуви бузилиши, юрак фаолияти ёмонлашуви, нафас олишнинг қийинлашуви ҳам кучли шовқин таъсириданdir. Кучли шовқин хотира ва дикқатни сусайтиради, фикрлашни секинлаштиради, уйқусизликни келтириб чиқаради, кишиларни жаҳлдор бўлишга сабаб бўлади. Шовқин кучининг 130 дб дан ортиши инсон организмида кескин ўзгаришлар, 180 дб дан ортиши ўлим билан тугаши мумкин. Кучли шовқин меҳнат унумдорлигини 10-60% камайтиради. Сершовқин муҳитда фаолият кўрсатадиган кишиларда турли касалликларга чалиниш, одатдаги шароитда меҳнат қиласидиган кишиларга нисбатан 25% юқори бўлади. Мутахассис олимлар сершовқин шаҳарларда инсон умри бир неча йилга қисқаришини таъкидлайдилар.

Умуман тибиёт тадқиқотлари шаҳар аҳолиси ўргасида ўлим кўрсаткичлари анча юқори эканлигини кўрсатади. Аҳолиси 1 млн. ва ундан ортиқ бўлган шаҳарларда рак касаллигига чалингандар қишлоқ жойларга нисбатан 2 баробар ортиклиги, бронхид эса анча кенг тарқалганилиги маълум. Йирик шаҳарларда атмосфера ҳавосининг ифлосланганлиги, трансюорт харакатларининг жадаллиги, доимий шовқин, қўёш нурининг етишмаслиги, урбанизация ва саноат ривожланишининг назоратсизлиги турли касалликларнинг авж олиши учун қўпгина қулайликлар туғдиди, натижада экологик тушкунликка сабаб бўлади.

4. 4. Саноат шаҳарларида экологик вазиятларни яхшилаш

Энг қадимги шаҳарлар Вавилон, Дажла ва Фрот бўлиб, кейинроқ Нил дарёси соҳиларида янги шаҳарлар вужудга кела бошлигаран. Шаҳарларнинг пайдо бўлиш замини душмандан химояланиш, савдо ва маданиятнинг ривожланиши, бошқарувнинг марказлашуви билан чамбарчас боғлиқдир. Қадимги шаҳарлар манзараси атрофдаги ҳудудларнинг табиий ҳолатига яқин бўлган: рельеф, гидрографик тармоқлар унчалик ўзгартирилмаган, ҳаво тоза бўлиб, шаҳар ҳудуди бевосита атрофдаги ўтлоқ, ўрмон ва далаларга туташиб кетган.

Шаҳарларнинг тезкорликда ривожланиши, ўсиши асосан саноат инқиёби билан боғлиқдир. Қўплаб завод ва фабрикалар қурилиши, шаҳарлар зиммасидаги вазифаларнинг орта бо-

риши, аҳолисининг кўпайиши шаҳарларнинг катталашишига, улар қиёфасининг ўзгаришига олиб келди. Саноатнинг ривожланиши нафақат шаҳар худуди, балки унинг атрофидағи табиий ландшафтларда ҳам кучли ўзгаришлар содир эта бошлади. Шаҳарлар саноат, бошқарув, маданий, транспорт ва бошқа қатор вазифаларини ўзида мужассамлаштирган аҳоли яшайдиган жой бўлиши билан бирга, азалдан кишилар учун ўта қулай меҳнат ва дам олиш шароитларига эга бўлган, маиший эҳтиёжлари қондириладиган бир бутун тарихий-меъморий, ижтимоий-иқтисодий қурилма ҳамдир. Бироқ, ҳозирги йирик саноатлашган шаҳарларда атроф-муҳитнинг ифлосланганлиги, транспорт ҳаракатларининг жадаллиги, кучли шовқин-сурон ва бошқа қатор инсон саломатлигига таъсир этувчи омиллар кишиларни хориқишга, турли касалликларнинг авж олишига сабаб бўлмоқда. Шу боисдан, саноат шаҳарларида экологик вазиятларни барқарорлаштириш, улар жойлашувиning табиий-географик хусусиятлари ва иқтисодиёт йўналиши билан чамбарчас боғлиқдир.

Саноат шаҳарларида экологик вазиятнинг ёмонлашуви асосан саноат, маиший корхоналар ва транспорт зиммасига тўғри келади. Шаҳарларнинг лойиҳа тузилишлари мураккаб ва кўп омиллидир.

Шаҳарлардаги турар жой, саноат, транспорт, омборхоналар, дам олиш, даволаниш ва санитария ҳимоя минтақаларини тўғри жойлаштиришда географик омиллар (шамол ва оқим (дарё) йўналиши ва б.) қатъий эътиборда бўлиши шарт. Шаҳарлар қурилишидаги ушбу экологик ёндашув шаҳар худудида табиий компонентларнинг антропоген таъсирларга бардошлигини ортириди, табиатни ўзини-ӯзи тозалаш ва тиклаш қобилиятига ёрдам беради.

Шаҳарлар ҳавосининг ҳаддан ташқари ифлосланганлиги экологик вазиятта кучли таъсир этмоқда. Шаҳарлардаги саноат корхоналари ҳамда транспортдан чиқадиган заҳарли газлар миқдори тобора ортмоқда. Шаҳар ҳавоси мусаффолигини таъминлашда дараҳтзор-кўкаламзорларнинг аҳамияти бекиёсdir. Дараҳтзорлар шаҳарларга чирой бериш билан бирга, унинг «ўпкаси» ҳамдир. Мутахассислар шаҳар худудининг 50%и кўкаламзор бўлиши экологик нуқтаи назардан самарали бўлишини таъкидлайдилар. Айниқса, йирик баргли дараҳтларнинг хусусан, теракни кўп экилиши мақсадга мувофиқдир. Чунки, терак турли шароитларда ҳам яхши ўсади, кислородни кўп чиқаради, зарарли газларга бардошли, чангни кўп тутади, тез ўсади (йилига 2 м. гача), ҳаво ҳарорати ва шамол режимиға таъсир этиб ўзига хос микроклиматни вужудга келтиради.

Йирик шаҳрларда кўкаlamзор худудлар аҳоли жон бошига камида 30-50 кв. м. бўлгани маъкул. Тўрт тўп дарахт 1 кишига сутка давомида зарур кислородни ишлаб берса, 1 га. ўрмон йилига ўртача 18 млн. м³ ҳавони тозалайди. Ана шу 1 га. ўрмон иссиқ даврда ҳаво таркибидаги 220-280 кг. карбонат ангидридни ўзлаштиради, йилига 70 т чангни тутади, атмосферага 180-220 кг. кислород чиқаради. Дарахтзор ва кўкаlamзор ҳиёбонлар жазира-ма кунларда соя-салқин беради, тупроқда нам сақлайди. Шу туфайли шаҳар боғларида йўл ва ҳиёбонларга қараганда ҳарорат бироз салқин (2-4°), ҳаво намлиги эса юқори (13-14%). Ҳиёбонлардаги яшил ўтлоқларнинг ҳар бир квадрат метри соатига 200 г. сувни буғлатиб ҳавони салқин бўлишига ҳисса қўшади.

Бундан ташқари дарахтзор ва кўкаlamзордаги ям-яшиллик киши руҳиятини тинчлантиради, меҳнат фаолиятини тиклашга кетадиган вақтни 60% гача камайтиради. Кишилардаги чидамтоқатни 15%га кўпайтиради, фикрни бир жойга жамлашни орттиради. Шунга кўра, шаҳар, оромгоҳ боғлари турар-жойлардан 2-3 км., туман боғлари 1,5 км., болалар оромгоҳлари – 1 км., гулзор ва яшил ҳиёбонлар 400-500 м. дан узоқ бўлмагани маъкул. Яна шунингдек, шаҳарлар атрофида яшил ҳиёбонлар ёки ҳимоя минтақаларини сақлаш ва кенгайтириш муҳим аҳамиятта эга. Бу минтақалар щаҳар аҳолисининг дам олишини ташкил этиш, шаҳар микроклимини юмшатиш, ҳаво тозалигини таъминлашга ёрдам беради. Бу минтақалар кўлами шаҳарларнинг катта-кичиклиги, халқ хўжалигидаги мавқеи каби омилларга мос тарзда барпо этилмоғи даркор. Ушбу минтақаларда мавжуд турар жойларни кенгайтириш, янгилирини қуриш, саноат корхоналарини жойлаштириш мақсадга мувоғиқ эмас. Уларда фақат дам олиш ва соғломлаштириш масканлари, сайёҳатчилик ва овчилик муассасалари, ҳайвонот ва ботаника боғлари ташкил этиш мумкин, холос.

Кўпина шаҳарларда кўкаlamзорлаштиришга эътибор орта боришидан индустрисал марказлар шаҳар-боғларга айланди (Москва, Киев, Тбилиси, Бишкек, Тверь...), Тошкент шаҳри ҳам бунга ёрқин мисолдир.

Шаҳарлардаги шовқин кучини камайтиришда ҳам дарахтзорларнинг аҳамияти катта. Саноатлашган худудлар ва турар жойлар оралиғида, турар жойлар билан серқатнов йўллар ўртасидаги барпо этилган дарахтзорлар шовқинни 20%га, кенглиги 25 м. бўлган бута ва дарахтзор-ҳиёбонлар эса 10-12 дб. га камайтиради. Турар жойларни йўллардан 200 м узоқроқда қурилиши шовқин кучини камайтириши бир-бири билан узвий боғланган қуйидаги мажмуали тадбирларни амалга оширишни тақозо этади:

- йирик шаҳарларда ўткинчи (транзит) автомашиналар қатновига барҳам бериш, шаҳар марказида юқ машиналар ҳаракатини, транспортлар сигналини таъқиқлаш;
- шаҳар қурилиши ва меъморчилигига товуш ютувчи мослама ва материаллардан кенг фойдаланиш;
- турар жойлар яқинида аэропорт қурмаслик, уларни шаҳарлардан узокроққа күчириш, учиш йўлларини шаҳарлар устидан ўтказмаслик, аэропортларни қайта таъмирлаш;
- шовқинсиз транспортлар яратиш (мотор, фиддиракларни такомиллаштириш).

Йирик шаҳарларда метро ҳамда электротранспортдан кенг фойдаланиш, ер ости қурилмаларни кенгайтириш (Англия, Франция, Япония ва АҚШ да шаҳар инфраструктурасининг анча қисми ер остида фаолият кўрсатади) лозим.

Булардан ташқари сершовқин шаҳарларнинг шовқин хариталарини яратиш муҳим масаладир. Чунки, унда шовқин манбалари, тарқалиш чегаралари, кучи аниқ кўрсатилади. Янги турар жойлар, болалар муассасалари, даволаш ва дам олиш масканлари учун жой танлашда ушбу харита асос қилиб олиниши мақсадга мувофиқдир.

Хозирги даврда йирик шаҳарларда тўпланиб қолаётган турли саноат, майший-хўжалик чиқинцилари шаҳарлардаги экологик вазиятга сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Ҳар бир шаҳар ҳолиси жон бошига сутка мобайнида ўртача 1 кг. ахлат тўпланса, дунё бўйича бу микдорни қанчага етишини тасаввур этиш мумкин. Фақатгина, Тошкент шахрининг ўзида бир кеча-кундуз давомида 4,5 минг т.га яқин ахлат тўпламоқда. Шаҳарлардаги тўпланаидиган ахлатлардан иккиласми ресурс сифатида фойдаланиш, улардан турли зарур маҳсулотлар олиш шу куннинг долзарб муаммолардан бўлиб қолмоқда. Хозир дунёдаги айрим шаҳарларда (Тошкентда) ҳам чиқинди-ахлатни қайта ишловчи корхоналар барпо этилган. Бироқ, уларнинг иш қувватлари бугунги кун талабини қондира олмаяпти. Иккиласми ресурслардан кенг фойдаланишга ўтилиши, чиқитсиз технология жорий этилиши билан бу муаммони ижобий ҳал этиш мумкин.

Демак, саноат шаҳарларидағи экологик вазиятларни яхшилаш мажмуали тарзда: ташкилий-хўжалик, шаҳарсозлик, меъморий-ландшафтшунослик ва бошқа тадбирлар амалга оширилиши, янги саноат корхоналари қурилиши, аҳоли сонининг ўсишини мунтазам меъёрга солиб туриш билан ҳал қилиниши мумкин.

Қисқача хуросалар

Аҳоли сонининг орта бориши озиқ-овқат маҳсулотлари ва атроф-муҳит ҳолатида жиддий муаммоларни келтириб чиқаради.

Урбанизация — шаҳарлашиш жараёнининг ривожланиши экологик вазиятга кучли таъсир этмоқда. Аҳоли ўртасида турли қасалликларнинг тарқалиши, ўлим қўрсаткичларининг ортиб бораётганлиги урбанизациянинг оқибатидир.

Саноат шаҳарларида экологик вазият жуда мураккаб. Шу туфайли улардаги экологик вазиятни соғломлаштириш учун қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Аҳоли сони ўсишининг атроф-муҳит ҳолатига қандай салбий таъсири бор?
2. Озиқ-овқат муаммосини ҳал қилиш мумкинми?
3. Урбанизация таъсирида экологик вазиятда ўзгаришлар содир бўлади?
4. Йирик шаҳарлардаги қандай экологик муаммоларни биласиз?
5. Урбанизациянинг инсон саломатлигига таъсири нималарда акс этади?
6. Саноат шаҳарларида экологик вазиятни соғломлаштириш учун қандай тадбирлар амалга оширилиши лозим?

Асосий адабиётлар

1. Бекназаров Р. У., Новиков Ю. В. Охрана природы. – Т.: Ўқитувчи, 1995.
2. Бочкарева Г. Экологический «джинн» урбанизация. – М.: Мысль, 1998.
3. Лосев А. В., Провадкин Г. Г. Социальная экология. – М.: Владос, 1998.
4. Никитин Д. П., Новиков Ю. В. Окружающая среда и человек. – М.: Высш. шк., 1986.
5. Яницкий О. Н. Экология города. Зарубежные междисциплинарные концепции. М., 1984.

ЭКОЛОГИК СИЁСАТ ВА ЭКОЛОГИК ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ

Табиат билан жамият ўртасидаги муносабатларни оптималлаштириш туб маънода ҳар бир давлатнинг табиат муҳофазаси соҳасида туваётган экологик сиёсатига боғлиқ. Аслида экологик сиёсат иқтисодий ривожланиши белгилайди, ишлаб чиқариш жараёнида табиий ресурслардан қанчалик оқилона фойдаланилса, тайёр моддий маҳсулот миқдор жиҳатдан мўл-кўл, сифат жиҳатдан олий навли ёки даражалиги билан ажралиб туради. Табиий бойликлардан экстенсив усулда фойдаланиш, исрофгарчиликка йўл қўйиш, атроф-муҳит ифлосланиши билан яқиндан шуғулланмаслик худуд иқтисодиётини ҳам инқирозга юз тутишига олиб келади. Бинобарин, мамлакатнинг барқарор ривожланиши экологик-иқтисодий омилларнинг, бир-бирлари билан узвий боғлиқлиги асосида содир бўлар экан табиат-жамият муносабатлари тизимида бу борадаги барча мавжуд тўсиқлар бартараф этилиши лозим. Бошқача қилиб айтганда, табиат-жамият тизимида фақат мақсадга мувофиқ йўналишдаги ижобий тараққиёт барқарор ривожланиши керак. Бу ҳол аксарият экологик сиёсатнинг мазмуни ижтимоий-иқтисодий йўналтирилганлиги ва ижронинг қатъиятлилигига боғлиқ.

5.1. Экологик сиёсат ва унинг мазмуни

Табиат-жамият-шахс тизимида ишлаб чиқаришни бошқариш ягона экологик сиёсатсиз тегишли самара бермаслиги барчага аён. Собиқ Совет Иттифоқи даврида табиий ресурслардан экстенсив фойдаланилган бир вақтда табиат муҳофазасига оид кўплаб турли ҳужжатлар қабул қилинган. Лекин уларга амал қилиш фақат қоғозда мавжуд бўлган эди. Шунинг учун ҳам табиат ўзгариши, атроф-муҳит ифлосланиши, ресурслардан фойдаланиш коэффициентининг пастлиги ҳукм сурган. Бу ҳақиқий экологик сиёсат эмас эди.

Фан ва техника тараққиёти жадаллашган ҳозирги вақтда унинг экологик оқибатлари бутун биосфера миқёсида сезилаётганлиги ҳар бир давлатни мақсадга мувофиқ ҳолда экологик сиёсат юргизишга даъват этади. Чунки, атмосфера ҳавосига, дунё океанига чиқарилаётган турли чиқиндиilar оз-оздан кўпайиб боради. Даврнинг ўзи, мамлакатда табиат муҳофазаси

учун ҳар бир фуқаро фаол кураш олиб боришини тақозо этмоқда. Чунки бу фалокат ҳамма учун келади. Дарвоқе, фалокат ҳамма учун ягона, демак, ҳар бир фуқаро, жамият ўзаро келишган ҳолда табиат муҳофазаси учун фаол кураш олиб боришини даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Ҳар бир давлат ўз худудида энг аввало, мълум миқдорда атмосфера ва сув ҳавзаларига чиқарилаётган чиқиндиларни имкони борича минимал миқдорда бўлиши учун ҳар доим кураш олиб бориши лозим. Улар қўшни давлатларнинг ҳавоси, суви, тупроғининг ифлосланишига таъсир этмасин. Бундай экологик сиёсат, яхши ва тотув қўшничиликнинг мустаҳкамланишига хизмат қилади, қолаверса бутун бир биосферанинг соғлом бўлишини таъминлайди. Тўгри, мамлакат худудида таркиб топган саноат, автотранспорт чиқиндилари атмосфера ҳавосида сайёра миқёсидағи шамолларнинг умумий циркуляцияси жараёнлари таъсирида маълум йўналишда бошқа давлатларнинг худудига ўтиб кетади. Чунончи, Франция, Германия ва Англия худудларидан кўтарилиган азот ва олтингугурт оксидлари Скандинавия ярим оролидаги Норвегия, Швеция ва Финляндия устида тропосферада сув буғлари билан аралашиб шу жойларда «ишқорли» ёғин сифатида тушади. АҚШ нинг шимоли-шарқий худудларидан кўтарилиган ишқор хосил қўйувчи газлар Канада худудига ўтиб, «ишқорли» ёғин бўлиб тушади. Шунинг учун ҳам Канададаги 14 минг кўлда ҳаёт йўқ, Швециядаги 85 минг кўл ва 100 минг км масофадаги дарё ва дарё ирмоқларидағи сув ифлосланган.

Бундай фалокатли вазиятда чиқинди сифатида кўтарилаётган моддаларни ҳар бир давлат доирасида обдон тозаланишига эришиш борасида амалий ҳаракатлар қилиниши яхши самара беради. Акс ҳолда бир мамлакатдан кўтарилаётган чиқиндилар эвазига қўшни давлатлар зарар кўриши мумкин. Бундай қалтис эковазиятда зарар келтираётган мамлакатларнинг экологик сиёсати юз берәётган нохуш жараённинг олдини олувчи амалий тадбирларни қўллашга қаратилиши умуминсонийликдан, бир-бирларига яхши қўшничиликдан келиб чиқиши керак.

Экологик сиёсатнинг негизлари, тартиб-қоидалари, илмий асосланган концепциялари, тактика ва стратегияси олим ва мутахасислар, давлат ва жамоат ташкилотларининг йўл-йўриклири асосида ишлаб чиқлади. Улар маълум тартибга келтирилган тарзда давлатнинг қонун чиқарувчи муассасаси томонидан тасдиқланади. Ўзбекистонда экологик сиёсат давлат сиёсати даражасигача кўтарилиган. Республика Конституциясининг -47, 48, 50, 51 ва 55- моддаларида экологик қонунлар

аниқ ва равшан тарзда ифодаланган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган «Табиат муҳофазаси тұғрисида»ги қонун (9 декабр 1992 йил) ва Вазирлар Маҳкамаси қабул қылган қарорлар мамлакатнинг экологик сиёсатини хуқуқий қонунлар ва қарорлар асосида мустаҳкамлайди.

Ўзбекистонда экологик сиёсатни амалга оширишда унинг юқори органлари (Президент, Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси, Табиатни муҳофaza қилиш давлат қўмитаси) ва жойлардаги маҳаллий ҳокимиятлари фаол хизмат қиласди.

Экологик сиёсат мамлакат миқёсида табиатни муҳофаза қилиш, мажмуали мониторинг, давлат ва жамоатчилик экспертизаларини ўтказиш, эковазиятни назорат қилиш, таркиб топаётган номақбул ҳодиса ва жараёнларни олдини олиш, атроф-муҳит тозалигини барқарор сақлаб қолиш табиий муҳитнинг инсон учун қулай барча хусусиятларини табиий ҳолда бўлишига асосланади. Ушбу юмушлар билан шуғулланадиган барча муассасалар, илмий ташкилотлар, идоралар мажмуасини ташкил қилишга ундейди. Экологик сиёсатнинг мазмуни ва услубиётлари мамлакат ҳудудида мавжуд бўлган табиат муҳофазаси тизимиға кирувчи таянч муассаса ва ташкилотлар, бошқармаларга асосланади.

5. 2. Ўзбекистон Республикасининг экологик сиёсати, давлат дастури ва уни амалга ошириш босқичлари

Экологик сиёсат давлат миқёсидаги даражада амалга оширилса атроф-муҳитни яхшилашнинг белгиланган чора-тадбирлари самарали бўлади. Ўзбекистонда бу масалага мустақилликка эришилгандан кейин алоҳида эътибор берила бошланди. Президент И.Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» (1997) асарида экология муаммолари бошқа давлат аҳамиятига эга бўлган иқтисодий, ижтимоий, ташқи сиёсат таркибида атрофлича таҳлил қилиниб, амалга ошириладиган вазифалар аниқ-равшан белгилаб берилган. Асарда республикада яқин келажакда табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишининг тактика ва стратегияси асосланган.

Экологик сиёсат структураси (тузилмаси) анча мураккаб ва мазмунан бой. Бунда экологик жавобгарлик, оқилона макроиқтисодий ва тармоқ сиёсатини ўтказиш, атроф муҳит сифатининг андозалари ва вазифаларини аниқлаш, саноат ва транспортни табиий муҳитни ифлослантиргани учун тартибга солиш,

иқтисодий механизмни амалга ошириш, атроф мұхитни мұхофаза қилишда қонунчилікни ривожлантириш, табиатни мұхофаза қилиш ва табиатдан фойдаланишини бошқариш структурасини такомиллаштириш, мониторинг ва экспертиза вазифаларини янада такомиллаштириш, экологик саводхонлики ошириш ва таълим-тарбияни янада яхшилаш ҳамда самарадорлигини ошириш ва бошқаларни ҳисобға олиш мақсадға мувофиқ. Улардан бәзиларини таҳлил қиласыз.

Қишлоқ хұйжалигыда экологик мұаммоларни ҳал қилиш күп омилларға бағыт. Тармоқ сиёсати, айниқса, бозор иқтисодиетига үтиш даврида катта иқтисодий ва экологик самара беради. Бозор мұносабати билан үтказиладиган хусусийлаштириш тадбирлари қишлоқда инқилобий хусусиятта әга. Чунки давлат буюртмасини секин-аста йүқота бориш, дәхқонларни үзлари әкін турларини аниқлашлар, дотациядан қутулиш, савдони давлат тасарруфидан чиқариш каби тадбирлар ресурслардан түрги фойдаланиш сиёсатини амалга оширишга катта имконияттар беради. Бу сиёсат қуйидагиларни назарда тутади:

а) ерга бұлған әғалик мұносабатини тубдан үзгартириш. Бу мұаммони изжобий ҳал қилиш дәхқонларни сұформа ва лалми ерларға бұлған мұносабатини яхшилады, дәхқон үзиге ажратыб берилған ер майдонини маълум муддатта берилішидан манфаатдор. Чунки, у энді ерга үз мулкідек мұносабатда бұлиб, унинг маҳсулдорлигини муттасил ошириб боришга ҳаракат қиласы, турли табиий-антропоген жараёнлар таъсиридан сақлаш учун мунтазам курашады, унинг ҳар бир қаричидан максимал фойдаланишга интилады. Бозорда талаб ва таклифни үрганиб әнг харидоргир әкін маҳсулотларини сифатлы қилиб етишириш ҳаракатида бўлади;

б) ердан фойдаланишни ислоҳ қилиш натижасыда экологик масалаларни әзтиборга олиш бириңчи даражали амалий аҳамият касб этади. Дәхқон хұйжалиги, фермерлар, пайчилар, оила пудратчилари ернинг маҳсулдорлигини сақлаб қолыш ва уни янада яхшилаш мақсадыда мавжуд тупроқни мұхофаза қилувчи чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш ҳамда янги мұхандислик, үрмөн-мелиоратив ва агромелиоратив тадбирларни режалаштиришга интиладилар. Чунки, бозор рақобати дәхқонни үз участкасида, сифатлы маҳсулот етиштириш илинжида барча катта-кичик, оддий ва мұраккаб чораларни құллаш билан ҳар йили харидоргир хомаше ва тайёр маҳсулотларни бозорга чиқаради. Бу билан ишлаб чиқарищнинг асосий воситаси сұформа ердан оқылона фойдаланади. Бу жиҳатдан дәхқон ёки фермер хұйжалиги колхоз (совхоз) ишлаб чиқаришидан тубдан фарқ

қилиши аниқ сезилиб туради. Заҳматкаш халқимизда «Сен ерга боқсанг, ер сенга боқади» деган ажойиб нақл борки, у амалда неча асрлардан бери синалиб келинмоқда. Шу маънода ҳар бир қарич ердан оқилона фойдаланиш ва ернинг ҳосилдорлигини тобора кўтариб бориш тамойилида меҳнат қилиш, ерга сидқидилдан тўғри муносабатда бўлиш натижасидагина амалга оширилиши мумкин. Бу билан нафақат дехқон ҳўжалиги, шунингдек, табиат муҳофазаси борасида давлат ҳам манфаатдор. Чунки, ер муомаладан чиқиб кетмайди;

в) давлат суғорма ерларини узоқ муддатда оиласвий пудрат, фермер ҳўжалиги, пайчилик ҳўжаликлариға берилиши ердан фойдаланганлик учун тўланадиган солиқ механизмини тақомиллаштириш ва чуқурлаштириш, ер ва сувдан фойдаланишини яхшилаш имконини беради;

г) турли кўринишдаги тупроқ ва ҳар хил маҳсулдорликдағи суғорма ерларда етиширилган маҳсулотлар баҳосини аниқлаш ҳамда солиқ сиёсатининг оптималь бўлишига эришиш механизмлари яратилади.

Президент И.Каримов Олий Мажлиснинг XIV сессиясида «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» мавзууда қилган маърузасида ҳам табиат муҳофазасига оид янги вазифаларни белгилаб берди. Чунончи, 2005 йилга қадар қишлоқ аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш 85 % га, табиий газ билан таъминлаш 82% га етказилиши керак. Бундан, шундай хулоса чиқариш мумкинки, демак, қишлоқ аҳолисининг катта қисми тоза ичимлик суви билан таъминланса улар орасидаги турли касалликлар камаяди, табиий газ билан қишлоқлар таъминланиши ўсиб турган дараҳтларни ўтин қилиб ёқишининг олдини олади. Бинобарин, ўрмонзор майдонларнинг кенгайиши жадаллашади. Бу давлат миқёсидаги ҳақиқий экологик сиёсатdir.

Ўзбекистонда атроф-муҳитни муҳофaza қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Табиатни муҳофaza қилиш» қонуни белгилаб берди. Мазкур қонунга мувофиқ республикада табиатни муҳофaza қилишга тааллуқли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш Олий Мажлиснинг зиммасига юклатилган. Буларга табиатни муҳофaza қилиш соҳасидаги давлат экологик сиёсатини белгилаш, давлат табиатни муҳофaza қилиш дастурларини тасдиқлаш, шу соҳага оид республика қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, табиатни муҳофaza қилишга тааллуқли қонунлар ижросини назорат қилиш ва мувофиқлаштириб бориш ва бошқа вазифалар киради.

Табиатни муҳофаза қилиш ишларига умумий раҳбарлик Вазирлар Маҳкамасига юклатилган. Қонуннинг 8-моддасида «Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишининг давлат бошқарув тизими» қўйидагича белгиланган: «Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланишининг давлат бошқарувини Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва бошқа меъёрий хужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, давлат бошқаруви маҳаллий идоралари амалга оширадилар». Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Олий Мажлисга бўйсунади ҳамда ушбу соҳадаги давлат назоратини амалга оширади. Қўмитанинг ўз таркибий доирасида қабул қиласланган қарорлари давлат идоралари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар учун ҳам тегишлидир.

«Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунда ушбу соҳадаги аҳолининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, атроф-муҳит сифатини меъёрий хужжатлар билан тартибга солиш, экологик назорат, экологик ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик ва бошқа хусусиятлар белгилаб берилган. Қонунда атроф-муҳит мониторинги давлат экологик муҳит ҳолатини кузатиб бориш хизматига юклатилади.

Ўзбекистонда экологик сиёсат юқорида айтиб ўтилганидек бир қатор қабул қилинган қонунлар, «Ер тўғрисида»ги (20 июн 1990 й.), «Қазилма бойликлар тўғрисида»ги (22 сентябр 1994 й.), «Сув ва сувдан фойдаланиш» (6 май 1993 й.), «Ўсимлик оламини муҳофаза қилиш ва фойдаланиш» (26 декабр 1997 й.), «Ҳайвонот оламини муҳофаза қилиш ва фойдаланиш» (26 декабр 1997 й.), «Алоҳида муҳофаза қилинадиган худудлар тўғрисида»ги (7 май 1993 й.), «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш» (27 декабр 1996 й.), «Давлат кадастри тўғрисида»ги (30 август 2000 й.), «Экологик экспертиза тўғрисида»ги (15 декабр 2000 й.) қонунлар, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси қабул қиласланган кўплаб қарорлар асосида амалга оширилади.

Республикада экологик сиёсатни ҳаётга тадбиқ этиш ва вазиятни соғломлаштириш, атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш, таркиб топган табиатни муҳофаза қилиш муаммоларини босқичма-босқич ечиб бориш мақсадида давлат дастурлари ишлаб чиқилиб амалга тадбиқ қилинади. Бу борада республикада етарли тажриба тўпланган. Давлат дастурлари давлатлараро, давлат, худудий бўлиши мумкин.

Давлат экологик дастури илк бор 1986 йилда «Ўзбекистонда атроф муҳитни 1986-1990 йиллар ва 2000 йилга қадар муҳофаза қилиш мажмуали илмий-техник дастури» ишлаб чи-

қилди. Ушбу дастурда мұлжалланган тадбирлар тұлиғи билан амалға оширилмаган бұлсада, ҳар ҳолда амалий аҳамиятга эга бўлди. Дастурда белгиланган технологик ва техник тадбирларнинг бир қисмининг ҳаётга тадбиқ қилиниши, ижобий натижалар берди. 1986-1989 йилларда ифлосланган оқава сувларни ҳавзаларга ташлаш, атмосфера ҳавосига чиқарилаётган чиқиндиларнинг микдор жиҳатдан камайишига эришилди.

Юқоридаги дастур тузиш тажрибаси 1989 йилда республиканинг 1994-1995 йиллар ва истиқболда 2005 йилга қадар табиий мұхитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш Давлат дастурини ишлаб чиқишида асқотди. Мазкур дастур олдиндан анча экологиялашган, чунки, табиатни муҳофаза қилиш ва мұхитни сақлаш тадбирларида табиий мұхитнинг аниқланган сифатий меъёрлари ҳисобга олинган эди. Шунингдек, уларнинг экологик-иктисодий самарадорликлари назарда тутилган. Бу дастур доирасида узоқ муддатли стратегик вазифалар ва ишларнинг асосий ҳамда бош устувор йўналишлари, уларнинг бажарилиши республика табиий мұхитининг яхшиланиши учун зарурый шарт-шароит ҳисобланади. Ушбу дастур асосида 1991-1994 йиллар мобайнида мамлакатда табиатни муҳофаза қилиш ва атроф-мұхитни соғломлаштириш фаолиятлари амалға оширилди. Аммо ўша вақтлардаги сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар мазкур дастурни такомиллаштиришни талаб этар эди.

1994 йилдан бошлаб Фан ва Техника Давлат қўмитаси 15-илмий-техник дастури «Атроф мұхитни муҳофаза қилиш ва табиатдан оқилона фойдаланишининг илмий асосланган ёндошувлари ва муаммолари ечимини ишлаб чиқиши» доирасида бир неча йирик илмий ва илмий-лойиха ташкилотларининг (Фанлар Академияси институтлари, Ўзбекистон гидрометеорология институти, Қишлоқ хўжалиги академияси, Ўрта Осиё ирригация институти ва б.) 38 топшириқ ва мавзуларни бажарип амалға ошира бошланди. Бу республикада тұпланиб қолған турли экологик муаммоларни ижобий ҳал қилиш, турли табиат муҳофазаси тадбирларини илмий асослаш, атроф мұхитни соғломлаштириш каби масалаларнинг жойлардаги ечимини тезлатишга ёрдам берди.

1997-1999 йиллар мобайнида мамлакатнинг 2000-2005 йиллар ва узоқ истиқболда 2010 йилларгача мұлжалланган янги «Атроф мұхитни муҳофаза қилиш бўйича миллий ҳаракат рејаси» ишлаб чиқилди. Уни тайёrlаща етук мутахассислар, кўзга кўринган олимлар ва табиат муҳофазаси билан шуғулланувчи ташкилотлар ҳамда чет эллик эксперталар ўз ҳиссалари ни қўшдилар. Янги дастур табиат муҳофазаси бўйича кенг қам-

ровлилиги, дунё андозаларига жавоб бериши, аниқ маълумотлар билан ҳозирги мавжуд эковазиятни ҳаққоний баҳолагани, маълум йиллар мобайнида босқичма-босқич амалга ошириладиган ишлар кўлами атрофлича асослаб берилгани билан фарқланади. Унда асосий экологик муаммолар, устувор ҳаракатлар, табиатни муҳофаза қилиш соҳасида сиёсатни ишлаб чиқиш ва институционал рамкалар, ҳаракатдастури, иловалар, қўшимчалар, чизмалар, жадваллар, чизмалар берилган. Шубҳа йўқки, бу жамлама миллий ҳаракат режаси-дастури республикада табиатни муҳофаза қилиш борасида катта ишларни амалга оширишда ижобий роль ўйнайди.

5. 3. Экологик сиёсатнинг ижтимоий-иқтисодий йўналтирилганлиги

Мамлакат худудида ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш режалари тайёрланаётган жараёнда раҳбарлар, мутахассислар ва лойиҳаловчилар олдида бир қатор жиддий масалалар туради. Шулардан бири таклиф этилаётган корхона, инишоот, ёхуд бошқа техник лойиҳани қуриш ёки амалга оширишдан олдин у атроф муҳиттага салбий таъсир этмайдими? деган саволга жавоб беришга тўғри келади. Шунинг учун ҳам давлат ва жамоатчилик экспертизаларининг аҳамияти 80-йиллардан эътиборан тобора ошиб бормоқда. Атроф муҳитни ифлослантирувчи манбалар бўйича мунтазам экологик мониторинг амалга оширитмоқда.

Ишлаб чиқариш жараёнида амалга ошириладиган барча тадбирлар мавжуд экологик шароит ва вазият (мувозанат)га мос келиши, уни бузмаслиги ва ифлослантирмаслиги, у билан уйғунлашиб, табиатнинг ажралмас бир қисмига айланиши мақсадга мувофиқ. Акс ҳолда табиий муҳит бузилиб, инсоннинг яшапи ва ҳаёт кечириши учун хавфли бўлиб боради. Одатда табиий муҳитни ифлослантирувчи ингредиент (модда)ларнинг таъсир кучини ёки самарасининг бошланиши кўрсаткичи инсон организмига нисбатан олинади. Буни рухсат этилган меъёр (РЭМ) ёки рухсат этилган концентрация (РЭК), деб аталади. Бу кўрсаткичдан РЭМ (РЭК) ни ортиб бориши инсонга салбий таъсир эта бошлайди, яъни унинг организмидаги турли касалликлар пайдо бўлади. РЭМ ни аниқлашда, шунингдек, инсон организмидан ташқари чорва моллари ва ёввойи ҳайвонлар, ўсимликлар, микроорганизмлар ҳамда табиий комплексларга ҳам таъсири ҳисобга олинади.

Ҳозиргача ҳаводаги зарарли газлар, буғлар, аэрозолларнинг 445 таси ва аҳоли пунктларининг ҳавосида мавжуд бўлиши мумкин бўлган 109 та моддаларнинг РЭМи аниқланган. (14-жадвал).

Бу меъёрлар инсон организми учун заарли эмас, лекин бу кўрсат-
кичларнинг ортиб бориши хавфнинг ўсишига таъсир этади.

Демак, экологик меъёрлар ишлаб чиқарилишининг инсон
ҳаётига асосланиши табиат муҳофазаси соҳасида сиёсатнинг иж-
тимоий-иқтисодий йўналтирилганлигидан дарақ беради. Табиий
муҳитдаги ҳар бир ўзгариш, компонентлар сифатининг бузилиши
ва бошқа миқдорий ҳамда сифатий ўзгаришлар инсон организми-
нинг меъёрий заарланишига нисбатан олинади. Бу мезон бошқа
тирик мавжудот (ўсимлик, ҳайвонот дунёси) ва умуман ланд-
шафт миқёсида қаралади. Инсон табиий муҳитда марказий ўрин-
ни эгаллаган ҳолда унинг барча меъёрий кўрсаткичлари бошқа
табиий компонентларга нисбатан андоза сифатида қаралади. Бун-
дай экологик сиёсат аслида бутун борлиққа нисбатан ижтимоий-
иқтисодий йўналтирилганлигидан хабар беради.

Бозор муносабатларига ўтила борган сари инсон эколо-
гик хуқуқининг мазмуни ва шакли ҳам ўзгариб боради Аҳоли-
нинг мусаффо ҳаво ва тоза сув, яшаш шароитларининг қулай-
лиги (комфорт даражаси)ни таъминлаш маҳаллий ҳокимият
ва давлат раҳбариятининг асосий вазифаларидан бирига айла-
нади. Аҳолининг турмуш тарзи таркибида экологик шароит
биринчи даражали аҳамият касб эта бошлайди. Республика
Президентининг дастлабки фармонларидан бири 1990 йил 28
июлда қабул қилинган бўлиб, у «Ўзбекистон Республикаси
қишлоқ аҳолисини ичимлик суви ва табиий газ билан таъмин-
лашни яхшилаш тўғрисида», деб аталади. Кейин 1996 йил 21
майда Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йилгача бўлган даврда
Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ижтимоий инфратузилмаси-
ни ривожлантириш дастури тўғрисида» қарори чиқди. Бу дав-
лат аҳамиятига эга бўлган хужжатларда қишлоқ аҳолисининг
турмуш тарзини тубдан яхшилаш билан бирга ичимлик суви ва
табиий газга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондиришга хизмат
қиласди. Аҳолини тоза ичимлик сувга бўлган талабини янада
тўлароқ қондириш масаласи Олий Мажлиснинг 1-чақириқ XIV
сессиясида (14 апрел 1999 й.) кенг муҳокама қилинди. И. Ка-
римовнинг «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» деган мавзууди-
даги маъruzасида 1999-2005 йилларда аҳолини тоза ичимлик
суви ва табиий газ билан таъминлаш даражаси яна ортиши
белгиланган. Буларнинг ҳаммаси экологик сиёсатнинг ёрқин
намунаси, инсоннинг экологик хуқуқини хурматлаш, унинг ҳаёт
кечириш тарзини яхшилаш, шу билан бирга қишлоқ аҳолисини
табиий газ билан таъминланиш оқибатида дараҳт ва буталар-
нинг қирқилиши ҳам қисқариб боради. Бундан фақат табиат
ва жамият манфаатдор бўлади.

Атмосфера ҳавосида мавжуд бўлган айрим моддаларнинг руҳсат этилган концентрацияси (РЭК)

Моддалар	РЭК, хар мг да м ⁻³	
	Бир марта энг күни	Ургача суткалик
Азот күни оксиди	0,085	0,085
Азот циңкори	0,4	0,4
Аммиак	0,2	0,2
Ацетон	0,35	0,35
Бензол	1,5	0,8
Гексахлорциклогексан	0,03	0,03
Капиролактам (буллар, аэрозол)	0,06	0,06
Карбофос	0,2	0,2
Метафос	0,008	-
Мишъяк	-	0,003
Симоб металли	0,15	0,05
Күроғин	-	0,0007
Олтингурут күни оксиди	0,008	0,008
Олтингурут водороди	0,03	0,005
Углерод оксиди	3	1
Фенол	0,01	0,01
Формальдегид	0,035	0,012
Фторидлар	0,02	0,005
Хлор	0,1	0,03
Хлорофос	0,04	0,02

5.4. Экологик-иқтисодий барқарор ривожланиш

Иқтисодиёт табиий муҳит деградацияга берилган, ресурслар қашшоқлашган, аҳоли саломатлигига путур етказилган, атроф-муҳит ифлосланган ва экологик вазият бузилган, табиий мувозанат жиддийлашаётган тарзда бўлса, тараққиёт бўлмайди. Ҳудуд (мамлакат, ўлка) табиий ресурслари экологик жиҳатдан тоза, деградация ва қашшоқлашишга берилмаган, аҳоли, ишчи ва хизматчилар саломатлиги қаноатланарли, атроф-муҳит мусаффо бўлган тақдирда иқтисодиётни ривожлантириш учун қулай имкониятлар вужудга келади. Бинобарин, иқтисодиёт билан экологик шароит орасида жуда ҳам яқинлик мавжуд бўлиб, улар бир-бирини тақозо этади.

Иқтисодиёт тараққиёти кўп жиҳатдан минерал ресурсларга боғлиқ. Маълумки, улар тикланмайдиган тоифага мансуб бўлганликлари сабабли ишлаб чиқариш муомаласига жалб қилинган сари уларнинг миқдори камайиб боради. Экологик-иқтисодий барқарор ривожланиш тамойилига мувофиқ ҳозирда мавжуд бўлган минерал ресурсларнинг маълум қисми кела-

жак авлодларга етказилиши лозим. Шу жиҳатдан қараганда ҳозирдаёқ ушбу минерал бойликларнинг ўрнини эгаллайдиган мүқобил варианти ресурсларни топиб, фойдаланишини бошлаш айни муддао. Электр энергия ишлаб чиқаришда кўпроқ сув, шамол, қуёш нуридан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Узбекистонда шамол қучли эсадиган худудлар (Бекобод, Кўқон, Ховос ва б.) бисёр. Қуёш нури республика худудида деярли йил бўйи сочилиб туради. Бу борада Паркентда электр энергия ишлаб чиқардиган катта маҳсус қурилма фаолият кўрсатиб турибди. Бундай ва ундан кўпроқ электр энергия ишлаб чиқардиган корхоналар бунёд этиш учун барча имкониятлар мавжуд, фақат қатъият ва ҳаракат зарур.

Тоғлардаги серсув дарё ва йирик сойлар гидроэнергия манбаидир. Уларга мос келадиган ГЭСларни қуриш билан арzon электр энергия ишлаб чиқариш имкониятлари етарли.

Иккиламчи ресурслардан фойдаланиш миёсими кескин кўтариш вақти келди. Республикада кўплаб қора ва рангли металлалом йиғиши имконияти бор (фақат Орол денгизининг қуриши муносабати билан унинг туб қирқоғи яқинида кўплаб турли катталикдаги кемалар, баржалар қолиб кетди, ҳозир улар коррозияга учрамоқда). Қоғоз чиқиндилар, пластмасса, резина, шиша идишлари ва бошқа тоифадаги иккиламчи ресурсларни ҳар йили кўплаб йиғиши мумкин ва улардан сифатли маҳсулот тайёрлаш имкони бор. Булар анча микдорда хомашён тежайди ва атроф-муҳитни ортиқча ифлосланишдай сақлайди.

Юқоридагилардан шундай хулоса чиқариш мумкин; барқарор иқтисодий ривожланишини амалга ошириш учун аввало қулай экологик вазият ва мувозанатни мустаҳкамлаш, ишлаб чиқаришни экологиялаштириш ҳамда табиат муҳофазасини мунтазам амалга ошириб бориш, ресурслардан омилкорлик билан фойдаланишини барча соҳаларда йўлга қўшиш, иқтисодий самараага эришиш устувор вазифа бўлиб қолиши ва у амалда бажарилиши лозим.

Узбекистонда табиат ва унинг ресурсларидан фойдаланишнинг географик асосларини ишлаб чиқиши борасида талай ишлар қилинган, уларнинг аксарияти амалиётта йўналтирилган.

Қисқача хуросалар

Экология масаласи Ўзбекистон Республикасида давлат сиёсати даражасига кўтарилиган. Бу соҳага оид кўплаб қонун ва қарорлар ишлаб чиқилмоқда, давлат дастури қабул қилинган.

Экологик сиёсат ижтимоий-иқтисодий йўналтирилган бўлиб экологик концепцияни қайта қуриш борасида ҳам амалий ишлар бошлаб юборилган.

Барқарор ривожланишга эришиш экологик ва иқтисодий жиҳатдан тараққиёт негизида амалга оширилиганда самарали бўлади. Барқарор ривожланишга эришиш қатор тадбирларни амалга оширилишини тақозо этади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Ҳозирда изчил экологик сиёсат юритилининг аҳамияти нимада?

2. Ўзбекистонда экологияга оид қандай қонунлар қабул қилинган?

3. Республика Давлат экологик дастурининг мазмунимоҳияти биласизми?

4. Экологик сиёсат амалда қандай натижалар бермоқда?

5. Экологик меъёрлар нима?

6. Экологик концепцияни қуришнинг зарурати нимада, деб биласиз?

7. Иқтисодий-экологик барқарор ривожланишни қандай тушунасиз?

8. Барқарор ривожланишга эришиш учун қандай тадбирлар амалга оширилиши лозим?

Асосий адабиётлар

1. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.: Ўзбекистон, 1998.

2. Агапов Н. Н., Шевчук А. В. Экономика природопользования и охраны окружающей среды. – М.: Классика плюс, 1999.

3. Никанаров А. М., Хоружая Т. А. Экология. – М.: Приор, 1999.
4. Рафиқов А. А. Геоэкологик муаммолар. – Т.: Ўқитувчи, 1997.

5. Қурбонниёзов ба б. Иқтисодий экология асослари. Урганч, 1999.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсафасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997.
3. Каримов.И.А. Ўзбекистон XXI асрга иштилмоқда. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
4. Акимова Т. А., Хаскин В. В. Экология. – М.: ЮНИТИ, 1998.
5. Агапов Н. Н., Шевчук А. В. Экономика природопользования и охраны окружающей среды. – М.: Классика плюс, 1999.
6. Алимов Т. А., Рафиқов А. А. Экологик хатолик сабоқлари. – Т.: Ўзбекистон, 1991.
7. Банников А. Г. и др. Основы экологии и охрана окружающей среды. – М.: Колос, 1999.
8. Бекназов Р. У., Новиков Ю. В. Охрана природы. – Т.: Ўқитувчи, 1995.
9. Гиусов Э. В. и др. Экология и экономика природопользования. – М.: ЮНИТИ, 1998.
10. Демина Т. А. Экология, природопользование, охрана окружающей среды. – М.: Аспект Пресс, 1996.
11. Кормильцин В. И. и др. Основы экологии. – М.: Интерсталь, 1997.
12. Лосев А. В., Провадкин Г. Г. Социальная экология. – М.: Владос, 1998.
13. 13.Лукъяников Н. Н., Потравний И. М. Экономика и организация природопользования. – М.: Тройка, 2000.
14. Макар С. В. Основы экономики природопользования. – М.: ИМПЭ, 1998.
15. Нестеров П. М., Нестеров А. П. Экономика природопользования и рынок. – М.: ЮНИТИ, 1997.
16. Нигматов А. Н. Экология ҳуқуқи: чизмалар ва тушунчаларда. – Т.: Йиғтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1999.
17. Никаноров А. М., Хоружая Т. А. Экология. – М.: Приор, 1999.
18. Природопользование (Под ред. Э.А.Арустамова. 2-изд.) М.: Дашков и К°, 2000.
19. Протасов В. Ф., Молчанов А. В. Экология, здоровье и природопользование в России. – М.: Финансы и статистика, 1995.
20. Рафиқов А. А. Геоэкологик муаммолар. – Т.: Ўқитувчи, 1997.
21. Реймерс.Н.Ф. Экология: Теория законы, правила, принципы и гипотезы. -М. 1994.
22. Свакин В. В. Экология и охрана природы. Словарь - правочник. – М. Academia 2000.
23. 23.Тўхтаев А. С. Экология. – Т.: Ўқитувчи, 1998.
24. Шилов И. А. Экология. – М.: Высшая школа», 1998.
25. Шодиметов Ю. Ижтимоий экологияга кириш. – Т.: Ўқитувчи, 1994.
26. Экономика и экология (под. ред. Н. Н. Агапова). – М.: Российская экономическая академия, 2000.
27. Фуломов П. Жўғрофия атамалари ва тушунчалари изоҳли лугати. Т.: Ўқитувчи, 1994.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	5
I боб. ЭКОЛОГИЯНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ, ТАБИАТ БИЛАН ЖАМИЯТ ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАР.....	6
1.1. Экология фанининг предмети, тадқиқот объекти ва вазифалари... 1.2. Биосфера ва экологик омиллар.....	6
1.3. Экология ва иқтисодиёт: ўзаро боғлиқлик ва таъсир..... 1.4. Табиат билан жамият ўртасидаги ўзаро муносабатлар, унинг кес- кинлашув сабаблари ва оқибатлари.....	9
Кисқача хуросалар.....	17
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	24
Асосий адабиётлар	24
II боб. ГЕОЭКОЛОГИК МУАММОЛАРНИНГ ШАҚЛЛАНИШИ, УЛАР- НИНГ ОҚИБАТЛАРИ ВА ЕЧИМИ.....	25
2.1. Сайёравий геоэкологик муаммолар, уларнинг оқибатлари ва олдини олиш тадбирлари	25
2.2. Худудий геоэкологик муаммоларнинг вужудга келиши ва уларнинг ечими.....	32
2.3. Махаллий геоэкологик муаммоларнинг таркиб топиши ва ечимла- ри.....	36
Кисқача хуббасалар.....	39
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	39
Асосий адабиётлар	39
III боб. ЎЗБЕКИСТОНДА ТАРКИБ ТОПГАН ЭКОЛОГИК ВАЗИЯТ ВА ЭКОЛОГИК ҲАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ АСОСЛАРИ.....	40
3.1. Атмосфера ҳавосининг ифлосланиши ва унинг олдини олиш..... 3.1.1. Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбалар..... 3.1.2. Ўзбекистонда атмосфера ҳавоси ифлосланишининг хозирги аҳволи... 3.1.3. Атмосфера ҳавоси ифлосланишининг ижтимоий-иқтисодий оқибат- лари.....	40
3.1.4. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тадбирлари мажмуаси...	47
3.2. Сув ресурсларидан фойдаланиш ва уни тубдан яхшилаш..... 3.2.1. Марказий Осиё сув ресурслари ва улардан фойдаланиш..... 3.2.2. Сувдан фойдаланиш жараёнида вужудга келган экологик ва иж- тимоий-иқтисодий муаммолар.....	49
3.2.3. Ўзбекистонда сувдан фойдаланиш муаммосини ҳал қилиш йўллари.....	51
3.3. Ер ресурсларидан фойдаланиш ва уни такомиллантириш..... 3.3.1. Ўзбекистоннинг ер ресурслари ва улардан фойдаланиш..... 3.3.2. Суғориладиган ва лалмикор ерлардан фойдаланиш жараёнида вужудга келган муаммолар	59
3.3.3. Суғориладиган ва лалмикор ерларнинг маҳсулдорлигини янада яхшилаш чоралари.....	61
3.4. Биологик ресурслардан оқилона фойдаланиш..... 3.4.1. Ўзбекистоннинг биологик ресурслари ва улардан фойдаланиш...	66
3.4.2. Биологик ресурслардан фойдаланиш жараёнида вужудга келган муаммолар.....	70

3.4.3. Биологик ресурслардан фойдаланиши яхшилаш тадбирлари....	74
3.5. Фойдали қазилмалардан фойдаланиши оптималлаштириш.....	78
3.5.1. Ўзбекистон худудидаги фойдали қазилмалар ва улардан фойдаланиши.....	79
3.5.2. Фойдали қазилмаларнинг истроф бўлини.....	81
3.5.3. Фойдали қазилмалардан мажмуали фойдаланиши.....	83
3.5.4. Минерал ресурсларни қазиб олини жараёнида уларнинг атроф-муҳитга таъсири	84
3.5.5. Бузилган ерларда рекультивация тадбирлари	85
3.6. Рекреация ресурсларидан фойдаланиш ва уни такомиллаштириш.....	87
3.6.1. Ўзбекистонинг рекреация имкониятлари ва улардан фойдаланиш...	88
3.6.2. Ўзбекистонда рекреацияни ривожлантиришнинг экологик-иқтисодий асослари	89
3.7. Иккиламчи ресурслардан фойдаланиши тубдан яхшилаш.....	91
3.7.1. Иккиламчи ресурслардан фойдаланишининг экологик асослари...	91
3.7.2. Иккиламчи ресурслардан фойдаланишининг иқтисодий асослари...	95
3.8. Ўзбекистондаги экологик вазиятлар ва экологик хавфсизликни таъминлаш	97
3.8.1. Экологик аҳвол ва экологик вазият тўғрисида тушунча.....	97
3.8.2. Экологик вазиятлар ва уларнинг географик жойлашуви.....	99
3.8.3. Экологик вазиятларнинг ривожланиши йўналишлари	101
3.8.4. Ўзбекистонда экологик хавфсизликни таъминлаш	102
3.8.5. Экологик хавфнинг манбалари ва оқибатлари	104
Қисқача хуросалар.....	107
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	107
Асосий адабиётлар	108
IV боб. ЭКОЛОГИЯНИНГ ИЖТИМОЙИ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАЛАРИ...	109
4.1. Аҳоли сонининг ўсиши: озиқ-овқат маҳсулотлари	109
муаммоси ва атроф муҳит.....	109
4.2. Урбанизация ва унинг экологик вазиятга таъсири.....	115
4.3. Урбанизация ва аҳоли саломатлиги.....	120
4.4. Саноат шаҳарларида экологик вазиятларни яхшилаш.....	122
Қисқача хуросалар.....	126
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	126
Асосий адабиётлар	126
V боб. ЭКОЛОГИК СИЁСАТ ВА ЭКОЛОГИК ИҚТИСОДИЙ БАРҚА-РОР РИВОЖЛANIШ.....	127
5.1. Экологик сиёсат ва унинг мазмуни.....	127
5.2. Ўзбекистон Республикасининг экологик сиёсати, давлат дастури ва уни амалга ошириш босқичлари.....	129
5.3. Экологик сиёсатнинг ижтимоий-иқтисодий йўналтирилганлиги...	134
5.4. Экологик-иқтисодий барқарор ривожланиш.....	136
Қисқача хуросалар.....	138
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	138
Асосий адабиётлар	138
АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	139

CONTENTS

Introduction.....	5
PART-I. THEORETICAL BASES OF ECOLOGY, THE RELATIONSHIP BETWEEN NATURE AND SOCIETY.....	6
1.1. The subject, research objects and tasks of ecology.....	6
1.2. Biosphere and ecological factors.....	9
1.3. Ecology and economy : interrelation and effects	12
1.4. The relationship between nature and society, its intensification	17
Brief conclusions.....	24
Questions for discussion and control.....	24
Main literature.....	24
PART-II. THE APPEARANCE OF GEO-ECOLOGICAL PROBLEMS, THEIR RESULTS, AND SOLUTIONS.....	25
2.1. World geo-ecological problems ,their influence, methods for their prevention.....	25
2.2. The appearance of regional geo-ecological problems and their solutions.....	32
2.3. The appearance of local geo-ecological problems and their solutions.....	36
Short conclusions.....	39
Questions for discussion and control.....	39
Main literature.....	39
PART-III. ECOLOGICAL CONDITION IN UZBEKISTAN AND THE FUNDAMENTS FOR PREVENTION OF ECOLOGICAL THREAT.....	40
3.1.The atmosphere pollution and means for its prevention.....	40
3.1.1. The sources of atmosphere pollution.....	40
3.1.2.Nowadays situation of atmosphere pollution in Uzbekistan	41
3.1.3.Social-economical consequences of atmosphere pollution.....	45
3.1.4.The measures against atmosphere pollution	47
3.2. Water utilization and means to improve it.....	49
3.2.1. Water resources of Central Asia and their utilization	50
3.2.2.Ecologic and social-economic problems of water utilization.....	51
3.2.3. Measures for effective water utilization in Uzbekistan.....	57
3.3.Land resources utilization and means for their improvement.....	59
3.3.1. Land resources in Uzbekistan and their utilization.....	59
3.3.2.The problems arising from utilization of irrigated soil and non irrigated soil.....	61
3.3.3.Increase the fertility of irrigated-soil and non-irrigated-soil.....	66
3.4.The accurate utilization of biologic resources.....	69
3.4.1.Biologic resources in Uzbekistan and their utilization.....	70
3.4.2.Problems of biologic resources utilization.....	74
3.4.3.Measures for improvement of biologic resources utilization	74
3.5. Optimization of utilization from mineral resources.....	78
3.5.1. Mineral resources in the Republic of Uzbekistan and their utilization.....	79

3.5.2.The waste of mineral resources.....	81
3.5.3. Accurate utilization of mineral resources.....	83
3.5.4. The effects of mineral resources extraction on the nature.....	84
3.5.5. Recultivation of land.....	85
3.6. Utilization of recreation resources and their improvement.....	87
3.6.1. Possibilities for recreation in Uzbekistan and their usage.....	88
3.6.2. Ecological-economic basis for the development of recreation in Uzbekistan.....	89
3.7. Improvement of utilization of secondary resources.....	91
3.7.1. Ecologic trends of secondary resources utilization.....	91
3.8. Ecologic situation in Uzbekistan and the prevention of ecological threat.....	97
3.8.1. Ecology and information on ecological condition.....	97
3.8.2. Ecological situation and its geographic location.....	99
3.8.3. Development trends of ecological conditions.....	101
3.8.4. Prevention of ecological security in Uzbekistan.....	102
3.8.5. The sources of ecological threat and their consequences.....	104
Brief conclusions.....	107
Questions for discussion and control.....	107
Main literature.....	108
PART-IV. SOCIAL - ECONOMICAL ASPECTS OF ECOLOGY	109
4.1. Population increase: food production and nature.....	109
4.2. Urbanization and its effects on ecology.....	115
4.3. Urbanization and population's health.....	120
4.4. Improvement of ecological situation in industrialized cities.....	122
Brief conclusions.....	126
Questions for discussion and control.....	126
Main literature.....	126
PART-V. ECOLOGIC POLICIES AND ECONOMIC-ECOLOGICAL STABLE DEVELOPMENT.....	127
5.1. Ecologic politics in the policies and their essence.....	127
5.2. Ecologic policies in the Republic of Uzbekistan, governmental system , their steady realization.....	129
5.3. The social-economic directions of ecologic politics	134
5.4. Ecological-economic development	136
Brief conclusions.....	138
Questions for discussion and control.....	138
Main literature.....	138
LIST OF BIBLIOGRAPHY.....	139

Асомиддин РАФИҚОВ, Кулмамат АБИРҚУЛОВ
Алишер ҲОЖИМАТОВ

Э К О Л О Г И Я

(Ўқув қўлланма)

Нашр учун маъсул:

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси

Адабиёт жамғармаси директори

Қурбонмурод Жумаев

Мусаввир:

Акбарали Мамасолиев.

Муҳаррир – Д.Икромова

Техник муҳаррир – Ш.Тожиев

Мусаххис – Ж.Йўлдошев

Компьютерда саҳифаловчи – М. Фойимназаров

Интернетдаги расмий сайтимиз: www.tsue.uz

Электрон почта манзили: info@tsue.uz

Теришга берилди 04.11.2003 й. Босишга рухсат этилди 20.01.2004 й.
Қоғоз формати 60x84 $\frac{1}{32}$. Офсет босма усулида босилди. Нашр босма
тобоги 9. Нусхаси 1500.

Буюртма № 182

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт Жамғармаси нашриёти. 700000,
Тошкент, Ж.-Неру, 1.

«Тагаққиот ИСН» матбаа бўлимида чоп этилди.
Тошкент шаҳри, Талабалар кўчаси, 54-й.

Асомиддин РАФИҚОВ, Қулмамат АБИРҚУЛОВ
Алишер ҲОЖИМАТОВ

Э К О Л О Г И Я

(Ўқув қўлланма)

Нашр учун маъсул:

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси

Адабиёт жамғармаси директори

Қурбонмурод Жумаев

Мусаввир:

Акбарали Мамасолиев.

Муҳаррир – Д.Икромова

Техник муҳаррир – Ш.Тожиев

Мусаҳҳис – Ж.Йўлдошев

Компьютерда саҳифаловчи – М. Гойимназаров

Интернетдаги расмий сайтимиз: www.tsue.uz

Электрон почта манзили: info@tsue.uz

Теришга берилди 04.11.2003 й. Босишга рухсат этилди 20.01.2004 й.

Қоғоз формати 60x84 $\frac{1}{32}$. Офсет босма усулида босилди. Нашр босма тобоби 9. Нусхаси 1500.

Буюртма № 182

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт Жамғармаси нашриёти. 700000,
Тошкент, Ж.-Неру, 1.

«Тагаққиёт ПСН» матбаа бўлумида чоп этилди.

Тошкент шаҳри, Талабалар кўчаси, 54-й.

РАФИҚОВ Асом Алимович — география фанлари доктори, профессор. Унинг қаламига мансуб 270 тадан ортиқ илмий ишларнинг 30 дан ортиғи ҳорижда эълон қилинган, шулардан 7 таси монография, 10 таси илмий рисола ва 3 таси ўқув-қўлланма. Унинг илмий раҳбарлигидаги 7 киши фан номзоди даражасига эришиби ва 5 нафар тадқиқотчи ўз диссертацияларини якунладилар.

Илмий ишларининг асосий йўналиши — табиий географик ва экологик муаммолар, чўлашиш муаммолари, меморатив география, геоэкология масалалари, экологик ва табиат муҳофазаси хариталарини яратишга бағишиланган эди.

АБИРҚУЛОВ Кулмамат Нуржалилович — «Минтақа иқтисодиёти ва экологияси» кафедраси мудири, иқтисод фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида Хизмат кўрсатган фан арбоби, 2 та монография, 6 та рисола, 2 та дарслик, 4 та ўқув қўлланма, 100 дан ортиқ илмий мақолалар муаллифи.

Илмий ишларининг асосий мавзуси — агросаноат мажмуаси тармоқларининг ривожланиши ва жойлашиши, иқтисодий-экологик муаммолар.



ХОЖИМАТОВ Алишер Ниематович — «Минтақа иқтисодиёти ва экологияси» кафедраси доценти, иқтисод фанлари номзоди. У б 6 та ўқув қўлланма, 2 та услубий қўлланма, б 6 та ўқув дастури ва 40 тадан ортиқ илмий, илмий-услубий мақолалар муаллифи.

Илмий ишларининг асосий мавзуси — Ўзбекистон вода ландшафтларини географик ва экологик жиҳатдан урганиш, улар ҳолатини баҳолаш ва башоратлаши муаммолари.

